Результаты и анализы. Таким образом, каракалпакское декоративно-прикладное искусство находит свое яркое выражение в хозяйственной жизни. Поэтому нами был собран и проанализирован материал ремесленной деятельности народа, так как объектом данного исследования является народное декоративное искусство. Если декоративное искусство связано с художественным оформление предметов, то ремесло и его виды сосредотачивают в себе элементы каракалпакского орнамента. Этот орнамент с одной стороны отражает освоенный каракалпаками материальный и природный мир, с другой его оригинальность возникает при взаимодействии культур с соседними народами. Поэтому орнамент каракалпаков имеет много общего с орнаментом туркмен, хорезмских узбеков и казахов.

Особенно богата орнаментацией и декорацией каракалпакская юрта. Юрта – будучи жильём кочевников и полукочевых народов является не только удобным переносным жилищем, но центром эстетического и сакрального мира кочевника, выражающегося его философию и предпочтение. Как деревянный остов и его части, так и ткань, которой покрывается и обматывается юрта, представляет собой комбинацию всех известных для каракалпаков узоров. Хотя сегодня мало людей, даже ремесленники не обладают тем механизмом и знанием, которые были доступны старшему поколению, так как фабричные изделия давно вытеснили использование всех орнаментов прошлого на узорной части юрты. Узоры и ковры воплощает в себе великое множество орнаментов, которое были найдены учеными и анализированы искусствоведами. Эти узоры в составе юрты сегодня хранятся музеях. Таким образом, каракалпаки украшают орнаментацией свое жилье как внешний фасад, так и внутренний, особенно интересны предметы домашнего убранства и ковры, которыми застилали пол внутри юрты.

**Заключение.** Следует отметить и значение других видов ремесла как кузнечество, резьба по дереву, ковроткачество, ткачество, войлочное производство, производство кожи и меха, ювелирное и т.д. Однако мы не смогли охватить все виды ремесленного производства, так как они требуют специального исследования и тем более многие виды ремесла до наших дней не сохранились, либо сохранилось не полностью. Каракалпакский орнамент по сей день остается актуальным вопросом для изучения специалистами разных дисциплин. Таким, образом, мы вкратце представали основные виды и формы орнаментов, хотя каждый из них представляет собой большой семантический мир, который является ценностью для всех поколений.

#### Список литературы:

1. Алламуратов А. «Архивные материалы Центральной Азии» Т. IV. Самарканд: «Мицай», 2019
2. Алламуратов А. Гүмис тақыя // Арал қыздары. Нөкис, 1993. № 4. С. 19-20.; Алламуратов А. Мәңги мийрас. Нөкис, 1993
3. Алламуратов А. Из истории искусств Каракалпакстана (на каракалпакском языке). Нукус, 1968.



4. Алламуратов А. Каракалпакское женское нагрудное украшение хайкел / Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. Нукус, 1989. С. 77-87
5. Алламуратов А. Көк көйлек // Амударья. Нукус, 1969. № 5.
6. Алламуратов А. Художественные особенности каракалпакской народной вышивки. Рукопись. Архив автора. 1969
7. Алламуратов А., Доспанов О., Тилеўмуратов Г. Қарақалпақстан көркем-өнер атамаларының сөзлиги. Нөкис, 1991
8. Дудин С.М. Ковровые изделия Средней Азии. Сб. МАЭ. Ленинград. 1928.
9. Есбергенов Х. Одежда. Ювелирные украшения // Этнография каракалпаков. Материалы и исследования. Ташкент, 1980
10. Жданко Т.А. Народное орнаментальное искусство каракалпаков. ТХАЭЭ. Т. III. Москва, 1958
11. Жданко Т.А., Камалов С.К. Этнография каракалпаков XIX нач. XX в. (материалы и исследования) Ташкент: «Фан», 1980
12. Кармышева Б.Х. Жилище узбеков племени карлук южных районов Таджикистана и Узбекистана // Известия отделения общественных наук АН Таджикской ССР. Вып. 10–11. Душанбе, 1956
13. Морозова А.С. Культура домашнего быта каракалпаков начала XX – в. АКД. Ташкент. 1954
14. Өтемисов А. Қарақалпақлардың өнер қәсиптери. Нөкис: «Қарақалпақстан», 1991
15. Тлеубергенова Н. Традиционное жилище каракалпаков XIX-начала XX вв.//дисс. на соис. степени к.и.н. Нукус. 1996
16. Ханыков Л.В. Поездка из Орска в Хиву и обратно в 1740-1741 гг. Гладышевым и Муравином. Спб., 1851
17. Харузин Н.Н. История развития жилища у кочевых и полукочевых и тюркских и монгольских народностей России. М., 1896.



## БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ ХУДУДЛАРИДАГИ ВИЛОЯТЛАР

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.003>

Рахматов Хайрулло Бозорович,

Мирзо Улугбек номидаги Миллий университетнинг Жиззах филиали  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада Бухоро амирлигининг шимолий-шарқий худудларидағи вилоятларининг амирликдаги ахамияти хақида сўз боради. Вилоятлар орасида Нурота вилояти XIX аср охирилари – XX аср бошлирида Бухоро амирлигининг энг шимолий ҳудуди саналиб, бу вилоят ҳам бир неча амлокликларга бўлинган. Амирликнинг шимоли-шарқий вилоятлари – Кармина, Хатирчи ва Нурота ўнлаб амлокликларни ўз ичига олган бўлиб, ҳар бир амлоклик бир неча ўнлаб аҳоли масканларини қамраб олган. Мақолада айнан шу тарихий жараёнларнинг назарий ахамияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Бухоро амирлиги, амлоклар, беклилкар, Ком-и Миз (Конимех), Кармина (Кармана), Нурота, Хатирчи, Янги-қўргон, Хоним, Ҷўли ва Туркистон, Қасаба, Ҳарқон, Қўргон, Давр-қўргон.

## PROVINCES IN THE NORTHEASTERN REGIONS OF BUKHARA EMIRATE

Rakhmatov Khayrullo Bozorovich,

teacher of the «Social Sciences» department of the Jizzakh branch of  
the National University named after Mirzo Ulug’bek

*Abstract. The article talks about the importance of the regions in the north-eastern regions of Bukhara Emirate in the Emirate. Among the regions, Nurota region was the northernmost region of the Bukhara Emirate in the late 19th and early 20th centuries, and this region was also divided into several estates. The north-eastern regions of the emirate - Karmina, Khatirchi and Nurota - include dozens of estates, and each estate covers several dozen settlements. The theoretical significance of these historical processes is revealed in the article.*

**Key words:** Bukhara Emirate, estates, beklikar, Kom-i Mig’ (Konimekh), Karmina (Karmana), Nurota, Khatirchi, New-Kurgan, Khanim, Desert and Turkestan, Kasaba, Harkan, Kurgan, Dav-Kurgan.

## ПРОВИНЦИИ В СЕВЕРО-ВОСТОЧНЫХ РАЙОНАХ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА

Рахматов Хайрулло Бозорович,

преподаватель Джиззакского филиала Национального  
университета имени Мирзо Улугбека

**Аннотация.** В статье говорится о значении районов северо-восточных районов Бухарского эмирата в эмирете. Среди районов



*Нуротинский район был самым северным районом Бухарского эмирата в конце 19 - начале 20 веков, и этот район также был разделен на несколько вотчин. Северо-восточные районы эмирата — Кармина, Хатырчи и Нурота — включают в себя десятки имений, и каждое имение охватывает несколько десятков населенных пунктов. В статье раскрывается теоретическое значение этих исторических процессов.*

**Ключевые слова:** Бухарский эмирят, поместья, беклилкар, Ком-и Миг (Конимех), Кармина (Кармана), Нурота, Хатырчи, Новокурган, Ханым, Пустыня и Туркестан, Қасаба, Ҳаркан, Курган, Дав-Курган.

**Кириш.** XIX аср охирлари – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг шимоли-шарқий ҳудудларида амирликка қарашиб Ком-и Миг (Конимех), Кармина (Кармана), Нурота ва Хатирчи вилоятлари жойлашган бўлиб, улардан биринчиси – Ком-и Миг Бухоро туманларидан бири ҳисобланган, қолганлари эса “вилоят” деб юритилиб, ушбу вилоятлар барчаси “бек” деб аталадиган ҳокимлар томонидан бошқарилган ва улар бир неча амлокликларни ўз ичига олган. Шу билан бирга, Ком-и Миг туманининг бошқарувчисига ҳам Бухоронинг бошқа туманларидан фарқли ҳолда “бек” деб мурожаат қилинган. Айрим пайтларда Ком-и Миг Кармина вилоятининг амлокликларидан бири саналиб, амирликка тегишли ҳужжатларда унинг муайян бир амлоклик бўлганига доир маълумотларга дуч келамиз[1,238-246].

Ушбу вилоятлар орасида Нурота вилояти XIX аср охирлари – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг энг шимолий ҳудуди саналиб, бу вилоят ҳам бир неча амлокликларга бўлинган. Амирликнинг шимоли-шарқий вилоятлари – Кармина, Хатирчи ва Нурота ўнлаб амлокликларни ўз ичига олган бўлиб, ҳар бир амлоклик бир неча ўнлаб аҳоли масканларини қамраб олган. Амирликнинг бошқа вилоятларида бўлганидек, бу ерда ҳам амлоклик таркибидағи аҳоли масканлари кўпинча “қишлоқ” деб аталган. Шу билан бирга, амирликнинг бир қатор вилоятларидан фарқли ҳолда Кармина вилоятидаги амлокликлар таркибида бир неча қишлоқларни ўзи ичига олувчи “мавзе” деб аталадиган маъмурий бирликлар ҳам мавжуд бўлган. Ҳусусан, Кармина вилоятида Янги-қўргон, Хоним, Чўли ва Туркистон, Қасаба, Ҳарқон, Ком-и Миг, Кўргон, Давр-қўргон каби амлокликлар ичida деярли ҳар бири алоҳида мавзеларга эга бўлган. Масалан, Кармина вилоятида энг кўп аҳоли масканини ўз ичига олган Янги-қўргон амлоклигига Ҳазора, Жалойир, Керайит, Армижон, Жуй-и Навкар, Араб-хона, Урозобод, Дулдул, Дурмон, Давр-қўргон ва ҳоказо мавзелар бўлиб, улар бир неча қишлоқлардан иборат бўлган. Шунга ўхшаб, Хоним амлоклигига Чуйут, Ҳоса Кўргон, Боло-и Хоним каби мавзелар ўрин олган. Нурота ва Хатирчи вилоятларида эса бундай ҳолат кўзга ташланмайди. Ҳар иккаласи ҳам бир неча амлокликтан ташкил топган бўлиб, ҳар бир амлоклиқда бир неча ўнлаб қишлоқлар мавжуд бўлган. Жумладан, Нурота вилоятида Оваз-сой, Ахчоб, Гужум-сарой, Давр-қўргон, Жўш, Кўшработ (Кўшработ-и Қинкат), Чуя каби амлокликлар жойлашган

бўлса, Хатирчи вилоятида Олтун-сой, Қараман, Боло-и Наҳри Тос, Дам-и Гипон, Кўк-сарой, Мир-дашт, Поён-и Наҳри Тос, Шоҳ-обод каби амлокликлар ўрин олган[4,260-270].

Кармина вилоятидаги аҳоли масканларининг сезиларли бир қисмини уруг номлари – этнотопонимлар ташкил этиб, улар орасида Арғун, Араб, Баҳрин, Дурмон, Жалойир, Йабу (Ёбу), Келачи, Месит, Минг, Можор, Олчин, Сарой, Тама, Тели-минг, Туркман, Қатағон, Қиёт, Қирғиз, Қорақалпок, Қурама, Кўнғурот, Чуйут (Чуют), Уч-уруг каби асосан ўзбек, қисман қозоқ уруғлари номи билан аталган аҳоли масканлари алоҳида ажралиб туради. Жумладан, Арғун, Олчин, Тама уруғлари кўпроқ қозоқлар билан боғлиқ бўлса, Баҳрин, Бурқут, Дурмон, Йабу, Келачи, Месит, Минг, Можор, Сарой, Туркман, Қатағон, Қиёт, Қурама, Кўнғурот, Чуйут номли қишлоқлар кўпинча ўзбек аҳоли масканлари сифатида билинган[4,238-245].

Аҳамиятлиси, Бухоро амирлигининг шимоли-шарқий ҳудудларида кўчманчи ўзбек уруғлари билан боғлиқ аҳоли масканлари номлари нисбатан кўпчиликни ташкил этиб, Ўрта Осиёда, хусусан, Амударё – Сирдарё оралиғи ҳудудларида нисбатан қадимий уруғлар саналадиган “карлук”, “турк”, “барлос” анча камчиликни ташкил этиб, Кармина, Нурота ва Хатирчидаги амлокларда улар билан боғлиқ қишлоқлар 1-2 тадан ошмаган. Шайбонийлар билан минтақага кўчиб келган кўчманчи ўзбеклар орасида “бурқут” уруғи вакиллари ушбу вилоятларда анча кўпчилик бўлган. Ҳолбуки, амирликнинг бошқа вилоятларида Бурқут номли аҳоли масканлари деярли учрамасдан, кўпроқ Бухоро воҳасидаги туманлар, Кармина, Нурота ва Хатирчи вилоятларида кўплаб учраши дикқатга сазовордир. Махаллий аҳоли орасида қуидагича иборалар сақланган: “аввал бурқут, кейин манғит”; “қозоқда мозор йўқ, бурқутсиз Нур (Нурота) йўқ”. Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилган 1924 йилги аҳоли рўйхатларда Нуротада 600, Карманада 2390, Бухоро воҳасида 1140, Самарқандда 400 киши ўзини бурқут уруғига мансуб экани қайд этилган[6,27].

Қизиғи шундаки, Туркман этнотопонимига эга қишлоқлар аҳолиси қўшни Бухоро воҳасидан фарқли ҳолда Кармина вилоятида кўпроқ ўзбек тилида сўзлашувчи ва ўзларини “ўзбек-туркман” деб атайдиган аҳолидан иборат бўлган. Бундай ҳолат Нурота ва Хатирчи вилоятлардаги Туркман номли қишлоқлар аҳолиси учун ҳам хос бўлган. Кармина вилоятининг бир неча амлокликларида Араб, Араб-хона номли қишлоқ номлари учраб, улар вилоятнинг ўзларини “араб” деб билувчи аҳолиси билан боғлиқ қишлоқлар бўлган.

Кармина вилояти аҳоли масканларининг ўзига хос жиҳатларидан бири – бу амлокликлар таркибидағи мавзеларнинг бир нечаси муайян бир уруғ номи билан аталса-да, бундай мавзега қарашли қишлоқлар аҳолисининг ўша уруғнинг бирор тармоғи (тўпи) бўлмай, бир-биридан фарқли номларга эга аҳоли масканларидан иборат бўлганлигидир. Ҳусусан, Жалойир мавзесига қарашли қишлоқлар Муслим-хўжа, Тоқча-работ, Урганжи ва ҳоказо деб аталиб, уларни муайян бир

этнонимлар билан боғлаб бўлмайди. Демак, Кармина вилоятидаги амлокликлар ичидаги мавзелар ташкил этилар экан, этник хусусиятга қараб эмас, аҳоли масканларининг географик жойлашувидан, яъни бир неча қишлоқларнинг жойлашув хусусиятларидан (ўзаро қўшничилик, бирор ариқдан биргаликда фойдаланиш, иқтисодий марказ вазифасини бажарувчи аҳоли масканни ва ҳ.к.) келиб чиқиб, муайян мавзелар ташкил этилган. Дурман, Олчин, Сарой ва ҳоказо деб номланган мавзелардаги аҳоли масканлари учун ҳам шундай дейиш мумкин.

Кармина вилоятидаги аҳоли масканлари орасида ҳудуд билан боғлиқ жой номлари ҳам мавжуд бўлган. Улар орасида Урганжи номли қишлоқларнинг бир катор амлокликлар таркибида учраши диққатни тортади. Аслида ушбу номдаги қишлоқлар Бухоро амирлигининг марказий ҳудудлари – туманларида бўлгани каби Кармина, Нурота ва Хатирчи вилоятларида ҳам учратиш мумкин бўлган[7,224]. Бирок ушбу учала вилоят орасида шу ном билан аталган аҳоли масканлари энг кўп Кармина вилоятида ўрин олиб, Янги-қўрғон, Қасаба ва Ҳарқон амлокликларида бир неча қишлоқ номи мисолида кўриш мумкин бўлган. Кармина ва унга қўшни вилоятларнинг аллақачон маҳаллий аҳолисига айланиб кетган бўлса-да, Урганжи номли қишлоқлар аҳолиси ўзига хос урф-одатлари, шеваси билан бошқа маҳаллий аҳолидан, хусусан, дашти қипчоқлик ўзбеклардан бирмунча ажralиб турган. Келиб чиқиши асли хоразмликларга тақалувчи “урганжи” номли аҳоли гурухининг бу ҳудудларга айнан қайси даврларда келиб жойлашганлиги аниқ эмас.

Шунга бирмунча ўхшашиб ҳудудий аҳоли гурухлари билан боғлиқ жой номлари Қаршилик топоними мисолида ҳам кўзга ташланади. Кармина вилоятининг Янги-қўрғон амлоклигидаги Ҳазора мавзесида Қаршилик номли қишлоқ номи учраши бунининг исботидир.

Кармина вилоятидаги аҳоли масканлари аҳолисининг катта бир қисмини ўзбеклар ва ўзбек тилли аҳоли (мас. араб) ташкил этиши билан бирга, вилоят аҳолисининг сезиларли бир қисми тоҷиклардан иборат бўлган. Вилоятдаги жой номлари орасида тоҷикча негиздаги топонимларнинг анча-мунча учраши ҳам буни тасдиқлайди: Чаҳорбоғ, Гўзар, Ҳазора, Ком-и Миф, Дегрез ва ҳ.к. Амирлик ҳужжатларида Кармина вилояти билан боғлиқ учрайдиган форс-тоҷикча жой номлари билан бир каторда суғдийча асосли топонимларнинг ҳам қайд этилиши ушбу вилоят аҳолисининг муайян қисми қадимдан шарқий эроний тилли аҳоли бўлганидан дарак беради. Жумладан, вилоятдаги йирик аҳоли масканларидан бири – амлоклик номи Ҳарқон. Шунга ўхшашиб вилоятдаги қадимий жой номларидан бири бўлмиш Ижанд (Чўли ва Туркистон амлоклиги Чўли мавзесидаги қишлоқ) атамаси ҳам кўринишидан сугдийчага ўхшайди. Бундай топонимлар қаторига Арбижон, Буғ мавзеларини, Погдин, Қавала, Ҳашман каби қишлоқ номларини киритиш мумкин [6,238-245] (қар. 1-илова).

Кармина вилоятидаги амлокликларнинг деярли барчасида ижтимоий-диний тоифа – “хўжа”лар билан боғлиқ аҳоли масканлари пайдо бўлган. Хўжа-ҳайрон, Хўжа-Хисрав, Муслим-хўжа ва ҳоказо

каби. Шунингдек, кўплаб аҳоли масканлари масжид, хонақо каби диний иншоатлар билан боғлиқ ҳолда юзага келган: Янги масжид, Юқори масжид, Об-хўр масжид, Араб масжид ва ҳ.к.

Кармина вилоятида Эрони, Афғон каби қишлоқлар ҳам мавжуд бўлиб, бундай жой номларини амирликнинг деярли барча вилоятларида учратиш мумкин бўлган. Бухоро амирлигининг Шимолий Афғонистон ва Хурросон (Шимоли-Шарқий Эрон) билан фаол сиёсий-ҳарбий ва иқтисодий-маданий алоқалари туфайли амирлик ҳудуди ушбу мамлакатлар аҳолисининг фаоллашгани қузатилиб, уларнинг амирлик ҳудудига кўчиши ва улар билан боғлиқ жой номларининг шаклланиши қузатилган.

Бугунги кунда асосан Навоий вилоятининг Кармана ва Навбаҳор туманларига тўғри келувчи ушбу қишлоқ номларидан фақат бир қисмигина сақланиб қолган. Булар қуидагича:

Карманатумани: Варқ, Каловот, Арғун, Талқоқ (Тал-и қоқ), Янгиариқ, Катта мачит, Янгиобод, Уйрот Хончорбоғ, Айрончи, Дўрман (Дурмон), Гулобод, Дархон, Гурда, Кўйи буғ, Тошработ, Ўрта-қўргон, Бозоржойи.

Навбаҳор тумани: Қўргон, Күшқочти, Гараён, Бешработ, Янгиобод Отчопар, Арабхона, Ҳашман, Вомитан, Армижон, Дул-дул, Довуд қўргони, Қатағон, Навкар, Қалқонота, Дукчи мачит, Олчин, Ижанд ва ҳ.к.

Бухоро амирлигининг шимоли-шарқий вилояти бўлмиш Нуротадаги аҳоли масканлари ҳам амирлик ҳужжатларида қайд этилган (кар. 2-илова). Аввало шуни айтиб ўтиш керак, Нурота вилоятининг асосий қисмини ташкил этувчи Нурота воҳаси асосан Оқтоғ ва Қоратоғ тоғлари оралиғида жойлашиб, унинг бир қисми бугунги Самарқанд вилоятига қарашли Қўшрабод туманини, шимолий қисми – Фориш тумани эса Жиззах вилоятига қарашлидир. Шу билан бирга, Нурота воҳасининг катта бир қисми, яъни воҳанинг жанубий, гарбий ва шимоли-гарбий қисмлари бугунги кунда Навоий вилоятининг Нурота туманига тўғри келади.

Мавзуга оид адабиётлар. 1870- йилларда Бухоро амирлигининг бир неча ҳудудларида бўлган рус тадқиқотчиси А.П. Хорошхин Нурота тоғларининг шимолий қисмлари ҳақида қуидагича ёзга[8,70]: “Нуротанинг тоғлик дараларида кўплаб қишлоқ ва қишловлар бор. Ўзбеклар илк баҳордан то кеч кузгача ўз сурувлари билан яловларда қолишади. Боғдан волости (Жиззах уезди)нинг Кўқбулоқ қишлоғидан бўлган чўпоннинг бизга ҳикоя қилиб беришича, ем-хашак етишмаслиги сабабли 25 мартаноқ аҳоли ўз сурувларини тоғ ён-бағридаги яловларга олиб чиқишади. Нурек қишлоғи аҳолиси эса ўзбек қабила-уруғларининг қора-манғит гурухига мансуб бўлиб, ўтрок ҳаёт кечириб, дехқончилик, чорвачилик билан шуғулланадилар. Улар томонидан етиштирилган ғалла ва жун Жиззахдаги бозорларда сотилади. Нурекликлар ўзларининг келиб чиқишини Туркистон билан боғлаб, у ердан кўчиб келганликларини айтишади ... Янги-қишлоқ ва Боғдонгача бўлган ўйл Осмон-сой, Илончи-сой, Нулба-сой каби тоғ сойларидан ўтади.

Янги-қишлоқда Бухоро амирининг уруғдошлари бўлмиш манғитлар яшайди. Бу ердан шимолга кўз ташланса Туз-кон (ҳоз. Айдар-кўл) ни кўриш мумкин. Учма қишлоғида найманлар яшайдилар. Болабон, Сассик, Сафар-ота, Қамиш ва Саримсоқли қишлоқларида найманлар, олти-бек уруги вакиллари, ўзбек-туркманлар истиқомат қилишади. Саримсоқлида олти-бек уруғидан ташқари аҳолининг ярмини Сафар-ота хўжалари этник гурухига тегишли аҳоли ташкил этади. Фориш, Асраф, Синжоб қишлоқлари аҳолиси тожик тилида сўзлашадилар. Қозининг ахборот беришича, гарчи улар тожик тилида сўзлашсаларда, ўзларини ўзбекларнинг сарой уругига мансуб деб биладилар. Махаллий ривоятларга кўра, ушбу қишлоқлардаги тожиклар Ичкали Зори шаҳридан кўчиб келишган”.

Нурота вилояти Кармина вилоятидан фарқли ҳолда бирмунча тоғлик худудлардан ташкил топиб, аҳоли масканларининг сони Карминага нисбатан камчиликни ташкил этган. Ушбу вилоятдаги жой номларининг сезиларли қисми худуднинг географик хусусиятларини акс эттирган бўлиб, уруг номи – этнотопонимлар бирмунча камчиликни ташкил этган. Хусусан, Оқ-тош, Қора-тош, Кўк-тепа, Палан-сой, Қайирма ва ҳ.к. Шу билан бирга, Нуротага қарашли амлокликларда Ёлон-тамғали (Ялон-тамғали), Сарой, Кўк-тўнли, Кўш-тамғали, Куралас, Тиканчи, Туркмания, Ўғлон каби уруг номлари ҳам мавжуд бўлган. Шунингдек, вилоятда Урганжи номли қишлоқ ҳам мавжуд бўлган[4,246].

Нурота вилояти аҳолисининг катта бир қисмини ўзбек, сезиларли бир қисмини эса тожик, қисман қозоқлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўзларининг ўнлаб аҳоли масканларига эга бўлишган. Ўзбек аҳолининг бири қисми ўз уруг номларини сақлаган бўлиб, улар яшайдиган қишлоқлар кўпинча этнотопонимлардан ташкил топган. Бироқ ўзбекча ном билан аталувчи қишлоқлар Нурота вилоятида кўпчилик бўлиб, улар аҳолининг турмуш-тарзи, қишлоқнинг жойлашув ўрни ва географик хусусиятига кўра номланган: Кўк-тепа, Оваз-сой, Ойим-сой, Кўнчи ва ҳ.к.

**Тадқиқот методологияси.** XX асрнинг ilk чорагида Нурота аҳолисининг этник жиҳатдан хилма-хиллиги кўзга ташланса-да, аҳолининг катта бир қисмини ўзбеклар ташкил этганини кўрсатувчи далиллар талай. 1924 йилги аҳолини рўйхатга олиш пайтида бу ернинг катта кўпчилигини ташкил этган ўзбек-туркманларнинг сони 8600 киши деб кўрсатилган бўлса, миришкорлар – 400, урганжилар 260 киши деб қайд этилган. Шу билан бирга, бу ерда бурқут, баҳрин, минг, катагон ва турк деб аталувчи ўзбеклар ҳам сон жиҳатдан салмоқли бўлган. Бундан ташқари, ўзбеклар таркибига кириб, ўз уруг мансбулигини билмайдиган “сайид”, “хўжа”, “корахони” каби ижтимоий-диний гурухлар ва “боғдонлик”, “тараша” ва ҳоказо каби худудий номлар билан аталувчи гурухлар ҳам қайд этилган[1]. Шунингдек, Нуротадаги ўзбек ва тожиклар ўзларининг сўзлашув тилига қарамасдан уларга нисбатан “сарт”, “тожик”, “куҳ-поя” (кўк-поя – тоғ этакларида дехқончилик билан шуғулланувчи аҳоли) каби атамалар ишлатилган[6].

Нурота вилоятидаги аҳоли масканларининг сезиларли қисми форс-тожикча ва ҳатто сүғдийча номлардан ташкил топган бўлиб, Ахчоб, Ғозғом (Ғозғон), Жўш, Тутак, Ижкан, Мушкон, Гов-хона ва ҳоказоларни мисол келтириш мумкин. Навоий вилояти таркибидаги Нурота туманидаги Эшон, Ғозғон, Чуя, Қадоқ, Жарма, Сувлик, Сойкечар, Папанай, Чашма, Эски, Дехибаланд, Қизилча, Сентоб, Каттаэж, Темирқовуқ каби аҳоли масканлари номининг бир қанчаси амирлик хужжатларида учраб, бугунги кунгача сақланиб қолганлиги билан диққатга сазовордир.

Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ҳаётида тожик тилли аҳоли ҳам ўзига хос ўрин эгаллаб, моҳир тижоратчи, дехқон ва ҳунарманд аҳоли сифатида билинган. Илмий адабиётда “Нурота тожиклари” деб аталадиган аҳоли амирлик даврида Нурота воҳасининг серсув ҳудудлари ва Нурота тоғларининг ён-бағриларида, Нурота шаҳрида ва Оқтоғнинг шимолий теграларида – Ғозғом (Ғозғон) ва Дех-и Баланд (Дехбаланд) қишлоқларида компакт ҳолатда яшаганлар. Улар орасида “тоғчи” деб аталадиган гурӯҳ орасида сўзлашув тили тожикча бўлишига қарамай, ўзларини ўзбек уруғларига мансуб деб билишлари қайд этилган[5,35-36].

Нурота тоғларининг шимолий этакларидаги йирик қишлоқларда яшаган тожиклар ўзбеклар каби бир неча уруғ тизимиға эга бўлиб, “урӯғ”, “авлод”, “жамоа” каби ички бўлинишлар мавжуд бўлган. Улар орасида “бокийи”, “солиий”, “ҳофизи”, “нажбиддини”, “таму”, “дигори”, “байрами”, “эшмаҳмати”, “айни”, “курум” (курама) ички тармоқ уруғлари қайд этилган[6,26].

“Нурота туркманлари” деб юритиладиган гурӯҳ эса ўзбекларнинг катта уруғларидан бири бўлиб, улар амирликнинг шимоли-шарқий ҳудудларида анча кўпчиликни ташкил этган. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида сўзлашган ушбу аҳоли гурӯҳи атрофдаги қипчоқ лаҳжали ўзбек уруғлари тасъирида ўғузчадан ушбу шевага ўтганлиги ёки аксинчалиги аниқ эмас[3,155].

Бухоро амирлигининг шимоли-шарқий ҳудудларидаги сиёсий-маъмурий бирликлардан яна бир Хатирчи бўлиб, амирлик даврида бу ер вилоят мақомида бўлган. 8 та амлоказлиқдан иборат ушбу вилоятда Олтун-сой, Қараман, Боло-и Наҳри Тос, Дам-и Гипон, Кўк-сарой, Мир-дашт, Поён-и Наҳри Тос, Шоҳ-обод каби бир қисми суғоришга қулай, дехқончиликка мос ҳудудлар билан бирга тоғ этакларидаги даштикликларни ўз ичига олган амлоказликлардан иборат бўлган (қар. З-илова). Хатирчига қарашли ушбу амлоказликлар орасида аҳоли масканлари кўпроқ бўлганлари Қараман, Боло-и Наҳри Тос, Дам-и Гипон, Поён-и Наҳри Тос, Шоҳ-обод бўлиб, уларнинг ҳар бирида 45-50 атрофида қишлоқ мавжуд бўлган.

Бугунги кунда Навоий вилоятига қарашли Хатирчи туманида Янгирабод, Шихлар, Чечак-ота, Урганжи, Боғишамол, Довтепа, Боғчакалон, Эломон-тепа, Новжа, Сарой, Тошқулоқ, Араб, Тамабаҳрин, Полвон-ота, Қарға-тепа, Чош-тепа, Туркман, Хўжа-қўргон,

Махалла, Корача, Каттасой, Чангир, Найман, Сарой, Галабек, Кориз-араб, Жалойир, Янги-қишлоқ, Чилош, Бахшижар, Санги-жуман, Майдон, Ангидон, Оқтепа, Денов, Жалойир, Хонақа, Чагатой, Тасмачи, Ўртабулоқ, Олтинобод, Ширинобод каби аҳоли масканлари бўлиб, уларнинг мутлоқ қўпчилиги бугунги кунда ҳам ўз номини сақлаб қолган.

Хатирчи вилоятидаги аҳоли масканларининг номланиши ҳам турлича бўлиб, Нуротадан фарқли ҳолда бу ерда этнотопонимлар кўпчиликни ташкил этган. Амирлик хужжатларида қайд этилган Хатирчи амлокликларида Араб, Баҳрин, Бурқут, Жалойир, Дурмон, Йабу (Ёбу), Манғит, Найман, Олот (Арлот), Олчин, Очамайли, Тама, Тама-Баҳрин, Турк, Туркман, Қипчоқ, Қирғиз, Қорақалпоқ, Қўнғурот, Чуйут каби этнотопонимлар учраб, улар орасида Араб, Баҳрин, Манғит, Найман, Туркман номли қишлоқлар айтиб ўтилган амлокликларнинг бир қанчасида мавжуд бўлган[2]. Шу билан бирга, Чубалакчи, Болғали, Тўқсонбой, Тасмачи, Бой-тўпи ва ҳоказо каби тармоқ уруғ номлари билан аталган қишлоқлар ҳам бўлган. Бу вилоятда ҳам Урганжи номли аҳоли масканлари мавжуд бўлган. Шунингдек, вилоятда қисман тожик тилли аҳоли мавжуд бўлиши билан бирга “Тожик” деб аталувчи қишлоқлар ҳам бирмунча кенг тарқалган. Вилоятдаги аҳоли масканларининг нисбатан кам сонли қисми форс-тожикча аталиб, уларнинг бир қисмини қадимги суғдий негизли жой номлари ташкил этган. Масалан, Гипон, Худдон, Самитан, Коҳиш ва ҳоказо каби жой номлари суғдийча асосдаги топонимлардир.

Хатирчи вилоятидаги амлокликларнинг деярли барчасида Туркман номли қишлоқлар мавжуд бўлиб, улар ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида сўзлашган ва ўзларини “ўзбек-туркман”, “ўзбекларнинг туркман уруғи” деб билишган.

Хуллас, XIX – XX асрларда Бухоро амирлигининг шимол ва шимоли-шарқий ҳудудларида сиёсий-маъмурий бирликлар – Кармина, Нурота ва Хатирчи ўзига хос ижтимоий ва иқтисодий-маданий марказлар сифатида амирликнинг муҳим ҳудудлари саналган. Бир қисми Зарафшон дарёсининг ўнг ва сўл ҳавзаларида жой олган, серсув ва унумдор тупроқларга эга аҳоли масканларидан ташкил топган ўнлаб амлокликларнинг деярли ҳар бири ўтрок дехқон, хунарманд аҳоли масканларини ўз ичига олган бўлса, яна бир қисми тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги кенг яйловларда чорвачилик билан шуғулланувчи ҳамда амирлик иқтисодиётида сут маҳсулотлари, тери ва жун, гўшт етиштириб берадиган бир неча ўнлаб аҳоли масканлари – қишлоқ ва овуллардан иборат бўлган.

Амирликнинг марказий ҳудудига нисбатан яқин жойлашган ушбу вилоятлар аҳолиси Бухоро шаҳри ва атрофи билан тигиз иқтисодий-маданий алоқаларда бўлган. Аҳолининг этник таркибида ҳам марказий ҳудудларга хослик кўзга ташланиб, асосан, ўзбек ва тожиклардан, қисман эса туркман, араб ва қозоқлардан ташкил топган аҳоли орасида ўзига хос этномаданий жараёнлар юз берган. Хусусан, ўзбек ва тожик тилли аҳоли орасида ижтимоий ва маданий жиҳатдан ўзаро ўхшашлик

шаклланиб, аҳолининг муайян бир қисми ҳаро иккала тилда ҳам эркин мuloқot қила олган. Улар орасида аралаш никоҳлар кучайиб, айрим ҳудудларда, масалан, Нуротада баъзи ўзбек уруғлари орасида тожиклашув жараёни кузатилса, баъзи ҳудудларда эса аксинча тожик тилли аҳолининг ўзбеклашув жараёни юз берган. Бу ҳолат ўзларини араб деб билган Кармана ва Нурота араблари орасида ҳам кўзга ташланиб, уларнинг ҳам ўзбек, ҳам тожик тилларида мuloқot қилганликлари бунга мисол бўла олади.

#### Адабиётлар

1. Материалы всероссийских переписей 1920 г. Перепись населения в Туркестанской республике. Поселенные итоги Самаркандской области. Ташкент, 1924 г. Ч. 1. Вып. 5. – С. 204–205.
2. Материалы по районированию Средней Азии. Кн. 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Ч. 1. Бухара. Таш-кент, 1926. – С. 66;
3. Мошкова В.Г. Некоторые общие сведения о родоплеменном составе узбеков, каракалпаков и туркмен // Тр. инсти- тута археологии и этнографии. Вып. 2. – М., 1950. – С. 155-159.
4. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. – Т.: Университет, 2001.
5. Тоғаев А.Р. Нурота воҳасида этномаданий жараён- лар (XX асрнинг I ярми) / Т.ф.н. ... дисс. Тошкент, 2011. – Б. 35-36.
6. Салимов Т. Этнический состав и расселение населения Нуратинского оазиса // Вопросы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии. Выпуск 5
7. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи историей кварталов). – М., Наука, 1976. – 105, 126, 152, 160, 166, 224
8. Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб.



**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖИ  
(СУРХОНДАРЁ МИСОЛИДА)**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.004>

Хўжаназаров Абсалом Зиядуллаевич,

Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси  
китта ўқитувчиси

**Аннотация.** Уибу мақолада Сурхондарёда ижтимоий соҳа тармоқларидан бири бўлган соглиқни сақлаш соҳасида олиб борилган кенг қамровли ислоҳотлар баён этилган. Шунингдек, мақолада қишлоқларда аҳоли саломатлигини тикилаш ва тиббийт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаши борасида амалга оширилган айрим чоратадбирлар ҳамда ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар таҳлили ҳам ўз ифодасини топган.

**Калит сўзлар:** тиббий соҳа, соглиқни сақлаш тармоғидаги ислоҳотлар, қишлоқ аҳолиси саломатлилиги, тиббий хизмат, амбулатория, поликлиника, даволаши-профилактика муассасалари.

**РАЗВИТИЕ В СФЕРЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ В ПЕРВЫЕ  
ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ (НА ПРИМЕРЕ СУРХАНДАРЬИ)**

Хўжаназаров Абсалом Зиядуллаевич,  
старший преподаватель кафедры Гражданского общества  
Термезского государственного университета

**Аннотация.** В данной статье описаны комплексные реформы, проведенные в сфере здравоохранения, которая является одной из отраслей социальной сферы в Сурхандарьинской области. Также в статье содержится анализ некоторых мероприятий и изменений, осуществленных для восстановления здоровья населения в селах и укрепления материально-технической базы медицинской сферы, также отражена анализы сведений об этих изменениях.

**Ключевые слова:** медицинская сфера, реформы в системе здравоохранения, здоровье сельского населения, медицинское обслуживание, амбулатория, поликлиника, лечебно-профилактические учреждения.

**DEVELOPMENT IN THE SPHERE OF HEALTH IN THE FIRST  
YEARS OF INDEPENDENCE**

**(ON THE EXAMPLE OF SURKHANDARYA)**

*Khuzhanazarov Absalom Ziyadullaevich,  
Senior Lecturer, Department of Civil Society, Termez State University*

*Abstract. This article describes the comprehensive reforms carried out in the healthcare sector, which is one of the branches of the social sphere in the Surkhandarya region. The article also contains an analysis of some of*

*the activities and changes carried out to restore the health of the population in the villages and strengthen the material and technical base of the medical sphere, and analyzes of information about these changes are also reflected.*

**Keywords:** medical sphere, reforms in the healthcare system, health of the rural population, medical care, outpatient clinic, polyclinic, medical institutions.

Кириш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тиббиёт тизими соҳасида катта муваффақиятларга эришилмоқда. Жумладан, тиббиёт тизимини ташкил этиш масаласида Сурхондарё вилоятида ҳам сўнгги йилларида яхши натижалар кузатилмоқда. Тиббиёт соҳасининг моддий-техник таъминоти соҳасида давлат аҳамиятига эга бўлган тиббиёт мустақиллиги қўлга киритилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда мамлакатимиздаги тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар мақола мавзусининг асосини ташкил этади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада умумий қабул қилинган усуслар-тариҳий таҳлил, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида Сурхондарё вилоятида тиббиёт соҳасида амалга оширилган ислоҳотларнинг хусусиятлари, аҳоли саломатлигини тиклаш ва тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган айрим чора-тадбирлар ҳамда ўзгаришлар баён этилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мақола учун бирламчи маълумотларни Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг жорий архиви материалларидан иборат ҳужжатлар ташкил этади. Шунингдек, “Сурхондарё вилоятининг ижтимоий ривожланишидаги айрим кўрсаткичлар таҳлили (1991-2000 йиллар)” ва “Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бошқармаси” нинг статистик тўплам материалларидан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида Сурхондарёда қишлоқ аҳолисига берилаётган тиббий ёрдам ҳали сифатли ва юқори даражада эмас, болалар ва оналар ўлими юқорилиги, юқумли ва сил касалликлари ҳамда ногиронлар сонининг ўсаётганлиги қайд этилди. Айниска, сил касаллигининг кўпайиши, оиласи касалланиш қишлоқ аҳолисига орасида меъда-ичак, камқонлик, асаб, таянч бўғин, тери ва бошқа касалликлар мавжуд эди. Республика қишлоқ аҳолисининг 90-95 фоизида камқонлик касаллигининг ҳар хил турлари борлиги, болаларнинг 45-50 фоизида витамин этишмовчиликлари аниқланганди [1].

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан 1994 йилнинг 30-31 май кунлари Андижон вилоятида тиббиёт ходимлари анжумани бўлиб, унда бозор муносабатларига ўтиш даврининг энг долзарб муаммоларидан бири «Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати ва маданияти, савияси, самарасини янада



ошириш масаласини» кўриб чиқиб, муҳокама қилинди. Ушбу анжуманда Сурхондарё вилояти шифокорларидан вакиллар иштирок этиб, фикрлар алмашинилди.

Мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чоралари кўриб чиқилди. 1994 йилда Республика миқёсида 163 та, вилоятларда марказий шифохонасида 26 та, 451 та туман ва қишлоқ участка шифохонасида фаолият кўрсатаётганлиги қайд этилди. Хар йили касалхоналарда даволаниб чиқаётган беморларнинг 58-59 фоизи қишлоқ аҳолисини ташкил этди. Уларнинг 70 фоизга яқини марказий туман, қишлоқ ва участка шифохоналарида даволанганди. 1993 йилда қишлоқ амбулаторияларига бўлган қатнов 20,6 млн. кишига етди [1, Б. 20-21].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоят тиббиёти инфратузилмасини яхшиланишига ҳам эътибор қаратилиб, аҳолига тиббий хизматни кўрсатиш, янги замонавий билимга эга тиббиёт ходимлар билан таъминлаш, касалхоналарни замонавий талаб даражасида қуриш, етарли дори-дармон, тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди.

Натижада 1995 йилдан вилоятда тиббий хизмат кўрсатиш яхшилана бошланди. Даволаш масканлари сони ошиб, шифохоналардаги ўринлар сони вилоятда 19 та касалхонада 2100 ўринга етди. Жумладан, Денов туманида 4 та касалхонада 350 ўрин, Шўрчи туманида 2 та касалхонада 400 ўрин, Шеробод туманида 2 та касалхонада 480 ўрин, Кумкўргон туманида 3 та касалхонада 490 ўрин, Жаркўргон туманида 3 та касалхонада 520 ўрин, Бойсун туманида 2 та касалхонада 280 ўрин мавжуд эди. Уларда аҳолига тиббий хизматлар кўрсатилди ва касалхоналар замонавий қайта таъмирланиб, янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди [2, Б.284].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолига сифатли ва талаб даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш ташкилот ва муассасалари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. 1996 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №882-сонли Қарори вилоят соғлиқни сақлаш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги ҳукумат қарорини бажара бориб, яхши натижаларга эришилди. 1996 йилнинг ўзида 13 та ўрнига 16 та янги типдаги қишлоқ даволаш пункти қурилди. Дастурда белгиланганидан ташқари, Ангор туманида 2 та қишлоқ даволаш пункти фойдаланишга топширилди [3, Б. 6].

Вилоятда 1997 йилда 109 та соғлиқни сақлаш соҳасига хизмат килувчи касалхоналар бўлиб, даволаш ўринлари сони 8784 тага етди. Вилоятда 10 минг аҳолига ўртача 59,6 касал ўрни тўғри келди. 1997 йилда 6 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва 16 та қишлоқ врачлик пунктлари қуриб ишга туширилди. 1997 йилда вилоятда 10 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи амбулатория-поликлиника марказлари ташкил этилди. Бу марказлар 88,4 ўрнига мўлжаллангандир [4, Б.19]. 1996 йил Бойсун туманида 100 ўринли амбулатория-поликлиникаси

ва 30 ўринли янги даволаш касалхонаси; Жарқўрғон туманида 150 ўринли амбулатория поликлиникаси; Кумкўрғон туманида 100 ўринли амбулатория поликлиникаси; Шеробод туманида 50 ўринли амбулатория поликлиникаси ва 100 ўринли касалхона; Шўрчи туманида 50 ўринли амбулатория поликлиникаси қурибишга туширилди. Умуман шаҳарларда аҳолига хизмат қўрсатиш бўйича соғлиқни сақлаш муассасалари 1997 йили Термиз шаҳрида 4 та, Денов шаҳрида 4 та, Бойсун туманида 2 та, Жарқўрғон туманида 2 та, Кумкўрғон туманида 3 та, Шеробод туманида 3 та, Шўрчи туманида 3 тани ташкил этган [4, Б.25-26].

Тиббий хизмат қўрсатиш асосини давлат таъминотидаги муассасалар ташкил этди. Шу билан бир қаторда, пулли тиббиёт ёки сугурта тиббиёти имкониятлари кенгайтирилди. Аҳолига сифатли ва талаб даражасида тиббий ёрдам қўрсатиш бўйича, вилоят ҳокимлигининг соғлиқни сақлаш ташкилот ва муассасалари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги хукумат қарорлари бажарилиб, тиббиёт масканларининг сони ва салмоғи ўсиб борди.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йилликларида Ўзбекистонда тиббиётнинг кўпгина соҳаларида, кўплаб соғлиқни сақлаш муассасалари, Тошкент давлат тиббиёт институтининг бош ўқув биноси ва Республика болалар касалхонаси, Семашко номидаги шифохона, кўп соҳали болалар касалхонаси, микрохирургия, буйрак, юрак, ўпка хирургияси марказлари қурилди. 1998 йилга келиб, Ўзбекистонда 1250 касалхона, 177 даволаш ҳамда амбулатория поликлиника муассасаси, 6288 фельдшерлик-акушерлик маркази, 220 санатория-эпидимиология станцияси, 1900 дан ортиқ дорихоналар аҳолига хизмат қўрсатди [5, Б. 21].

Вилоятдаги касалхоналардаги ўринлар сони бўйича 1998 йилда, жами ўринлар сони ва ҳар 10 минг кишига ўртacha Термиз шаҳрида жами ўринлар сони 450 та, ҳар 10 минг кишига ўртacha 39,1 ўрин, Денов шаҳрида жами ўринлар сони 400 та, ҳар 10 минг кишига ўртacha 65,9 ўрин, Бойсун туманида жами ўринлар сони 330 та, ҳар 10 минг кишига ўртacha 45,8, Жарқўрғон туманида жами ўринлар сони 205 та, ҳар 10 минг кишига ўртacha 40,3, Кумкўрғон туманида жами ўринлар сони 212 та, ҳар 10 минг кишига ўртacha 44,5, Шеробод туманида жами ўринлар сони 225 та, ҳар 10 минг кишига ўртacha 51,4, Шўрчи туманида жами ўринлар сони 215 та, ҳар 10 минг кишига ўртacha 35,4 касалхона ўринлари тўғри келган [4, Б. 124].

Сурхондарё вилоятида соғлиқни сақлаш ишлари 1999-2000 йилларда янада яхшиланиб борди. 1999 йилдан Сурхондарё вилоятида 63 та тиббиёт муассасаси нодавлат секторда фаолият қўрсатиб, ушбу даволаш профилактикасининг 19 таси ўзини-ўзи маблағ билан таъминлади [6].

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили қўра, вилоят, туман ва шаҳарларида тиббий хизмат қўрсатиш замонавий асосда ташкил этилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Бойсун шаҳрида аҳоли соғлиқни сақлаш масаласида ибратли ишлар қилиниб, кенг тармоқли

даволаш усуллари жорий этилди. Бойсун шаҳрида аҳолига хизмат кўрсатиш учун 1998 йил 2 та касалхонада 90 та врач, 250 та ўрта тиббиёт ходимлари бўлиб, касалхоналардаги ўринлар сони 150 тани ташкил этган. Шаҳарда тез ёрдам станцияси, фаолият кўрсатиб, ҳар 10 минг аҳолига 16,3 врач, 61,3 ўрта тиббиёт ходимлари, 27,5 касалхона ўринлари аҳолига хизмат кўрсатган [7, Б.27].

Сурхондарё вилоятининг аҳолисига 1999 йили 290 та амбулатория, поликлиника муассасалари хизмат кўрсатган бўлса, 2000 йилнинг олти ойи ичида бу муассасалар сони 281 тани ташкил этди. Вилоятнинг даволаш профилактика муассасаларида ўринлар сони 9035 та бўлган бўлса, 2000 йилнинг олти ойи ичида 8823 тани ташкил қилди. Шифохоналарда 1999 йили 211 861 бемор даволанган бўлса, 2000 йилнинг олти ойи ичида 142 908 бемор даволанган [8, Б. 374].

2000 йилда соғлиқни сақлаш соҳасида вилоят аҳолисига 91 та касалхона (шу жумладан, 85 таси бюджет, 6 таси бюджетдан ташқари, шундан 5 таси хусусий) хизмат кўрсатди. Вилоят маркази Термиз шаҳрида замонавий тез тиббий ёрдам маркази ҳамда она ва бола маркази қуриб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари вилоят аҳолисига 345 та қуввати бир сменада 19,4 қатновга мўлжалланган врачлик амбулатория-поликлиникалари (шундан 51 таси хусусий, қуввати бир сменада 1,7 қатновга мўлжалланган) тиббий хизмат кўрсатди [8, Б. 375].

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлилига асосланиб, вилоят аҳолисини соғлиқни сақлаш, замонавий даволаш масканларни қуриш, қайта таъмирлаш, даволаш ўринларини янгилаш, хоналарни замон талаби асосида жиҳозлаш соҳасида катта амалий ишлар қилинганлигини кўришимиз мумкин.

2000 йилга келиб янги тиббиёт асбоб-ускуналарни чет элдан олиб келиб, ўрнатиб халққа тиббиёт соҳасини янги усуллари билан хизмат кўрсатиш яхшиланди. Вилоятдаги даволаш муассасалари ва ўринлари сони 2000 йилда вилоятдаги 16 та касалхонада 1885 ўрин, Денов шаҳрида 4 та касалхонада 470 ўрин, Шўрчи туманида 2 та касалхонада 470 ўрин, Шўрчи туманида 2 та касалхонада 510 ўрин, Шеробод туманида 2 та касалхонада 500 ўрин, Қумқўргон туманида 3 та касалхона 520 ўрин, Жарқўргон туманида 3 та касалхонада 545 ўрин, Бойсун туманида 2 та каслхонада 300 ўрин шаҳар аҳолисини соғлигини сақлашга хизмат қилди [2, Б. 285].

Вилоятда 2000 йил 61 та врачлик қишлоқ марказлари, 91 та касалхоналар, шу жумладан ушбу касалхоналарнинг 85 таси бюджет, 6 таси бюджетдан ташқари, 5 таси эса хусусий бўлиб, аҳолига хизмат кўрсатди [9].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-сонли «Республикада 1999-2000 йилларда қишлоқ ижтимоий инфратизимини ривожлантириш ва Давлат дастури тўғрисида» ва Узбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги фармонига асосан қабул қилинган Вилоят

хокимининг 1996 йил 13 июндаги 156-сонли ва 1998 йил 30 ноябрдаги 304-сонли қарорларига мувофиқ, 1996-2000 ва 2001-2005 йилларда қишлоқ ижтимоий инфратизилмасини ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди [10,11].

Вилоятда юқоридаги дастурларга асосан 1996-2005 йиллар давомида 149 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 1 та шаҳар врачлик пункти барпо этилди. Шулардан 97 таси янги қурилиш ва 53 таси мавжуд даволаш-профилактика муассасаларини қайта таъмирлаш ҳисобига барпо этилди. Давлат дастури режасига асосан 2005 йили вилоятда 11 та қишлоқ врачлик пунктларини барпо этиш учун давлат томонидан 278 миллион сўм маблағ ажратилиб, қурилиши ишларига 296 миллион 500 минг сўм маблағ сарфланди. Шундан 7 миллион 500 минг сўми асбобускуналар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар сотиб олиш учун сарфланди, бундан ташқари «Актет» Халқаро ташкилоти томонидан 18 миллион 100 минг сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, Ангор тумани «Мустақиллик» қишлоқ врачлик пунктида 6 миллион 200 минг сўмлик, Шеробод тумани Пошхурт қишлоқ участка шифохонасида 4 миллион 700 минг сўмлик таъмирлаш ишларини бажарди. Вилоят ахолисига ҳозирги кунда 85 та шифохона хизмат кўрсатмоқда, ушбу шифохоналарда ўринлар сони 8625 тани ташкил этди [12, Б. 114].

2005 йилга келиб вилоятда тиббиёт муассасаларнинг сони 90 тани ташкил этиб, ушбу муассасаларнинг 87 таси бюджет ва 8 таси нодавлат маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатди. Вилоят касалхоналарида беморларга хизмат кўрсатиш учун 84,25 бемор ўрни сони бўлиб, ҳар 10 минг кишига 43,7 та бемор ўрини тўғри келган. Шунингдек, 2005 йил вилоятда 360 та врачлик амбулатория, поликлиника муассасалари ва 190 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли соғлигини сақлашга хизмат қилди [13, Б. 584].

Шундай қилиб, мустақилликнинг дастлабки йилларида соғлиқни сақлаш тизимида ҳам муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Ушбу ишлар замирида воҳа ахлининг саломатлигини сақлаш, келажак авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашдек хайрли ниятлар мужассамлашган.

**Хулоса.** Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятда бир қатор тиббиёт муассасалари қуриб фойдаланишга топширилди. Бу даврда, биринчи навбатда, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Янги қуриб фойдаланишга топширилаётган муассасаларни замонавий тиббиёт жиҳозлари ва ускуналари, дори-дармонлар билан таъминлаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Юқоридаги қайд этилган маълумотларга асосланиб, мустақиллик йилларида вилоятда тиббиёт соҳасидаги мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш масаласи ижобий ҳил қилиниб, бозор муносабатларига ўтиш даврида мавжуд шифохоналарнинг иш фаолияти тубдан яхшиланганини кўришимиз мумкин. Энг муҳими аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш жорий этилиб, bemorлар учун зарур шарт-



шароитлар яратилиб, дори-дармон ва тиббиёт учун зарур бўлган замонавий техник асбоб ускуналар билан таъминланди. Вилоятдаги шифохоналар тўла қайта таъмирланиб, жаҳон андозаларига мос тиббий хизмат кўрсатиш ташкил этилди. Энг муҳими вилоятда она ва бола саломатлигини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди. Давлатнинг бу сиёсати негизида «Соғлом авлод учун» деган олий мақсад турган.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Сурхондарё вилоятининг ижтимоий ривожланишидаги айрим кўрсаткичлар таҳлили (1991-2000 йиллар). – Термиз, 2000.
2. Сурхондарё вилояти хокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошкармаси (1991-2002 йиллар). – Термиз, 2004.
3. Сурхондарё вилояти хокимлигининг жорий архиви. Вилоят Кенгашининг I/VI сессияси материаллари (10.01.1997 й.). – Термиз, 1997.
4. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошкармаси (10.01.1998 й.). – Термиз, 1998.
5. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви. 1-баённома, 4-хужжат, 1999 йил.
6. “Сурхон тонги” газетаси, 2000 йил, 13 феврал, №83-сони.
7. Бойсун шаҳар ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бош бошкармаси (20.01.2000 й.). – Термиз, 2000.
8. Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарихи кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001.
9. “Сурхон тонги” газетаси, 2000 йил, 6 январь, №8-сони.
10. Хужаназаров А.З., Алламуратов Ш.А. Система здравоохранения в Узбекистане: проблемы и реформы //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 2.
- 11.Хужаназаров А.З., Алламуратов Ш.А. Реформы в системе здоровья Узбекистана в последние годы //Наука, техника и образование. – 2021. – №. 1 (76). – С. 19-23.
12. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004.
13. Сурхондарё вилоят Иқтисодиёт бошқармаси жорий архиви (4 китоб). – Термиз, 2006.
14. Хужаназаров А.З., Алламуратов Ш.А. Тиббиётга назар: муаммо ва ечимлар //Взгляд в прошлое. – 2019. – №. 24.

## XIX АСРНИНГ 2-ЯРМИ- XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА БУХОРОДАГИ ҲИНДУЙЛИК КОНФЕССИЯСИ ТАРИХИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.005>

Ражабова Дилноза Ярашовна,

Бухоро давлат университети Тарих ва маданий мерос факультети  
таянч докторантни

**Аннотация:** Уибу мақола XIX асрнинг охири- XX аср бошларида Марказий Осиё, айниқса, Бухоро амирлиги ҳудудида яшаган ҳиндуйлик конфессияси тарихи ёритилади. Шунингдек, Бухоронинг протекторат даврида ҳинд диаспорасининг бошқа конфессиялар билан бўлган муносабатлари ҳамда амирликда юритган фаолиятлари тарихий манбалар асосида ўрганилади.

**Калит сўзлар:** буддавийлик, конфессия, Вишну, ҳиндуйлик, судхўрлик, индиго, карвонсарой, ҳинд маҳалла.

## ИСТОРИЯ ИНДУИСТСКОЙ КОНФЕССИИ В БУХАРЕ ВО 2-Й ПОЛОВИНЕ XIX-НАЧАЛЕ ХХ ВВ.

Ражабова Дилноза Ярашовна,

базовый докторант факультета истории и культурного наследия  
Бухарского государственного университета

**Аннотация:** В этой статье будет освещена история конфессии индуизма, проживавшей в Центральной Азии, особенно на территории Бухарского эмирата, в конце XIX - начале XX веков. Также на основе исторических источников будут изучены отношения индийской diáspory с другими конфессиями в период протектората Бухары, а также их деятельность в эмирате.

**Ключевые слова:** буддизм, конфессия, Вишну, индуизм, ростовищество, индиго, караван-сарай, индийский квартал.

## HISTORY OF THE HINDU CONFESSION IN BUKHARA IN THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY - EARLY XX CENTURY

Rajabova Dilnoza Yarashovna,

PhD Student of Faculty of History and cultural inheritance of Bukhara  
State University

**Annotation.** an insight provided at the article reviews of the history of the Hindu denomination in Central Asia in the late 19th and early 20th centuries, especially in the Bukhara Emirate. The relations of the Indian diaspora and confession with other religions during the tsarist period of Bukhara and their activities here are also studied on the basis of historical sources.

**Keywords:** Buddhism, denomination, Vishnu, Hinduism, usury, indigo, Caravan-serais, Indian neighborhood.



Бухоро амирлигидаги ҳинд конфесиясининг тарихи узбекча бориб тақалади. Ҳиндларининг Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги бўйлаб жойлашуви, турмуш тарзи, машгулотлари, анъналари ва диний маросимлари тўғрисида жуда кўплаб шарқшунос ва ҳиндшунос олимлар асарларида келтирилган. Буларга хорижий ва рус тадқиқотчилари бўлган Небольсин П.И., Логофет Д.И., Никольский М.Н., Оле Олуфсен, Южин Скайлер, Сухарева О.А., Дмитриев Г.Д. кабиларни келтириш мумкин. Ўзбек олимларидан эса ушбу давр ҳинд муҳожирлари фаолиятини чуқур таҳлил этган Қаландарова М.С., Эргашев Б., Ахмедов Т. ва Тўраев Ҳ.лар илмий ишларида маълумот берадилар.

Буддавийлик мил.авв. I минг йиллик, яна айрим манбаларда мил.авв. VI-V асрларда Шимолий Ҳиндистонда пайдо бўлган дин бўлиб, кейинчалик Жанубий, Жануби-Шарқий ҳамда Шарқий Осиё ҳудудларига тарқалган. Унинг милодий I асрга келиб ижтимоий манфаатларни ифода қиласа турли тармоқлари вужудга кела бошлади. Булардан энг йириги “ҳинояна” бўлиб, санкритча «катта арава»- “тор йўл” маъносини ифодалайди. Шри Ланка, Бирма каби мамлакатларда кенг тарқалган. “Махояна” эса санскритча «катта арава»- “кенг йўл” дегани бўлиб, Тибет, Хитой, Япония, Монголияда ҳамда Олтой ва Узоқ Шарқда яшовчи бальзи ҳалқлар ўртасида кенг тарқалган. Шу даврга келиб буддавийлик якка худолик динидан кўп худолик динига айланади. VII асрда Ҳиндистонда примитив буддавийлик динидан жуда ҳам фарқланувчи брахманизм деб аталувчи мураккаб тизим ривожланиб, қулдорлик тартибларига асосланган эди. XI-XII асрларга келиб брахманизм ижтимоий тенгликтни тарғиб этувчи ҳиндуизмга айланади. Шу билан буддавийликнинг Ҳиндистондаги ўзига хос эътиқод шакли “ҳиндуийлик” деб номланади.

“Ҳиндуийлик” деганда, мусулмон ҳалқлари томонидан Ҳинд дарёси бўйларида яшаган ғайридинларнинг эътиқоди тушунилган. XVIII асрнинг бошларида инглиз зобитлари Ҳинд дарёси бўйларини “Ҳиндистон”, бу ерда яшовчи ҳалқларни эса “ҳиндулар”, эътиқодини эса христиан ёки мусулмон бўлмаганлиги учун “ҳиндуийлик” деб аташлари билан бу атама кенг қўлланила бошланган.

Буддавийликнинг Марказий Осиё бўйлаб ёйилиши мил.авв. II асрдан буюк ипак йўлининг савдо тармоқлари бу ердан ўтганлигига бориб тақалади. Мил.авв. III-II асрнинг ўрталари гача бўлган Юнон-Бақтрия давлати ўрнига қарор топган Кушон империясининг (мил.авв. I-IV асрлар) Ўрта Осиёнинг бир қисмини, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон ҳудудларини эгаллаши диннинг тарихий формацияси ва цивилизацион ўзаришига олиб келган. Милодий I асрда буддавийлик конфесияси Марказий Осиёда ҳам мавжуд бўлганлигини Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги будда ибодатхоналари, ҳайкаллари, тасвирий санъат намуналари ва уларнинг қолдиқлари тасдиқлайди. Илк ўрта асрларга келиб буюк ипак йўли шимолий Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркманистаннинг жанубий туманларида, Тожикистанда ва Қозоғистон

жануби бўйлаб ўтган тармоқларда, айниқса, Бақтрия ва Тоҳаристон каби шаҳар-давлатларда буддавийликнинг изларини Далварзинтепа, Айритом, Зартепа, Термиздаги Қоратепа каби тарихий ёдгорликлар ҳамда турли топилмаларидан билиш мумкин. VII-VIII асрларда араблар ва ислом динининг Марказий Осиё худудларига кириб келиши буддавийликнинг сиқиб чиқарилишига олиб келади.

X-XII асрларда Шимолий Ҳиндистон ҳудудларида ислом дини ёйилишига қарамасдан ҳиндуийликка эътиқод ҳам амалга оширилиб келинаверади. Ҳинdlар билан савдо ва маданий алоқалар XIV аср Амир Темур у ерни забт этган даврда(1397-1399) ҳам давом этган. Кейинчалик Бухоро хони Абдулаҳон II (1534-1598) даврига келиб ҳинdlар билан дипломатик ва савдо муносабатлари гуркирайди, шунингдек уларга жуда катта имтиёзлар берилган. Натижада доимий савдо ва хунармандчилик билан шуғилланувчи дастлабки ҳинд маҳаллалари юзага кела бошлаган. Аштархонийлар хукмронлиги даврида турғун фаолият юритган ҳинdlарнинг XVIII асрнинг бошларида Бухоро амирлиги ташқи ва ички савдо алоқаларида фаоллашгани кўринади. Масалан, 1812-1813 йилларда амирликка инглиз хўжайини учун энг сара отлардан танлаб олиб кетиш учун келган ҳинд сайёхи Мир Иззатиллоҳ Бухородаги бошқарув сиёсатини ижобий таърифлаб, хукмдорнинг адолатпарварлиги ҳамда савдогарларнинг хавфсизлиги таъминланган шарт-шароитларини дикқатга сазовор дейди.

Бухорода савдо XIX асрнинг 2-ярмига келиб XV-XVI асрларда бўлгани каби қайта юксалади. Амир Сайид Абдулаҳадхон ва Амир Олимхонлар хукмронлиги даврига келиб буюк ипак йўлининг айrim тармоқларида савдо ва дипломатик муносабатлар қайта жонланади. Бу пайтга келиб Буюк Британия мустамлакаси бўлган Ҳиндистон Шарқ билан савдода муҳим пункт бўлганлиги сабабли халқаро савдога ўз маҳсулотлари билан бир қаторда инглиз товарларини ҳам киритар эди. Ҳинд савдогарлари Афғонистон орқали Ўрта Осиёning ва амирлик пойтахти бўлган Бухоронинг ҳам бозорларида фаол эдилар.

Тарихий манбалар ҳинdlарнинг Бухоро амирлиги марказий бозорларида савдо муносабатлари сабаб келиб Бухоро маҳаллий аҳолиси билан муносабатга киришганлигини кўрсатади. Ҳинdlар Марказий Осиёning кўпгина бошқа жойларидағи каби бу ерда ҳам судхўрлик билан шуғилланишган. 1863-1864 йилларда арман савдогари қиёфасида Бухоро ва Хивага ташриф буюрган Ҳерман Вамбери “Вишинуга сифинувчи, Туркиядаги арманлар каби савдо билан шуғилланувчи жуда кам сонли қарийб 500 нафарга яқин ҳинdlар Бухоро карvonсаройларида яшайдилар. Ҳайратланарлиси, бозор айрибош савдосида бутун пул айланмаси уларнинг қўлидан ўтади, яъни саррофлик ва судхўрлик билан шуғилланадилар” дейди.

Бухорога келган ҳинд фуқаролари асосан Ҳиндистоннинг Пешовар, Шикарпур, Панжоб, Лахор, Мултан, Харипур, Лудхиана, шунингдек Кашмир, Деҳли, Оллоҳобод ва бошқа ҳудудларидан келганлар сони манбаларда турлича келтирилади. Жўмладан, XIX асрнинг 30-йилларида ташриф буюрган инглиз сиёсий агенти А.Бёрнс “XIX асрда Бухорода 300 га яқин Шикарпурлик ҳинdlар истиқомат қилишар эди” деган



бўлса, даниялик географ Оле Олуфсен бир неча юзлардан ортиқроқ деб келтирган . Кейинги XX асрнинг 60-80йиллари рус шарқшуносларидан бўлган О.А.Сухарева “Бухорога Шакарпурра, Синд ва Панжобдан келган ҳинdlар икки мингтадан ортиқ дейди.” Фикримизча, мазкур маълумот аниқроқ, сабаби савдо билан шуғилланувчи ҳинд эркакларининг сони оила аъзолари билан бирга олганда икки мингтадан ортган.

Ҳинdlар Ўрта Осиёning Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларидағи карvonсаройлардажойлашган бўлган. Бухоро амирлигида Эски Бухоро, Қарши ва Зиёвуддин бекликларида ҳинdlар қўним топган. Эски Бухорода ҳинdlарнинг учта карvonсаройи бўлиб, улар Саройи Қарши, Саройи Ҳинди ва Саройи Султонилардир. Ҳинdlарнинг карvonсаройлари, савдо расталари бўлган усти берк бозорлари билан бирга “ҳинdlар маҳалласи” дейилган. Бу карvonсаройлар ҳукумат ҳисобида бўлган ва мутавалли ҳар ой келиб ҳужралар сонига қараб 5-10 тангадан солиқ олиб турган. Абдурауф Фитрат ўз асарида ҳинdlарнинг Лаби-Ховуз атрофида Девонбеги карvonсаройига яқин ҳовлиларда яшаганлигини келтирган. Уларнинг уйлари пастак ҳамда оддий маҳаллий ахолиникидан унча фарқ қилмаганлигини тасвиrlайди.

Бухоро шаҳрида ҳинdlарнинг уч карvonсаройнинг ҳар бирида юз-юз эллик нафаргача судхўр ҳинdlilar туришган. Бухоро амири уларга ҳукуматдан бир вакилни маъмур қилиб қўйган бўлиб, у “ҳинdlар ясовули” дейилган. Ҳинdlilar ясовули ҳинdlarрга назорат қилишдан ташқари, амирликнинг бошқа конфессиялари орасидаги жосусларига ҳам бошчилик қиласиди. Ясовул ҳинdlarрга нисбатан биринchi навбатда бош назоратчилик вазифасини бажарар, ҳинdlar қанча пул топганини ва кимларга қанча қарз берганини билиб турарди.

Ҳинdlарнинг ритуал диний амалларини бажариши, яъни ибодат жараёни улар яшаб келган карvonсаройларнинг ўзида амалга оширилган. Улар карvonсаройнинг бир ҳужрасини ибодатхонага айлантириб, ўша ерда йиғилиб ибодат қилиб турганлар. Чунки амирликда уларга ибодатхона қуриш учун маҳсус жой ажратиб берилмаган. Буни америкалик дипломат Южин Скайлер қўйидагича тасвиrlайди “Бухоро давлатидаги ҳинд савдогарларини ташқи кўринишларидан фарқлаш жуда осон эди... улар турган карvonсаройга меҳмондўст бўлганликлари учун инглизча гаплашиш учун бориб турардим, бурчакдаги кичик ҳужралардан бирини ибодатхонага айлантирган эдилар. У ерда саноқсиз ҳайкалчалар билан бирга ғалати рангли тошларни ҳам кўриш мумкин эди. Қизиқиш билан у ерга кирганимда кенг шалварли руҳоний оёқ кийимсиз киришимни сўради ҳамда инглиз тилига қийналиб ўз қоидаларини тушунтириб берди. Мен кириш эшиги олдида оёқ кийимимни қолдириб, унинг кетидан айтган вазифаларини қайтардим. Биз бундан мамнун бўлдик...” дейди.

Ҳақиқатдан ҳам карvonсарой ҳужраларининг ичкариси рангли расмлар билан безатилган ва у ерда Кали ҳайкали (икона) сақланган. Барча ибодатхоналарда ўзларининг руҳонийлари “пирзодалари” бўлган ва улар ҳам ватандошлари каби алмашиниб туришган.

Ҳинduийлик конфессиясидагилар “қуббат-ул ислом” (исломнинг гумбази) бўлган Бухорода “кофир” (“тайридин”) деб ҳисобланган ва мусулмон бўлмаганлиги учун жузъя солиғини тўлаш билан бирга қаиъий чекловларга ҳам амал қилишган. Яхудийлар каби мусулмон

аҳолидан фарқланиб турувчи ўзига хос кийинилган. Бу ҳақида Бухорога 1896-1899 йилларда ташриф буюрган даниялик жўғрофия жамияти аъзоси Оле Олуфсен “Хиндлар антропологик кўриниши билан бирга кийимлари билан ҳам ажралиб туради. Рангли чопон, белида зуннор ёки латта белбоғ, тўртбурчак қора бош кийими ва манглайдаги қастасини билдирган оқ ёки қизил манкисидан тез таниб олинган. Мусулмонлардан хизматчи олиши ёки уйланиши, бут-хайкалча ясали ёки ибодатхона қуриши маън этилган эди. Бу ерда уларни “мўлтони”лар ҳам дейишади...” деб келтириб ўтган. Баъзан улар гулли қора чопон, паст пошнали чарм поябзалда ҳам тез кўзга ташланган.

Рус тарихчиси А. Хорошхин 1872 йилда ҳиндларнинг маҳаллий турмуш тарзини ўрганиб шундай ёзган: “... уларнинг ҳар бири ўзига тегишли бўлган идиш ва қошиқдан фойдаланишган, уларни ҳаттоки ўз яқинларига ҳам беришмаган. Бошқа дин вакиллари уларнинг идиштовоқларига тегинса улар ҳаром ҳисобланган, ҳаттоки, уларнинг ўчоқларидаги бир бўлак кўмир олинса ҳам ҳаром саналган” Таниқли рус олими Э.Эверсман XIX асрнинг 80-йилларида Бухорода ҳам худди Ҳиндистондаги каби муқаддас сигирлар сақланганлигини хабар беради. Ҳиндшунос Г.Д.Дмитриев асарларида ҳиндуийликнинг Кришна, Вишну, Кали каби муқаддас худоларини келтириб ўтган.

Ҳиндларнинг эътиқодларига кўра ҳар куни тонгда ювиниб, этларига муқаддас ёғни суркаб юриш одатлари бўлган. Бу ҳақида архив ҳужжатларида: “ ҳар кун эрталаб об-ҳаводан қатъий назар улар устидан сув қуиб ювиниш, яъни “омовения” ва “купальня”ни канда қилишмаган” деб кўрсатилади.

Ёзма мунбалар ҳинд фуқароларининг маҳаллий аҳоли билан муносабатларига доир берган маълумотлар турли хил бўлганлигини кўриш мумкин. Масалан, архив ҳужжатлари ва айрим тарихий мунбалар ёрдамида ҳиндларни тадқиқ этган Б.Эргашев ва Бухоро шаҳар халқлари тарихи ҳамда этнографиясини чукур ўрганган О.А.Сухаревалар ҳиндлар ўзлари яшаётган ҳудуд аҳолиси билан жуда яхши, ишончли муносабатлар ўрнатишгани, байрам тадбирларда иштирок этишганини асослайдилар.

Маърифатпарвар жадидлар вакилларидан бўлган Садриддин Айний ўзининг “Эсадаликлари”да ҳиндларни қуидагича таърифлайди: “Судхўр ҳиндилар жуда ифлос ва бадбўй одамлар эдилар. Ҳар кун эрталаб чўмилсалар ҳам, баданларининг сассиқлигига чидаб бўлмасди. Улар ҳар кун чўмилиб бўлгач, этларига маҳсус ёғ суркашади, дейишарди. Турган уйларининг сассиқ хиди эшиклиаридан қадам қўйиш билан одамнинг нафасини қайтарар эди” деган. Бу каби маълумотлардан ҳинд конфесияси вакиллари Бухорода ўзига хос анъаналарини амалга ошириб юрганликларини билдиради.

Шунингдек, Туркистон генерал-губернаторлиги архив ҳужжатларида ҳиндларнинг вафот этган ҳинднинг қуидирилиши маросимига сўралган рухсат ва унинг ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Куйдириш одати ҳам ҳинд конфесиясининг сирли ҳамда ўзига хос урфларидан саналиб, бунда ўлган одам танини маҳсус дуоларни ўқиб ёкишган. Бухоро амирлигига ҳам Туркистон генерал-губернаторлигидаги каби маҳаллий аҳоли томонидан турлича баҳоланиши муносабати билан

масъул назоратчи белгиланиб, ушбу маросимни кечқурун, тунда маҳсус полиция вакили назорати остида ўтказишган. Бу маҳаллий аҳоли томонидан сирли ҳодиса сифатида баҳоланганд.

Ҳиндларнинг пешанасидаги “манк”-айланашакли ёки ўзига хос белги уларнинг табақаларини ифодалаб турган. Ҳиндуийликда кастачилик анъаналари мавжуд бўлиб, улар қайси табақага мансублигига қараб оқ, қизил, сарик, бинафшаранг ва яшил манклар сурғанлар. Бухорода ҳиндуийлик конфессиясидагиларнинг аксарият қисми ҳиндларнинг “бхатия”- савдо табақасидан бўлганликларини кўрсатади. Улар билан бирга марвадийларнинг савдо-сотиқ билан шуғулланувчи “бания”, ҳиндларнинг лохана, панжобликларнинг “кхатри” каби савдо табақа вакиллари ҳам яшашган.

Бухорода гарчи уларнинг кам сонли бошқа кастадаги ўрта ҳол вакиллари учрасада, асосан, бой савдогар табақасидагилар кўпроқ бўлган. Ҳинди斯顿дан келтириладиган товарлар орасида карvonдагилар Туркистон, Бухоро ва Хивадаги ҳинд савдогар ва зодагон вакилларининг буюртмаларига кўра китобларам етказиб беришган. Зиёлилар ва зодагонларга хизматкорлар, яъни қуий кастадагилар(кулилар) хизмат қилган, улар бу ерда бутунлай қашшоқлашиб қолгунигача ҳам бўлишган.

Шунингдек, С.Айний бундай ёзади: “Бу саройда Бояржи номли бир Ҳинд бўлиб, бошқаларга нисбатан бир даражада камбўй ва озодароқ, ҳужраси ҳам кўнгил оздирадиган даражада сассик эмас эди. Араб алифбесида чиройли тожикча хат ёзар ва тожикча китобларни равон ўқирди. Унинг ҳар хил китоблари бор эди. Тожикча адабий асарлардан «Гулистони Macappat», «Девони Мирзо мазҳаржони Жонон», «Хизонаи Омира» тазкираси Ҳинди斯顿да босилган бўлиб, мен уларни биринчи бор шунинг ҳужрасида кўрган эдим. Аммо ҳиндча китоблари кўп эди. У ҳамиша ё тожикча, ё ҳиндча китобларни мутолаа қилас, тожикча китобларни мутолаа қилиш учун менга рухсат берарди.”

Ҳинд конфессиясидагилар Бухорода фаол савдо олиб бориш билан бирга, ҳукуматнинг айрим чекловларига ҳам риоя этганлар. Жумладан, бошқа динга эътиқодлари сабабли уларнинг яшаган мавзе-маҳаллалари мусулмонларнидан ажралиб турган. Ю.Скайлер асарида келтиришича, уларнинг йўлаклари ҳам бошқа бўлиб, мусулмонларники каби отлари ҳам бўлмаган. Яхудийлар каби ҳиндлар ҳам мусулмонлардан баланд уловда юриши тақиқланганлиги сабаб ҳашир (эшшак) миниб юришган.

Яшаб турган карвонсаройнинг ҳужраларига ҳиндлар мусулмон муҳожирларга қараганда баландроқ ҳақ тўлаган. Баъзида бунинг каби ҳолатлар улардан айримларини оғир иқтисодий аҳволга солиб қўйганида, исломни қабул қилиш ёки юритига қайтиб кетиш чораси қолган.

Бухорода XIX асрнинг 2-ярми- XX асрнинг бошларида ҳалқаро савдо ривожланганлиги сабабли улар бу ерда асосан савдогарлик ва судхўрлик билан шуғулланишган. Ҳиндларнинг Бухоро бозорларида чой, газлама, индиго бўёғи каби ўзига хос бўёқлари, шифобаҳш ва зиравор ўтлари, дори-дармон, қанд-шакар каби кўплаб маҳсулотлари харидоргир бўлган.

Ҳинди斯顿 чойи Пешовар орқали афғон савгарлари томонидан ҳам Марказий Осиё, хусусан, Бухорога киритилган. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари ўлкада яшаб фаолият олиб борган ҳинд фуқаролари асосан савдо, ҳунармандчилик,

майда ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келишганлиги түғрисида маълумот беради. Туркистон колониал идораларининг турли хил ёзма маълумотларида Ҳиндистонлик савдогарлар асосан: чой, индиго, чинни буюмлар, мис буюмлар, қашемир мато, чарм пойафзал, гуруч, қалампир ва бошқа маҳсулотларни олиб келишган. Рус молиячи мутахассиси Н.Ф.Перовский Бухоро бозорларида Ҳиндистондан келтирилган 120 га яқин турли хил маҳсулотларни эслатиб ўтади. Унинг маълумотига кўра, Туркистонда Ҳиндистондан келтирилган “қўк” ва “қора” чой навлари хитой чой навлари билан рақобат олиб борган. Шу сабабли, Самарқандга 1870 йилда 2800 пуд ҳинд чойи келтирилган. Тошкент ярмарка комитетининг маълумотига кўра, 1874 йилда Туркистонга 37000 пуд чой олиб келинган. Кейинчалик, ҳинд савдо-сотиқ билан шуғулланувчи вакиллари Россия империяси марказий районларидағи йирик фирмалар билан мустаҳкам, ишончли алоқалар ўрнатиб ҳаттоқи машҳур Нижегород савдо ярмаркаларида ҳам иштирок этишган.

Тарихчи Г.Д. Дмитриев архив материалларини ўрганиб Ҳиндистонлик фуқаролар Туркистонда дастлабки капиталистик ишлаб чиқариш билан шуғулланганлар деган хуносаберади. Масалан: 1887 йилда ҳиндистонлик Балагуев (маҳкама хужжатларида барча ҳиндистонликларнинг фамилиялари русча ибора талаффузда берилган) – тоғ кон ва олтин қазиб олиш учун руҳсатномага эга булади. XIX асрнинг 70-йилларида Параман Лагуринов Россия саноат корхоналарига майиз етказиб берган. Самарқанд чой қадоқлаш корхонаси ҳам ҳиндларга тегишли бўлган.

Бухородаги ҳиндлар савдогарлик ва даллоллиқдан ташқари судхўрлик билан шуғилланиб, саррофлик ҳам қилишган. Бухоро маърифатпарвари С.Айний ўзининг “Эсадалик”ларида ҳинд судхўрларининг асосий қарздорлари амир сарбозлари бўлганликлари ҳақида қўйидагича ёзади: “Ҳиндилар ўзларининг олди-бердиларини дафтарга ёзмасдилар. Қарздорлари ҳам тамом хат-саводсиз одамлар эдилар. Улар ўзларининг хисоб-китобларини «хатчўп» орқали қиласдилар. «Хатчўп» яrim газли, тўрт қиррали ёғоч бўлиб, ҳар қиррасининг эни икки сантиметр келарди. Ҳар бир қарздор учун маҳсус «хатчўп» бўлиб, Ҳинди қарздорларининг номини ва қарзининг микдорини шу чўпга ҳинди хати билан ёзиб қўйарди. Ўз пулини қарздордан муайян муддатларда бўлиб-бўлиб ундиргани учун ҳар сафар қарздор пул келтириб берганда «хатчўп» бир чизик қўйарди... Ҳиндилар ҳар кун соат 12 гача ҳужраларида ўтирад, бу орада муҳтожлар келиб қарз олардилар. Сарбозлар ойлик оладиган кунларда эса, эрталаб Регистонга, амир аркига келиб сарбозлардан қарзларини ундирадилар... Тоқи Саррофондан бошланиб қирқقا яқин судхўрлар Тоқи Телпакфурӯшонгача тизилишиб туришган.” Жуда кўплаб тарихий манбаларда Бухорода шариатга кўра судхўрлик ҳаром қилинганлиги боис, бу иш билан асосан ҳиндлар ва кейинчалик яхудийлар шуғилланганликлари келтирилади.

Ҳиндлар Бухоро аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этганлиги боис, амирлик ҳукумати томонидан қўйилган “ҳиндларнинг ясовули” лавозимидағи амалдор маҳаллий аҳоли орасидан уларнинг барча фаолитини назорат қилиб юрган. Бир ҳинду вафот этгач, унинг мулки меросхўрларга ўта олмай, амир хазинасига ўтиб кетган. Ҳатто касал ҳиндулар ҳам, эҳтимол ўлим арафасида, меросхўрларига яширинча пул



ўтказмасликлари учун кузатилган. Буни архив ҳужжатларидан бирида хам кўриш мумкин. Унда Жонмирза девонбеги Остонақул қушбегига вафот этган хиндуниң қарз дафтаридағи ҳисоб-китобларига кўра 4500 тиллолик бойлиги қолганлиги ҳисобини етказгани ҳамда қушбенинг унинг хатини кўриб чиқиб ҳафта сўнгигача ушбу маблағни уни сўраб турган инглиз элчисига эмас, амирлик ҳисобхонасига топшириши буорилган. Демак, хинд савдогарларининг амирлик худудида ишлаб топган маблағлари шу ерда қазо қиласа, меросхўри бўлмаган тақдирда амирлик хазинасига ўтказилган. Бу ҳақида С.Айнийнинг “Эсадаликлари”да:

“Хинд ясовули ва умуман Бухоро ҳукумат маъмурлари Ҳиндиларнинг пулларини кўйиб кетмаслигига ва вақтида ундириб беришга кўмаклашардилар. Чунки ҳиндларнинг бор-йўғини Бухоро ҳукумати ўзиники деб биларди. Дарҳақиқат, агар бирор хинди ўлиб қолса, олдида тайинли меросхўри бўлмагач, унинг бор нарсаси, накд пулию насиясини ҳукумат ўзига ўтказиб оларди. Ясовул ҳамиша унинг нимаси бор, нимаси йўқлигини текшириб тургани учун у ўлим олдида пулини бирор ватандошига ўтказа олмас эди” дейилади.

1894 йили Россия ҳукумати Бухородаги сиёсий агентлик ва Туркистондаги амалдорлар ҳамда буржуазия талабларини инобатга олиб, ягона божхона тизимини шакллантиришга киришди. Ўша йили Россия-Бухоро божхона чизиги бекор қилинди. Натижада амирликнинг барча божхона тизими Россия божхона тизими тасарруфига ўтказилди. Бухоро ички бозорлари шу кундан бошлаб Россия ички бозорлари таркибиға киритилди. 1895 йил бошига келиб Бухоро амирлиги ўз божхона тизимидан ҳам маҳрум бўлди. Бу эса XIX асрнинг 2-ярмига келиб Бухородаги ҳинд савдогарларининг мавқеъига жиддий путур етказди. Сабаби, рус товарлари бу ерда бўлган бошқа барча давлатлар товарларини сиқиб чиқара бошлаган эди.

Бу каби ислоҳотларнинг яна бирига, XIX асрнинг 70-йилларига келиб Туркистон генерал-губернаторлиги Марказий Осиё ҳонликлари иқтисодида салмоқли ўрин тутган фақат ҳиндларга қаратилган бир қатор маҳсус ҳуқуқий нормаларни тасдиқлаган. 1877йил 27октябрда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфманнинг “Ҳиндлик муҳожирлар томонидан маҳаллий аҳолининг эксплуатациясининг бекор қилинганлиги тўғрисида” қарори эълон қилинган. Бу эса уларнинг судхўрлик операцияларига қарши курашишга қаратилган ҳаракат эди. Ўшбу қарор қоидалари ҳиндларга маҳаллий аҳолидан қарз эвазига ер мулкини сотиб олишни тақиқлаган; қарзни ундиришда фақат қарздорнинг кўчар мулки сотилиши мумкин, лекин кундалик буюмлар эмас; ночор қарздорлар ҳисбсга олинмаган ва уларнинг ўрнига ҳар йили ўз даромадларининг учдан бир қисмидан кўп бўлмаган қарз ҳисобига тўлашлари шарт эди. Бу қонундан асосий мақсад ҳиндишонлик судхўрларнинг мавқеини амалда йўққа чиқариш учун улар томонидан илгари олинган ер участкаларини мажбурий сотишни қонунийлаштириш бўлган.

Қишлоқ жойларда ҳиндларнинг ер участкаларини тортиб олиш ерларнинг қийматини қоплаш билан бирга олиб борилди. Минтақавий кенгашларнинг маҳсус қарорлари ҳинду эгаси ерни сотиши керак

бўлган даврни белгилаб берди. Агар у ушбу қарорни бажармаган бўлса, ер участкаси сотиш билан боғлиқ харажатларни олиб ташлаган ҳолда, олинган даромадни унга қайтариш билан маъмурий тартибда мажбурий сотилиши керак эди.

Дастлаб хинду судхўрларига нисбатан маъмурий чекловлар вақтингчалик қабул қилинган. Аммо 1886 йилда уларнинг асосий қоидалари Россия Давлат Кенгаши томонидан тасдиқланди ва қонун низомига эга бўлди.

XIX асрнинг 80-йилларда хинд савдогарларининг ички бозорда товар айрибошлаш билан боғлиқ йирик операцияларининг йирик салмоғи асосан Бухорода амалга оширилган. 1887 йилда бу ерда 10 нафар йирик улгуржи савдогарлар бўлиб, уларнинг тижорат фаолиятининг асосий тури дон савдоси эди. Бундан ташқари, пахта ва ғалла ҳосили учун дехқон хўжаликларига кредит бериш билан ҳам шуғулланганлар. Пахтани пахта тозалаш заводларига етказиб бериш учун хиндлар сотиб олар эдилар. Жун, газлама, калава, ип сотиб олиш ҳам уларнинг эътиборини тортди.

Умуман олганда, дехқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган хиндуийлик конфессияси вакиллари орасида ҳунарманҷчилик билан машғуллари ҳам бўлган. Бу ерда қадимдан қўним топган хиндистонлик заргарлар кичик устахоналар очишган. Айниқса, Қуръон суралари ва турли тасвирлар туширилган қоракўтирип дараҳтидан ясалган муҳрлар харидоргир эди. Ҳиндлар орасида ошпазлар, новвойлар, қандолатчилар, сартарошлар ва ҳатто ўқитувчилар бор эди. Шунингдек, тарихий манбалардан С.Айний ва М.Н.Никольский асарларида хиндларнинг сархуш қилувчи ичимлик ҳам тайёрлаганликлари, аммо унинг (маст қилувчи ичимликларни тайёрлаш ёки сотиш) амирликда таъкиқланганлиги хақида маълумот берилган. Уларнинг яширин тарзда mast қилувчи ичимлик тайёрлаб сотиш фаолияти рус ҳукуматининг вино ва спиртли ичимликларни расман амирликка киритгунига қадар (1889 йилгача) давом этган.

XIX асрнинг охири-XX асрнинг бошига келиб ҳиндлар инглиз товарларини ҳам кўплаб бир неча бараварга арzon келтириб сотганлари натижасида бу ерда унга бўлган талабнинг ортишига эришадилар. Бунинг сабаби эса Россиянинг Ўрта Осиё бозорларида гегемонлигини синдириш, устунлигини камайтириб, Буюк Британия таъсирини кенгайтириш каби сиёсий мақсад ётар эди. Бу рус ҳукумати вакилларига ёқмаган ва оқибатда хинд савдогарлариҳамда инглиз товарлари кучли таъкиб остига олинади. Оқибатда ҳиндлар Бухородан бошқа ерларга, дастлаб Туркистон генерал-губенаторлиги, сўнг умуман ўз юртларига кўчиб кетишга мажбур бўлишган.

1917 йил воқеаларидан кейин она тилини деярли унугтган оз сонли оиласвий ҳиндлар Туркистонни доимий яшаш жойи сифатида танладилар. Бухоро амирлигига Ҳиндистондан келган муҳожирларни 1920-йиллари ҳам учратиш мумкин эди. Яшаб қолган ҳиндлар 1926йилги аҳоли руйхатига кўра, 37нафар совет фуқаролигини қабул қилган ҳинд фуқароси қолганлигини кўриш мумкин.

XIX асрнинг сўнггида икки марта Бухоро амирлигига бўлган даниялик зобит ҳамда географ Оле Олуфсен “Бухоро амирининг



салтанати” асарида “Мўлтони ҳам деб аталувчи Бухоро хиндаларнинг амирилик олдидағи хизматлари катта бўлган, гарчи улар руслар томонидан жиддий таъқибга олиниб чиқариб юборилган бўлсалар ҳам” дейилади.

1910 йили Эски Бухорода бир нечта банклар бунёд этила бошланиб, Дон-Азов банкининг филиали хиндалар маҳалласининг ўрнида қурилган. Капиталистик алоқалар билан шу ердаги банк шаҳобчалари ҳамда биржা бўлими шуғилланган.

Хулоса қилиб айтганда, Бухородаги ҳиндуийлик XIX асрнинг 2-ярми- XX аср бошларида амирилкдаги йирик конфесиялардан бири бўлган. Карвонсаройлар эса нафақат ҳинд фуқароларининг истиқомат масканлари, шунингдек, маданият марказлари, ибодатхоналари ҳам ҳисобланган. Бухорода савдогарлик, судхўрлик ҳамда ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари билан шуғилланган хиндалар йирик кўчмас мулк эгалари ҳам бўлишган. Бухоро амирлигининг XIX асрнинг 2-ярмига келиб рус империяси протекторатига айланиши Ҳиндистон-Бухоро муносабатларига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Амирилкдаги ҳиндаларга бошқа конфесияларга исломни қабул қилгани ёки жузъя тўлагани ҳолда яшашига руҳсат берилган бўлишига қарамасдан, рус мустамлакачилари томонидан уларнинг “британ ҳукумати жосуслари” сифатида таъқиб ёки сиқувга олиниши каби кўплаб сабаблар туфайли камайиб кетишига олиб келган.


Шунга қарамай, ҳиндуийлик конфесиясининг XIX асрнинг 2-ярми-XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги ҳукумати ва унинг аҳолиси билан қучли дипломатик, савдо-иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлари мавжуд бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Anke Fon Kyugelgen. Легитимация сраднеазиатской династии мангитов впроизведениях их историев (XVIII–XIXвв.) – Алматы, Издательство “Дайн – Пресс”.2004.
2. E.Schuyler. Turkistan, Notes of a Journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara and Kuldja. I –London.1876.
3. O.Olufsen. The Emir of Bokhara and his country. –Copenhagen.1911.
4. Дмитриев Г.Д. Индийские выходцы в Средней Азии в конце XIX – начале XX вв. –Ташкент.1965.
5. Каландарова М.С. Индийская диаспора в Средней Азии (вторая половина XIX - начало XX в.)// Восток. Афро-Азиатские общества: история и современность, №4, 2009.
6. Логофет Д.И.Страна-безправия. Бухарское ханство и его современное состояние.–СПб.1909.
7. Небольсин П.И. «Очерки торговли России со Средней Азией». – СПб.1856.
8. Никольский М.Н. Благородная Бухара.–СПб.1903.
9. Садриддин Айний. Эсадаликлар.3-қисм.6-Том.-Т.1965.
10. Сухарева О.А. Бухара XIX - начала XX в.-Москва.1966.
- 11 Тўраев Ҳ.Ҳ. Бухоро топонимлари. – Durdona nashriyoti, Бухоро. 2021.
12. ЎМА, И-1, 1-рўйхат, 10-иш, 49-варақ.
13. ЎМА, И-1, 1-рўйхат, 12-иш, 2-3 вараклар.

14. ЎМА, И-1, 32-рўйхат, 247-иш, 14-варак.
15. Холикова Р.Э. Россия императорлиги сиёсий агентлигининг Бухоро амирлигидаги фаолияти тарихидан // Ўтмишга назар.— Т. 2021.
16. Хорошхин А. Самарканд. Туркестанские ведомости. 1872. №44.
17. Эргашев Б., Ахмедов Т. Ҳинд фуқароларининг Туркистондаги хаёти ва турмуш тарзи// O'zbekiston arxeologiyasi., № 2, 2017.

### ИЛОВА



Бухородаги Ҳиндулар Карвонсаройи, 1890-йилдаги Француз Пол Надар сурати.



Южин Скайлер.  
Ҳинд руҳонийси.(“Turkistan”)



Амирликдаги ҳиндулар



Бухоро амирлигидаги ҳиндулар. Пол Надар тасвирга олган расм.1890 й.



## **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

### **ЯЗЫК И КУЛЬТУРА В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.006>

*Нигматова Лолаҳон Ҳамидовна,  
Доктор филологических наук, доцент. Бухарский  
государственный университет.*

**Аннотация .** Лингвокультурология –одна из отраслей языкоznания, которая изучает отношения между языком и культурными концептами . Культурная лингвистика ускоряет теоретический и аналитический прогресс как когнитивистики (включая изучение сложных систем и процессов распределения познавательной способности), так и антропологии. В рамках культурной лингвистики язык рассматривается как нечто укорененное на групповом, культурном уровне познания. В данной статье раскрываются и рассматриваются проблемы взаимосвязи языка и культуры. Рассматриваются проблемы оценки и оценивания в лингвокультурологии.

**Ключевые слова:** лингвокультурология, оценка, оценивание, лингвистика, язык, культура, взаимосвязь

### **ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ**

*Нигматова Лолаҳон Ҳамидовна,  
Филология фанлари доктори , доцент. Бухоро давлат  
университети*

**Аннотация** Лингвокультурология тилишуносликнинг бўлинмаларидан бўлиб тил ва маданий тушунчалар ўртасидаги муносабатларни ўрганади. Ушибу мақола тил ва маданият муштараклиги муаммоларига бағишиланган. Мақолада тилишуносликнинг баҳо ва баҳолаш тушунчаларига изоҳ берилади.

**Калим сўзлар:** лингвокультурология, баҳо, баҳолаш, муштараклик, мауммо, тил назарияси

### **LANGUAGE AND CULTURE IN LINGUOCULTUROLOGY**

*Nigmatova Lolakhon Khamidovna,  
Associate Professor Bukhara State University*

**Abstract** The article is devoted to the problems of cultural linguistics. Cultural linguistics is one of the branches of linguistics that studies the relationship between language and cultural concepts. Cultural linguistics accelerates the theoretical and analytical progress of both cognitive science (including the study of complex systems and processes of the distribution of cognitive ability) and anthropology.

**Keywords** cultural linguistics, assessment, linguistics, language, culture, interconnection

**Вводная часть.** Лингвокультурология является краеугольным камнем современной лингвистики основу, которой заложил великий лингвист -теоретик Вильгельм фон Гумбольдт. По поводу его роли в языкоznании В. А. Звегинцев писал: «В. Гумбольдт занимает в науке о языке совершенно особое место. Выдвинув оригинальную концепцию природы языка и подняв ряд фундаментальных проблем, которые и в настоящее время находятся в центре оживленных дискуссий, он, подобно непокоренной горной вершине, возвышается над теми высотами, которых удалось достичь другим исследователям. Многие из них с чувством гордости и благоговения числят себя его учениками и последователями - А. Потт, Г. Штейнтал, Г. Курциус, К. Фосслер, А. А. Потебня и даже такой независимый ученый, как И. А. Бодуэн де Куртенэ. Но нередко и тогда, когда не упоминается имя этого удивительного ученого, лингвисты, как это показывает пример Л. В. Щербы, идут по следам, проложенным В. Гумбольдтом.» [1,356]

Идеи Гумбольдта не только ознаменовали развитие лингвокультурологических исследований, но также имели большое методологическое значение для когнитивной этнолингвистики, pragматической и коммуникативной лингвистики, теории перевода.

**Основная часть.** Известно, что интерпретация языковых единиц на основе принципа общего языка и культуры позволяет выявить их культурную ценность и характер, а также объяснить роль этих категорий в формировании национального самосознания и мировоззрения. Поскольку лингвокультурология часто находится в сравнительном аспекте, ее основным понятием являются категории оценки и ценности. [2,127]

Анализ оценки выявил к настоящему времени ее органическую связь с внутренним миром индивидов, историческую вариативность и сложную взаимозависимость со всеми атрибутивными характеристиками родовой жизни людей. Без оценки не обходится ни один индивид, независимо от того, живет ли он обыденной жизнью или вовлечен в интенсивный поиск духовных основ бытия. [3,с.318] Это взаимосвязь социальных явлений, отношений, важность, отношений человека с его деятельностью, мировоззрением и поведением, соблюдением установленных моральных установок и принципов в конкретном обществе (одобрение, осуждение, а также нейтральное отношение). Использования конкретного слова в какой-либо определенной ситуации определяется лингвистической ценностью этого слова, которое, естественно, обладает определенной лингвистической ценностью в своем в синонимичном ряду. Отношение говорящего или слушателя определяется не только лингвистической ценностью, но и правильное , эффективное использование того или иного слова, а также эффективность, качество речи и возможностью и умение замены одного слова другим. Следовательно, философская категория оценка, субъективное оценивание (оценка) отличается от лингвистического оценивания количеством и качеством. Это обусловлено повышенным интересом современной науки к созданию



автоматизированных систем управления.[4,с.68]

Однако трудно и поэтому противоречиво различать идеоэтнические и лингвокультурные явления. Как указывает К. М. Вольф, при оценке объекта отношение субъекта не всегда соответствует нормам, установленным в конкретном обществе объективным состоянием события [5,с.392]. Поэтому оценка связана не только точкой зрения конкретного индивида, но и с мировоззрением всего лингвосоциума или различных слоев этого лингвосоциума. Ценность - это культурный фактор. Культурный фактор никогда не может быть индивидуальным, он будет принадлежать к определенной группе. Ценности (которые оцениваются на основе принципов теории языковой относительности) могут быть этносоциальными, социально-религиозными, национальными по своему характеру.

Например: гиперпоним Третий рейх (Германия) воспринимался по-разному у разных наций, народов в разных странах, во всем этом можно наглядно увидеть этносоциальные, социально-классовые (конфессиональные) и национальные подходы к данному выражению разных народов и социумов. В то время Германия была разделена на два противоположных лагеря со своими взглядами, со своим отношением к происходящему. Если некоторые партии поддерживали действия третьего Рейха, другие партии, страны осуждающие смотрели на действия нацистской Германии, еще одно название Третьего Рейха.

К сегодняшнему дню, для тех, кто не знаком со Второй мировой войной, лингвистическая ценность этих выражений стала неразличимой, их субъективные оценки не полностью отражают значения единиц, а первоначальная сущность субъективно скрыта или же выражение Великая Отечественная война полностью изменило свою лингвистическую ценность. Рассмотрим еще один пример Нюрнберг – город в Германии. До начала Второй мировой войны термин Нюрнберг (Nürnberg) был известен только своими положительными коннотациями: «meistersingerstadt» (город ремесленников), «durerstadt» («город дюйера»), «hans-sachs-stadt» (город Ганса и Сакса), «stadtdesspielzeugs» («Город игрушек») был позитивной семантической лексемой, состоящей из синтеза значений, в котором существовало относительное соответствие между субъективной оценкой и объективной ситуацией. Но 1 октября 1946 года в Нюрнберге был провозглашен приговор Международного военного трибунала, осудивший главных военных преступников. Нередко его называют «Судом истории». Это был не только один из самых крупных судебных процессов в истории человечества, но и важнейшая веха в развитии международного права. Нюрнбергский процесс юридически закрепил окончательный разгром фашизма, и Нюрнберг приобрел новое значение - как город, где проходил самый знаменитый судебный процесс. Положительные коннотации, лексическая ценность была полностью забыта, а Нюрнберг стал ассоциироваться со значением «холода», таким образом, возникла разница между субъективно-социальными отношениями и объективной

ситуацией.

После распада Советского Союза произошли большие изменения в значении слов коммунизм, коммунист, комсомол, пионер и октябренок. Это можно увидеть, сравнив толкования в двухтомном (1981 г.) и пятитомном (2006 г.) толковых словарях узбекского языка:

**ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ 2-Томник 2-том:**

**КОММУНИЗМ** 1.Социалистическая революция - высшее социально-экономическое образование, основанное на обобщении средств производства, которое происходит путем установления диктатуры пролетариата и уничтожения эксплуататорских классов. 2 Научная теория и тактика построения коммунистического общества, разработанная Марксом-Энгельсом-Лениным.

**ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ 5-Томник 2-том:**

**КОММУНИЗМ** 1Различные взгляды, основанные на отрицании частной собственности и требовании равного распределения материальных благ для всех, являются общим названием взглядов. Первобытный коммунизм. Воображаемый (утопический) коммунизм.

**ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ 2-Томник 2-том:**

Каждая статья описывает лингвистическую ценность лексем своего времени с идеологической точки зрения с точки зрения целей и интересов конкретной партии. В частности, в первом комментарии (2 тома) толкованиедается с точки зрения интересов сторонников коммунистического общества, а во втором комментарии оно отражает интересы сторонников частной собственности. На наш взгляд, в обеих интерпретациях лексикографическая объективность уступила место идеологическому подходу.

**КОММУНИСТ** Член коммунистической партии. Я сюда пришел с открытыми глазами. Сначала я коммунист, лишь потом агроном. А.Каххор, Кушчинор чироклари (Огни Кушчинара)

**ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ 5-Томник 2-том:**

**КОММУНИСТ** Член коммунистической партии. Я сюда пришел с открытыми глазами. Сначала я коммунист, лишь потом агроном. А.Каххор, Кушчинор чироклари (Огни Кушчинара)

В объяснении лексемы Коммунист на глаза бросаются выше изложенные лексикографические объективности. И поэтому приведенные в двух словарях примеры считаются одинаковыми и иллюстративное и подробное описание. В толковании чувствуется идеологическая окраска слова.

**ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ 2-Томник 2-том:**

**КОМСОМОЛ** Всесоюзный Ленинский Коммунистический Союз Молодежи (аббр: ВЛКСМ)

**ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ 5-Томник 2-том:**

**КОМСОМОЛ** [«Коммунистический союз молодежи» сокращенное название словосочетания] устаревшее, ист. В советское время : 1(Всесоюзный ленинский) коммунистический союз молодежи. Член комсомола. Комсомольский билет. Комсомольское задание.



## 2. с.т. Член этого союза.

В пояснении значения лексемы Комсомол мы видим другую ситуацию. Значения обеих значений на первый взгляд поменялись местами. Значения основаны на значение одного из них или на все в одинаковой форме по следующим критериям:

- на основе основано - образованных значений;
- на основе активности и пассивности значений.

Если в двухтомном Узбекском толковом словаре значение лексемы Комсомол дается только в одном значении, то в пятитомном Узбекском толковом словаре даются два лексикографических значения. Последующее пояснение считается относительно полным толкованием лексемы. Поэтому, в толковании лексемы можно увидеть от идеологического подхода исходит лексикографический объективизм. [6]

Выражения в виде культурных обозначений или культурных ярлыков охватывают различные области жизни деятельности людей. В процессе анализа таких единиц, как сказал В.И. Телия, важную роль играют отношения между говорящим (слушателем) и реальностью. Хотя такое отношение может показаться решающим, место и роль установленных и объективных социальных норм, определяющих их взаимоотношения путем «инструктирования» говорящего и слушателя, уникальны. [7,с.11]. Однако несмотря ни на что «Оценка - это социально ориентированное отношение владельца языка, наглядно показывающее различия между языком и неязыковом объектом , которые постоянно вместе сосуществуют и не могут быть оторваны друг от друга. ».[8,с.7]

В Толковых словарях узбекского языка большое количество статей с лингвокультурологически адаптированными существительными, а также их подгруппами:

- обрядовые существительные: чалланди (приглашение молодожен), ойна курсатар (смотрины в зеркало), румол ечар (снятие платка) ;
- существительные связанные с обрядами: дуо, намоз, тахорат (молитва, очищение, омывание) ;
- существительные связанные с профессией и ремеслом; утов (отара), гилам (ковер), кирким (обрезка) ;
- существительные связанные с приметами: ола-бужи (нечто страшное, непонятное), кора мушук (черная кошка).[6]

Каждый тип подразделяется на подтипы. Например, церемониальные существительные: свадебная церемония, траурная церемония, праздничная церемония и так далее. Культурная идентичность этих единиц заключается в том, что они обычно специфичны для конкретных народов и наций. Например, День Благодарения у американцев Thanksgiving, Thanksgiving Day , День Благодарения (День Благодарения, День Благодарности), Emtekanfest (День Церкви, праздник церкви) на немецком языке. Для американцев это день, богатый историческими воспоминаниями, он связан событием 1621 года. День благодарения изначально был праздником выражения

благодарности и признательности Богу, равно как семье и друзьям за материальное благосостояние и доброе отношение. В США и Канаде этот праздник в значительной степени утратил религиозное значение и стал гражданским, общепринятым и общенародным. Своими корнями этот праздник уходит вглубь американской истории, к самым первым переселенцам из Англии, прибывшим к берегам Америки в 1620 году на знаменитом теперь судне «Мэйфлауэр». Они высадились после тяжёлого плавания по штормовому океану в нынешнем штате Массачусетс морозным ноябрьским днём и основали Плимутскую колонию. Выжившие основали колонию и весной с помощью местных индейцев приступили к обработке земли. Неожиданно богатый урожай стал наградой за их усилия. Первый губернатор колонистов У. Брэдфорд предложил провести день принесения благодарности Господу. Дня Благодарения. Впоследствии колонисты отмечали хороший урожай празднествами благодарения от случая к случаю.

Обычно лингвокультуремы не переводятся на другие языки, они существуют как реалии и даны на основе кальки: как WildWest (Вилдвест), cowboy (ковбой), western (западный). Часто существительные обозначающие собственные имена представляют черты личности, указывая на их идеологические, конфессиональные обязательства, семейное положение, профессию, склонности, черты характера. Такие имена часто являются вторичными и могут также выдавливать основное имя. В этом смысле только имена некоторых президентов США включены в энциклопедии лингвокультурного характера. Например, Рузвельт - единственный президент, отслуживший более двух сроков. Он был популярен среди людей. Народ слушал его по радио. В радиопередаче «У огня» он рассказывал людям, что происходит в стране и что он планирует. Он был первым президентом, который появился на радио и телевидении.

Личности-лингвокультуремы также встречаются в узбекских лингвокультурологических словарях. Например, национальный герой Томарис описывается на основе трех фреймов:

- 1) Томарис – полководец;
- 2) Томарис – стереотипический образ;
- 3) Томарис – средства описания человека.

Фрейм «Томарис - полководец» исходит из следующей легенды.

Согласно истории древнегреческого историка Геродота (5 век до н.э.), Кир II, основатель государства Ахеменидов вторгся в Туран в 530 году до н.э., в то время Томирис была королевой массагетов. Томарис была супругой царя массагетов и после смерти мужа управляла государством. Между вторгшейся армией персов и массагетами произошли ожесточенные бои. В первой битве победили массагеты во главе со Спаргалисом (Сипарангизом), сыном Томарис. Однако в следующей битве персы хитростью захватили Спаргалиса и несколько массагетов. Спаргалис, не смог вынести позора и покончил с собой. Томарис, думая об интересах своего народа, требует Кира II покинуть землю массагетов.



Но когда царь Персии отказался, между ними произошла жестокая битва. Битва была долгой. Пролилось немало крови и в конце массагеты одержали победу, когда нашли тело Кира II, Томарис приказала отрубить голову и поместить его в бурдюк, наполненный человеческой кровью.

Второй фрейм «Томирис - стереотипный образ» - это образ смелой патриотичной женщины. Он служит для раскрытия сути третьего образа. Образ Томирис также используется в современной узбекской литературе. Например, для смелых женщин, способных проявить себя в военно-политической деятельности: пусть в наших рядах будет больше Томарисов. Писатель Миркарим Осим хвалит её мужество в рассказе «Томарис». Ибрагим Юсупов написал эпос «Томарис» (1974), а композитор Улугбек Мусаев поставил одноименный балет (1982). В Узбекистане проходит женский фестиваль Томарис уйинлари (Игры Томарис – игры в которых участвуют только девочки, девушки).

Тем не менее, лингвокультурологические сходства и различия не рассматриваются на должном уровне или же их просто игнорируют

**Заключительная часть** Отсюда видно, что этнолингвокультурные различия возникают под влиянием периода, среды, идеологии и других факторов. Эти различия должны быть последовательно и объективно отражены в современных словарях. И особое внимание хотелось бы уделить лингвокультурным сходствам и различиям в современных комментариях и переводных словарях .

#### Использованная литература

1. Звегинцев.В.А. О научном наследии Вильгельма фон Гумбольдта. //Гумбольдт В Избранные труды по языкоznанию.- М.,1984. С 356-363
2. Бряник Н.В. Общие проблемы философии науки : Словарь для аспирантов и соискателей . Изд-во Урал ун-та.,2007-С-318
3. Гибатова Г.Ф. Аксиология в языке . Журнал Вестник Оренбургского гос.университета №2 (121) / февраль 2011. С 127-132
4. Мурясов Р.З., Самигуллина А.С., Федорова А.А. Опыт анализа оценочного высказывания // Вопросы языкоznания. 2004, - №5. – М.: Наука. – С.68–78.
5. Хайруллина Р.Х. Соотносительная лингвокультурология.- Уфа,2014.– С.138.– С.392.
6. Нигматова Л.Х. Мустакиллик даври ўзбек лугатчилигига тил ва маданият муштараклиги муаммоси// Автореф. –Бухара ,2021
7. Телия В.Н. Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.,1986. – С. 11. (144с.)
8. Хидекель С.С., Кошель Г.Г. Оценочный компонент лексического значения слова // Иностранные языки в школе. 1981 ,№4.С.7–10.

## THE STUDY OF THE GENDER PARADIGM IN MODERN LINGUISTICS

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.007>

Juraeva Zulhumor Radjabovna,

Associate Professor of the Department of Russian Language and Literature of Bukhara State University

*Abstract: The article raises the issue of the importance of identifying the gender factor in the language, which led to the selection of the gender paradigm as the main vector of modern gender studies. It is noted that the growing interest in the gender paradigm in linguistics is motivated by the natural, cultural and philosophical duality of any object in terms of the «male/female» opposition. The main directions of characterization of gender in linguistics are considered. The author concludes that the result of the research of modern linguists is the formation of general principles for the analysis of gender in language and speech.*

*Key words:* linguistics, gender, gender category, society, culture, paradigm, linguoculturology, linguistic consciousness.

## ZAMONAVIY LINGVISTIKADA GENDER PARADIGMASINING O'RGANILISHI

Jurayeva Zulxumor Radjabovna,

Buxoro davlat universiteti, Rus tili va adabiyoti kafedrasи dotsenti

*Annotatsiya: Maqolada gender paradigmاسини zamонавиy gender tadqiqotlarining asosiy vektori sifatida ajratishga olib kelgan tilda gender omilini aniqlashning ahamiyati masalasi muhokama qilinadi. Ta'kidlanishicha, tilshunoslikda gender paradigmасига bo'lgan qiziqishning ortishi har qanday ob'ektning «erkak/ayol» oppozitsiyasi nuqtai nazaridan tabiiy, madaniy va falsafiy ikkilanishi bilan bog'liq. Tilshunoslikda jinsni tavsiflashning asosiy yo'naliishlari ko'rib chiqiladi. Muallif zamonaviy tilshunoslarning tadqiqotlari natijasi til va nutqda jinsni tahlil qilishning umumiy tamoyillarini shakllantirish degan xulosaga keladi.*

*Kalit so'zlar: tilshunoslik, gender, gender kategoriyasi, jamiyat, madaniyat, paradigma, lingvokulturologiya, lingvistik ong.*

## ИЗУЧЕНИЕ ГЕНДЕРНОЙ ПАРАДИГМЫ В СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Джусраева Зулхумор Раджабовна,

Доцент кафедры русского языка и литературы Бухарского государственного университета

*Аннотация: В статье поднимается вопрос о важности выявления гендерного фактора в языке, обусловившего выделение гендерной парадигмы как магистрального вектора современных гендерных исследований. Отмечается, что возрастающий интерес к гендерной*



*парадигме в языкоzнании мотивирован природной, культурной и философской двойственностью любого объекта в плане оппозиции «мужское/женское».*

*Рассматриваются основные направления характеристики гендера в лингвистике. Автор делает вывод о том, что результатом исследований современных лингвистов является формирование общих принципов анализа гендера в языке и речи.*

**Ключевые слова:** языкоzнание, гендер, категория пола, социум, культура, парадигма, лингвокультурология, языковое сознание

**Introduction.** Gender linguistics is a relatively new branch of linguistics, the formation and active development of which falls at the end of the XX century. The interest in the gender paradigm in linguistics and the scientific «fashion» that does not lose relevance to it are due to the natural, cultural and philosophical duality of any object in terms of the «male/female» opposition, and hence such an object as language.

In the 60s of the XX century, a new direction in Western linguistics began to form, which is called feminist linguistics or feminist criticism of language. This phenomenon is associated with the initial stage of the formation of gender linguistics, characterized by a one-sided approach to the gender factor in the language, which was interpreted from the position of discrimination against women due to the predominance of grammatical forms of masculine gender and male nominations in comparison with feminine forms and female nominations. Such foreign researchers as Smith, Lakoff, Pusch, Trömel-Plötz concluded about gender asymmetry in language, and, as a result, within the framework of feminist linguistics, the need for language reform in order to overcome sexism was noted.

**Literature review.** In the works of Russian linguists, long before the introduction of the term gender into the scientific apparatus, the idea of gender as a socially conditioned phenomenon begins to form. «Within the framework of the scientific paradigm, the gender factor was studied in the aspect of pragmatic analysis of language» by S.I.Dobrova, M.V.Mudra, was considered in the works of M.Y. Nemirovsky, R.A. Budagov, N.A. Yanko-Trinitskaya, M.V. Kitaygorodskaya, etc.

Along with feminist linguistics, new directions for the study of gender representation in language are emerging in European countries and in Russia. Since the 70s of the XX century, sociolinguistic, psycholinguistic and linguoculturological studies have been conducted, the purpose of which was to analyze the specifics of written and oral texts created by men and women. The results of the sociolinguistic analysis indicate the influence of social factors on the choice of language means in the situation of communication, which serves as a refutation of the hypothesis of natural/biological conditionality of the speech of men and women [1].

Within the framework of psycholinguistic studies, E.A.Zemskaya, M.V.Kitaygorodskaya, T.B.Kryuchkova come to the conclusion about gender differentiation of speech perception, the influence of the gender factor on

the communication process and on the choice of communicative strategies, but at the same time prove that the category of gender is not consistently relevant. The results obtained during the associative experiment demonstrate that it is not uncommon for certain phenomena found in the speech of men and women to be associated with the peculiarities of their mental makeup, character, profession, role in society, but not with the difference in gender.

Within the framework of linguistic and cultural studies, Tannen proved the specificity of gender traditions and rituals of communication between men and women in each culture. Linguoculturological studies of the gender factor in language in the works of V.N. Telia were carried out on the material of Russian phraseology. One of the key areas of analysis of the gender factor in language is the linguistic research of the semantics of the category of gender, as well as the nominations of male and female persons in the works of N.A. Yanko-Trinitskaya, M.A. Krongauz and other scientists.

Keyinchalik “Devonu lug‘atit turk” bitiklarida uchraydi: Qara tunugg kechursadim, Agip uni uchursadim// Qorong‘i kechaning o‘tishini istadim, Og‘ir uyquni qochirishni istadim va hokazo.[3,25] Bundan tashqarish bu so‘z mazkur asarda qora rang ma’nosida (qara), har bir qora narsa (qara), Hoqoniq podsholar ma’nosida (Bo‘g‘ra qara xaqan), qirg‘iy ma’nosida (qaraqush), Mushtariy sayyorasi ma’nosida (Qaraqush), tuya oyog‘ining tag atroflari ma’nosida (qaraqush), go‘r, qabr ma’nosida (qarao‘run), quillarga berilgan nom ma’nosida (qarabash), zaharli bir o‘t, maysa ma’nosida (qarao‘t), qoramoy, qorayog‘ ma’nosida (qarajag‘), joy nomi ma’nosida (Qorasangir), bir xil nom ma’nosida (qara-qura) keladi. [4,188]

“Qora” so‘zining turkiy tillardagi variantlari tubandagicha:

o‘zbek tilida	qozog, qirg‘iz va b. shu kabi tillarda	ozorbayjon, turkman tillarida	xakas, mo‘g‘ul tillarida	chuvas tilida
<i>qora</i>	<i>Qara</i>	<i>gara</i>	<i>xara</i>	<i>xura</i>

“Qora” so‘zi rang bildirishi bilan bir qatorda, rang bildiruvchi boshqa so‘zlar bilan kelib, muayyan rangning qo‘shimcha kuchaytirgich ma’nolarini ham ifodalashga xizmat qiladi: to‘q qizil ma’nosida (qora qizil), odamga nisbatan (qora sariq), otga nisbatan (qora to‘riq) istifoda etiladi. Shuningdek kishilarning rang-tusi, xatto ismi ma’nosida ham mazkur rang nomi ishlatalidi. Hatto ularning sifatini belgidashda, laqab ma’nosida ham kelishi mumkin: qora yigit, qora bola, qora qiz, Qoravoy, Tursun qora v.h. O‘zbek shevalarida bu so‘z qora, qara, gara, qaro shakllarida ishlataladi.

Mazkur so‘zining “qaro” tarzida ishlatalish ko‘proq poetik nutqqa xos:

Ko‘zing ne balo qaro bo‘lubtur

Kim, jonga qaro balo bo‘lubtur. (Alisher Navoiy)

Poetik nutqda “qora” so‘zining semantik ma’nolari cheksiz. Mumtoz shoirlar mazkur so‘zni har xil narsalar, voqyea hodisalar, holatlarni ifodalash uchun ba’zida yakka holda, ba’zan birikma shaklida istifoda etganligini kuzatish mumkin. Xususan, Navoiy g‘azaliyotida bu so‘z o‘z ma’nosida ham, ko‘chma ma’nolarda ruhiy holatni ifodalashda ham keng ishlataliganligini ko‘ramiz. Shu bilan birga, uning boshqa tillardagi variantlaridan (siyoh, savod, asvad), ot turkumidagi so‘zlar vositasida (tun, shom, soch, xol, kiprik, mujja, zulf, mardum, kuya, mo‘m, saqich, neft) ma’noviy sinonim sifatida ishlataliganligini bilish mumkin. Shuni ta’kidlash o‘rinlik, Alisher Navoiy lirik she’rlari, “Xamsa”sida bu so‘zning turli variantlariga duch kelinadiki, hammasida ham qora rang ma’nosini tuyish to‘g‘ri bo‘lmaydi. B.Bafoev mazkurni to‘g‘ri belgilagan holda, quyidagilarni qayd etib o‘tadi: “Odatda, nazmiyotda rang nomlarini ifodalovchi so‘zlar ko‘chma ma’nolarda vazifa bajaradi. Lekin ular o‘rni-o‘rni bilan o‘zlarining bosh ma’nosida ham keladi. Shunday bosh ma’noda, ya’ni ”qora rang, qora, siyox” ma’nosida:

Ruq’asi jismimga jon berdi, qaro ichra magar,

Obi hayvon tomuzib, chekmish xati arqomini”. [1, 2, 191]

Demak, poetik nutqda “qora” so‘zining istifoda etilishi va ular anglatgan ma’nolar bilan o‘quvchilarni tanishtira borish rang-tus bildiruvchi boshqa sifatlarning konnotatsiyasini yanada chuqurroq anglash imkonini beradi.

**Muhokama.** Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar” romani nihoyasida (epilogda) bosh qahramonlardan biri Otabekning keyingi taqdiri haqida xabar bergen yozuvchi Yusufbek xojining Qanoatshohdan xat olganligi, xatda

Otabekning rus bosqinchilari bilan bo‘lgan muxorabada shahid bo‘lganligini qayd etar ekan, romanni bunday yakunlaydi: “Shundan keyin Yusubek xoji buni elga oshkor qilib osh berdi. O‘zbek oyim qora kiyib, aza ochdi”[5,14]. Bu o‘rinda rang-tus sifati bo‘lgan “qora” so‘zi, otga ko‘chib, muayyan bir musibatni – xalq o‘rtasida biror yaqin kishisi vafot etganida, azani ma’lum etib, qora kiyim kiyishiga ishora qilyapti. Bu udum bugungi kunda ham bir qator hududlarda saqlanib qolgan. Ayrim hududlarda esa (masalan, vodiy hududlarida) ayollarning ko‘k matodan tikilgan ko‘ylak-lozim kiyishlari, shu rangda ro‘mol o‘rashlari urf bo‘lgan. Erkaklar esa, qora chopon kiyishganlar. Shunday marosimlarda “qora”, “ko‘k” rangli matolar muayyan muddat (masalan, ayollar kishi vafot etgandan boshlab, qirq kungacha) davomida kiyib yuriladi. Er vafot etgan bo‘lsa, uning xotini iddasi chiqqunga qadar (uch oyu o‘n kun) qora yoki ko‘k kiyimni kiyib yurishi odat tusga kirgan. Shulardan keyingina o‘lik egalarining azadorlikdan chiqishlarini ayon etuvchi marosim o‘tkaziladi. Bunda azadorlarning boshlariga oq mato tashlanadi. Bu “oqlik” deyiladi. Bundan tashqari, shu marosimda ayollar qatnashib, oq osh (shirguruch – sutga pishirilgan guruch) pishirishadi va shundagina tutilgan aza nihoyasiga yetadi. Biror kishi vafot etganida, uni yuvib-tarab, oq matoga o‘rab (bu kafan deyiladi) dafn qilinadi. Tobutni oq matoga o‘rash, Toshkent va unga yaqin hududlarida urf bo‘lgan. Farg‘ona hududlarida ham tobut ustiga oq mato tashlanadi.

Xalq o‘rtasida og‘ir mehnat “qora mehnat” deyilgan bo‘lsa, shu ish tufayli yoki qattiq iztirob tufayli terga botgan odamni “qora terga tushdi” deyilgan. Kishini qiy nab qo‘yadigan yoxud uyat holatiga tushishiga sabab bo‘ladigan ishlar “qora ish” deb yuritilgan. Uyat holatiga tushganlarni “yuzi qaro” deyish ham shu bilan bog‘liq.

Musulmon dunyosida haj safari vaqtida erkaklarning ikki bo‘lak oq matodan ehrom bog‘lashlari talab qilingan. Ayollar ham ko‘proq oq, ba’zan ko‘k gullari bor oq, oqish matodan ko‘ylak-lozim kiyishlari talab qilingan. Bu kiyimlar faqat haj amallarini bajarish vaqtida kiyilgan.

Kishi ulg‘ayib, oltimish yoshdan o‘tganda, soqollariga, sochlari ga oq tushadi. Bu yoshdagagi kishilar “oqsoqol” deyiladi va turli marosimlarning izzatlari kishilar sifatida uyning to‘riga o‘tqaziladi, yoshlar ularga xizmat qiladi. Mahalla kayvonilari (rahbarlari) ham, yoshidan qat’i nazar, “oqsoqol” deb hurmat qilinadi.

**Xulosa.** Yuqoridagilardan kelib chiqib xuosa qilsak, tilimizdagagi rang-tusni ifodolovchi siftalar bugungi kunda hayotimizning ajralmas qismiga yalanib ulgurgan hamda ular tamomila boshqa ma’noni bildiradi. Azal-azaladan tilimi boy til hisoblanib undagi o‘ziga hosliklar bepayondir. Yuqorid tadqiq etilgan mavzu yuzasidan berilgan ayrim fikr-muohazalar fikrimizning dalili bo‘lib hizmat qiladi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. 10 jildlik, 1-jild. -T.: G‘.G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011. – B. 804.
2. Alisher Navoiy. Muhokamat ul-lug‘atayn. zyouz.com.
3. Avloniy A. Tanlangan asarlar. zyouz.com.
4. Ahmyedova N. O‘zbek tilida murojaat birliklarining semantik-konnotativ tadqiqi: Filol. fan. nomzodi ... diss. avtoref. – T.:2008. – B. 14.
5. Bafoev B. Navoiyning so‘z qo‘llashdagi mahoratining yana bir qirrasi.// Alisher Navoiyning adabiy mahorati masalalari. T.; Fan, 1993. – 208.
6. Qodiriy A. O‘tgan kunlar. T.: Sharq. 2012.



## MAQOLLARDAGI “QO‘Y” LMGIGA OID LEKSEMALARNING ISTE’MOLGA YAROQLILIK JIHATDAN DARAJALANISHI

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.013>

*Sharipova Maftuna Jamshid qizi,*

*Filologiya fakulteti O‘zbek tilshunosligi kafedrasasi o‘qituvchisi,*

*Buxoro davlat universiteti*

<https://orcid.org/0000-0001-5331-0246>

*Annotatsiya. Ushbu maqolada milliy-madaniy o‘zligimizni aks ettiruvchi “qo‘y” LMG asosidagi o‘zbek xalq maqollarining kundalik hayotda qo‘llanilishi, yaroqliligi nuqtayi nazaridan tasniflanishi tushuntirilgan. Maqollar ma’noviy guruhlarga ajratilgan holda nomlangan. Til tarixining xalq tarixi bilan chambarchas bog‘liqligi tilning paremiologik tarkibida yaqqol namoyon bo‘ladi.*

*Maqolda ma’lum xalqning etnografiyasi, urf-odati, dunyoqarashi, kundalik turmush tarzi kabi xususiyatlar yorqin aks ettirilgan bo‘ladi va ushbu birliklar etnografik vogeliklarning to‘liq majmui, jamiyatning tarixiy va zamonaviy tuzilishi, tabiat xususiyatlari haqidagi ma’lumotlarni ham o‘zida mujassamlaydi.*

*Maqollar tillararo semantik ekvivalentligining mavjudligi nafaqat xalqlarning lisoniy qarindoshligi va ijtimoiy-tarixiy hamjamiyatiga, balki moddiy ishlab chiqarish va munosabatlarning ko‘pgina o‘ziga xos tarixiy shakllarining bir-biriga to‘g‘ri kelishi bilan ham bog‘liq. Maqolada o‘zbek xalqi turmush-tarzidan kelib chiqib qo‘llanadigan maqollar keltirilgan, tahvilga tortilgan.*

*Kalit so‘zlar: maqol, millat, ma’noviy guruh, qo‘y, martaba.*

## CLASSIFICATION OF LAXEMAS RELATING TO THE “SHEEP” LSG IN PROVERBS IN TERMS OF SUITABILITY FOR CONSUMPTION

*Sharipova Maftuna Jamshidovna,*

*Teacher of the Department of Uzbek Linguistics, Faculty of Philology,  
Bukhara State University*

*Annotation. This article explains the classification of Uzbek folk proverbs based on the «sheep» LSG, which reflects our national and cultural identity, in terms of their use and suitability in everyday life. The proverbs are named by separating them into spiritual groups. The close connection between the history of the language and the history of the people is evident in the paremiological structure of the language.*

*Ethnography, customs, worldview, daily lifestyle of a certain people are vividly reflected in the article, and these units contain information about the complete set of ethnographic realities, the historical and modern structure of society, and the characteristics of nature.*

*The existence of interlinguistic semantic equivalence of proverbs is related*

*not only to the linguistic kinship and socio-historical community of peoples, but also to the coincidence of many specific historical forms of material production and relations. The article presents and analyzes proverbs used by the Uzbek people based on their lifestyle.*

## КЛАССИФИКАЦИЯ ЛЕКСЕМ, ОТНОСЯЩИХСЯ К ЛСГ “ОВЦА” В НАРЕЧИЯХ ПО ПРИГОДНОСТИ ДЛЯ УПОТРЕБЛЕНИЯ

Шарипова Мафтунна Джамшиидовна,  
преподаватель кафедры узбекского языкоznания филологического  
факультета,  
Бухарский государственный университет

**Аннотация.** В данной статье объясняется классификация узбекских народных пословиц на основе «овечьего» ЛСГ, отражающая нашу национально-культурную идентичность, с точки зрения их использования и пригодности в повседневной жизни. Пословицы названы путем разделения их на духовные группы. Тесная связь между историей языка и историей народа проявляется в паремиологической структуре языка.

В статье ярко отражены этнография, обычаи, мировоззрение, быт определенного народа, и эти единицы содержат сведения о полной совокупности этнографических реалий, историческом и современном устройстве общества, природных особенностях.

Существование межъязыковой семантической эквивалентности пословиц связано не только с языковым родством и общественно-исторической общностью народов, но и с совпадением многих конкретных исторических форм материального производства и отношений. В статье представлены и проанализированы пословицы, используемые узбекским народом в зависимости от его образа жизни.

**Ключевые слова:** пословица, народность, духовная группа, овца, ранжирование.

Kirish. Milliy-madaniy xususiyatlarni o‘rganish va saqlash masalalari tobora dolzarb bo‘lib borayotgan hozirgi davrda xalq og‘zaki ijodi namunalarini tadqiq etish muhim masala sifatida maydonga chiqadi. Xalq og‘zaki ijodining sermahsul turi maqol bo‘lib, u yaxlit ma’noga ega bo‘lgan va deaktuallashtirilgan birliklardan iborat bo‘lgan gap shaklidagi turg‘un ifodadir (predikativ tuzilma). Maqol xalq va uning tili bilan birga tug‘iladi, xalq u bilan yashaydi; zamirida xalqning kechinmalari, dunyoviy tajribasi, falsafasi ifodalangan bo‘ladi. Sharq xalqlari maqolni “til jilosi” («цветом языка»), “ochilmagan marvaridlar” («ненанизанными жемчужинами»), yunon-rimliklar («господствующими мнениями»), “ustun fiklar”, italiyaliklar “xalq maktabi” («училищем народа») ispanlar “ruhni davolovchi” («врачеством души»), nemislar - «ko‘cha donoligi» («уличной мудростью») kabi nomlar bilan ifodalaydilar. Maqol –o‘ziga xos, milliy, madaniy, an’anaviy, maishiy



qatlamlardan tashkil topgan umuminsoniy tuyg‘ularni, psixofizik holatlarni ifodalashga xizmat qiladi.

Til tarixining xalq tarixi bilan chambarchas bog‘liqligi tilning paremiologik tarkibida yaqqol namoyon bo‘ladi.

Maqolda ma’lum xalqning etnografiyasi, urf-odati, dunyoqarashi, kundalik turmush tarzi kabi xususiyatlar yorqin aks ettirilgan bo‘ladi va ushbu birliklar etnografik voqeliklarning to‘liq majmui, jamiyatning tarixiy va zamonaviy tuzilishi, tabiat xususiyatlari haqidagi ma’lumotlarni ham o‘zida mujassamlaydi.

Maqollar tillararo semantik ekvivalentligining mavjudligi nafaqat xalqlarning lisoniy qarindoshligi va ijtimoiy-tarixiy hamjamiyatiga, balki moddiy ishlab chiqarish va munosabatlarning ko‘pgina o‘ziga xos tarixiy shakllarining bir-biriga to‘g‘ri kelishi bilan ham bog‘liq.

Maqol – bu insonning ijtimoiy, ishlab chiqarish va madaniy faoliyatida muvaffaqiyat qozonishini ta’minlaydigan hayat va xulq-atvor me’yorlari haqidagi umumiyy boshlang‘ich bilim. Ushbu bilim taqdim etadigan shakl, ya’ni maqollar shaklan qisqa, so‘zdagi ritorik, she’riy shakl va ohangning bog‘liqligi bilan ajralib turadi. Maqol shaklining qisqaligi ularni qulay esda saqlab qolish va xotiraga katta hajmdagi bilimlarni ortiqcha yuklamaslik bilan ham ahamiyatlidir. Maqol semantik jihatdan ritorik ifodaga, poetik jihatdan so‘zlarning ko‘chma ma’nolar tizimiga tayanadi.

T.B. Radbilning ta’riflashicha, maqol – mansublik jihatdan ijodiy ishlangan qadriyat, hissiy-sezgi prizmasidan o‘tgan, ona tilining ishora shakllarida mujassamlangan, lingvistik mentalitetni ifodalaydigan birlik.

E.V.Ianova: “Maqollarda milliy mentalitetning namoyon bo‘lishining yorqinligi va dunyoning to‘liq rasmlarini qayta qurish qobiliyati mavjudligi ularning qiyosiy tadqiqini mazmunli qiladi”, degan fikrni beradi .

T.E. Vladimirova maqollar shaxslararo nutqiy muloqotning qiymat asoslariga qaratilgan, degan qarashni ilgari suradi.

Til tarixining xalq tarixi bilan chambarchas bog‘liqligi tilning paremiologik tarkibida yaqqol namoyon bo‘ladi.

Maqolda ma’lum xalqning etnografiyasi, urf-odati, dunyoqarashi, kundalik turmush tarzi kabi xususiyatlar yorqin aks ettirilgan bo‘ladi va ushbu birliklar etnografik voqeliklarning to‘liq majmui, jamiyatning tarixiy va zamonaviy tuzilishi, tabiat xususiyatlari haqidagi ma’lumotlarni ham o‘zida mujassamlaydi.

Maqollar tillararo semantik ekvivalentligining mavjudligi nafaqat xalqlarning lisoniy qarindoshligi va ijtimoiy-tarixiy hamjamiyatiga, balki moddiy ishlab chiqarish va munosabatlarning ko‘pgina o‘ziga xos tarixiy shakllarining bir-biriga to‘g‘ri kelishi bilan ham bog‘liq.

Maqol – bu insonning ijtimoiy, ishlab chiqarish va madaniy faoliyatida muvaffaqiyat qozonishini ta’minlaydigan hayat va xulq-atvor me’yorlari haqidagi umumiyy boshlang‘ich bilim. Ushbu bilim taqdim etadigan shakl, ya’ni maqollar shaklan qisqa, so‘zdagi ritorik, she’riy shakl va ohangning bog‘liqligi bilan ajralib turadi. Maqol shaklining qisqaligi ularni qulay esda saqlab qolish va xotiraga katta hajmdagi bilimlarni ortiqcha yuklamaslik

bilan ham ahamiyatlidir. Maqol semantik jihatdan ritorik ifodaga, poetik jihatdan so‘zlarning ko‘chma ma’nolar tizimiga tayanadi.

Maqollarning mavzuviy guruhlar bo‘yicha taqsimlanishi ularning aksariyati semantik jihatdan insonga qaratilgan, degan xulosaga kelishga imkon beradi. Chunonchi, tug‘ilish va o‘lim, jismoniy va hissiy holat, xarakter-xususiyat, aqliy faollik, yosh, tashqi ko‘rinish, uni o‘rab turgan tabiat, o‘simplik va hayvonot dunyosi va boshqalar. Y.G. Zavalishina ingliz va rus tilidagi zoonimlarni o‘rganib, ularni shaxsning frazeologik qiyofasini namoyon etadigan 15 ta mavzuviy sinfga bo‘ladi: 1) tashqi ko‘rinish; 2) jismoniy holat; 3) kiyim-kechak; 4) individuallik; 5) axloqiy xususiyatlar; 6) emotsiyonal-psixologik holatlar 7) intellektual qobiliyat; 8) farovonlik; 9) jamoat sohasi; 10) nutq; 11) axloqiy g‘oyalar; 12) mavjudlik; 13) mehnat faoliyati 14) xulq-atvor; 15) dindorlik. Tadqiqotimiz davomida “Qo‘y” LMGi asosida shakllangan 200 dan xalq maqollari o‘rganildi, ulardan qo‘y zoosemizimiga aloqador 5 ta; qo‘y zoomorfiga doir 19 ta, qo‘chqor zoomorfiga oid 4 ta, qo‘zi zomoorfiga oid 3 ta, sovliq, hisori shishak zomoorflariga oid 1 tadan ma’noviy guruh mavjud ekanligi aniqlandi.

O‘zbek tilshunosligida “Qo‘y” LMGiga aloqador birliklarni kundalik iste’molga yaroqlilik jihatdan ahamiyatlilik darajasiga ko‘ra quyidagi ketma-ketlikda ifodalash mumkin:

Kundalik iste’molga yaroqlilik jihatdan ahamiyatlilik darajasi.

1. Yuksak e’tibor, hurmat: Ot boqqaning uloqqa, qo‘y boqqaning qo‘noqqa – ushbu parema o‘zbek milliy mentaliteti va ona tilida so‘zlashuvchilar madaniyatining o‘ziga xos xususiyatlarini yorqin va aniq yoritib berishga xizmat qiladigan maqollar sirasiga kiradi. O‘zbek xalqida eng yaxshi mehmonni e’zozlash, iltifot ko‘rsatish, izzat-ikrom bilan kutib olish maqsadida qo‘y bilan siylash odati mavjud. Mehmonni hurmat qilish payg‘ambarlar sunnatidir. Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam) (“Birinchi mehmon kutgan kishi Ibrohim (alayhissalom) bo‘lgan edi”, deganlar): “Kim Allahga va oxirat kuniga imon keltirgan bo‘lsa, mehmonini hurmat qilsin. Kim Allahga va oxirat kuniga imon keltirgan bo‘lsa, qo‘shnisiga yaxshilik qilsin. Kim Allahga va oxirat kuniga imon keltirgan bo‘lsa, yaxshi so‘z aytsin yoki jim bo‘lsin” (Bayhaqiy rivoyati) . Xalqimizning azaliy udumlaridan bo‘lgan mehmonga qo‘y so‘yish, to‘ylarga qo‘y qo‘shanch qilib borish, irim-sirimlarga ko‘ra, qo‘ydan qon chiqarish kabi odatlar ham “qo‘y” zoonimi o‘zbeklar turmush-tarzida qay darjada ahamiyatga egaligini ko‘rsatadi. Varianti: Qutli qo‘noq kelsa, qo‘y egiz tug‘ar, qutsiz qo‘noq kelsa, qo‘yga qashqir chopar.

2. Mansab, imtiyoz: Qo‘y ko‘rmagan qo‘y ko‘rsa, quva-quva o‘ldirar maqoli biroz boylikka yoki muvaffaqiyatga erishgach, o‘zining avvalgi ayanchli holini unutib, bosar-tusarini bilmay boshqalarni mensimay “oyoq uchi”da ko‘rsatadigan takabbur kishilarga nisbatan achchiq kinoya tarzida qo‘llanadi. Sinonim va variantlari: “Ko‘rganning ko‘rmagani qursin, Ko‘rmaganning ko‘rgani”, “Ko‘rmaganni ko‘rdilar, ko‘k eshakka mindilar” (ilgari hatto eshagi ham yo‘q edi, endi eshakli bo‘lib, hech kimni nazar-pisand qilmaydi); “Eshakning peshonasiga eshakmunchoq bitibdi” (ba’zilar eshakni

bezab, uni peshonasiga (yuganiga) eshakmunchoq taqib qo‘yadilar”), “Son tegmasa son tegdi, savat-savat non tegdi”, “Yarlining cho‘ntagida aqcha tushsa, turna bo‘lib qiyqiradi” (yarli – qashshoq) “Yuvosh yo‘g‘onlashsa, eshikka sig‘mas”, “Kun ko‘rmagan kun ko‘rmas, kunduz chiroq yondirar” (bundagi “kun ko‘rmagan, kun ko‘rgan - quyosh ko‘rmagan, quyosh ko‘rgan ma’nosida emas, boylikka, mansabga ega, ega bo‘lman” ma’nosidadir. “Ko‘rga davlat bitsa, qo‘shchiroq yoqadi”, “Ot minmagan ot minsما، chopachopa o‘ldirar”, To‘n kiymagan to‘n kiysa, qoqa-qoqa to‘zdirar”, “Ot ko‘rmagan ot ko‘rsa, otxonada ot choper”, “Yomon ho‘kizga shox bitsa, suzib o‘ldirar”. O‘zbek xalq maqollarining aksariyat qismida, jumladan, mazkur maqolda “Qo‘y” kulturemasi ijobiy xususiyatlari ifodalovchi vosita sifatida “boylik” semasida faollashgan.

3. Moddiy manfaatdorlik: Bo‘riga qo‘shilib qo‘yni yeydi, egasiga qo‘shilib ko‘z yoshi qiladi – Tilning tabiat, mohiyati va asosiy xususiyatlari insonning jismoniy va aqliy tuzilishi xususiyatlari bilan belgilanadi va ularga muvofiq tilni o‘rganish lozim. Shu ma’noda til bag‘rida yashovchi maqol ham xalq donoligining beqiyos fondi, bir necha avlod vakillari tomonidan to‘plangan katta tajriba “ombori” ekan, unda milliy madaniyatning “kod”lari va asosiy qadriyatlar ma’lum qatlam ko‘rinishida ixcham shaklda saqlanadi. Shunga ko‘ra, Bo‘riga qo‘shilib qo‘yni yeydi, egasiga qo‘shilib ko‘z yoshi qiladi maqoli o‘zbek xalqi ongida ayyor va mug‘ombir kishilarga qarata aytilgan milliy kulturema sifatida muqimlashgan. Ushbu maqol ko‘zga do‘st bo‘lib ko‘rinib, dushmanning ishini qilib ketadigan hiylakor, quv, insonlarni chalg‘itib har qanday ishni o‘z foydasiga hal qiladigan makr-hiylaga usta kishilar haqida bo‘lib, unda “qo‘y” leksemasi xushta’m, yoqimli, xushxo‘r iste’mol mahsuloti ma’nosini ifodalab kelgan.

4. Boylik, davlat, pul: Boylikning boshi – sovliq. (nayman urug‘iga mansub o‘zbeklarda ona qo‘ylar sovliq deb yuritiladi). Xalq donoligining mahsuli bo‘lgan ushbu maqolda o‘zbek xalqining milliy turmush tarzi ifodalangan. Qadimda boylik ro‘zg‘orda saqlanadigan jonliq bilan belgilangan. Turkiylar xonardonida mayda mol sifatida, asosan, qo‘y, ya’ni sovliq saqlangan. Sababi, qo‘y tez ko‘payuvchan va tez ulg‘ayadigan chorva mollaridan sanaladi. Qo‘zi qisqa muddat (yil o‘tmay) ichida onasining o‘rnini bosadigan qo‘y bo‘lishi, egasiga katta foyda keltirishini quyidagi maqol orqali ham kuzatish mumkin: Qo‘y tug‘ar qo‘zi bo‘lar, yil o‘tmay o‘zi bo‘lar. Bundan tashqari, Yung olaman desang – jaydari, boy bo‘lamen desang – hisori (bulung‘urlik cho‘ponlar oyoqlari uzun, yungi qilchiq bo‘ladigan qo‘yni shunday ataganlar) maqolida ham hisori qo‘y boylik ramzi sifatida ifodalangan.

5. Qut-baraka: Ot sag‘ridan, qo‘y bag‘ridan. El-yurt farovonligining asosiy manbai – dehqonchilik va chorvachilikdir. Qo‘riq ochilib, yerga yer qo‘shilsa, ekinzorlar, bog‘-rog‘lar kengayadi, xirmonga va dasturxonga baraka yog‘iladi. Chorva mollari qancha ko‘paytirilsa, qancha semirtirib boqilsa, har xonodon uchun zarur bo‘lgan oziq-ovqatlar miqdori ham ko‘payadi. Varianti: Ot sag‘ridan qo‘y bag‘ridan (semiradi). Semirgan, ko‘paygan qo‘ylar xonadonga boylik, farovonlik, qut-baraka olib keladi. Shuningdek, ilon - folkloarning qo‘shiq janrida qadimdan ajdodlar ruhi

sifatida muqaddaslashtirilgan, e'tiqod qilingan zoonim sifatida qaralgan. U yashagan uyda doimo qut-baraka, baxt-iqbol mavjudligiga ishonilgan: "Oq ilon oppoq ilon, oydinda yurganing qani? Men yomondan ayrilib, yaxshini topganing qani?". Ammo maqol janrida ilon zoonimi qatnashgan 30dan ortiq maqollarda zaharli, sovuqqon kabi semalarни ifodalab keladi: "Yov ko'zi o'qmor(o'q ilon)dek qarar", "Ilon yuz yashasa, ajdaho ming yashasa – yoho bo'ladi". Demak, ilon qut-baraka ramzi sifatida qo'y leksemasiga yondosh sanalsa, zaharli, sovuqqonlik jihatdan unga qarama-qarshi qo'yiladi.

6. Farovon turmush: Yeganing qo'y bo'lsin, Ko'rganining to'y bo'lsin. O'zbek xalq maqollarining aksariyatida "qo'y" semasi ijobjiy xususiyatlarni belgilovchi vosita sifatida qo'llanadi. Jumladan, mazkur maqol ham ezgu tilaklar izhor qilinganda, har kungi taoming shirali, xushta'm qo'y go'shti, ko'rganing to'y-tomosha bo'lsin, degan ma'noda ishlatiladi.

7. Iste'mol manbayi sifatida:

a) dumba: Ertangi dumbadan bugungi shalhaq yaxshi – [dumba – forscha – ort, ket; dumba, quyruq]. Qo'ylarning ket tomonida son bilan bel o'rtasida o'sgan, asosan, dumaloq shaklda ko'rinvchi yog' qismi . Shalhaq - 1.Go'shtdan yoki yog'dan ajratish qiyin bo'lgan yupqa parda. 2. Sifati past, oriq, yog'siz go'sht . Ertangi yog'li dumbadan bugungi yog'siz go'sht yaxshiligi ifodalangan. Naqdning nasiyadan afzal ekanligi ta'riflangan ushbu maqolda kishi biror narsani undirish maqsadida asli tagida yo'q yoki bor-yo'qligi dargumon bo'lgan, topishning imkon bo'limgan narsani undirish uchun bekorga ovora bo'lmasligi; ozroq va yomonroq bo'lsa ham, naqdga, bor narsaga qanoat qilishi lozimligi ifodalangan. Gulxaniyning "Zarbulmasal" asarida maqolning "Bugungi naqd o'pka ertagi quyruqdan yaxshi" varianti keltirilgan.

Kordon aydi: "Sen ilgari o'tgan odamlarning kirdorin qilmassan... Holo sen hozirni ko'rgil. Masaldurki: "Bugungi naqd o'pka ertagi quyruqdin yaxshidur".

b) kalla: Kalla utgan quloq yer – (kalla utmoq - qo'yning kallasini kuydirib, tukini tozalamoq) Tarixdan ma'lumki, ilgari bevosita moddiy boylik yaratgan mehnatkashlar, odatda, o'z mehnatlari samarasidan bahramand bo'la olmaganlar. Maqolning variantlari: "Tuya boqqanga aton yo'q, Qo'y boqqanga qo'ton yo'q" (aton - axta qilingan tuya); "Yumurtqa keltirilganda yuduruq (yumurtqa-tuxum; yuduruq – musht).

d) quyruq: Kuyovnikida quyruq yegandan, o'g'ilnikida yudruq yegan yaxshi (yudruq – musht). hayvonga tegishli => taomni tavsiflovchi belgi. Maqolda quyruq leksemasining dumba semasi nazarda tutilgan. Sababi, dumbadan mazali, xushta'm taomlar tayyorlanadi. "Qo'y" LMGi maqolda "boylik, to'qlik" ma'nolarini ifodalab kelgan. Minnatli oshdan ko'ra, garchi kuyovnikida bo'lsa ham; minnatsiz osh (o'g'ilnikida) afzal ekanligi ta'kidlangan. Variantlari: "Qiznikida go'sht yegandan, o'g'ilnikida musht yegan yaxshi", "Kuyovning xo'rdisidan o'g'ilning yundisi yaxshi", "O'g'ilnikini o'ynab yeysan, qiznikini o'ylab yeysan".

e) pocha: Itning uyati kelsa, pocha tashlasang ham yemaydi (pocha – qo'y-echki, qoramol, ot oyoqlarining pastki qismi. Yomon ishlarni qilib yurib,

axiri bu qilmishidan ori kelib, uyalib kishilarga tik qarashga botinolmagan, insonga nisbatan aytildi. Yomonlikdan or qilib, o‘zini nojo‘ya ishlardan tiygan kishilarga nisbatan maqolning Itning ori kelsa, suyak tashlasang ham yemaydi variantini qo‘llaydilar. M.Koshg‘ariyning “Devonu lug‘otit turk” asarida mazkur maqolning Itka ushut atsa uldan jemas – ya’ni itga uyat kelsa, oriyat qilsa, pocha tashlasang ham yemaydi. [II, 85] shakli uchraydi.

f) oshiq: Qo‘y oshig‘ i demangiz, qo‘lga tushsa soqqa bo‘lur, Yoshi kichik demangiz aqli yetsa og‘a bo‘lur. Ba’zilar birovning kichik jussasiga, ko‘rimsizligiga qarab uni mensimay, nazarga ilmay kamsitadilar. Aslida kichik, ko‘rimsiz ko‘ringan insonlar (qo‘y oshig‘i misolida keltirilgan) jismoniy jihatdan kuchli, ilmli, kasb-hunarda mohir, gap-so‘zga usta kishilar bo‘lishi mumkin .

Ahamiyatsizlik darajasi:

1. Qadrsizlik: Yo‘qlik mard yigitga qo‘y boqtirar. Yo‘qlik kishini har ko‘yga solishi, pahlavon, belida quvvati bo‘lgan, navqiron yigitni arzimas ishlar bilan shug‘ullanishga majbur qilishi ta’kidlangan. Shuningdek, Tuya boqqanga aton yo‘q, Qo‘y boqqanga qo‘ton yo‘q (aton – axta qilingan tuya) maqolida ham qo‘y zoonimining “qadrsizlik” semasi faollahsgan.

2. Bepisandlik: Shishak so‘yding, pishak so‘yding. Mazkur maqolda tanlangan zooleksemalar o‘zbek xalqining tarixiy taraqqiyoti, milliy madaniyati, ma’naviyati, dunyoqarashining ko‘p qirralarini ochib berishga xizmat qiladi. Jumladan, xalqimiz mehmondo‘st, bag‘rikengligining ifodasi aziz kishisiga atab qo‘y, qo‘chqor so‘yishi bilan o‘lchangan. Hisori qo‘ylarni iloji boricha shishakligida so‘ymaganlar . Shishak – uch yoshli qo‘chqor. Uning go‘shti oz bo‘lsa-da, eti mazali bo‘ladi. Hajm-miqdor jihatdan pishak, ya’ni mushukka o‘xhatilgan shishak, odatda, ozlik, maydalik semalarini ifodalab kelishga xizmat qiladi.

3. Yaroqsizlik:

a) teri:

Kuygan teri yozilmas - molning, qo‘y-echkining, hayvonning terisi shilib olingach, xomligida oftobda qolsa, qiziydi, kuyadi. Bunday teri sangobga (suyuq dori solib, teriga ishlov beriladigan chuqurchaga) tushganda, o‘sha kuygan joylari sira yozilmaydi . Bu terining oftobda yoyib quritilganda, o‘z vaqtida yig‘ib olinmay kuydirib olingani oqibatida ro‘y beradi. Mazkur maqolda go‘shtdan ajratilgan qo‘y terisining ahamiyatsizlik jihatdan darajasi ifodalangan bo‘lib, qo‘yning oftobda kuygan terisi kundalik is’temolga yaroqsiz bo‘lib, undan mahsulot tayyorlashning imkoniy yo‘qligi ko‘rsatilgan. Terini sangobdan keyin ko‘r, kelinni tuqqandan - qoramol, qo‘y, echki kabi hayvonlarning terisi oftobda quritilganda kuygan bo‘lsa, sangob (terilar maxsus eritmaga solinib pishiriladigan chuqur)dan butun chiqmay, yarimtayurumta, burda-burda bo‘lib ketadi va iste’molga yaroqsiz holatga keladi. Kelin bo‘lib tushgan qizlarning ayrimlari farzandli bo‘lgandan keyin ham avvalgi husni-jamolini saqlab qoladi, ayrimlari esa xunuk tortib, qarimsiq bo‘ladi. Bundan tashqari o‘tgan vaqt ichida ularning haqiqiy fe’llari ham ma’lum bo‘ladi .

b) qulqoq:

Kalla utgan qulqoq yer. Maqolda kundalik hayot bilan bog‘liq bo‘lgan mahalliy voqelik ifodalangan. Avloddan-avlodgao‘tib, tilda mustahkamlangan ushbu maqol mashaqqatli yumushni bajarib, uni orqasidan yaroqsiz, arzimas narsaga ega bo‘lgan kishilarga achinganda aytildigan maqollar sirasiga kiradi.

Foydalilanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Майтиева, Р. А. Структурно-семантическая характеристика пословиц и поговорок даргинского языка в сопоставлении с английским. кандидат филологических наук. 2011, Махачкала.
  2. Abdul Ahad Sobirov. “Hidoyat” jurnalı, 2011 yil, 7-søn.
  3. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани (ўзбек мақолларининг изоҳли луғати). – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 199.
  4. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фолклори. Т. Фан, 2008, 16 б.
  5. Юлдашева Д.М. Ўзбек болалар фольклори тилида зоонимлар. Филол.фанлари номзоди.... дисс. – Т., 2007. – 11 б.
  6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 1-жилд. А-Р. – Москва: Рус тили. 1981. – Б. .
  7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. А-Р. – Москва: Рус тили. 1981. – Б. 541.
- Gulxaniy. Zarbulmasal va g‘azallar. – Toshkent: O‘zSSR Davlat badiiy adabiyoti. 1958. – B. 35.



## БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЛУГАТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАШИШ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.014>

Кожалипесова Перийзат Азатовна,  
Ажинёз номидаги Нұкус давлат педагогика институты  
үқитувчиси

*Аннотация: мақолада бошланғич синфларга она тили ўқитишида бошқа соҳаларга доир маълумотлар устида ишилаш, аниқланған нотаниши сүзларни ўқув лугатларидан топиши ва изоҳлашга ўргатышынинг ўзига ҳос усулларини ишилаб чиқиши, ўқувчини мустақил ишилашга, танқидий фикрлашга ундовчи, лугатлар, интернет манбалари билан ишилашга йұналтирувчи ўқув топшириқлар тизимини яратиши ҳақида фикр юритилади.*

*Калит сүзлар: матн, лугат, ўқув лугатлари, нотаниши сүзлар, изоҳлаш, маълумот қидириши, топшириқлар тизими, интернет маълумотлари*

## ИНТЕГРАЦИОННЫЙ ПОДХОД ПРИ РАБОТЕ СО СЛОВАРЯМИ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

*Аннотация: в статье обсуждается работа над информацией о других направлениях в обучении родному языку в начальных классах, разработка конкретных методов обучения выявленным незнакомым словам для поиска и интерпретации в учебных словарях, создание системы учебных заданий, мотивирующих ученика к самостоятельной работе, критическому мышлению, работе со словарями, интернет-ресурсами.*

*Ключевые слова: текст, словарь, учебные словари, незнакомые слова, интерпретация, информационный поиск, система заданий, интернет-данные*

## INTEGRATION APPROACH WHEN WORKING WITH DICTIONARIES IN ELEMENTARY GRADES

*Abstract: the article discusses the work on information about other directions in teaching the native language in elementary grades, the development of specific methods of teaching identified unfamiliar words for search and interpretation in educational dictionaries, the creation of a system of educational tasks that motivate students to independent work, critical thinking, working with dictionaries, Internet resources.*

*Keywords: text, dictionary, educational dictionaries, unfamiliar words, interpretation, information search, task system, Internet data*

Халқаро миқёсда тил ўқитиши жараёнлари ўқув лугатларига күпроқ таянади. Айниқса, электрон ўқув лугатлар ўқувчилар билим

ва малакасини оширишда катта аҳамиятга эга. аксарият хорижий дарслик ва қўлланмаларда ўкув топшириклари турли таълимий луғатларга боғланган. Профессор Ҳ.Неъматов “Ахборот асрининг тилшуносликка талаби” деб номланган мақоласида “Компьютер технологияси билан узвий бөглиқ ва сунъий интеллект ибтидоси бўлган ахборот асри тилшунослик олдига икки – бири оммавий тарзда амалга оширилаётган, иккинчиси амалга оширилиши зарур бўлган – вазифани қўяди. Амалга оширилаётган вазифанинг ўзи ҳам икки турли. Улардан бири ахборот базасини, яъни Арасту бобомиздан бошлаб шу кунгача жаҳон тилшунослигига яратилган муҳим тадқиқотларни, луғат-у, грамматика-ю, дарсликларнинг электрон вариантларини яратиб, эркин фойдаланилишини кенг йўлга қўйиш. Иккинчиси эса, лингвистик (лисоний)корpusлар,уларасосидаWordNetларнингхилма-хилтурларини яратиш ва оммалаштириш, тил бирликларининг нутқий вокеланишлари частотаси, лисоний бирликларнинг бир-бирини алмаштира олиши, айни бир хил қуршовда кела олиши ва унинг оқибатлари ... каби ҳодисаларни эмпирик тавсиф усулларида ўрганиш ва натижаларини оммалаштириш .... каби ҳозирги кунда корпус ва компьютер лингвистикаси Ғарбда катта тезлик, ўзимизда аста-секинлик билан амалга оширилаётган ишлардир” , деганда XXI аср ўзбек тилшунослиги, хусусан, лексикографияси олдида турган вазифаларни аниқ белгилаб берган эди.

Ҳ.Неъматов бошчилигига тузилган “Она тили” дарсликлари мазмунида ҳам ўкувчиларни луғат билан ишлаш жараёнлари кўзда тутилган эди. бу даврда ўкув луғатлари мавжуд бўлмагани учун ҳам муаллифлар дарслик сўнгига айрим луғат намуналарини илова қилишар эди. Дарсликларга илова тарзида, асосан, имло луғатларидан намуналар келтириларди.

Б.Менглиев, Ў.Холёров, Б. Баҳриддиновалар томонида туркум лингвистик ўкув луғатлари яратилгандан сўнг, таълим жараённида улардан фойдаланила бошланди. Тил бу – луғат деганидир. Ўкувчилар луғат билан ишлашни ўрганмас экан, уларнинг сўз бойлиги ошмайди, натижада нутқ ғализ бўлади, фикр ифодалашда иккиланишлар оқибатида оғзаки ва ёзма саводхонлик яхши ривожланмайди.

Жорий она тили таълимида ҳали ҳам ўкув луғатларидан самарали фойдаланилмайди. такомиллаштирган “Она тили” дарсликларида луғатлардан фойдаланиш бўйича ўкув топшириклари киритилмоқда. Янгиланаётган ҳамма дарсликларда ҳам бунга алоҳида эътибор берилаётгани йўқ. Бу борада профессор Б.Менглиев ҳаммуаллифлигига 2019 йилда мазмунан такомиллаштирилган 8-синф “Она тили” дарслиги бошқа дарсликлардан фарқли ўлароқ ўкувчини кўпроқ луғат билан ишлашга, сўз бойлигини оширишга хизмат қиласи.

Дарслик муаллифлари томонидан ўкувчи маъносини билмайдиган сўзлар тўғри ажратилган ва унинг маънолари танлаш имконияти қолдирилган ҳолда келтирилган.

Луғат билан ишлашда нафақат шеърий, балки насрый матнлар ҳам баравар таҳлил обьекти сифатида танланган.

29.1-mashq. Matnga mos reja tuzing. So‘zlarni ma’nodoshi bilan almashtiring. Bunda ma’nodosh so‘zlar lug‘atidan foydalaning. Reja asosida matnni ravon nutq bilan og‘zaki hikoya qiling.

29.2-topshiriq. Berilgan izohlardan matndagi ajratilgan so‘zlarning ma’nosni aniqlab, lug‘at daftaringizga ko‘chiring va yodlang: 1) tirishqoq 2) o‘qimagan, savodsiz kishi; 4) kuchli shamol; 5) yomg‘ir aralash kuchli shamol; 6) g‘olib bo‘lish, yengish.

Мазкур матн таҳлилида ўқувчига берилган топшириқ икки босқичдан иборат эканлиги маълум бўлди. Биринчи ҳолатда маънодош сўзлар лугати билан ишлаш топшириғи берилган бўлса, иккинчи ҳолатда изоҳли лугат билан ишлашга йўналтирилади.

Тарихий мавзуда ёзилган асарлар матни гарчи ҳозирги ўзбек адабий тилида бўлса-да архаик сўзларга бой бўлади шунинг учун бундай матнлар асосида тил ўрганаётганда ёки адабиёт дарсларида лугатлардан фаол фойдаланиш тавсия этилади. 47-48-дарслар учун танланган матн ҳам 15-аср воқеаларини акс эттиргани боис уни тушуниш учун эскирган сўзлар ўқув лугати зарур бўлади:

47-48.1-topshiriq. Matnni diqqat bilan o‘qing.

Ohanglarga yo‘g‘rilgan so‘zlar

Tashqari eshikdan ta‘zim qilib kirgan choshnagir ayol ovozini qo‘rquv bilan pasaytirib xabar berdi:

– Osmonda yulduzlar siyrak qoldi. Hademay tong yorishur. Hazrati oliv sahariksiz qolurlarmu?

Tong otib, azon aytilgandan so‘ng ro‘za o‘z kuchiga kiradi, hech kim hech narsa yeb-ichishi mumkin bo‘lmay qoladi. Uzun va issiq yoz kunida podshohni sahariksiz qoldirish beginilar uchun o‘zları och-nahor qolishlaridan qo‘rqinchliroq edi.

Osmon oqarib qoldi. Tong yorishgan sari qandildagi shamlarning nuri xira torta boshladi.

Azon aytadigan payt o‘tib boryapti. Arkdan tashqaridagi masjidning imomi koshinlik minoraga chiqib, bakovulning ishorasini sabrsizlik bilan kutyapti. Axir Mirzo hazratlari saharlik qilib ulgurmasdan, azon aytish xatardan xoli emas. Ovqat yeyilib, choyga o‘tilganda Umarshayx mirzo xotinlariga vaziyat qanchalik og‘irlashayotganini aytib berdi.

Shu payt masjid tomondan azon tovushi eshitildi. Choy ichayotgan Xonzoda begin shoshilib piyolasini dasturxonga qo‘ydi. Umarshayx mirzo xotinlariga bir-bir qarab, dedi:

– Mo‘ysafidlar: “To‘rt muchang butun bo‘lsin”, - deb duo qilurlar. Fotima Sulton, Qutlug‘ Nigorxonim, Qorako‘z begin, farzandlarimiz Xonzoda begin, Jahongir mirzo – har biringiz oilamizning aziz bir muchasidirsiz. Istaymenki, bu mushkul vaziyatda hamma muchalarimiz butun bo‘lsin, bir-birlariga mehr-u shafqat ko‘rsatsin. Ilik o‘z o‘rnida aziz. Ko‘z o‘z o‘rnida mo‘tabar. Agar ko‘z bilan ilik bir-biriga nizo qilsa, bundan har ikkisi jabr ko‘rur.

(P.Qodirov, “Yulduzli tunlar”)

Uyga vazifa

47-48.5-topshiriq. Qiyidagi matnlardan notanish so‘larni aniqlab, lug‘at daftaringizga ko‘chiring va qo‘llash uchun eslab qoling:

Limon sharbati bezgak bilan og‘rigan bemorning isitmasini tushirish, chanqog‘ini qondirishda ham yordam beradi. Undan tayyorlangan loson(xushbo‘y suv) bilan yuzdagи husnbuzar hamda dog‘larni ketkazish mumkin. Limon, bor kislotasi hamda timol aralashtirilib vanna qilib turilsa, oyoq terlashiga chek qo‘yish mumkin. Ilmiy tibbiyotda limon va uning sharbati oshqozon-ichak kasalliklarida, organizmda mineral tuzlarning almashinushi buzilganida iste’mol qilinadi. Shuningdek, limon sharbati angina, faringit kasalliklarini davolashda yordam beradi.

Anor po‘stlog‘i tarkibida oshlovchi, smola, bo‘yoq va boshqa moddalar bor. Abu Ali ibn Sino anor po‘stlog‘ini qon qusishda, milk va ichakdan qon ketganda, shuningdek siydk haydovchi, yara va jarohatlarga malham sifatida ishlatgan. Bundan tashqari, olim anor po‘stlog‘idan tayyorlangan qaynatma ichburug‘ga davo ekanligi va u gjijjani haydashi to‘g‘risida ma’lumotlar beradi. Xalq tabobatida anor po‘stlog‘i , mevasi va meva po‘sti, shuningdek o‘simlik guli istiqso (vodyanka) , qo‘tir, yo‘tal , ichburug‘, sariq kasalliklarga davo sifatida ishlatiladi. Anorning sharbati zangila (lavsha, tsinga) kasalliklarda shifobaxshdir. U ishtahani ochuvchi ne’mat ham hisoblanadi. Agar meva po‘stloqlarining kuli sariyog‘yoki mol yog‘i bilan yaxshilab aralashtirilib surilsa, teridagi yiringli yarachalarni tuzalishiga yordam beradi. Meva po‘stlog‘idan tayyorlangan qaynatma og‘iz bo‘g‘ilishining yallig‘lanishiga davo bo‘ladi.

Behi mevasining sharbati bilan astma , yurak , sariq , hiqichoq qorin og‘rig‘i, ichburug‘kasalliklarini davolashgan. Bundan tashqari, behidan bedarmonlik, kamqonlik, yo‘tal, me‘da, jigar va buyrak kasalliklarini davolashda ham foydalanilgan. Abu Ali ibn Sino behi mevasidan tayyorlangan damlamani ichburug‘, yo‘g‘on ichakning yallig‘lanishini davolashda, behi shirasi bilan astma, qon tupurish va qayt qilishni to‘xtatishda, chanqoq va miya og‘rig‘ini qoldirishda ishlatgan. Xalq tabobatida behi urug‘i bilan uzum sharbatining qaynatmasi kamqonlikda, ichburug‘da, bavosil kasalliklarini davolashda yaxshi ta’sir qiladi. Behi mevasi tarkibida temir moddasi borligi tufayli u kamqonlik bilan og‘rigan bemorlarga juda foydalidir.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ўқувчилар билан фақат бадий эмас, балки турли соҳаларга тааллуқли матнлар устида ишлашга бошлангич синфларданоқ ўтиш лозим. Шунда ўқувчилар юкори синфларда турли шаклдаги маълумот ва матнларни қийналмай ўқий олади, номтаниш сўз ва иборалар маъносини ўз бемалол ўқув лугатларидан, мобил иловалардан топа олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Неъматов Ҳ., Турсунова О. Ахборот асрининг тилшуносликка талаби // Филология масалалари: Илмий ва илмий-методик маколалар тўплами. –Тошкент: Фан, 2013. – Б.9-12
2. Баҳриддинова Б. Ўзбекистонда ўқув лугатчилиги: лингвистик асослари, тарихи ва истиқболлари. – Филология фанлари д-ри. диссертацияси. –Самарқанд. 2020. 23-б.
3. Қодиров М., Неъматов Ҳ. Менглиев Б. Ва бошқ. Она тили 8-синфлар учун дарслик. – Т.: Чўлпон. 2019. 6 б.
4. Қодиров М., Неъматов Ҳ. Менглиев Б. Ва бошқ. Она тили 8-синфлар учун дарслик. – Т.: Чўлпон. 2019. 6-б.



## UNLI VA AYRIM UNDOSH TOVUSHLARNI O‘QITISHDA MASHQLARNING O‘RNI

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.015>

*Ganiyeva Dildora Sagdullayevna,  
Samarqand davlat universitet Kattaqo ‘rg‘on filiali o‘qituvchisi*

*Anniotatsiya: maqolada ona tili mashg‘ulotlarida unli va undosh tovushlarni o‘qitish orqali o‘quvchilarda adabiy talaffuz ko‘nikmalarini rivojlanirish usullari, mashq turlari, tarkibi va mazmuni tahlil qilingan. Shuningdek, metodika sohasida mazkur yo‘nalishda ilmiy tadqiqot olib borgan ayrim metodist olimlar fikriga qisman munosabat bildirilgan.*

*Kalit so‘zlar: fonetika, talaffuz, imlo, unli va undosh tovushlar, bo‘g‘in, urg‘u, mashq, topshiriq.*

### РОЛЬ УПРАЖНЕНИЙ В ОБУЧЕНИИ ГЛАСНЫХ И НЕКОТОРЫХ СОГЛАСНЫХ

*Аннотация: В статье проанализированы методы, виды упражнений, содержание и содержание развития навыков литературного произношения у учащихся путем обучения гласным и согласным звукам на уроках родного языка. Также было высказано частичное отношение к мнению некоторых ученых-методистов, проводивших научные исследования в области методики.*

*Ключевые слова: фонетика, произношение, орфография, гласные и согласные звуки, слог, ударение, упражнение, задание.*

### THE ROLE OF EXERCISES IN LEARNING VOWELS AND SOME CONSONANTS

*Abstract: The article analyzes the methods, types of exercises, the content and content of the development of literary pronunciation skills in students by teaching vowels and consonants in the lessons of their native language. There was also a partial attitude to the opinion of some methodologists who conducted scientific research in the field of methodology.*

*Keywords: phonetics, pronunciation, spelling, vowels and consonants, syllable, stress, exercise, task.*

«Ona tili» darsliklarida to‘g‘ri talaffuz va imlo me’yorlarini ko‘nikma sifatida shakllantirish borasida ko‘plab mashqlar, turli tushuntirishlar beriladi. Ammo nutqiy faoliyat davomida ayrim nutq tovushlarining adabiy talaffuzi va imlosini bo‘lajak o‘qituvchiga o‘rgatish qator qiyinchiliklarni keltirib chiqaraveradi.

Adabiy talaffuz va uning me’yorlari masalasi dunyoning rivojlangan mamlakatlari tillarida atroflicha o‘rganilganligini kuzatamiz [ingliz, frantsuz vab.]. Bu boradajahon tajribasida, jumladan, ingliz tilida orfoepik mashqlardan unumli foydalaniladi. Shuning uchun ham amaldagi asosiy darslik va o‘quv qo‘llanmalarida har bir nutq tovushining hosil bo‘lish jarayoni haqida batafsil ma’lumot beriladi. Oliy maktab va umumiyl o‘rta ta’lim maktablari uchun nashr ettirilgan darslik hamda o‘quv qo‘llanmalarda tovushlarning talaffuz

holati aks etgan maxsus chizma (rasm)lar yo‘q. O‘zbek tiliga xos bo‘lgan ayrim tovushlarning to‘g‘ri talaffuzini oddiy, an‘anaviy mashqlar bilan etarli darajada o‘rgatib bo‘lmasligini bugungi bo‘lajak o‘qituvchi, talaba, hatto ayrim katta yoshdagi ziyoli kishilar, xususan, o‘qituvchilarning nutqi ham isbotlab turibdi.

Mazkur muammo bo‘yicha G‘.Hamroyev[4], M.Saidov[3] kabi metodist olimlar maxsus taddiqotlar olib borgan, shuningdek, N.Mahmudov[1], B.Mengliyev, K.Qosimova[6], K.Mavlonova[5]lar o‘z darslik va qo‘llanmalaridan to‘xtalib o‘tgan. Muammoning bir uchi yana o‘rta umumta’lim maktablarida ona tili o‘qitish masalasiga borib taqaladi. Adabiy talaffuz – madaniyatlilik belgisi. O‘rta umumta’lim tizimida 5-guruhdan boshlab talaffuzning asosiy birligi hisoblangan nutq tovushlari «orfoepiya» bo‘limi tarkibida tizimli o‘qitila boshlaydi. «Orfoepiya» bo‘limi ta’limi taqozosiga ko‘ra shu erda bo‘lajak o‘qituvchilarga nutq tovushlari bilan birga to‘g‘ri talaffuz hamda imlo qoidalarini singdirish talabi ham qo‘yiladi.

O‘zbek adabiy tili turli lahjalardan o‘sib chiqqanligi sababli uning talaffuzi borasida hududlar bilan bog‘liq jiddiy muammolar bor. Maktab ona tili darsliklarini tuzishda, ayniqsa, orfoepiyaga doir o‘quv materiallarini berishda mualliflar aholi hududiy talaffuzining tilga ta’sirini inobatga olishlari kerak. (Masalan, AQShda har bir shtat uchun alohida darslik yaratilgan.) Shu ma’noda dastur va darsliklar tuzishda orfoepik nuqtai nazardan har bir hududning talaffuzidagi muammolari e’tiborga olinishi lozim. Masalan, Xorazm vohasida ayrim so‘zlar talaffuzida [q] undoshi o‘rnida [k] nutq tovushini qo‘llash ko‘nikmaga aylanib qolgan. Demak, xorazmlik bo‘lajak o‘qituvchiga adabiy talaffuz me’yorlarini singdirish uchun darslikda berilgan ikkita mashq etarli bo‘lmaydi. Mavzuga monand, ammo darslikdagi o‘quv topshiriqlarini aynan takrorlamaydigan o‘quv topshiriqlarini tuzish, mashqlar tizimini yaratish va ulardan unumli foydalanishni barcha o‘qituvchi ham bir xilda amalga oshiravermaydi.

Toshkent viloyati, xususan, shahar hududida ommaviy tarzda [h] bo‘g‘iz undoshi o‘rnida muntazam [x] chuqur til orqa undoshining ishlatilishi (xandaley, xurmat, xamma va b.), shuningdek, Buxoro, Samardand (shahar hududida), Surxondaryo va Qashqadaryo viloyatlarining ayrim tumanlarida [o‘] unlisining talaffuzida muammolar borligini aytish mumkin.

Bu borada Samarqand viloyatiga alohida to‘xtalish mumkin. Pastdarg‘om, Urgut va Nurobod tumanlarida [i]–[e] unlilarining aytishida chalkashliklar borligi kuzatiladi. Xuddi shunday Kattaqo‘g‘on tumanida [o‘]–[u] unlilarining ishlatilishida muammolar mavjud. Mazkur hududda yashovchilar, bo‘lajak o‘qituvchilar, hatto o‘qituvchilar ham [o‘] unlisini [u], [u] unlisini [o‘] o‘rnida qo‘llaydilar.

Ko‘rinadiki, 5-guruhan «ona tili» darsligida yuqorida keltirilgan nutq tovushlarini o‘zlashtirishga mo‘ljallangan nazariy ma’lumotlar va ularni mustahkamlovchi mashqlar etarli emas. Mazkur nutq tovushlarini sanab o‘tilgan hududlarning bo‘lajak o‘qituvchilari nutqida adabiy me’yor holatiga keltirish uchun bugungi darslik va qo‘llanmalarda deyarli e’tibor qaratilmagan maxsus orfoepik mashqlar, tovushlar talaffuzi jarayonida nutq a’zolarining ko‘rinishi aks etgan alohida oksilografik chizma(rasm)lar ishlab chiqilishiga ehtiyoj seziladi.

Shuningdek, [h] bo‘g‘iz undoshining ko‘pchilikning ham yozma, ham

og‘zaki nutqda noto‘g‘ri qo‘llanilayotgani, uni bartaraf etishga qaratilgan sa‘y-harakatlarning deyarli sezilmayotgani bu borada zarur tavsiyalar ishlab chiqishni va ularni zudlik bilan amaliyotga tatbiq etishni taqazo etadi.

1999-2000 yillar keng amaliyotda qo‘llangan H.Ne’matov boshchiligidagi yaratilgan 5-guruh «ona tili» darsligida [h] va [x] undoshlarini imloda ham talaffuzda farqlash uchun berilgan o‘quv materiali boshqalariga nisbatan bo‘lajak o‘qituvchiga ancha foydali .

O‘zbek tilida [o‘] unlisi so‘zning turli o‘rinlarida bir-biridan farqli talaffuz etilishi ma’lum, biroq uni bo‘lajak o‘qituvchilarga farqlab berish masalasi muammoligicha qolmoqda. [o‘] unlisi talaffuzi bilan bog‘liq nozik jihatlarga aksariyat ona tili darsliklarida e’tibor qaratilmasligi bo‘lajak o‘qituvchilarimizning adabiy nutq me‘yorlarini to‘la o‘zlashtirishlariga soya tashlab turadi. Oliy ta’limning sohaga tegishli amaldagi darsliklarida mazkur masalaga qisman e’tibor qaratilgan nazariy ma’lumotlar uchraydi, ammo u amaliy jihatdan ishlanmagan . Ta’kidlash kerakki, bugun keng amaliyotda bo‘lgan 5-guruh «ona tili» darsligidagina [o‘] unlisi talaffuzda farq qilishi to‘g‘risidagi ma’lumotlar misollari bilan keltirilgan . Bu, albatta, ijobiy hodisa, biroq «bir holatda torroq, boshqasida kengroq aytildi», degan izoh bo‘lajak o‘qituvchiga amaliy jihatdan yordam berishi qiyin. Keltirilgan misollarni o‘qituvchi ko‘magisiz to‘g‘ri talaffuz qilib bo‘lmaydi.

Masalan, torroq aytishiga ko‘l, kengroq aytishiga bo‘ri so‘zlarini misol tariqasida keltirilgan bo‘lsa-da, bu hamisha ham kutilgan natijani beravermaydi. Shuni inobatga olib, [o‘] unlisi talaffuzi bilan bog‘liq mashqlarga keng o‘rin berish zarur.

Mashq uzlusiz takrorga asoslangandagina samara beradi. O‘quv materiallarining bo‘lajak o‘qituvchi tomonidan samarali o‘zlashtirilishi takror bilan bog‘liq. Zero, «bilimning onasi takror» dir.

Ma’lumki, psixologik nuqtai nazardan inson xotirasi, jumladan, bo‘lajak o‘qituvchi xotirasi ham muayyan turlarga bo‘linadi. Ma’lumotlarni bir marta o‘qish oddiy xotirada vaqtinchalik saqlanadi va qisqa muddatda unutiladi. Agar uzlusiz takrirlansa, u doimiy xotiraga o‘tadi. E.G‘oziev ta’kidlagan G.Ebbingauzening bo‘lajak o‘qituvchi eslab qolishi mumkin bo‘lgan ma’lumotlar tarkibi, miqdori va sifati haqida olgan xulosalarini shu o‘rinda keltirish o‘rinli. U hech qanday ma’no anglatmaydigan 38ta bo‘g‘inni bo‘lajak o‘qituvchi 55 marta takrorlaganda eslab qolganini; 38 – 40ta so‘zdan iborat materialni eslab qolish uchun esa, 6-7 marta takrorlash kifoya qilganni aniqlagan . Bo‘lajak o‘qituvchining ijtimoiy hayotda aloqa-aratlashuvni to‘g‘ri amalga oshirishida xizmat qila oladigan zaruriy ma’lumotlarni uning uzoq muddatli xotirasiga o‘tkazish uchun o‘scha ma’lumotlarni ko‘p marta takrorlatish va xotirasida qayta tiklab turish lozim. Shu o‘rinda aytish mumkinki, orfoepiya sathini o‘qitishda mashq va topshiriqlarning o‘quv materialini tashkil etuvchi sermazmun, purhikmat matnlardan o‘rinli foydalanilsa, bo‘lajak o‘qituvchi ularni bir-ikki takrorlash bilan uzoq muddatli xotirasiga «yozib qo‘yadi». Biror jismoniy harakat avtomatlashish darajasiga etishi uchun qancha uzlusiz mashq zarur bo‘lsa, muayyan nutqiy malakaning shakllanishiga ham shuncha mashq, harakat kerak bo‘ladi.

5-guruhsda orfoepiya sathi ta’limini takomillashtirishda ilg‘or pedagogik texnologiyalardan unumli foydalanish ham muhim ahamiyatga molik. Ma’lumki, maktabda bugungi «ona tili» o‘quv predmeti ta’limida omilkor o‘qituvchilar tomonidan ko‘plab innovasion texnologiyalar zamon talablariga

mos holda qo'llanilmoqda. Tabiiyki, bu «orfoepiya» sathi ta'limida, jumladan, bo'lajak o'qituvchiga nutq tovushlarining to'g'ri talaffuzini o'rgatish jarayonida juda qo'l keladi. Ammo amaldagi ishlar etarli darajada emas, chunki bo'lajak o'qituvchilar nutqida tovushlar talaffuzi bilan bog'liq muammolar to'la bartaraf bo'lgani yoki mazkur muammoning echimi sifatida asosli tavsiyayu metodik ko'rsatmalar ishlab chiqilib keng amaliyotga tatbiq etilgani yo'q.

Mazkur masalaning yana bir jihat borki, har qanday sharoitda ham ona tili o'qituvchilarini mazkur bo'limni o'z imkoniyat va salohiyatlaridan kelib chiqib tushuntiradilar. Odatta, bo'lajak o'qituvchi uchun o'z ona tilining hamma tovushlari ham talaffuz va imloda qiyinchilik tug'diravermaydi. Mahalliy til hisoblangan sheva ta'sirida ayrim unli va undosh tovushlarning aytishi hamda yozilishida chalkashliklar, xatolar bo'lishi mumkin. Amaliy kuzatuvar shuni ko'rsatadiki, respublikamizning turli hududlarida bo'lajak o'qituvchilar nutqida, asosan, unlilardan [i] – [e], [o'] – [u] va undoshlardan [h], [x], [q], ba'zan [j] tovushlari talaffuzida, ba'zan shuning ta'sirida imloda ham xatoga yo'l qo'yishadi. Bunday vaziyatlarda amalda qo'llanilayotgan topshiriq xarakteridagi mashqlar bilan qancha ko'p ishlansa ham, kutilgan natijaga erishish qiyin kechmoqda.

Bo'lajak o'qituvchining og'zaki nutqi tug'ilib o'sgan eri, oilasi, yaqinlari ta'sirida shakllangan holda maktabga keladi. Ba'zan ularni o'zлari o'rjanib qolgan holatdan adabiy talaffuz me'yorlari doirasiga o'tkazish ancha qiyinchilik tug'diradi. Bunday sharoitda o'qituvchi, albatta, orfoepiya o'qitish jarayonidagi dastlabki faoliyatni hududiy muammolardan kelib chiqqan holda talaffuzi qiyin nutq tovushlari ustida ishlashga qaratishdan boshlashi zarur. Aks holda, ayrim bo'lajak o'qituvchilar balog'atga etganda ham ba'zi nutq tovushlari talaffuzini eplay olmaydigan bo'lib qolishadi. Bu kabi «nutqiy kemtiklik» madaniy davralarda bo'lajak o'qituvchiga bir umr xalaqit berishi mumkin. O'qituvchi o'z vaqtida og'zaki nutqida muammolari bor bo'lajak o'qituvchilarga alohida e'tibor berib, maxsus talaffuz mashqlari ustida muntazam ishlasa, muammoga o'rin qolmasligi aniq. Biroq bu borada maktabning amaldagi didaktik ta'lim vositalari(darslik, qo'llanmalar)da orfoepik mashqlarga maxsus o'rin ajratilmagan.

Fikrimizcha, orfoepiyaga doir o'quv materiallarining shakllanishi, tarixiy taraqqiyoti tahlilidan kelib chiqib bu boradagi muammolarni atroficha o'rjanish ularning echimini topish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo'rabyeva Z. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. – T., 2013. – 224 б.
2. Jamolxonov. H. Hozirgi o'zbek adabiy tili.– Toshkent. "Talqin" 2005. 131-b.
3. Saidov M. O'zbek maktablarining 5-sinflarida ona tili ta'limi jarayonida tafakkurni rivojlantiruvchi o'quv topshiriqlari va ulardan foydalanish metodikasi: ped. fan. nom diss-ya. avtoref.TDPU. –Toshkent, 2000. –84 b.
4. G'ofir Hamroyev. Umumiyo'rta ta'lim tizimida fonetikaga doir o'quv materiallarining metodik ta'minotini takomillashtirish.(PhD) Dissertatsiyasi. Samarqand – 2019.
5. Azimova I., K.Mavlonova va b. Ona tili va o'qish savodxonligi 1-qism. 2-sinf uchun darslik T. – 2021
6. K.Qosimova, S. Matchonov, X. G'ulomova, Sh. Yo'ldosheva, Sh. Sariyev Ona tili o'qitish metodikasi Toshkent – "Nosir" nashriyoti 2009.



## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

### **БҮЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ-ОПЕРАТИВ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.016>

*Курбанова Гулноз Негматовна*

*БухДТИ педагогика, психология ва тиллар кафедраси мудири, п.ф.д  
(Dsc)*

*Аннотация: мақола таълим жараёнида бўлајсак мутахассислар касбий-оператив тафаккурини ривожлантиришнинг дидактик имкониятларини ўрганишига багишланган бўлиб, касбий-оператив тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари мазмуни ва моҳияти замонавий концепциялар асосида таҳлил қилинган.*

*Калит сўзлар: тафаккур, касб, оператив, мулоқот, бўлајсак ўқитувчи, зарурат, ривожланиш, вазифа, вазият, ечим.*

### **ДИДАКТИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ОПЕРАТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ**

*Курбанова Гулноз Негматовна*

*Заведующий кафедрой педагогики, психологии и языков д.п.н (Dsc)*

*Аннотация: Статья посвящена изучению дидактических возможностей развития профессионально-оперативного мышления будущих специалистов в образовательном процессе. В статье анализируются содержание и сущность педагогико-психологических особенностей развития профессионально-оперативного мышления на основе современных педагогических концепций.*

*Ключевые слова: мышление, профессия, оперативник, общение, будущий учитель, необходимость, развитие, задача, ситуация, решение.*

### **DIDACTIC OPPORTUNITIES FOR THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL AND OPERATIONAL THINKING IN FUTURE TEACHERS**

*Kurbanova Gulnoz Negmatovna*

*Head of the Department of Pedagogy, Psychology and Languages (Dsc)*

*Resume: The article is devoted to the study of didactic opportunities for the development of professional and operational thinking of future specialists in the educational process. The article analyzes the content and essence of the pedagogical and psychological features of the development of professional and operational thinking on the basis of modern pedagogical concepts.*

*Key words: thinking, profession, operative, communication, future*

*teacher; necessity, development, task, situation, solution.*

**Кириш.** Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва ўзгаришлар даврида алоҳида эътибор бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашга қаратилиб, ўз навбатида улар ўқувчи ёшлар шахсини шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга масъул ҳисобланадилар.

Олий таълим муассасалари замонавий талабалари касбий тафаккурини ривожлантириш муаммосининг долзарблиги шундаки, бўлажак ўқитувчининг тафаккури мураккаб ички психологик фаолият сифатида унинг келажакдаги касбий етуклигини белгилайдиган мезон бўлиб хизмат қилиши лозим.

Замонавий таълим муассасаси бу авваламбор талабалар ўқув- билув фаолиятининг самарадорлигини таъминлайдиган, шахснинг индивидуал-психологикхусусиятлариҳамдақобилиятаистеъодларини ривожлантирадиган мустақил ижодий тафаккур мактаби ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили.** Кўпгина олимлар (В. С. Ильина, Н. В. Кузьмина, Ю. Н. Кулюткин, Г. С. Сухобская, Л. А. Регуш, В. А. Сластёчин, О. Розиков, Б. Р. Адизов ва бошқ.) фикрича замонавий олий таълимнинг салбий томонларидан бири унда ижодий ҳамда касбий тафаккур ўрнига вербал-мантиқий тафаккурни ривожлантириш устувор вазифа сифатида эътироф этилади.

Ўқитувчининг касбий тафаккурини ривожлантириш муаммоси амалий тафаккурни тадқиқ этиш доирасида амалга оширилади.

Муаммо бўйича дастлабки тадқиқотлар Е. Н. Торндейк, В. Келлер, К. Бюлер, К. Кофка, Н. А. Ругер, М. Я. Басов, С. Л. Рубинштейн томонидан амалга оширилган илмий ишларда ўз аксини топган. Номлари келтирилган олимлар касбий тафаккурни намоён бўлишини амалий фаолият нуқтаи назардан ўрганган бўлсалар, С. Л. Рубинштейн биринчилардан бўлиб касбий тафаккурнинг: синчковлик асосида кузатувчанлик, маълум муаммоли вазиятларда ўзига хос ва ягона қарор қабул қила олиш, қисқа вақтда тафаккур қилишдан амалий фаолиятга ўтиш каби ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади.

Ўз навбатида амалий тафаккур муаммоси тадқиқотчилар томонидан яқин вақтлардан бошлабгина ўргана бошланди. Ғарб психологиясида амалий фаолиятга йўналтирилган тафаккур: элементар, ноижодий ҳисбланиб, назарий тафаккурга нисбатан иккиламчи шакл сифатида қараб келинган. Шу нуқтаи назардан турли касбларда тафаккурнинг мураккаб шакллари ҳамда кўргазмали-фаолиятли компонентлари намоён бўлиши мумкин эмас деб ҳисобланган.

Амалий тафаккур муаммоси рус олимлари Ф.Н.Гоноболин, Н.В.Кузмина ҳамда Б.М.Теплов тадқиқотларида бир мунча ўз ечимини топди. Чунончи Б.М.Теплов амалий тафаккур, яхлит тафаккур механизmlари (анализ, синтез, тақослаш, тизимлаштириш, абстракция ва аниқлаштириш) нинг бирлиги асосида намоён бўлади ҳамда у тафаккур фаолиятининг алоҳида шакли ҳисбланиб, унинг ўзига



хослиги амалий фаолиятда инсон томонидан у ёки бу вазифаларни ечимини топишга қаратилади деб ҳисоблайди. “Инсон интеллекти ва тафаккур механизмалари ягона, аммо тафаккур шакллари ҳар хил, чунки у ёки бу ҳолатда инсон ақли томонидан ечимини топиши керак бўлган вазифалар ҳар хилдир”

Асосий қисм. Амалий ақл амалий фаолиятнинг таркибий қисми сифатида хусусий ва аниқ вазифаларнинг мақсадини амалга оширишга қаратилган бўлади. Касбан етук-амалиётчи ақли ушбу вазифаларни доимий равища излайди ва ечимини топишга ҳаракат қиласди. Ўз навбатида ўқитувчи ҳам доимий равища излайди ўз фаолиятида ахборотни йигиш ва қайта ишлаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш каби касбий вазифаларни излайди ва ечишга ҳаракат қиласди.

Ечим натижаси- амалга оширишга тайёр бўлган ҳаракат режалари ҳисобланади. Ўқитувчи ақли доимий равища режалаштириш билан банд бўлади. Шу сабабли режалар оддийлиги, аниқлиги билан ажралиб туриб, амалга ошириб бўлмайдиган, кенг қўламли ва узоқ муддатлиги бўлмаслиги лозим. Улар тирик организмга ўхшаган ҳолда ҳар дақика ва вақти-вақти билан ўзгарувчан ва янгиланадиган, шу сабабли ишчанлиги ва ҳаётчанлигини сақлаб билиши билан ажралиб туриши керак.

Ўқитувчи тафаккури мураккаб ҳамда тизимли билимларга асосланади ва касбий нуқтаи назардан бу билимлар таркибига қўйидагилар киради :

- Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида таълим муассасалари ривожланишини белгилайдиган давлат таълим стандартларини билиши;
- Барча фанларнинг методологик асосини ташкил этувчи назарий концепциялар мазмунини тушуниши ва билиши;
- Таълим-тарбия жараёнининг назарий асосларини билиши;
- Таълим-тарбия жараёнининг методологик ҳамда педагогик-психологик асосларини билиши;
- Таҳсил олувчиларнинг анатомо-физиологик, ёш ҳамда психологик хусусиятларини билиши;
- Таълим-тарбия жараёнининг моҳияти, мазмuni, ўқувчилар фаолиятини бошқариш шакллари, методлари ва усулларини билиши ;
- Мутахассислик фанини билиши;
- Мутахассислик фанини ўқитиши методикасини билиши;
- Ўзи ва ўқувчилар иш фаолияти натижаларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш методикаси ва методларини билиши;
- Таълим ва тарбия жараёнига замонавий инновациялар, педагогик ҳамда ахборот технологияларини кўллай олиши.

Ўқитувчи касбий фаолиятида оператив тафаккур алоҳида аҳамиятга эга.

Замонавий адабиётлар ва фанда “Оператив” атамаси З маънода келади:

- 1) турли операциялардан ташкил топган фаолият;
- 2) тез амалга ошадиган фаолият;
- 3) опера (лот.) - меҳнат, яъни оператив тафаккур дегенда, меҳнат

фаолиятига йўналтирилган тафаккур деб тушуниш лозим.

Оператив тафаккур деганда амалий масалаларни, жумладан бошқариш масалаларини ҳал қилишнинг шундай жараёни тушуниладики, бунинг натижасида қўйилган масаланинг ҳал қилинишини таъминлайдиган ҳаракатларнинг (операцияларнинг) тахмин қилинаётган жамланмасининг субъектив модели шаклланади.

Рус олими В.Н.Пушкин “Катта тизимларда оператив тафаккур”, немис тадқиқотчиси Дитрих Дернер “Муваффақиятсизлик мантиқи” асарларида оператив тафаккурнинг инсон фаолиятидаги таъсири, унинг амалга ошиш жараёни, механизмлари тўғрисида фикр юритиб, турли вазиятларда унинг намоён бўлишини экспериментал тадқиқ этишган.

Ҳақиқатдан ҳам ўқитувчининг меҳнат фаолияти уни тез ҳамда самарали ташкил этиш ва амалга оширишга юқори талаблар қўйилиши билан характерланади. Ўқитувчининг оператив тафаккури тизим бошқарувчиси сифатида: режалаштириш, тадбирларни ишлаб чиқиш ва бошқариш, педагогик жараёнда юзага келадиган кескин вазиятларни бартараф этиш бўйича вазифаларни амалга ошириш операцияларидан иборат бўлади.

Бу операцияларни амалга оширишда оператив тафаккур вазифалари хизмат қилиб, педагог ва психолог олимлар томонидан қуйидагича талқин қилинган:

#### ОПЕРАТИВ ТАФАККУР ВАЗИФАЛАРИ

МУАЛЛИФЛАР	ВАЗИФАЛАР	ТАФАККУР ДАРАЖАСИ
Ю.Н.Кулюткин (1990)	англаш-билиш	Етакчи ғоялар даражаси
	рефлексив	Схемаларни амалга ошириш
	бошқарув	Конструкциялар тузиш
И.Я.Лернер (1985)	методологик	Стратегик даражা
Б.Т.Лихачев (1990)	рефлексив	Схемаларни амалга ошириш
	бошқарув	Схемаларни амалга ошириш
	башоратловчи	Конструкциялар тузиш
А.Б.Орлов (1986)	рефлексив	Конструкциялар тузиш
	бошқарувчи	Конструкциялар тузиш
Баротов Ш.Р. (2012)	методологик	Стратегик даража
	англаш-билиш	Оператив даража
	башоратловчи	Тактик даража
Курбанова Г.Н. (2021)	тушунтирувчи	Назарий тафаккур
	ташхисловчи	Илмий-амалий тафаккур
	лойиҳаловчи	Ижодий тафаккур
	педагогик	Ижодий тафаккур

1-жадвал. Оператив тафаккур вазифалари



Хар бир вазифани амалга ошириш механизми қуидаги жадвалда ўз аксини топган:

ТАФАККУР ВАЗИФАЛАРИ	МОХИЯТИ
АНГЛАШ-БИЛИШ	Педагогик-психологик категориялар мөхиятини англаш ва тушуниш; Ақл маҳсулдорлиги; Тафаккур операциялари шаклланганлиги; Маълумотларни тез таҳлил қилиш; Мураккаб ҳамда қарама-қарши ҳодисалар мөхиятини тушуниш.
ЭМПАТИК	Адекват перцепция; Билиш фаолиятидаги муваффақиятларга эришишга кўмаклашиш; Қадриятли ёндашув.
МЕТОДОЛОГИК	Касбий фаолиятнинг умумий ҳолати Таълим жараёни концепциясининг шаклланганлиги.
БАШОРАТЛОВЧИ	Мақсадни англаш; Башоратлаш, лойиҳалаш; Таълим жараёнини моделлаштириш.
РЕФЛЕКСИВ	Мақсадни тушуниш; Фаолиятга мотивация; Таҳлилга интилиш; Ўз-ўзини танқидий баҳолаш; Мукамалликка интилиш
БОШҚАРУВЧИ	Фаолиятнинг мақсадли йўналганлиги; Эмоционал-иродавий ҳолатнинг шаклланганлиги; Масалалар таҳлили учун ижобий мухит яратиш; Таълим жараёнини бошқариш бўйича кўникмаларни ҳосил бўлиши.

2-жадвал. Касбий тафаккур вазифалари мөхияти.

Шу ўринда педагогик жараёнда юзага келадиган кескин вазиятларни бартараф этиш бўйича вазифаларни ечишга эътиборимизни қаратсак. Муаммоли масалалар ижодий характерга эга бўлади. Уларни ечиш учун стандарт алгоритм мавжуд эмас. Уларни ечиш учун оператив тафаккур зарур бўлади. Ўқитувчи меҳнат фаолиятида шундай вазиятлар юзага келиши мумкинки, биринчидан педагогик жараёнда режалаштирилган ва амалдаги ҳолат ўртасида номувофиқлик келиб чиқиши, иккинчидан ўқитувчидаги бўйича аниқ режа ва

тасаввур ҳамда фаолият усулининг йўқлиги кузатилади. Бу вазиятда 2 хил вариант юзага келади:

о Биринчидан ўқитувчида ечим усули йўқ. Чунки бу вазиятни у хозирги кунга қадар шахсий тажрибасида учратмаган ва йўриқномаларда ечим тўғрисида ахборот йўқ;

о Иккинчидан бундай вазият илгари учрамаганига қарамасдан ўқитувчи тасарруфида алоҳида бартараф этиш усувлари мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро уйғулиқда қўлланиши вазифа ечиш имкониятини беради.

Шу сабабдан таълим муассасаларидағи амалий муаммолар билан ишлаб чиқилган назарий ишланмалар ўртасидаги номувофиқликларни бартараф этиш масаласи долзарб педагогик муаммо ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида педагогик-психологик вазифаларни ечишда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-оператив тафаккурини ривожлантиришга ёътибор қаратилиши лозимлиги эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Тажриба-синов ишлари кўрсатишича, талабаларнинг касбий-оператив тафаккури хотира, дикқат, олий нерв фаолияти, сенсомотор реакциялар каби психик хусусиятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бу эса ўрганилаётган ҳодисанинг инсон ривожланиши учун зарур бўлган ижтимоий-биологик хусусиятини исботлайди.

Бизнинг фикримизча, талабаларнинг касбий-оператив тафаккурининг ривожланиши, бўлажак ўқитувчилар шахси хусусиятларини намоён киладиган З босқичда амалга ошади.

Биринчи босқичда гуманитар, табиий-илмий ҳамда маҳсус фанлар блокидан тегишли билим, кўникма ва малакалар фонди шаклланади.

Иккинчи босқичда шакллаган билимлар фондини назорат қилиш ва ундан фойдаланиш коэффициенти кўтарилади. Яъни талабалар томонидан ўзлаштирилган билимлар, кўникма ва малакалар педагогик-психологик вазифаларни ечиш имкониятини беради.

Касбий-оператив тафаккурни ривожлантиришнинг учинчи босқичида талабалар олдига “маҳсус” қийинчилик даражаларига эга бўлган вазиятлар асосида вазифалар қўйилиб, улардан касбий-оператив тафаккурни қўллаган ҳолда адекват, тез ва рационал ечимларни топиш вазифаси қўйилади.

Хозирги кунда оператив тафаккурни экспериментал тадқиқ этишнинг бир қатор усувлари ишлаб чиқилган. Уларнинг асосийлари қўйидагилардир:

- ўрганилаётган субъектга мантикий вазифа таклиф этилиб, уни ечиш жараёнида олдиндан қандай қилиб фикр юритганликларини оғзаки тарзда кетма-кет ифодалаш тавсия этилади;
- вазифани ечиш жараёнида субъектнинг кўз ҳаракатлари кузатиб борилади. Ҳар қайси вазифаларни ечиш жараёнида интеллектнинг намоён бўлиши кўз ифодаларида ўз аксини топади. Кўз ҳаракатларини электроокулография (ЭОГ) методлари билан аниқлаш мумкин.
- оператив тафаккурнинг характеристи ва самарадорлиги вазифанинг сифати (вазифани бажариш вақти, хатолар миқдори ва х.к.з.)ни



белгиловчи микдор кўрсаткичлари билан аниқланади.

- оператив тафаккур қонуниятларини компьютер дастурлари ва тизимлари орқали тадқиқ қилиш мумкин.

Юқоридаги методлар миянинг таҳлилий фаолиятини тадқиқ қилиш имкониятини бериб, вазифаларни ечиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш имкониятини беради.

Хулоса. Касбий-оператив тафаккурни ривожлантириш бўлажак ўқитувчиларда турли хил вазиятларда турли хил педагогик-психологик вазифаларни ечиш имкониятини бериб, улар онгига шаклланган билим, кўнкима ва малакаларни тез вақт ичида хотирада тиклаб, самарали натижаларга эришиш имкониятини беради. Касбий-оператив тафаккурни ривожлантириш орқали бўлажак ўқитувчиларда реал педагогик жараёнда юз берадиган муаммоли вазиятлар, стресс ҳолатларининг олдини олиш, вақт танқислиги ҳамда замонавий ўкувчиларнинг интеллектини ривожлантириш имконияти ҳосил қилинади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов Б.Х., Қаландаров А.Д. Онг ва рухият фалсафаси.-Бухоро: Дурдона,-624 б.
2. Мышление учителя: Личностные механизмы и понятийный аппарат / Под ред. Ю. Н. Кулюткина, Г. С. Сухобской. М.: Педагогика, 1990. 104 с.
3. Рубинштейн С.Л. Принципы детерминизма и психологическая теория мышления. М.: Наука, 1959. - 203с.
4. Теплов, Б.М.Практическое мышление / Б.М. Теплов. – Москва // Психология мышления : хрестоматия / – Издание 2-е, переработанное и дополненное. – Москва : ACT :Астрель, 2008. – С.224.
5. Фозиев Э. Шахс психологияси ва қасб танлаш. Т., 1987.
6. Курбанова Г.Н.Педагогик мулокот воситасида талабалар қасбий тафаккурини ривожлантириш Монография.”Дурдона”, Бухоро-2021.
7. .Kurbanova G.N. Pedagogical and psychological bases on developing students' professional thinking in medical pedagogical education. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 06, 2020. 3059-3067
8. Kurbanova G.N. The role of ancestral heritage in the development of professional thinking of future professionals International Scientific Journal
9. Theoretical & Applied Science p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2020 Issue: 01 Volume: 81 Published: 30.01.2020 <http://T-Science.org> . SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863
10. Курбанова Г.Н. Развитие профессионального и оперативного мышления будущих специалистов в образовательном процессе. Neurodynamics журнал клинической психологии и психиатрии// Т.2 №8.2020, 50-56.ISSN 2658-.7955 Адрес: <https://smu.psychiatr.ru/neurodynamics>



## ТРЕНИРОВКА ЮКЛАМАЛАРИНИ ОРГАНИЗМГА ТАЪСИРИНИ БИОХИМИЯВИЙ УСУЛ БИЛАН БАҲОЛАШ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.017>

Алламуратов Шуҳратулла Иноятович

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети  
профессори, биология фанлари доктори.

**Аннотация:** мақолада биохимиявий усулларнинг энг осон ва хавфсиз тури бўлган сийдикни анализ қилиши орқали спортчиларнинг функционал ҳолатини ўрганишусули тавсифланган.

**Калит сўзлар:** биохимиявий усул, сийдик анализи, функционал ҳолат, оқсил, глюкоза, кетон таналари, лактат, сут кислотаси, жисмоний юклама, ишчанлик қобилияти.

## ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ТРЕНИРОВОЧНЫХ НАГРУЗОК НА ОРГАНИЗМ БИОХИМИЧЕСКИМ МЕТОДОМ

Алламуратов Шуҳратулла Иноятович

доктор биологических наук, профессор Узбекский  
государственный университет физической культуры и спорта

**Аннотация:** в статье характеризован метод изучения функционального состояния спортсменов путем анализа мочи, который является простым и безопасным биохимическим методом.

**Ключевые слова:** биохимический метод, анализ мочи, функциональное состояние, белок, кетоновые тела, лактат, молочная кислота, физическая нагрузка, работоспособность.

## GRADE OF INFLUENCE THE TRAINING LOADS ON THE ORGANISM BY THE BIOCHEMICAL METHOD

Allamuratov Shukhrat Inoyatovich

Professor, Doctor of Biological Sciences, Uzbekistan State University of  
Physical Culture and Sports.

**Annotation:** the article characterizes the method of studying the functional substance of athletes by urinalysis, which is a simple and safe biochemical method.

**Keywords:** biochemical method, urinalysis, functional substance, protein, ketone solids, lactate, lactic acid, physical activity, working capacity.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида биохимиявий механизмларни билиш, спортчиларни жисмоний машқлар билан шуғулланганидан кейинги толиқиши ва тикланиши жараёнларини баҳолаш учун катта амалий аҳамиятга эга. Спортдаги амалий биохимия усуллари спортчиларнинг функционал тайёргарлигини мажмуавий баҳолаш жараёнида кенг қўлланилади [1].

Спортчи организмини биохимиявий тадқиқ қилиш обьекти нафас



билин чиқариладиган ҳаво, биологик суюқликлар – қон, сийдик, сўлак, тер, мушак тўқимаси бўлиши мумкин. Тренировка жараёнида спортчининг саломатлигини тавсифлайдиган усуулларга кўпроқ эътибор қаратиш қабул қилинган. Бу, аввалам бор, қоннинг биохимиявий кўрсаткичлари (гемоглобин, мочевина, лактат, қоннинг липидли алмашинуви, глюкоза ва бошқа кўрсаткичларнинг ҳолатини тадқиқ қилиш), сийдикни тадқиқ қилиш (зичлигини, кетон таналарини, pH ва б.), организмнинг антиоксидант тизимини ҳолати ва бошқалар [2].

Маълумки, қон одам организм ҳолатини тадқиқ қилишнинг муҳим объектларидан бири хисобланади, лекин қон олиш вақтида инфекция киритилиши хавфи бўлганлиги сабабли, охирги вақтларда, кўпинча биохимиявий тадқиқ қилиш обьекти сифатида сийдикни тадқиқ қилиш қўлланила бошлаган. Лекин, ушбу йўналишда чукур тадқиқотлар етарли эмас.

Жисмоний юкламаларни бажариш сийдикнинг кимёвий таркибида ҳам анча катта силжишларга олиб келади ва унинг физик-кимёвий хусусиятларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Мушак иши якунланганидан кейин, сийдик таркибида тинч ҳолатда деярли мавжуд бўлмаган кимёвий моддаларни пайдо бўлиши энг характерли хисобланади. Бундай бирикмаларни кўпинча патологик компонентлар деб атасади, чунки улар сийдикнинг таркибида нафақат жисмоний юкламалардан кейин, балки бир қатор касалликлар пайтида ҳам пайдо бўлади. Спортчиларнинг сийдиги таркибида тренировка ёки мусобақа юкламаларини бажаришганидан кейин оқсил, глюкоза, кетон таналари, лактат аниқланади.

Спорт билан шуғулланмайдиган соғлом одамнинг сийдиги билан 100 мг оқсил ажаралиб чиқади, мушак иши бажарилганидан кейин эса, сийдик билан анча кўп микдорда оқсил ажралиши аниқланган. Ушбу ходиса протеинурия деб номланади. Энг ифодаланган протеинурия ҳолати спортчининг функционал ҳолатига мос келмайдиган ўта юқори юкламалардан кейин кузатилади.

Жисмоний юклама бажарилгунига қадар олинган сийдик таркибида глюкоза амалда мавжуд бўлмайди, тренировка якунлангандан кейин эса, умумий қабул қилинган услубият билан текширилганида, спортчиларнинг сийдиги таркибида анча микдордаги глюкоза аниқланган, бу ҳолат – глюкозурия деб номланган. Бу ҳолат, иккита асосий сабаблар билан белгиланади: биринчидан, жисмоний машқларни бажариш пайтида қонда глюкозанинг микдори ортади (гипергликемия) ва у, буйрак бўсағасидан юқори бўлиши мумкин ва бунинг оқибатида, глюкозанинг бир қисми нефроннинг бурاما каналчаларида қайта сўрилишга учрамайди ва сийдикнинг таркибида қолади; иккинчидан, буйраклар мембраналарини бузилиши туфайли, глюкозани буйракларда қайтадан сўрилиши жараёни бевосита бузилади, бу ҳам глюкозурияни ривожланишига олиб келади.

Жисмоний иш бошлангунига қадар сийдик таркибида кетон

таначалари аниқланмайдитренировка ёки мусобақа юкламалари бажарилганидан кейин сийдик билан биргакаттамиқдорда кетон таналари – ацетоуксусли ваф-оксимой кислота ҳамда уларнинг парчаланиши маҳсулоти – ацетон ажралиши мумкин. Бу ҳодиса кетонурия ёки ацетонурия деб номланади ва унинг пайдо бўлиши сабаблари глюкозурияни чақирувчи сабабларга ўхшаш. Бу, мушак иши пайтида қонда кетон таналарини концентрациясини ортиши (гиперкетонемия) ва буйракларнинг реабсорбцион функциясини пасайиши ҳисобланади. Агарда, спортчини толиқишидан кейин организмда тикланиш содир бўлганида ҳам кетон таналари йўқолмаса ва сийдик таркибида кетон таналарини мавжудлиги билан боғлиқ бўлган симптомлар аниқланса, эндокринолог врача мурожаат қилиш зарур бўлади.

Сийдикнинг таркибида сут кислотасини пайдо бўлиши, одатда, субмаксимал қувватга эга бўлган машқлар киритилган тренировкалардан кейин кузатилади. Бундай машқнинг ҳар бири қонда лактатни концентрациясини кескин ортишига ва уни, кейинчалик қон оқимидан сийдикка ўтишига олиб келади. Шу тарзда, сийдикнинг таркибида сут кислотасини аккумуляцияси содир бўлади. Демак, шу сабаб, лактатни сийдик билан бирга ажралиши бўйича спортчи томонидан тренировка вақтида бажарилган бутун ишни энергия билан таъминланишида АТФ ресинтезини гликолитик йўлини умумий улуши тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Жисмоний юкламалар, сийдикнинг кимёвий таркибига таъсир кўрсатиши билан бирга, унинг физик-кимёвий хусусиятларини ҳам ўзгаришига олиб келади. Энг сезиларли даражадаги ўзгаришлар сийдикнинг зичлиги ва кислотали даражасида содир бўлади. Сувни организмдан буйраклардан ташқари йўл билан (терлаш билан тери орқали, ўпка орқали чиқарилаётган ҳаво билан) чиқарилишини ортиши оқибатида, тренировка ёки мусобақа юкламалари бажарилганидан кейин сийдикнинг хажми (диурез), қоидага кўра, камаяди. Бу, ўз навбатида, унинг зичлиигига таъсир қиласи. Сийдикнинг зичлиги кўрсаткичи жисмоний ишдан кейин кўпинча ортади. Агарда, у, юкламага қадар 1,010–1,025 г/мл чегарасидабўлса, тренировкадан кейин 1,030–1,035 г/мл ва ундан юқори бўлиши мумкин. Сийдикнинг зичлигини ортишини сабабларидан бири – сувни буйраклардан ташқари йўқотилишини ортиши ҳисобланади. Бу ҳолат, сийдикда эриган моддаларни концентрациясини ортишига олиб келади. Жисмоний ишдан кейин сийдикнинг зичлигини ортишини бошқа сабаби – тинч ҳолатдасийдикда учрамайдиган моддаларни (оқсил, глюкоза, кетон таналари, лактат ва б.) пайдо бўлишидан иборат. Зичлик бўйича сийдикнинг алоҳида олинган қисмларида эриган кимёвий бирикмаларни (куруқ қолдиқни) миқдорини ҳисоблаб топиш мумкин.

Тренировкадан кейин сийдик билан сут кислотасини ҳамда кислота ҳисобланган кетон таначаларини ажралишини оқибатида, сийдикнинг рНмиқдори пасаяди. Иш бошлангунга қадар, одатдаги овқатланиш пайтида, сийдикнинг рНмиқдори 5-6 га тенг бўлади, иш бажарилганидан



кейин, айниқса жадал тренировкалар қўлланилганидан кейин, сийдикнинг рНмиқдори 4-5 атрофида бўлиши мумкин, бу, сийдикнинг таркибида водород ионларини концентрациясини тахминан ўн марта ортишига мос келади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мушакларда, ички аъзоларда, қонда ва сийдикда юзага келадиган биохимиявий ўзгаришларнинг чуқурлиги жисмоний ишнинг қувватига ва давомийлигига боғлиқ. Ишнинг жадаллиги қанчалик юқори бўлса ва у қанчалик узоқ вакт давом этса, спортчининг организмидаги биохимиявий ўзгаришлар шунчалик чуқур ва аҳамиятли бўлади. Биохимиявий ўзгаришлар маълум бир чегарага етганидан кейин мазкур ишни бажарилишига салбий таъсир кўрсатади ва спортчининг ишчанлик қобилиятини пасайишига олиб келади, яъни толиқишини чақиради.

Организмнинг кислотали-ишқорли мувозанати кўрсаткичи метаболик жараёнларнинг индикатори ҳисобланади ва у, одам организмининг барча аъзолари ва тизимларини функционал ҳолатини акс этади. Биохимиявий реакцияларни ўтиши тезлиги одам организми суюқликларининг кислоталилиги кўрсаткичларига боғлиқ.

Хозирги вақтда, тренировка юкламаларини назорат қилиш учун сийдик анализаторларидан, хусусан «СИТОЛАВ» уриноанализаторидан фойдаланиш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ушбу анализатор сийдикнинг ўн битта кўрсаткичларини – уробилиноген, билирубин, глюкоза, кетон таналари, зичлиги, қон, pH, оқсил, нитратлар, лейкоцитлар, аскорбин кислотани ўрганиш имконини беради.

**Хулоса.** Адабиётлардаги манбаларни ўрганиш, биохимиявий усусларнинг энг осон ва хавфсиз тури бўлган сийдикни анализ қилиш орқали спортчиларнинг функционал ҳолатини ўрганиш, бугунги кунда жуда кам қўлланилади. Сийдикнинг кислоталилиги (pH) ва зичлиги (SG) каби кўрсаткичларини тренировка юкламаларини баҳолаш учун қўллашнинг информативлиги аниқланган. Ушбу муаммо, кенг тадқиқотлар базасидан фойдаланиш, илмий адабиётларни таҳлил қилиш орқали янада чуқур ўрганишни ва амалиётда тажрибаларда текширишни талаб қиласди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Михайлов С.С. Спортивная биохимия / Михайлов С.С. – М.: ОАО «Издательство “Советский спорт”», 2004. – 222 с.
2. Полуященко Т. Биохимический метод контроля функционального состояния организма юных велосипедистов на этапе начальной подготовки. Луганский национальный университет имени Тараса Шевченко (г. Луганск) Фізичневиховання, спорт і культура здоров’я у сучасному суспільнстві :збірник наукових праць... № 4 (20), 2012.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ХУСУСИДА

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.018>

Баходирова Гулноз Камоловна,

*Олий таълимни ривожлантириши тадқиқотлари ва илгор  
технологияларни татбиқ этиши маркази бўлими бошлиги*

**Аннотация.** Мақолада олий таълим муассасаларида ўқитувчи фаолиятининг компонентлари таҳлил қилинган ва уларни баҳолаш омиллари, мезонлари ва индикаторлари таклиф қилинган. Бу индикаторлар асосида ўқитувчиларни тоифаларга ажратиши, шартномалар тузishi, шунингдек, разбатлантириши бўйича тавсиялар бериш мумкин бўлади.

**Калит сўзлар:** Педагогик таҳхис, педагогик фаолият, педагогик фаолият компонентлари, педагогик фаолият компонентлари ва омиллар, педагогик маҳорат кўрсаткичлари

## О КРИТЕРИЯХ ОЦЕНКИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Баходирова Гулноз Камоловна,

*Начальник отдела Центра исследований развития высшего  
образования и внедрения передовых технологий*

**Аннотация:** В статье анализируются составляющие деятельности преподавателя в вузе и предлагаются факторы, критерии и показатели для их оценки. На основании этих показателей можно будет классифицировать учителей, заключать контракты, давать рекомендации по поощрению.

**Ключевые слова:** Педагогический диагноз, педагогическая деятельность, компоненты педагогической деятельности, компоненты и факторы педагогической деятельности, показатели педагогического мастерства.

## ON THE CRITERIA FOR ASSESSING THE ACTIVITIES OF TEACHERS IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Bakhodirova Gulnoz Kamolovna,

*Head of the Department of the Center for Research on the Development  
of Higher Education and the Introduction of Advanced Technologies*

**Annotation:** The article analyzes the components of the teacher's activity in the university and suggests factors, criteria and indicators for their evaluation. Based on these indicators, it will be possible to classify teachers, conclude contracts, and make recommendations for promotion.

**Key words:** Pedagogical diagnosis, pedagogical activity, components of pedagogical activity, components and factors of pedagogical activity, indicators of pedagogical skill.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг моҳияти ижтимоий-иктисодий ривожлантириш орқали фуқаролик жамиятини юқори даражада шаклланишини таъминлаш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, оқилона бошқарув ва халқнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш масалаларини ўзида акс эттиради. Ушбу ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг



ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг иқтисодиётини модернизация қилиш ҳамда ҳайтнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш максадида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”[1] ишлаб чиқилди ва барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли [2] ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли [3] қарорлари олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига мос ҳолда кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишининг самарали механизмларини яратиш вазифаларини кўзда тутади[2,3].

Таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг самарадорлиги, хусусан таълим сифатини оширишда ўқитувчининг роли бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Лекин шунга қарамай бу соҳадаги ишларни етарли деб бўлмайди, чунки курилиш, ва бошқа ташкилий масалалар биринчи ўринга чиқиб, бевосита таълимнинг сифатини қўтаришга қаратилган ишларга эътибор етарлича берилмаяпти, ёки олдинги усулларни озроқ ўзгариши билан чекланиб қолмокдамиз. Ўқув жараёнини ташкил қилишдаги энг бош масала назария билан амалиётни уйғунлаштириш, талабани мустақил ишлашга ўргатиш, “Талаба-устоз” тандеми самарадорлиги ошириш, малакали педагог-кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш, хорижий тажрибаларни маҳаллий шароитлардан келиб чиқсан ҳолда ўзлаштириш каби ташкилий ишларни бажариш лозим бўлади[4].

Албатта таълим сифати ва самарадорлиги ўқитувчи ва талаба (ўқувчи) ҳамкорлигига узвий боғлиқ. Агар талаба билим олишни истамаса (фақатгина диплом олиш унинг асосий максадига айланган бўлса) ёки унинг мактабда олган билим ва мустақил таълим олиш қобилияти, шунингдек, физиологик хусусиятлари, шу мутахассислик ва бинобарин унинг таркибига кирувчи фанларни ўзлаштиришга етмаса, педагогнинг тасдиқланган дастур асосида таълим бериши самарали натижа бермайди. Бу ҳолда нима қилиш керак деган масала ҳанузгача ечимини топгани йўқ. Масалан, 2019-2020 ўқув йилида Самарқанд давлат университетига иккинчи мутахассислик бўйича ўқишга кирганларни таҳлил қилсангиз уларнинг маълум бир қисми бугунги кунда мамлакатимизда мутахассислиги бўйича иш топаолмаган дипломли кадрлар (курувчи ёки қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мутахассисликлар, ёки ижтимоий иш ва социология мутахассисликлари) эканини кўрамиз. Ахир буларнинг аксарияти давлат бюджети асосида ўқиган ва ҳозир контракт асосида ўқиши оила бюджетига кескин таъсир этишини яхши биламиз. Бу ҳолатнинг келиб чиқиш сабабларидан бири –уларни мактабда ўқитиш жараёнида касб танлашга йўналтирилмаганли бўлса, иккинчи ва асосий сабаби эса уларнинг осонроқ ўқишга кириш имкониятларини излашлари

(ёки уларни шу йўлга “бошловчилари”) бўлади. Шунинг учун ҳам мактаб ва академик лицейларда ёшларни нафакат қизиқишлари, шунингдек, истиқболда иш топаолиш имкониятларини ҳам эътиборга олган ҳолда касбга йўналтириш ишларини мактаб раҳбарияти, фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳамкорликда олиб боришлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Булардан хуласа сифатида айтиш лозимки, таълим жараённида ўқитувчининг роли бирламчи ва асосий, ва бинобарин ўқитувчи фаолиятини баҳолашда албатта бу ҳолатларни эътиборга олиш керак бўлади.

Педагогика назарияси ва амалиётидан маълумки, таълим жараёнларида ташхис ва педагогик фаолиятни баҳолашни амалга оширмасдан, таълим жараёнларини оптималлаштириш мумкин эмас, яъни ҳаққоний ташхис орқалигина педагогик жараёнларнинг реал манзараси, табиати ва уни ривожлантириш имконияти юзага келади. Олий таълим муассасаларида ўқитувчилар фаолиятини ташхис қилиш ва баҳолаш педагогик фаолиятнинг моҳияти ва уни такомиллаштириш омилларини аниқлаш, шунингдек, педагогик жараёнларнинг комплекс ҳаракатини визуал тасаввур қилиш мумкин.

Педагогик ташхис бу – педагогик фаолият соҳасидаги ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини аниқлаш, уларни ҳар томонлама ўрганиш асосида янги услубларни ишлаб чиқиши, педагогик жараёнларнинг комплекс ҳаракатини визуал тасаввур қилиш бўлиб, унинг мақсади – педагогик тизим бошқарувчилари, хусусан ўқитувчиларга фаолиятни ташкил этиши ва ўзаро муносабатларнинг муҳим омиллари тўғрисида тезкор ахборот бериш ҳисобланади.

Ўқитувчиларнинг фаолиятини ташхис қилиш ва баҳолашда, энг аввало педагогик фаолиятнинг таркибий қисмларини тизимлаштириш ва тизимли таҳлил асосида муҳим омилларни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасалари ўқитувчилари фаолиятини баҳолаш самарадорлиги бевосита педагогик фаолиятнинг таркибий қисмлари, омиллари ва мезонларини аниқлашга боғлиқ.

Маълумки, педагогик фаолият бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган компонентлар, омиллар ва шарт-шароитлардан иборат. Жумладан, биринчидан:

- ўқитувчининг ўзига хос бўлган касбий ва шахсий фазилатлари;
- психологияк хусусиятлари;
- касбий фаолияти обьекти;
- мутахассислиги бўйича билим даражаси;
- касбий ва педагогик компетентлиги, креативлиги ва ҳ.к.;

иккинчидан:

- таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари, мотивлари;
- психологик хусусиятлари, муносабат характери;
- педагогик муносабатлардаги зиддиятлар;
- педагогик муроқот усуслари;
- талабалар билимини баҳолаш усуслари ва ҳ.к.;

учинчидан:

таълим муассасасидаги бошқарув услублари, моддий-техник база каби шарт-шароитларни тизимли таҳлил қилиш орқали педагогик фаолиятни комплекс баҳолаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, ўқитувчининг таълим беришида педагогик маҳоратнинг қуйидаги интиқаторлари муҳим:

- Касбий лаёқат ва эрудиция;

- Психологик-педагогик тайёргарлик;
- Таълим олувчиларни мустақил фикрлаш ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати;
  - Ўқув адабиётлари шакллари ва турларини билиш;
  - Янги педагогик ва ахборот технологияларини эгалланганлик, интернетнинг глобал тармоғи биланишлаш бўйича амалий кўникмалар;
  - Педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий шаклларини билиш;
  - Илмий-педагогик ижодиёт методологиясини билиш;
  - Педагогика фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини билиш;
  - Фанлараро алоқалардан фойдаланиш маҳорати;
  - Риторика ва нотиқлик санъати асосларини билиш;

Юқорида таъкидланган компонентлар, омиллар ва шарт-шароитлар хамда уларнинг ўзаро муносабатидан олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг қуидаги мезонларини шакллантиришни тавсия қиласиз:

Мотивацион (ижобий майлларнинг шаклланиши)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- педагогик фаолиятга нисбатан муносабатларнинг шаклланганлиги;</li> <li>- ўқув-услубий, илмий-тадқиқчилик ва ижодий салоҳиятини такомиллаштириш эҳтиёжининг мавжудлиги;</li> <li>-</li> </ul>
Когнитив (назарий билимларнинг мустаҳкамла- ниши)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланиб ақлий операцияларни бажара олиши;</li> <li>- педагогик фаолиятдаги касбий компетенцияларнинг аҳамиятини англай билиш, ўз фани бўйича дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар учун назарий билимларга эгалиги;</li> <li>- амалий фаолиятда мутахассислик фанига оид билимлардан фойдалана олиши;</li> </ul>
Операцион (ўқув-тарбия ишларини самарали ташкил эта олиш кўникмаси)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқув машғулотларини ташкил эта олиш кўникмасига эгалиги;</li> <li>- ўз касбий фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилиш, таълим-тарбия жараёнлари ва ташкилий-бошқарув фаолияти шакллари бўйича малакаларга эгалиги;</li> <li>- талабалар, ўқитувчилар ва маъмурият билан ижобий муносабатларни ўrnата билиши;</li> <li>- ўз фаолиятида замонавий ахборот коммуникацион технологиялардан фойдалана олиши;</li> <li>- таълимнинг барча шаклларида ўзининг касбий компетенцияларини қўллай билиши;</li> </ul>
Рефлексив (ўз- ўзини таҳлил қилиш асосида ўз-ўзини баҳолаш)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- фикрлаш, баҳолаш ва ўқув жараёни натижалари ва ютуқларини башорат қилиш қобилияти;</li> <li>- шахсий ва касбий фаолиятга оид ҳаракатлар бўйича ўз-ўзини баҳолаш, таҳлил қилиш кўникмасига эгалиги.</li> </ul>

Ушбу мезонлар асосида олий таълим муассасалари ўқитувчилари фаолиятини қуидаги компонентлар орқали баҳоланади:

- ўқитувчининг шахсий ва касбий фазилатлари, психологик портрети;
- ўқитувчининг илмий-ижодий салоҳияти;

- ўқитувчининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш кўникмаси;
- педагогик фаолиятнинг хусусиятлари (дидактик ва методик кўникмалари) бўйича ўқитувчининг иш услуби;
- педагогик кўникмалари даражалари;
- инновациялар ва уларни ўзлаштиришга муносабати ва эҳтиёжлари даражаси;
- таълим жараёнда педагогик технологияларни кўллаш кўникмалари;
- мутахассислик фанлари бўйича ўқув материалларини тайёрлашда илмий тадқиқот ишлари натижаларидан фойдаланиш.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида таъкидланган педагогик фаолиятнинг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган компонентлари, омиллари ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг фаолиятини баҳолашнинг объектив механизмлари олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақола Жаҳон банки Академик инновациялар фондининг AIF-2/13 “Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқитувчи фаолиятини баҳолаш” мавзусидаги грант доирасида тайёрланди.

Фойдаланилган адабиётлар:  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги

ПФ 4947-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонлиқарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Тожиев М., Қодиров М., Ашурев Н. Олий таълим тизимини модернизациялаш – таълим сифати ва самарадорлигининг кафолати. “Таълим, фан ва инновация” журнали, 2018, №3, 3-9 б.



## НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ У СТУДЕНТОВ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.019>

Сайдкулова Фируза Фармоновна,

Бухоро давлат университети мустақил изланувчиси.

**Аннотация.** В статье рассмотрены проблемы и трудности формирования специальных профессиональных компетенций при изучении экономических дисциплин. Преподавание экономики в высшей школе с использованием компетентностного подхода позволит усилить интерес к изучению экономических процессов, положительно скажется на повышении качества знаний у студентов. Экономические компетенции определяются набором теоретических знаний и практических навыков, необходимых для встраивания в экономическую систему. Экономические компетенции имеют знаниевую основу и обеспечивают практический выход в навыки. Они определяют возможности реализации ученика в будущем как в профессиональной сфере, так и в частной жизни. Целью профессионального образования является подготовка квалифицированного специалиста соответствующего уровня и профиля, конкурентоспособного на рынке труда, компетентного, свободно владеющего своей профессией и ориентирующегося в смежных областях деятельности, готового к постоянному росту, социальной и профессиональной мобильности.

Основным результатом деятельности образовательного учреждения должна стать не система знаний, умений и навыков, а способность человека действовать в конкретной жизненной ситуации.

**Ключевые слова:** профессиональные компетенции, профессиональная подготовка, кадровый, профессиональные компетенции управренцев.

*Annotation. The article discusses the problems and difficulties of the formation of special professional competencies in the study of economic disciplines. Teaching economics in higher education using a competency-based approach will increase interest in studying the world economy and will have a positive effect on improving the quality of knowledge among students. Economic competencies are determined by a set of theoretical knowledge and practical skills necessary for integration into the economic system. Economic competencies are knowledge-based and provide practical entry into skills. They determine the possibilities for the student to realize in the future both in the professional sphere and in private life. The purpose of vocational education is to prepare a qualified specialist of the appropriate level and profile, competitive in the labor market, competent, fluent in his profession and oriented in related fields of activity, ready for continuous growth, social and professional mobility.*

*The main result of the educational institution should not be a system of knowledge, skills, but the ability of a person to act in a specific life situation.*

**Key words:** professional competencies, professional training, human resources, professional competencies of managers.

Современное состояние экономики нашей страны, стратегия экономического и социального развития, ее диверсификация, процессы глобализации и регионализации ставят задачи по дальнейшему обновлению высшего профессионального образования, требуют постоянной корректировки содержания и технологий подготовки специалистов. Именно оно обеспечивает подготовку молодых людей к жизни и связано с их будущим жизненным успехом, успехом страны, успехом всего общества. В конечном итоге — формирование конкурентоспособного выпускника, специалиста высокого уровня обеспечит и конкурентоспособность страны.

Качественное образование — это соответствие профессиональных компетенций кадров потребностям профессиональной и социальной сферы, рынка труда, потребностям всех сторон жизни общества. В современных условиях развития социально-экономических отношений на передний план выдвигается чрезвычайно важная задача — обеспечить качественную подготовку выпускника вуза, важнейшими характеристиками которого становятся профессиональная гибкость и мобильность, т.е. способность в случае необходимости быстро осваивать новые знания и виды профессиональной деятельности. Обязательными элементами его квалификации являются хорошее общее образование, качественная профессиональная подготовка и высокий уровень общей и профессиональной культуры, умение быстро овладевать новыми знаниями и передовыми технологиями. Таким образом, содержание квалификации в корне изменяется: усиливается объективная сторона, связанная с динамичным изменением требований к современному выпускнику, возрастает роль личностных и социально-психологических факторов в стремлении специалиста к овладению передовыми технологиями. Поэтому требования, предъявляемые к специалисту, могут быть удовлетворены только путем постоянного повышения уровня квалификации работников, на основе качественного базового профессионального образования.

Последние десятилетия мы все стали свидетелями того, что устаревание информации происходит быстрее, чем завершается цикл обучения в вузе. В этой связи традиционный подход на передачу необходимых знаний, от преподавателя к обучаемому, представляется неэффективным. Рынок труда требует не сами знания, а способность специалиста на основе знаний, умений и навыков выполнять определенные, порой непредвиденные функциональные обязанности и операции. В психолого-педагогической науке выделяется большое разнообразие подходов к организации процесса обучения, что позволяет всесторонне рассматривать изучаемое явление. Учитывая структурные особенности компетенции: «Знание и понимание (теоретическое знание), знание как действовать (практическое применение знаний), знание как жить (ценности, позиции)» [5,17].

Если рассматривать образование человека в контексте его социализации, то смысл его образования состоит в освоении какой-



либо культурной традиции как системы ранее выработанных средств (компетенций), позволяющей взаимодействовать с окружающим миром, развивать свои способности. Иными словами, человек учится реализовать себя как «я» и быть успешным в обществе [4,18].

Воспитание выпускников вуза, имеющих объективные взгляды на различные стороны жизни в Узбекистане, умеющих применять знания, навыки, способности в быстро меняющихся экономических условиях, принимать грамотные и эффективные решения задача высшей школы на перспективу. Эта задача выполнима в рамках перехода высшей школы на компетентностный подход образования. Для высшей школы в новых экономических условиях важен не объем усвоенных знаний или алгоритмы их воспроизведения по образцу, хотя и это остается в новой системе образования, а ключевые компетенции, творческий подход к решению учебных и жизненных проблем, умение самостоятельно приобретать знания и применять их в нестандартных ситуациях, близких к будущей профессиональной деятельности.

Компетентностный подход позволит сформировать у студентов универсальные и профессиональные компетенции.

Универсальные компетенции, связанные с профессиональной деятельностью выпускников:

- компетенция в области родного языка;
- компетенция в сфере иностранных языков;
- математическая и фундаментальная, естественнонаучная и техническая компетенции;
- компьютерная компетенция;
- учебная компетенция;
- межличностная компетенция, межкультурная и социальная компетенции, гражданская компетенция;
- компетенция предпринимательства;
- культурная компетенция.

Универсальные компетенции формирует каждый преподаватель вуза. Профессиональные компетенции по каждому предмету должны быть четко обозначены, и преподавателю необходимо содержание предмета наложить на формирование основных компетенций. Итак, профессиональная компетентность в первом приближении понимается как способность специалиста использовать в поле профессиональной деятельности научные и практические знания, обладая широкой общей и специальной эрудицией, осуществляя постоянное повышение своей научно-профессиональной подготовки, демонстрируя способность самостоятельно ставить и решать новые профессиональные задачи, проявлять высокую степень профессиональной адаптации. Таким образом, с начала нового столетия процесс формирования профессиональной компетентности учителя рассматривается в контексте повышения как качества образования в целом, так и качества профессионально-педагогического образования в частности [6, 7].

Профессиональная компетентность представляет собой достаточно

широкую область, в нее входят следующие компетентности:

- специальная — знания, умения и навыки, обеспечивающие самостоятельное выполнение профессиональных действий и дальнейшее профессиональное развитие;
- болаларнинг хулосаларини ўқитувчи умумлаштириши муҳим ҳисобланади.

Синтезланган дарс методини қўллашда қуйидаги педагогик шартларнинг бажарилиши зарурдир:

- ўқув мақсадларининг шаффоғлиги;

- белгиланган мақсадларга ўқитувчи ва болаларнинг ҳамкорликда эришиши;

- болаларнинг ўқув маълумотларини онгли равишда, тушуниб қабул қилишларига таяниши;

- болаларнинг фикр-мулоҳазалари ва жавобларини узлуксиз баҳолаб бориши;

- маълумотларни етарлича ўзлаштирмаган болаларга кўпроқ эътибор қаратиши, улар ўзлаштиришга қийналётган тушунча ва қонуниятларни етакчи тафаккур стратегияси ва афзал қўрадиган модалликлари асосида қайта ҳавола қилиш.

Олинган натижалар таҳлили. Таълимнинг ўқувчи индивидуаллигига йўналтириш учун ўқитувчи болаларнинг индивидуал ва типологик имкониятлари, яъни асосий тафаккур стратегияси, афзал қўрадиган репрезентатив тизими, индивидуал латерация профилининг типи каби маълумотларга эга бўлишлари керак. Болалардаги ушбу хусусиятлар ўқув маълумотларни тушунтириш, дидактик тарқатма материаллар ва топшириқларни бериш ҳамда мавзу юзасидан уларнинг билимларини мустаҳкамлаш жараёнида ҳисобга олиниши керак.

Болаларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш қўйидаги тарзда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз:

□ болаларнинг тафаккур стратегияси ва афзал қўрадиган репрезентатив тизимларини нейропедагогик диагностика методлари воситасида аниқлаш. [Сиротюк, 2003];

□ болалар билан “акс алоқа”ни эътиборга олган ҳолда мақсадга эришиш учун йўналтирилган вазифаларни босқичма-босқич деталлаштириш. Масалан, ўнг яримшари етакчи бўлган болалар учун машғулот мақсадини аниқлаш – уларда ўзини англаш мотивациясининг шаклланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қиласди;

□ маълумотларни болалар томонидан ўзлаштириш жараёнини моделлаштириб, юзага келиши мумкин бўлган вазиятни олдиндан прогноз қилиш. Маълумки, ҳар бир болада тафаккур тезлиги, диққатининг жамланиши, хотира хажми ва тури каби кўрсаткичлари турлича. Ўқитувчи мазкур фарқни болалар томонидан маълумотларни ўзлаштириш жараённида хисобга олиши керак.

□ маълумотларни тақдим этишда ёркин кўргазмали-образли мисоллар, ассоциациялар, таъсирчан нутқ ва мусиқий ритмлардан фойдаланиш. Илҳомланиш болаларда билим олишга қизиқишни фаол шакллантиради. Яхши кайфиятда эса инсон бош миясининг иш самарадорлиги сезиларли даражада ортади [Ахутина, Золотарева, 1997].

□ ўқитиши технологиясини қўллаш жараённида болаларнинг индивидуал имкониятлари нуқтаи-назаридан маълумотларни қабул қилишларини назорат қилиб бориш;

□ болалар тафаккур стратегияларининг турлича – индуктив ёки дедуктив, мантикий кетма-кет ёки абстракт-образли эканлигини ҳисобга олиш. Дарсга тайёрланиш ва дарс жараённида болалар тафаккуридаги шу турлича жиҳатларни ҳисобга олиб ўқув маълумотларини ҳавола қилиш;

□ ўқув маълумотларини ҳавола қилиш ва индивидуал ўқув топшириқларни беришда болаларнинг афзал қўрадиган репрезентатив тизимлари (V, A, K, D)ни фаоллаштириш [Gulyamov and etc., 2021].

**Хуласа.** Ўрта умумтальим мактабларида ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш учун болаларнинг индивидуал ва типологик имкониятларини ҳамда уларнинг гендер фарқларини ҳисобга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки таълим жараёнининг болаларнинг индивидуаллигига йўналтирилганлиги ўқувчилар томонидан ўқув материалининг тўлиғинча ўзлаштирилишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида таълим сифатини оширишга олиб келади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони. URL: <https://lex.uz/docs/4312785>

2. Мирзиёев Ш.М. (2017) Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б. URL:

3. Ахутина Т.В, Золотарева Э.В. (1997) О зрительно-пространственной дисграфии: нейропсихологический анализ и методы



ее коррекции // Школа здоровья. 1997. № 3. С.38–42.

4. Венгер А.Л., Цукерман Г.А. (2007) Психологическое обследование младших школьников [Текст] / А.Л.Венгер, Г.А.Цукерман. - М.: Владос-Пресс, 2007. – 160 с.

5. Выготский Л.С. (1984) Собрание сочинений [Текст] / Л.С. Выготский. – М., 1984. С.247-253.

6. Гагай В.В., Гринева К.Ю. Особенности школьной адаптации первоклассников как трудной жизненной ситуации для детей и родителей / Ж. Педагогика и психология. –С.33-43.

7. Гулакова М. В., Харченко Г. И. (2013) Интерактивные методы обучения в вузе как педагогическая инновация // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2013. – № 81 (ноябрь). – С. 31–35. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/interaktivnye-metody-obucheniya-v-vuze-kak-pedagogicheskaya-innovatsiya>

8. Данилова, Е.Е. (1996) Методика изучения фрустрационных реакций у детей. [Текст] / Е.Е. Данилова // Иностранная психология. 1996. № 6. С. 69–81.

9. Еремеева В.Д., Хризман Т.П. (2001) Мальчики и девочки – два разных мира. Нейропсихологи – учителям, воспитателям, родителям, школьным психологам. –С.Пб., 2001.

10. Клеманович И.П., Леванова Е.А., Степанов В.Г. (2016) Нейропедагогика: новая отрасль научных знаний / Эл.Ж. Педагогика и психология образования. 2016, № 2. –С. 8-17. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/neypopedagogika-novaya-otrasl-nauchnyh-znaniy>

11. Костромина С.Н. (2019) Введение в нейродидактику: учебное пособие. — СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та. 2019. – 182 с.

12. Кузьмина А.Т. (2014) Нейропедагогический подход к обучению в начальной школе через исследовательскую деятельность учителя // Эл.журнал “Непрерывное образование: XXI век”. Выпуск 3 (autumn 2014). –С.1-9. URL: [https://l1121.petrsu.ru/files/Sbornik\\_INO\\_Maket.pdf](https://l1121.petrsu.ru/files/Sbornik_INO_Maket.pdf)

13. Мальсагова М.Х., Мальсагов А.А., Иванов П.В. (2021) К вопросу о нейродидактических технологиях // Мир науки, культуры, образования. № 2 (87) 2021. –С.64-66. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-neyrodidakticheskikh-tehnologiyah>

14. Местоева Е.А., Мальсагова М.Х. (2021) Нейродидактический подход в методологии педагогики / Мир науки, культуры, образования. № 4 2021. –С. 151-152. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/neyrodidakticheskiy-podhod-v-metodologii-pedagogiki>

15. Мухина, В.С. (1999) Шестилетний ребенок в школе. [Текст] / В.С. Мухина. – М.: «Просвещение», 1999. – 144 с. URL: <http://lib.mgppu.ru/opacunicode/app/webroot/index.php?url=/notices/index/IdNotice:10138/Source:default>

16. Новикова А.Ю., Полуян Е.О. (2016) Интерактивные методы обучения и средства организации учебного процесса как инструмент

освоения знаний / Международный научный журнал «Символ науки» №81-2/2016. –С. 158-160.

17. Сиротюк А.Л. (2003) Нейропсихологическое и психофизиологическое сопровождение обучения. -М.: ТЦ “Сфера”, 2003. URL: <https://booktracker.org/viewtopic.php?t=21755>

18. Тарасова И.М. (2015) Интерактивные методы обучения как средство формирования профессиональных компетенций в преподавании естественнонаучных дисциплин / Международный журнал экспериментального образования. – 2015. – № 5 (часть 1) – С. 63-65. URL: <https://expeduation.ru/ru/article/view?id=7483>

19. Цветков А.В. (2017) Нейропедагогика для учителей. Учебное пособие. — М.: Спорт и культура-2000, 2017. — 128 с. URL: <https://www.twirpx.com/file/2936114/>

20. Gazzaniga M.G. (2009) The Cognitive Neurosciences / A Bradford Book The Mit Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2009. Massachusetts Institute Of Technology. URL: <http://cs.um.ac.ir/images/87/books/Gazzaniga.%20The%20Cognitive%20Neurosciences%202009.pdf>

21. Gulyamov Dj.R., Nurboyev Q.M., Khuzhakulov N.T. (2021) Teaching Children Of Preschool Age In Neurodidactic Conditions Printed Palarch’s Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6). ISSN 1567-214x / PJAEE, 17 (6) (2020) / P.14485-14494 URL: [https://ejmcm.com/article\\_3309.html](https://ejmcm.com/article_3309.html);

22. Gulyamov J.R., Nurboyev Q.M., Khuzhakulov N.T., Murodova D.D. (2021) Synthesized learning method: neuropedagogical binary lecture / Journal of Physical Education and Sport ® (JPES), Vol 21 Issue 6, Art 357 pp 2588-2598, October.2021 online URL: <http://hozir.org/synthesized-learning-method-neuropedagogical-binary-lecture.html?page=5>

23. Eric R. Kandel. (2006) In Search Of Memory The Emergence of a New Science of Mind Copyright, 2006. URL: <https://www.amazon.com/Search-Memory-Emergence-Science-Mind/dp/0393329372>



**OLIY TA'LIMDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR -  
AN'ANAVIY DIDAKTIKANING INNOVATSION O'ZGARISHINING  
SAMARALI MEXANIZMI SIFATIDA**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.022>

*Abdurahmonov Zafar Batirovich,*

*Davlat bojxona qo'mitasining Bojxona instituti, katta o'qituvchi.*

*Annotatsiya: Mazkur maqolada axborotlashgan makon sharoitida oliy ta'lismiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarni keng joriy etish va bu orqali kengko'lamlari raqamlashtirishni amalga oshirish masalalari tadqiq qilingan. Shuningdek, mazkur yo'nalishda kuzatilayotgan muammolarga urg'u berib, xulosalar qilinib, ularni bartaraf etish bo'yicha qator takliflar asoslanib berilgan.*

*Kalit so'zlar: axborotlashgan jamiyat, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, raqamli texnologiyala, ta'lism, ta'lim-tarbiya tizimini raqamlashtirish, o'quv jarayoni, an'anaviy didaktika, innovatsion o'zgarishlar, oliy ta'lim taraqqiyoti, axborot madaniyati, ta'larning elektron ta'minoti.*

**ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ  
- КАК ЭФФЕКТИВНЫЙ МЕХАНИЗМ ИННОВАЦИОННОГО  
ПРЕОБРАЗОВАНИЯ ТРАДИЦИОННОЙ ДИДАКТИКИ**

*Абдураҳмонов Зафар Батирович,*

*Таможенный институт Государственного таможенного  
комитета, старший преподаватель.*

*Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы широкого внедрения информационно-коммуникационных технологий в систему высшего образования в условиях информационного общества и осуществления, посредством этого, широкомасштабной цифровизации. При этом определены проблемы, наблюдаемые в данной сфере, а также обоснован ряд предложений по их устранению.*

*Ключевые слова: информационное общество, информационно-коммуникационные технологии, цифровые технологии, образование, цифровизация системы образования, образовательный процесс, традиционная дидактика, инновационные изменения, развитие высшего образования, информационная культура, электронное обеспечение образования.*

**DIGITAL TECHNOLOGIES IN HIGHER EDUCATION - AS AN  
EFFECTIVE MECHANISM OF INNOVATIVE TRANSFORMATION  
OF TRADITIONAL DIDACTICS**

*Abdurahmonov Zafar Batirovich,*

*Davlat bojxona qo'mitasining Bojxona instituti, katta o'qituvchi.*

*Annotation: The article deals with the issues of wide implementation of information and communication technologies in the system of higher education in the information society and the implementation, through it, a large-scale digitalization. At the same time, the problems observed in this*

*sphere have been identified, and a number of proposals for their elimination have been substantiated.*

**Key words:** information society, information and communication technologies, digital technologies, education, digitalization of the education system, educational process, traditional didactics, innovative changes, development of higher education, information culture, e-education.

**Kirish:** Axborotlashgan jamiyat sharoitida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalar (AKT)ning jadallik bilan rivojlanib borishi, ta’lim muassasalarida o‘quv-tarbiyaviy jarayonni innovatsion shakl asosida boshqarish imkonini yaratib bermoqda. Shu bilan birga ta’limga o‘ziga xos jozibadorlik va zamonaviylik jihatlarini bag‘ishlamoqda.

Asosiy qism: Axborot texnologiyalarni ta’lim jarayoniga tadbiq etishning qisqacha tarixini ko‘radigan bo‘lsak (texnik ta’lim vositalari misolida), dastlab o‘quv materiallarni taqdim etish imkoniyatini beruvchi kodoskop yoki epidiyaskopdan foydalanilgan, keyingi bosqichda kompyuterlarni qo‘llash, PowerPointda yaratilgan vizual materiallarni namoyish etish imkonini beradigan elektron proektor, elektron doska, elektron pochta, internet, vebinar, telekonferensiyalar va masofaviy ta’lim texnologiyalarni ko‘rsatib o‘tishimiz mumkin.

Raqamli ta’lim so‘nggi asrlarda keng tarqalgan ta’lim jarayonini tashkil etishning an’anaviy yondashuvidan farqliroq texnologik ta’lim konsepsiyasiga asoslanishi kerak. Zamonaviy innovatsion-kommunikatsiya ta’lim texnologiyalari asosan yigirmanchi asrning o‘rtalaridan boshlab rivojlangan falsafiy va psixologik tushunchalarga asoslangan. Bularga pragmatizm va instrumentalizm, kognitivizm, konstruksionizm, konnektivizm kiradi[1].

Oliy ta’lim muassasasini axborot vositalari va texnologiyalari bilan boyitilish talabaning tez o‘zgaruvchan raqamli dunyoga moslashishiga, uning axborot madaniyatining shakllanishiga xizmat qiladi[2].

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarni ta’lim jarayoniga kiritilishi qo‘yidagi afzaliklarni yaratadi:

- ta’lim-tarbiya jarayonini yanada zamonaviy, xilma-xil, boyitilgan ko‘rinishga olib keladi;
- ta’lim va tarbiyaviy axborotni taqdim etishi imkoniyatlarini sezilarli darajada kengaytiradi;
- inson xotirasining turli ko‘rinishlariga, idrok etishning turli kanallariga ta’sir o‘tkazgan holda katta hajmli axborotlar bilan ishlashga imkon beradi;
- talabalar uchun ta’lim-tarbiya jarayonini yanada qiziqarli bo‘lishini, motivatsiyasini oshirishga imkon yaratadi;
- talaba va pedagoglarni zamonaviy axborot makoniga moslashishi va axborot madaniyatini shakllantirishga yordam beradi;
- ta’lim jarayonini diagnostika qilish va monitoring qilish tizimini yanada samarali amalga oshirish imkonini beradi;
- pedagogik mehnat sifatini va samaradorligini oshirishga imkon beradi.

Oxirgi yillarda pedagogiga nazariyasi va amaliyotida o‘qituvchi va talabalarning interaktiv hamkorligiga asoslangan ta’limning yangi paradigmasi ustuvor pozitsiyalarni egallavaganligini e’tirof etishimiz mumkin. Uning maqsad va vazifalari aktiv faoliyatga yo‘naltirilgan bo‘lib, o‘qitishning natijadorligini oshirishga, talabalarda intellektual (analitik, tanqidiy, ijodiy,

moslashuvchan), kommunikativ (jamoalarda ishslash qobiliyati, shu jumladan xalqaro, kasblararo), axborotli (kerakli ma'lumotlarni qidirish, axborotni tahlil qilish va qayta ishslash, umumlashtirish, tizimlashtirish va axborot almashish) kompetentsiyalarini rivojlantirishga qaratilgan imkoniyatlar yaratadi.

Ta'lrim jarayonini raqamlashtirish uning ishtirokchilari uchunkommunikatsiya chegaralarini kengaytirishga imkoniyat yaratadi. Interaktiv-muloqot ataxborot almashish jarayonida ilmiy-bahslarni yo'nga qo'yilishi, kommunikativ madaniyat, axborot-kommunikatsiya kompetensiyalarini rivojlanishiga, psixologik aloqalarni shakllanishiga, jamoaviy ishslash muhitiga yangi imkoniyatlar olib beradi[3].

Bir qator tadqiqotchilarining fikriga ko'ra fakat o'quv-tarbiya jarayonida ko'llanilaetgan xar bir axborot kommunikatsion texnologiyalar bir biri bilan o'zaro bog'langan va yagona maqsad(konsepsiya)ga yo'naltirilgan tizim ko'rinishida shakllanganda hamda muntazam ravishda uning samaradorligi monitoring qilinganda oliy ta'lif muassasasini sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqadi. Ushbu muammoni hal qilish o'quv jarayonining turli yo'nalishlarini faollashtirish uchun imkoniyatlar yaratadi[4].

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida zamonaviy oliy ta'lif muassasasida ta'lif-tarbiya jarayonlarini sezilarli darajada modernizatsiya qilish imkonini beradigan yagona axborot maydoni quydagilarni o'z ichiga olishi kerak:

- me'yoriy-huquqiy ma'lumotlarni va uslubiy-didaktik ishlanmalarni o'z ichiga olgan axborot resurslarni;
- axborot oqimini tartibga soluvchi jarayonlarni ta'minlaydigan virtual makonning ishlashi va rivojlanishi uchun mas'ul bo'lgan tashkiliy-boshqaruv vositalari va tashkiliy markazni;
- metodik resurslarni;
- dasturiy-texnik ta'minot (telekommunikatsiya resurslari, texnik va dasturiy vositalar to'plami)ni;
- axborotni tezkor uzatish va muloqot qilish imkonini yaratuvchi aloqa vositalarni[5].

Ta'lif va tarbiya jarayonlarida har qanday innovatsiyalar singari, raqamlı texnologiyalarni o'quv jarayoniga faol tadbiq etish bir qator to'siqlarga duch kelmoqda. Empirik tadqiqotlar davomida pedagoglar tomonidan ushbu texnologiyalarni o'zlarining pedagogik faoliyatida qabul qilish va foydalanishga yordam beradigan omillarni aniqlashning imkoniyatipaydo bo'ldi. Bular qo'yidagilar:

- raqamlı texnologiyalarning o'zi bilan bog'liq omillar (o'ziga xoslik va yangilik, ishonchlilik, foydalilik va soddalik, fikrlash jarayonlarini soddalashtirish va rejallashtirish, vaqt ni tejashni ta'minlash);
- raqamlı texnologiyalarni qo'llashni tashkil etish bilan bog'liq omillar (ta'lif muassasasi tomonidan g'oyani qo'llab-quvvatlash va ushbu texnologiyalardan foydalanish bo'yicha ularning hamkasbleri tomonidan qo'llanilishi, texnik qo'llab-quvvatlash, axborot-kommunikatsiya vositalari bilan ishslash bo'yicha to'liq o'quv dasturlari yaratish);
- raqamlı texnologiyalarni joriy etuvchi pedagoglar bilan bog'liq omillar (resurslardan foydalanish qobiliyati va ta'lif sifatini yaxshilashga bo'lgan ishonch, ushbu o'qituvchining raqamlı ta'lif falsafasiga muvofiqligi);
- ishlab chiqilgan elektron ta'lif resurslarini pedagogik ekspertizadan


o‘tkazishning aniq ilmiy asoslangan tartib-qoidalarning yo‘qligi (ta’lim faoliyati, dasturlari va tadbirlarini amalga oshirish doirasida dasturiy vositalarning uzluksizligi) bilan bog‘liq omillar;

- elektron ta’lim resurslarini an’anaviy ta’lim va tarbiya muhitiga (maqsadlar, kontent, shakllar va usullar bo‘yicha) yo‘naltirish. Elektron ta’lim resurslarining potensial imkoniyatlaridan (vizualizatsiya, nazoratni avtomatlashtirish, namunaviy xususiyatlar) foydalanishga yo‘naltirish bilan bog‘liq omillar;

- vaqtinchalik omillar (sifatli ta’lim resurslarini yaratish va sinovdan o‘tkazish ko‘p vaqt talab qiladi).

Raqamli ta’lim didaktikasi bilan bir qatorda ma’no jihatidan yaqin bo‘lgan “ta’limning raqamli o‘zgarishi”, “ta’limni raqamlashtirish”, “o‘qitishni raqamlashtirish” va shunga o‘xhash tushunchalar paydo bo‘ldi[6].

Har qanday texnologik innovatsiyalar ularning rivojlanish bosqichlarining amalga oshirilishi va kutilgan natijalar, shuningdek, mutaxassislar va jamiyat tomonidan qiziqish darajasi nuqtai nazaridan ko‘rib chiqilishi mumkin.



#### 1-rasm. Texnologik innovatsiyani rivojlantirish va qo‘llash bosqichlari

Ushbu bosqichlarni raqamli texnologiyalar nuqtai nazaridan tahlil

qiladigan bo‘lsak hozirgi vaqtida uchinchi bosqichda ekanligimizni ta’qidlash mumkin. Chunki, bir tomonidan raqamli texnologiyalarning imkoniyatlarini, afzalliklarini, samaradorligini ob’ektiv baholashga egamiz, boshqa tomonidan esa ta’limning barcha darajalarida global ravishda amalga oshiriluvchi jiddiy ilmiy yondashuvlarning yo‘qligi sababli ana’naviy ta’limdagi yutuqlarni yo‘qotish, turli xavf-xatarlarni hisobga ololmaslik muammolari borligini ta’kidlab o‘tishimiz mumkin.

Raqamlashtirish davrda oliy ta’limning rivojlanish xususiyatlari va muammolarini tahlil qilish qo‘yidagi xulosalar chiqarishga imkon beradi:

Birinchidan, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish talabalarning o‘qish va o‘qishdan tashqari faoliyati ko‘lamini kengaytirish, o‘quv-tarbiya jarayonini interaktiv, mustaqil, ijodiy faoliyatga aylantirish imkonini beradi.

Ikkinchidan, AKTni rivojlantirishning zamonaviy darjasasi ta’lim, kasbhunar va tarbiya resurslaridan foydalanish imkoniyatini kengaytiradi, milliy ta’lim tizimini jahon tarmog‘iga integratsiyalashuvini ta’minlaydi, ta’lim, madaniyat va tarbiya sohasidagi xalqaro resurslardan foydalanishni sezilarli darajada osonlashtiradi.

Uchinchidan, AKT an’anaviy ta’lim va tarbiya jarayonining asoslarini o‘zgartiradi. Ulardan foydalanish yosh, vaqt va makon to‘siqlarini yengib o‘tishga, OTMdha talabani o‘qitish, tarbiyalash va ijtimoiylashtirishning shaxsiylashtirilgan jarayonini tashkil etishning yangi va samarali shakllarini doimiy izlashga olib keladi.

To‘rtinchidan, zamonaviy OTMdha o‘quv-tarbiya jarayonini takomillashtirish bo‘yicha o‘zgarishlar o‘qitishga yangi uslubiy yondashuvlarni ishlab chiqish va shunga muvofiq yangi ta’lim texnologiyalari va ta’lim jarayonini qurishning tashkiliy shakllarini ishlab chiqishni talab qiladi.

Beshinchidan, ta’limning innovatsion modellarini va ta’lim jarayonini tashkil etishning yangi shakllarini joriy etish amaliyoti ilg‘or axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, tarmoq xizmatlari va mablag‘laridan foydalanishga asoslangan. Ular ta’limning mazmuni, uslubiy va texnologik tarkibiy qismlarining izchilligini va ta’lim makoni sifatini oshirish uchun haqiqiy imkoniyatni ta’minlaydigan interaktiv ta’lim maydonining bir qismi sifatida amalga oshiriladi.

Oltinchidan, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining o‘quv-tarbiya jarayoniga ta’siri o‘qitish vositalari, shakllari, usullari va texnologiyalarini modernizatsiya qilish bilan cheklanmaydi. Bu ta’lim muassasalarining ichki rivojlanishiga va ularni ta’lim va tarbiya jamoalariga aylantirishga olib keladi.

Mazkur xulosalar bilan bir qatorda, ta’lim-tarbiya jarayonida yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish tajribasini muvaffaqiyatli rivojlanishiga uchun quyidagi taklif-mulohazalar muhim xisoblanadi:

- o‘quv jarayoniga AKTni joriy etish uchun moddiy-texnik va tashkiliy shart-sharoitlar yaratish;

- raqamli ta’lim resurslari bankini maqsadli shakllantirish, ular orasida mualliflik metodik va dasturiy ta’minot alohida o‘rin egallashi lozim;

- talabalar va o‘qituvchilarning kompyuter texnikasi, korporativ axborot-a’lim muhitidan keng foydalanishini tashkil etish, Internet global axborot tarmog‘iga kirishni ta’minlash;
- pedagogik jarayonda AKTni qo‘llash sohasida tajriba almashish maqsadida ta’lim-tarbiya jarayoni ishtirokchilari (shu jumladan, uning tarmoq shakllaridan foydalanish) bilan muntazam muloqot qilish uchun shart-sharoitlar yaratish.

Shunday qilib, shiddat bilan oldin sari harakat qilayotgan zamonaviy raqamlashtirish davrida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarni ta’limga keng joriy etilishi Oliy ta’lim muassasasining yuqori sifatlari o‘quv va ta’lim makoniga aylantirishga erishishni ta’minlaydigan ustuvor yo‘nalishlardan biri hisoblanadi.

#### Foydalilanilgan adabiyotlar

1. Шестак Н.В., Чмыхова Е.В. E-learning – обучение в сети Интернет. – М.: Изд-во СГУ, 2015, 196 с.
2. Злобина С.Н., Елисеева Е.В., Савин А.В., Степченко И.Г., Шадоба Е.М. Информатизация как приоритетное направление современного высшего профессионального образования // Проблемы современного педагогического образования. - 2016. - №50-4. - С. 138-144
3. Проектирование воспитательного пространства современного вуза средствами ИКТ-технологий: монография / Е.В.Елисеева, С.Н.Злобина, Л.А.Зятева, Г.С.Исакова, И.И.Киотина. - Брянск: РИО БГУ, ООО «Новый проект», 2018. - 180 с.
4. Елисеева Е.В. Современные подходы к формированию инновационной информационно-образовательной среды вуза // Проблемы современной науки. - 2011. - №8. - С. 67-73], Современные подходы в отечественном и зарубежном образовании: коллективная монография / отв. Ред. А.Ю. Нагорнова. - Ульяновск: Зебра, 2018. - 193-204.
5. Злобина С.Н., Елисеева Е.В., Савин А.В., Степченко И.Г., Шадоба Е.М. Информатизация как приоритетное направление современного высшего профессионального образования // Проблемы современного педагогического образования. - 2016. - №50-4. - С. 138-144, Проектирование воспитательного пространства современного вуза средствами ИКТ-технологий: монография / Е.В.Елисеева, С.Н.Злобина, Л.А.Зятева, Г.С.Исакова, И.И.Киотина. - Брянск: РИО БГУ, ООО «Новый проект», 2018. - 180 с.
6. Бродовская Е.В., Домбровская А.Ю., Петрова Т.Э., Пырма Р.В., Азаров А.А. Цифровая среда ведущих университетов мира и РФ: результаты сравнительного анализа данных сайтов// Высшее образование в России. 2019. – Т. 28. – № 82. – С. 9–22.



**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА ДИРЕКТОРЛАРНИНГ  
КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.023>

*Курбонов Ибрат Гайрат ўғли,  
Ургенч давлат университети мустақил тадқиқотчиси*

*Аннотация. Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг касбий компетенциясини ривожлантириши бўйича ишилаб чиқилган такомиллаштирилган методика мазмуни баён этилган.*

*Annotation. В данной статье описано содержание разработанной усовершенствованной методики развития профессиональной компетенции директоров дошкольно - образовательных организаций.*

*Annotation. This article describes the content of the developed improved methodology for the development of professional competence of directors of preschool educational organizations.*

Мамлакатимиздамактабгачатаълимжараёнини такомиллаштиришга, мактабгача таълим ташкилотларида (МТТ) раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларнинг касбий компетенциясини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор вазифалардан бири ҳам – бу мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шартшароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан камраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтиришdir [1].

Мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Мактабгача таълимда таълим ва тарбия жараёни “Илк қадам” давлат ўқув дастури бўйича шахсга йўналтирилган ёндашув асосида йўлга қўйилди, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтирилди ва малакали педагог кадрлар билан таъминланди, моддий-техника базаси ривожлантирилди, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик ва жисмоний ривожлантирувчи замонавий таълим дастурлари ва рақамли технологиялар ўқув -тарбия жараёнига тадбик этилмоқда, турли муқобил шакллар жорий этилмоқда.

Замонавий мактабгача таълим ташкилоти кун давомида болага қараб турадиган уни парвариш қиласидиган жой эмас, бу тўлақонли ўқув ва тарбия жараёни амалга ошириладиган таълим масканига айланди. Унда барча болаларга таълим-тарбия олиш учун тенг имконият яратилган. Бугунги кунда барча шароитлар яратилган бир вақтда мактабгача таълим сифатини таъминлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш биринчи навбатда мактабгача таълим ташкилотлари директорларига боғлиқ бўлади.

Шунинг учун ҳам мактабгача таълим ташкилотлари директорларининг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларга бошқарувнинг замонавий усулларини ўргатиш, ташкилотчилик компетенцияларини ривожлантириш орқали таълим хизматларини кенгайтириш муҳим хисобланади.

Биз назарий изланишларимиз доирасида дастлаб касбий компетентлик тушунчасини ва мазмуни ўргандик.

Професор Н.Муслимов фикрича касбий компетентлик-бу мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олинишидир [2].

Шарипова Ш фикрича [3] шахсада юқори касбий компетентлик қўйидаги ҳолатларда якқол намоён бўлади:

- мураккаб жараёнларни амалга оширишда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотларни тугри тахлил килиш ва улардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда мустакил ҳаракат кила олишида.

Баъзи тадқиқотларда мактабгача таълим ташкилоти директорининг бошқарув компетенцияси – бу мактабгача таълим ташкилотларида директорнинг бошқарув функцияларини профессионал равишда бажаришга тайёрлиги ва қобилиятини белгилаб берувчи, билимларни, қадриятларни, коммуникатив ва ташкилий-услубий фаолият таркибий қисмларининг йифиндисидаги ажралмас шахсий-касбий тавсиф бўлиб, бу бошқарув вазифаларини самарали олиб боришин таъминлайди [4]. Шунга ўхшаш қўплаб таърифларни келтиришимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча, мактабгача таълим ташкилотининг компетентли раҳбари касбий билим, кўникма ва малакаларни юқорида даражада амалда қўллай олиши ҳамда муаммоли вазиятларда мустакил қарор қабул қила олиш қобилиятига эга ҳамда бошқарувнинг замонавий усулларини ўзлаштирган бўлиши керак.

Биз тадқиқотимиз доирасида МТТ директорларини касбий компетенциянинг таркибий қисмларини қўйидаги 5та гурухда кўриб чиқдик.

1-чи гурухда маҳсус компетенцияга мактабгача таълим ва тарбия бўйича билим, кўникма ва малакани етарли даражада эгаллаган бўлиши, директорлик фаолиятига оид касбий амалларни тўғри ва аниқ бажара олиши, фаолияти натижаларини реал тахлил қилиш ва баҳолаш, касбий фаолиятига оид илгор технологияларни қўллай олиш компетенлиги киради.

2. Бошқарув компетенциясига директорнинг МТТ да таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва баҳолаш, педагоглар ва ходимлар фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш, ўзининг иш режасини тузиш, вақтни тўғри тақсимлаш, белгиланган муддатларга режасининг бажарилишига тўла риоя қилиш каби компетентликлар киради.

3. Ижтимоий компетенцияга педагоглар ва ходимлар самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш, мулоқотга киришиш, мунозарани олиб бориш, уларнинг нуқтаи назарини химоя қилиш, шунингдек, педагоглар билан биргаликда фаолиятларни ташкил қилиш, ўз педагогик тажрибалари оммалаштириш,

махалла ва ота оналар билан хамкорликни йўлга қўйиши, болаларга меҳрибонлик қилиш ва тарбиялаш каби компетенциялар киради.

4. Рақамлаштириш муҳитида ишлаш компетенциясига ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йифиш, танлаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли ва самарали фойдаланиш, турли хил рақамли воситалар ва электрон таълим ресурслар билан ишлаш, рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича билим ва кўнгилмаларини доимий ривожлантириб бориш каби компетенциялар киради.

5. Ўз-ўзини ривожлантириш, касбий муаммоларни ва кутилмаган вазиятларда мустақил тўғри қарор қабул қилиш компетенцияси. Бунда МТТ раҳбари аналитик фикрлашга қодир бўлиши, мустақил равишда вазиятни таҳлил қилиш ва тўғри қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши, ўз ўзини намоён қилиш, ўз ўзини ривожлантириш, ўзини вазифасини бажаришга инновацион ёндашувни амалга оширишга қодир бўлиши лозим.

Ҳар кандай янги шароитга ўз ўрнини топиши, ҳаётнинг ва меҳнатнинг ўзгарувчан ҳолатда муваффақиятли ва талабчан бўлиши учун ҳар кандай ўзгаришга тайёр бўлиши, янги шартларга тез ва самарали мослаша олиши керак.

Мактабгачатаълимташкилотлари директорларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва уларнинг касбий фаолиятини ривожлатиришга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш бўйича ўтказган изланишларимиз асосида биз мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг юқоридаги муҳим касбий компетентцияларни ривожлантиришнинг такомиллаштирилган методикасини (1-расм) ишлаб чиқдик.

Ушбу методикага кўра биринчи босқичда касбий компетенциясини ривожлантиришга хоҳишистаги бўлган мактабгачатаълимташкилотлари директорларидан сўровнома ўтказилиб, улар учун ривожлантирилиши зарур бўлган юқоридаги 5 та компетенциялар бўйича эҳтиёжлар аниқланади. Эҳтиёжлар сўровнома ёки сухбат асосида аниқланиб, умумлаштирилади. Худди шундай бугунги кунда замонавий мактабгача таълим ташкилоти раҳбарига қўйилган талаблар ҳам ўрганилади.

Иккинчи босқичда ҳар бир МТТ раҳбарининг касбий компетентлиги даражалари кириш тест синовлари ва бошқарув фаолиятига оид амалий топшириқларни бажартириш ва мулоқат қилиш орқали аниқланади. Ҳар бир раҳбар натижалари алоҳида варақаларга қайд қилинади.

Учинчи асосий босқич директорларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни бўлиб, бир нечта қисмлардан иборат бўлдади. Дастроб аниқланган талаб ва эҳтиёжлар асосида қисқа муддатли ўқув курслари ва тренинглар дастури ишлаб чиқлади. Бунда ҳар бир директордан берилган таклифлар инобатга олиниши муҳим ҳисобланади. Касбий билимларни кенгайтириш масадида қисқа муддатли ўқув курслари ва ривожлантирувчи тренинглар ташкил қилинади. Ҳар бир ўтказилган машғулотлар натижаси таҳлил қилиниб борилади. Керакли жойда тузатишлар киритилади. Тингловчиларга муаммоли вазиятли ва бошқарувда стратегик мақсадга элтувчи лойиҳа топширифи берилади. Ҳар бир тингловчига тренер


бириктирилади. Тренер бу мактабгача таълим соҳасидаги илмий ва амалий тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ҳисобланади.

Лойиҳа топшириқлари тренер ёрдамида тингловчи томонидан мустақил бажарилади. Ўқув курслари ва тренинглар ўтказилиб бўлингандан кейин коучинг методини қўллаб тингловчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш ва лойиҳа ишини бажариш босқичига ўтилади.

Коучинг бу –бошқарув компетенциясини ривожлантириш усулидир. Коучинг -бу тренер ва тингловчининг стратегик мақсадга эришишдаги хамкорлигидир. Коучинг- бу раҳбарнинг яширин потенциалини юзага чиқариш усулидир.

Баъзи хорижий олимлар коучинг методида мулоқот техникаси қўлланилганда ходимлар ва педагогларнинг иш самараси ва уларнинг ижтиомий компетенцияси анча ривожлантирилган. Коучинг мулоқотда пост конференциялар, муноазаралар ва индивидуал сұхбатдан фойдаланилса яхши натижа бериши таъкидланганлар [5], [6].

Коучинг методида МТТ директорлари ўзлари мустақил равишда режа тузадилар, аниқ мақсадни белгилайдилар ва мақсадга эришувчи стратегиясин ишлаб чиқадилар. Тренерлар эса кузатадилар, маслаҳат берадилар. Шунингдек, тренерлар томонидан МТТ директорларининг шахсий ва касбий сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган индивидуал тренинглар ўтказадилар. Лойиҳа иши якунланган кейин ҳар бир тингловчи тақдимот ўтказади. Тақдимот жараёнида унинг маҳсус, ижтиомий ва рақамлаштириш муҳида ишлаш бўйича компетенциялари баҳоланади.





Тўртинчи босқичда ўтказилган тест натижалари ва лойиҳа иши тақдимоти хамда тренернинг директор билан ишлаган жараёнида берган баҳоси умумлаштирилиб касбий компетентлиги ривожланганлик даражаси баҳоланади ва кириш синовларидаги натижалар билан таҳлил қилинади.

Ушбу методикада энг муҳим босқичлардан бири бу бешинчи босқич бўлиб, МТТ директори ўзининг касбий компетенцияси ривожланганлигини амалий фаолиятида намоён қилишидир. Бунда директор маълум вақтдан кейин ўзининг фаолиятини ўзи баҳолаб қанчалик даражада касбий компетентлигини ривожланганлигини таҳлил қилиши лозим.

Биз томондан ишлаб чиқилган ушбу методика асосан талаб ва эҳтиёжлар бўйича МТТ директорларини касбий компетенциясини риожлантиришга каратилган индиуал ёндашув асосидаги методика ҳисобланади. Олиб борилган амалий тадқиқотларимиз ушбу методиканинг самрали эканлигини исботлади.

#### Адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Муслимов Н.А. Касб-таълими тингловчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Дисс. п.ф.д. – Т.:2007 – 275 б.
3. Шарипова Ш.С. Инновацион таълим мухитида ривожлантирувчи тренинглар орқали ихтисослик фани ўқитувчисининг касбий компетентлигини ошириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертация иши. 2020йил.
4. Хамдамова Махзуна Турсуновна. Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти директорининг бошқарув компетенциясини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертация автореферати. 2020йил.
5. Adams D. S. & Bell A. (2011). Coaching to support preschool teacher professional development. Unpublished manuscript, Department of Educational Leadership, University of Connecticut, Storrs.
6. Johnston, C. C., Gagnon A., Rennick J., Rosmus C, Patenaude H., Ellis J., Shapiro C, Filion F., Ritchie J., Byron J. (2007). One-on-one coaching to improve pain assessment and management practices of pediatric nurses. Journal of Pediatric Nursing, 22(6), 467-478. doi: 10.1016/j.pedn.2007.07.004

## ЎҚУВ ФАОЛИЯТИДА ШАХСНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.024>

Холматов Шакиржон Солиевич

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
немис тили амалий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Уибу мақолада биз ўқув фаолиятида шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши ва талабаларнинг мустақил таълим олиши аҳамияти тўгрисида сўз юритамиз. Бунда биз кредит-модуль тизимидағи олий таълим муассасалари ўқув жараёнига ҳам тўхталиб ўтамиз.

**Калит сўзлар:** Кредит-модуль тизими, мустақил таълим олиши, ўз-ўзини ривожлантириши, педагогик жараён, ўқув материали, талаба

## САМОРАЗВИТИЕ ЛИЧНОСТИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Холматов Шакиржон Солиевич

Старший преподаватель кафедры прикладных наук немецкого языка Узбекского государственного университета мировых языков

**Аннотация.** В данной статье мы поговорим о важности саморазвития и самостоятельного обучения студентов в учебной деятельности. При этом остановимся на учебном процессе высших учебных заведений по кредитно-модульной системе.

**Ключевые слова:** Кредитно-модульная система, самостоятельное обучение, саморазвитие, педагогический процесс, учебный материал, студент

## SELF-DEVELOPMENT OF A PERSON IN EDUCATIONAL ACTIVITIES

Kholmatov Shokirjon Solievich

Senior lecturer of the department of applied sciences of the German language at the Uzbekistan State World Languages University

**Abstract.** In this article we will talk about the importance of self-development and independent learning of students in educational activities. At the same time, we will focus on the educational process of higher educational institutions according to the credit-modular system.

**Keywords:** Credit-modular system, Self-study, self-development, pedagogical process, educational material, student

Ўқув фаолиятида шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришига салохияти нуқтаи-назаридан эркинликни “тўсиқларни бартараф этишнинг ривожланган усули” сифатида ажратиб кўрсатган Э.В. Ильенковнинг нуқтаи-назарини таъкидлаймиз [13, 413 б.]. У агар инсон фаолият турини танлашда (“қолип” га кўра эмас, балки ўзига нисбатан) ҳамда



фаоллик кўрсата олсагина ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантириши мумкин деб ҳисоблади (Ильенков Э.В.).

Шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришидаги эркинлик роли тўғрисида сўз юритганда XX асрнинг йирик ғарб мутафаккирларидан бири Э.Фроммнинг ёндашувига мурожаат қиласиз. У эркинликнинг икки ёқлама маъносини ажратиб кўрсатган, биринчиси шахсни чекланганликка ва бегоналишишга олиб борувчи бошқа кишиларга тобеликдан эркинлик. Бундай эркинлик инсонни қашшоқлаштиради, уни заифлаштиради. Иккинчи маъно ижобий эркинлик бўлиб, бу “шахснинг салоҳиятларини тўла амалга ошишини англатади, унга фаол яшаш имконини беради...” [11, 77 б.].

М. Бубер, ўз-ўзини ривожлантириши учун ўқитувчи ва шогирд ўртасидаги мунозара мазмунига шахсли маъно касб этадиган “Мен – Сен” шаклланган муносабатлар тизимининг аҳамияти тўғрисида сўз юритганда айнан шундай эркинликни кўзда тутган [ 5, 49 б.]

Ушбу йўналишдаги аниқ йўл “эркинлик педагогикаси”га ўтиш билан боғлиқ бўлиб, бунда ўқиш эркинлиги ҳамда ўзини эркин ижобий намоён этиш эркинлиги бирлашади. О.С. Газман таъкидлаганидек эркинлик педагогикаси инсон ўз-ўзини яратишини педагогика эса, ижтимоий орзу –умидлардан келиб чиқсан ҳолда шахснинг шаклланиши учун фақат шароит яратишинигина кўзда тутади. Педагог ўз ролини эркин танлов шароитларида ўз шаклланиши вазифасини мустақил ҳал қилувчи шахс билан ҳамкорликда кўради [6,57].

Бизнинг фикримизча бу ёндошув шахсга ва унинг ўз-ўзини ривожлантиришга ишонч нуқтаи-назарини ҳимоя қиласи.

Шахсни ўз-ўзини ривожлантиришига ҳақиқий қизиқиш умуман Россия педагогик анъаналарига хос бўлиб, бу XX асрнинг бошларида айниқса ёрқин намоён бўлди. Айнан шу даврда таълим жараёни шахснинг ўз-ўзини долзарблаштириши, ўз-ўзини белгилаши ҳамда ўз-ўзини ривожлантириши сингари асосий инсонпарвар қадриятларда яратилган.

1900 йили ўша даврнинг машхур педагоги Ю.Айхенвальд томонидан мактабни олий қадрият сифатидаги инсонга буриш вазифаси қўйилган. Талабаларнинг шахсий мойиллilikларини аниқлашга ҳамда шахсга йўналтирилган таълим шароитларида уларнинг ўз-ўзини ривожлантиришига катта эътибор қаратилган. Умуман қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олган инсонпарвар парадигманинг ғоявий-назарий маркази шакллантирилган:

- Талаба педагогик фаолиятни олий қадрият деб эътироф этиши;
- Таълимнинг талабани ўз-ўзини ривожлантириши ва ўзини намоён этишига йўналтирилганлиги;
- Талабалар шахсининг мустақил мустақил таълим олиш фаолиятга киритилганлиги;
- Талабаларнинг эркин ривожланишини таъминловчи шароитларни яратиш ва амалга жорий қилиш [4,65 б.].

Шундай қилиб, ўзига қадрли шахс ўз ривожланиш мантиқига

эга талаба шахси педагогик жараённинг негизи деб эътироф этилган, талабанинг ўрганиш фаолиятига алоҳида шароитлар яратиш эса қондирувчи натижаларга эга бўлиш учун ютуқларни жадал ўзи тафаккур қилишга, онгли тарзда мақсадли таҳдил қилишга имкон яратади, бу шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришига туртки беради.

Мамлакатимиз педагоглари (Ш.А.Абдуллаева, К.А.Абульханова-Славская, Н.Н.Азизходжаева, В.И.Андриянова, А.Я.Арет, Р.Ш.Ахлидинов, У.И.Иноятов, Ш.Э.Курбанов, Х.Ф.Рашидов, Л.И.Рувинский, Э.А.Сейтхалилов, У.К.Толипов, Н.Шодиев, Г.Шоумаров, Г.Баходирова, Ф.Р.Юзликаев ва бошқалар) ўқув жараёнига фаолиятли тус беришга, талабаларнинг мустақил билим олишларига эътибор қаратганлар.

Таълим ташкилотлари таълимни ўз-ўзини ўқитиши ва ўз-ўзини ривожлантириш асосига қўйғандагина энг тўла таъсирга эга бўлади, деган ёндашувга қаттиқ ишонган П.Ф.Каптерев ўз қарашларини тўлиқроқ баён қилган. Инсоннинг шахсий ирсиятини ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини ривожлантириши тўғрисидаги гоя П.Ф.Каптеревнинг асарларидағи етакчи ғояларидан биридир. У, инсон организми ва атроф-муҳитнинг ўзаро ҳаракати туфайли ўз-ўзини тарбиялайди деган хulosага келган. Олим инсоннинг асосий хусусияти – ташаббускорликни эътироф этган ҳолда ўқитиши ва тарбия жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга белгиловчи роль деб қарайди: “Инсон ўз-ўзини ривожлантириш жараёнида яратилаган мавжудотдир...” [9, 301 б.] Тадқиқотчи жамиятга педагогик жараён ҳам ўз ибтиносини бошлайдиган инсонни ўз-ўзини ривожлантириш сабаби сифатида қараган.

П.Ф.Каптерев педагогик жараён бу шахснинг мақсадгай ўналтирилган ўз-ўзини такомиллаштириш ва организмнинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнидир. Шу аснода педагогнинг вазифаси талабанинг ўз-ўзини ривожлантиришини тўғрилаб туриш, такомиллашувида ёрдам беришдан иборат тўғрисидаги нуқтаи-назарида турган. Такомиллаштириш жараёни табиий ривожланиш йўлидаги ғовларни бартараф этиш; мавжуд салоҳиятларни ривожлантиришда кўмаклашиш, нуқсонларни пайини қирқиши ҳамда “қимматли хусусиятларни илдиз орттириш”дан иборатдир.

Инсоннинг ўз-ўзини ривожлантириши фаолиятдан ташқарида кетиши мумкин эмас, шу боис П.Ф.Каптерев талабаларни ўрганиш фаолиятга киритаётгандан ундаги ўзликни, ички фаолликни, ташаббускорликни уйғотиши борасида сўз юритган.

Ўз-ўзини ривожлантириш ғояси эркинлик – инсон парварарлик йўналишида ҳам ўз аксини топган (В.Буткевич, К.Н.Вентцель, С.И.Дурылин ва бошқалар).

Ўз-ўзини ривожлантириш мазмунини К.Н.Вентцель ўзини энг тўла намоён этишда кўрган. Шу аснода талабанинг ривожи унинг мустақил ўрганиши ва ижодиёти маҳсули бўлиши лозим. Бунинг натижасида унга ўз шахсий мақсадини белгилаш ҳамда унга онгли тарзда эришишга келиш имконияти берилиши зарур. Педагогнинг фикрига кўра, талаба



унинг шахсияти билан белгиланувчи қонунлар бўйича ривожланади ва демак, барча тизим учун ягона тарбия бўлиши мумкин эмас, тарбиячи ҳар бир шахсга ўзини намоён этишга қўмаклашадиган ўзига хос бетакорр тизимни топишга интилиши лозим [7,52 б.].

Бу фикрни давом эттирган ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, агар шахс мақсадга йўналтирилган ўзини ўзгартириш заруратини англаса, шу аснода фаолият жараёнидаги режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва ҳоказо ҳаракатларини амалга оширса ўз-ўзини ривожлантиришнинг имкони бор, яъни алоҳида шароитлардаги ўқув фаолияти талабани ўз-ўзини ривожлантириш катализатори сифатида намоён бўлиши мумкин, талаба буни бажарган ҳолда ўз-ўзини ривожлантиришни амалга оширади.

Бизнинг замонимизда ўз-ўзини ривожлантириш муаммоси тўғрисида сўз юритганда замонавий таълимдаги инқирозли ҳолатга эътибор қаратиш зарур.

Таълимдаги вазиятни таҳлил қилган кўплаб олимлар турли соҳларда инқироз юзага келаётганини эътироф этмоқдалар, масалан:

- замонавий оламда инсоннинг тикланиши ва мавжудлиги билан боғлиқ “инсон таълими” (Ю.В.Сенько);

- таълимда маданият танқислиги (В.Л.Зинченко) яқин вақтларгача инсон таълими маданият мазмунидан ташқарида юз берган, инсон маданият субъекти эмас эди. Таълим маданиятга эмас балки, “педагогик жараёнга киритилган ижтимоий тажрибага” йўналтирилган эди.

Ушбу ва бошқа вазиятларнинг намоён бўлиши таълимнинг издан чиқишига олиб келади. Бунинг оқибатида ўқитиши “қиёфасиз жараён”га айланди (СВ. Кульневич), яъни шахсдан ташқарида мавжуд бўлган талаба қиёфаси яратилди. Бу талаба ривожланишининг ички манбайи йўқолишига олиб келди. У боис таълим “ижодкорларни эмас балки, бегона ижрочиларни” тайёрлай бошлади. [6, 14 б. ].

Бу ҳолатлар талаба шахсига юз буришни кўзда тутувчи таълим жараёнининг бошқача босқичига ўтиш заруратини долзарблаштироқда. Шунга мувофиқ ўқув фаолиятини ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил таълим олиш учун шароитлар яратишга йўналтириш зарур.

Бу нуқтаи-назардан ўқув фаолиятининг асосий мақсадларидан бири касбий тикланиш ва ўз ҳаёт фаолияти субъекти сифатидаги талабанинг ўз-ўзини ривожлантириши бўлиб, у талабада ўқув ҳамда фаолиятнинг бошқа турлари ўз-ўзини ташкил этувчи субъекти сифатларини: танловга, фаолликка, мустақилликка, онглилик, салохиятни кўзда тутади. Ўз фаолиятининг мақсадлари ва вазифаларини англаш ҳамда қабул қилишда намоён бўлувчи субъективлик кўриниши, қийинчиликларни бартараф этишда фаолликнинг намоён бўлиши кенгайиб бораётган ақлий ва касбий имкониятлар ва ҳоказолардан қониқишини ҳис қилишни талаба шахси ўз-ўзини ривожлантириш кўрсаткичи сифатида қараш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 й. “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгacha

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847 Фармони. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2019 йил 9 октябрь. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 824-сон қарори. 31.12.2020

3. Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида низом. 31.12.2020

4. Айхенвальд Ю. И. Силуэты русских писателей/ Ю. Айхенвальд. - М.: «Республика», 1994.

5. Бубер Мартин. Я и ты. М.: Высшая школа, 1993. – 42 с.

6. Беспалько В. П. Теория учебника: Дидактический аспект. М., 1988. — 102, с.

7. Вентцель К. Н. Теория свободного воспитания и идеальный детский сад. — Изд. 4-е, вновь испр. и доп. — М. ; Пб. : Голос труда, 1923. — 160, с.

8. Газман О.С. Неклассическое воспитание. От авторитарной педагогики к педагогике свободы. М.: МИРОС, 2002. — 296 с.

9. Каптерев П.Ф. Избранные педагогические произведения. Москва. Педагогика. 1982– 704 с.

10. Усмонов Б., Хабибулаев Р. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2020 й.

11.Фромм Эрих. Бегство от свободы. АСТ. 2017– 257 с.

<https://www.livelib.ru/author/180178/top-erih-fromm>

12. Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: Асосий тушунчалар ва қоидалар.Кўлланма. 2020 й.

13. Ильенков Э.В. К вопросу о природе мышления (на материалах анализа немецкой классической диалектики). Диссертация на соискание ученой степени доктора философских наук. Москва, 1968.



## КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.025>

*Хайдарова Малика Джамшиитовна,  
Бошлангич таълим методикаси кафедраси, Бухоро Давлат  
Университети*

**Аннотация.** Уибу мақолада кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзига хос ривожланиши хусусиятлари таҳлил қилинган бўлиб, мазкур ёши даври ҳақидаги турли олимларнинг фикрлари, ихтиёрий дикқатни бир нуқтага қаратишнинг мураккаблиги баён қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: кичик мактаб ёши даври, ўқувчи, бошлангич синф, бошлангич таълим, психологик ўзгаришлар, дикқатнинг ихтиёрийлиги, кўргазмали образли тафаккур, ихтиёрий эсда сақлаш, зиддиятлар, ўқув матнлари, рефлексия.

## СВОЕОБРАЗНЫЕ СВОЙСТВА РАЗВИТИЯ УЧАЩИХСЯ МЛАДШИХ КЛАССОВ

*Хайдарова Малика Джамшиитовна,  
Бухарский государственный университет, кафедра методики  
начального образования*

**Аннотация.** В данной статье анализируются особенности развития учащихся начальных классов, обсуждаются взгляды различных ученых на эту возрастную группу, сложность произвольной концентрации внимания на одной точке.

**Ключевые слова и фразы:** младший школьный возраст, ученик, начальная школа, начальное обучение, психологические сдвиги, произвольное внимание, наглядно-образное мышление, произвольная память, противоречия, учебные тексты, рефлексия.

## SPECIFIC DEVELOPMENTAL CHARACTERISTICS OF PRIMARY SCHOOL STUDENTS

*Khaidarova Malika Djamshitovna,  
Department of Primary Education, Methodology Bukhara State  
University*

*Annotation. This article analyzes the specific developmental characteristics of primary school-age students and discusses the views of various scholars on this age group, the complexity of focusing voluntary attention on a single point.*

*Keywords and phrases: small school age, student, primary school, primary education, psychological changes, voluntary attention, visual figurative thinking, voluntary memory, contradictions, teaching texts, reflection.*

Бугунги кунда бошлангич таълимдаги ўқувчиларнинг ёши даври 7 ёшдан 11 ёшгacha чегараларига эга. Мазкур ёши даврида қуйидаги психологик янги ҳодисалар кузатилади – психик жараёнларнинг тасодифийлиги, ҳатти-ҳаракатларнинг ички шарти, рефлексия. Кичик мактаб ёшидаги болаларда бу даврда кўргазмали-образли фикрлашдан

оғзаки-мантиқий, тушунчавий фикрлашга ўтиш содир бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг педагогик хусусиятларига, бу даврда болалар жуда эмоционалликларини киритиш мумкин ва педагогларнинг асосий вазифалари болаларни келгуси ўқув фаолиятига уларнинг оламни идрок этишлари орқали мотивацияларини мақсадга мувофиқ ошириш ҳисобланади.

Б.Т.Лихачев мактабгача ёш давридан шаклланган кичик мактаб ёш даврининг психологик-физиологик асослари ўқувчига олам тўғрисида тўплаган тажрибага мурожаат этишига имкон беришини таъкидлайди. Мактаб ёш давридаги болалар атрофдаги предметли муҳитда ўзларини тасдиқлайдилар. Зиддиятлар ёки ўзини муайян муҳитда тасдиқлаш истаги ва уни билмаслик сабабли – болада мазкур ёш даври учун етакчи бўлган маънавий эҳтиёж, кўпгина билишга оид интилишлар ва қизиқишлир юзага келади [1; 89-б].

Тасаввурларни тўплаш бошланғич синф ўқувчиси учун нафақат маънавий бойиш ҳисобланади. Омилларни йиғиш ҳолати, предметли оламда ўзини ҳис этиши унинг ҳаётининг тўлиқлигининг меъёрий шарти ҳисобланади. Боланинг онгида омилларнинг бойлиги, уларни тизимга келтириш дунёқараашнинг дастлабки даражасини, олам тўғрисидаги эмпирик тасаввурларни таъминлайди. Бир вақтда, билишга оид эҳтиёжни қондириш, тасаввурлар ва образларнинг бола психикасида тўплаш натижасида омилларни англаш, уларни таққослаш ва қиёслаш, уларнинг асосида тасаввурлар ва образларни яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилади.

Л.И.Петрованинг тадқиқот ишларига асосан, кичик мактаб ёш даврида куйидаги янги ҳосилалар кузатилади – психик жараёнларнинг беихтиёрийлиги, ҳатти-ҳаракатларнинг ички ҳолати ва рефлексия. Бу ёш даврида бола фаол мақсадларини онгли кўйиш ва уларга эришишга ўрганади, уларни жалб этишига кўра эмас, балки заруратдан келиб чиқиб танлай бошлайди. Шунга кўра у ўз хулқини бошқаришга ўрганади. Бундан ташқари, у тўғри қарорни танлайди, натижаларни таҳлил қиласида таққослайди, ишларни ўтказиш тартибини режалаштиради [2; 28-б].

Д.Б.Элькониннинг фикрига кўра, кичик мактаб ёшида ўқув фаолияти болаларнинг етакчи фаолиятига айланади, мазкур ёш давридаги асосий психологик янги ҳосиласи эса ўқувчининг ички ҳолати ҳисобланади [3; 188-б].

Н.В.Бордовская ва А.А.Реаннинг тадқиқотчилик ишларига асосан, кичик мактаб ёш даврида ўқиши жараённада бурч, катталар олдида (ота-она, оила аъзолари, ўқитувчи) масъулият каби ижтимоий мотивлар катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай ижтимоий установка таълимнинг муваффақиятли бошланиши учун жуда муҳимдир. Қизиқиши билишга оид эҳтиёжни эмоционал бошдан кечириш сифатида таълим бошида ўқув фаолиятига ички мотивациянинг асоси бўлиб хизмат қиласида [4; 79-б].

И.П.Подласовнинг фикрига кўра, кичик мактаб ўқувчисининг тафаккури эмоционал-образлидан абстракт-мантиқий ва сабаб оқибатли алоқалар томон ривожланади. Бу даврда ўқитувчининг роли айниқса муҳимдир [б.73].

Бу даврда ақлий ривожланиш куйидаги босқичлардан ўтади:



- ҳатти-харакатларни намуна, андоза бўйича ўзлаштириш;
- белгиланган модел доирасида ҳатти-харакатлар тизимини шакллантириш;
- буюмлар ва уларнинг муносабати хусусияти билан ақлий амалларга ўтиш.

Бу даврда нутқ, тафаккур ва идрок этиш қобилияти ривожланади. Кичик мактаб ўқувчисининг ўқув фаолиятида ёзув, ўқиш, компьютерда ишлаш, ихтирочилик фаолияти, конструктив-композицион фаолиятнинг бошланиши.

Кичик мактаб ёшида боланинг ижтимоий мавқеи ўзгариши, катталар томонидан умидлар ва муносабатлар ўзгариши, бола ҳаётида янги аҳамиятли шахс – ўқитувчининг пайдо бўлиши, янги фаолият турини эгаллаш (ўқув), ўқувчининг ички ҳолатини ўзлаштириши, жамият билан муносабатларнинг янги тизимини қуриш содир бўлади.

Л.И.Петрованинг фикрича, бу ёш даврида бош миянинг сифатли ва структуравий ўзгаришлари содир бўлади. шунингдек асад жараёнларида ҳам ўзгаришлар – қўзғалиш ва тўхталиш содир бўлади. Кичик мактаб ёшидаги болалар таълим жараёнида ўз хулқларини назорат қилишга ўрганадилар, шунингдек тўхталиш реакциялари имконияти ортади. Бу ёнга катталарнинг талабларига бўйсуниш, импульсив хулқни бартараб этиш имконини берib, бу унинг мустақиллигини оширади [5; 30-б.].

Б.С.Волковнинг фикрича, кичик мактаб ёш даврида механик хотира такомиллашади. Кўпгина болалар бошланғи синфда таълим олиш бутун даврида ўқув матнларини механик ёд оладилар, бу ўрта синфларда материал мураккаб ва ҳажми катта бўлганида сезиларли қийинчиликларга олиб келади [6; 98-б.]. Бундан ташқари, кичик мактаб ёшидаги болаларнинг катталарга, аввало ўқитувчига чексиз ишончларини, унга бўйсуниш ва тақлид қилишларини таъкидлайди. Ўқувчи ўзини шахс сифатида тавсифлаб, асосан катта инсон у тўғрисида айтганини тақрорлайди. Бу даврда боланинг ўз-ўзига баҳоси унинг турли фаолият жараёнида ўқитувчидан олган баҳоси билан ўзарро боғлиқ.

И.П.Подласовнинг фикрича, кичик мактаб ёш давридаги болалар шахсининг шаклланиши катталар (ўқитувчилар) ва тенгдошлар билан янги муносабатлар, янги фаолият ва мулоқот турлари, яхлит тизимга жамоаларни киритиш таъсири остида содир бўлади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда ижтимоий ҳиссиётлар шаклланади, ижтимоий хулқ малакалари ривожланади

(жамоавийлик, хулқи учун жавобгарлик, ўзаро ёрдам) [7; 73-б.].

Н.В.Бордовская ва А.А.Реаннинг илмий ишларида бу ёш даврида шахслараро муносабатлар асосан эмоционал асосда қурилиши таъкидланади. Одатда шахслараро мулоқот малакалари заиф ривожланган бўлади. Кичик мактаб ёшидаги болалар рефлексия, ижтимоий масъулият, мослашувчанлик, ижтимоий мақбул хулқни оғзаки ифодалаш қобилиятининг юқори даражасини ифодалайдилар [4;81-б.]. Бундан ташқари, бу ёш даврида катталар билан илк баҳслар ҳам юзага келади.

Мазкур ёш даврида етакчи эҳтиёжлар ўзини предметли мухитда тасдиқлашга интилиш ва ўқув фаолиятига билишга оид қизиқишлиарнинг хилма-хиллиги ҳисобланади. Кичик мактаб ёш даврида ўқиш жараёнида бурч, катталар олдида (ота-она, ўқитувчи) масъулият ҳисси каби

ижтимоий мотивлар катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, кичик мактаб ёш даври шахснинг ахлоқий сифатларини ривожлантириш ва шакллантириш учун энг кулай ҳисобланади, бунга ўқувчиларнинг бўйсунувчанликлари ва маълум ишонувчанликлари, тақлидга мойилликлари ёрдам беради.

Ижтимоий тажрибанинг ортиши туфайли кичик ёшдаги ўқувчиларда фазо, вакт, ҳаракатни идрок қилиш кўлами кенгаяди, улар ўз олдиларига қўйилган саволларга жавоб топишга интила бошлайдилар.

Бошланғич синф ўқувчиларида диққатни иродавий зўриқиши йўли билан бошқариш ва фавқулодда вазиятга мослашиш имконияти чеклангандир. Бунинг асосий сабаби уларда ихтиёрий диққатнинг етарлича ривожланмаганлигидадир. Шу билан бир қаторда, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ихтиёрий онгли диққатлари ўқиш майллари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

1-2-синф ўқувчиларида ихтиёрий диққатни бир нуқтага қаратишнинг мураккаблиги қўйидагилар билан изоҳланади:

1. Хотиранинг бошқа турларига қараганда ўқувчиларда механик хотираларининг яхши ривожланганлиги учун ҳам, ўкув маълумотларини айнан ўзгаришсиз эслаб қолишга имконият яратади.

2. Ўқувчилар ўқитувчининг талаблари моҳиятини тўлиқ англаб етмаганликлари учун ҳам, тўғри тушунтириб бериш ҳақидаги топшириқларни матнни сўзма-сўз тушунтириб тарзида англайдилар.

3. Бошланғич синф ўқувчиларида сўз бойлигининг етарли даражада шаклланмаганлиги туфайли ҳам, улар матнни айнан сўзлаб беришга кўпроқ мойил бўладилар.

4. Бошланғич синф ўқувчиларида матн мазмунини эслаб қолиш тажрибаси етарли даражада шаклланмаган бўлади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, бошланғич синф ўқувчиларида ихтиёrsиз диққат бир мунча яхши ривожланган бўлади. Таълим жарабёнида ихтиёrsиз диққатни ихтиёрий диққатга айлантириш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Бошланғич синфда тақдим этиладиган ўкув материалларининг ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва ўзлаштириш имкониятларига мослиги уларнинг диққатларини мустаҳкамлаб унинг бир нуқтага қаратилишига имконият яратади. Ўкув материалларининг турли-туманлиги ва қизиқарлилиги ихтиёрий диққатнинг тўпланиши, марказлашуви ва барқарорлашувига ижобий таъсири кўрсатади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Лихачев Б. Т. Педагогика. Курс лекции: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений и слушателей ИКП и ФПК. М.: Юрайт, 1999. 523 с.
2. Петрова Л. И. Индивидуальный подход в воспитании младшего школьника. Д.: Феникс, 2007. 336 с.
3. Эльконин Д.Б. К проблеме периодизации психического развития в детском возрасте // Вопросы психологии № 4. 1971. 203 с.
4. Бордовская Н. В., Реан. А. А. Педагогика. СПб.: Питер, 2001. 310 с.
5. Петрова Л. И. Индивидуальный подход в воспитании младшего школьника. Д.: Феникс, 2007. 336 с.
6. Волков Г. Н. Этнопедагогика: учеб. для студ. сред. и высш. пед. учеб. заведений. М.: Академия, 1999. 168 с.
7. Подласый И. П. Педагогика начальной школы: учеб. для студ. пед. училищ и колледжей. М.: ВЛАДОС, 2004. 399 с.



**БҮЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ  
ДАРСДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ  
АМАЛГА ОШИРИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК  
ИМКОНИЯТЛАРИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.026>

Бахронова Адиба Исмаиловна,

Бошлангич таълим методикаси кафедраси, Бухоро Давлат  
Университети

**Аннотация.** Уибу мақолада бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини дарсдан ташқари тарбиявий фаолиятни амалга оширишига тайёрлашининг педагогик имкониятлари, тарбиявий тадбирларга қўйиладиган талаблар, воситалар, усуллар, ёндашувлар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада тарбиявий тадбирларни ташкил этишига оид методик тавсиялар баён қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: дарсдан ташқари тарбиявий фаолият, бошлангич синф ўқувчилиги, педагогик талаблар, воситалар, усуллар, технологиялар, педагогик маҳорат, вазиятни баҳолаши, тадбир иштироқчилиси.

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПОДГОТОВКИ  
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ К  
ОСУЩЕСТВЛЕНИЮ ВНЕКЛАССНОЙ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

Бахронова Адиба Исмаиловна,

кафедра методики начального образования, Бухарский  
государственный университет

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются педагогические возможности подготовки будущих учителей начальных классов к внеурочной воспитательной деятельности, требования, средства, методы и подходы к воспитательной деятельности. В статье также содержатся методические рекомендации по организации воспитательной деятельности.

**Ключевые слова и фразы:** внеурочная образовательная деятельность, младший школьник, педагогические требования, средства, методы, технологии, педагогическое мастерство, ситуационная оценка, участник мероприятия.

**PEDAGOGICAL OPPORTUNITIES OF PREPARING FUTURE  
PRIMARY CLASS TEACHERS TO IMPLEMENT EDUCATIONAL  
ACTIVITIES OUTSIDE THE CLASSROOM**

Bakhronova Adiba Ismailovna,

Department of Primary Education, Methodology Bukhara State  
University

**Annotation.** This article discusses the pedagogical possibilities of preparing future primary school teachers for extracurricular educational activities, the requirements, tools, methods and approaches to educational activities. The article also contains methodological recommendations for the

*organization of educational activities.*

*Key words and phrases:* extracurricular educational activities, primary school student, pedagogical requirements, tools, methods, technologies, pedagogical skills, situation assessment, participant of the event.

Бошланғич синф ўқувчиларининг таълим-тарбия тизимида, жумладан уларнинг ахлоқий тарбиясида педагогнинг роли бекиёсdir. Бола ҳаётининг катта қисми айнан педагогик фаолият жараёнида кечади, унинг характеристи, ҳаётий қарашлари, маънавий-ахлоқий қадриятлари, яъни унинг шахсининг фундаментал сифатлари шаклланади. Айнан шунинг учун педагог шахси – “улғайишнинг идеал образи” хисобланиб, унга кўра унинг яхлитлиги, уйғунлиги ва биринчи навбатда маънавий-ахлоқий қадриятлари ва установкалари боланинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида[1] “узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш” таълим тизимининг устивор йўналишлари сифатида белгилаб қўйилган.

Дарсдан ташқари тарбиявий фаолиятни амалга оширишда тарбиявий тадбирларнинг тутган ўрни бекиёс. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари тарбиявий тадбирларни ташкил этишда қуйидаги методик тавсияларга амал қилиши мақсадга мувофиқ. Яъни:

1. Тарбиявий тадбирнинг вазифаларини аниқлаштириш унинг самарадорлигини оширишнинг зарур шартидир. Мазкур вазифалар маҳорат билан талқин этилган ва тарбияланувчиларга етказиладиган бўлиши керак. Тарбиявий тадбир ташкилотчилари ўқувчиларга ўз нуқтаи назарларини мажбуран ўтказмасликлари керак: тарбияланувчиларни зарур қарорлари қабул қилишга, гўё ўз қарорлари сифатида қабул килинадигандек ишонтириш зарур.

2. Ҳар қандай тарбиявий тадбир фаол ва мажмуавий йўналиш асосида лойиҳалаштирилади. Биринчи йўналиш ўқувчиларнинг жонли, ижодий, қизиқувчан фаолиятини талаб этади ва зарурат туғилганда, тиришқоқликни, фаол ҳаракат қилишни талаб этувчи вазиятларни танлашга йўналтиради. Иккинчиси эса, мураббий-тарбиясидан ҳар бир вазифани ҳар томонлама самарали амалга оширишни талаб этади.

3. Тарбиявий тадбирлар жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган барча вазифалар кутиладиган натижалар билан мос бўлиши лозим. Тарбиявий тадбир вазифаларини ойдинлаштирилган тарбиявий мақсад асосида белгилаб олинади

4. Тарбиявий ишлар мазмунини унинг вазифалари ва амалга ошириш шароитлари билан боғлиқ ҳолда белгилаб олиш ниҳоятда мухимdir. Материал танланадиганда, у тарбияланувчиларнинг тарбиясига ижобий таъсир этиш томонларига эътиборни қаратиш лозим. Тарбиявий ишларда



турли хатоларга йўл қўймаслик учун мураббий-тарбиячи талабаларнинг нуқтаи назарлари ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда уларни ривожлантириши, шунингдек, уларга таяниб иш олиб бориши керак.

5. Мақсадга мувофиқ шакл, метод ва воситалар тарбиявий ишларнинг ҳар бир босқичи учун алоҳида лойиҳаланади. Бунда технологик компонентларнинг имкон қадар фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик тамойилларини таъминлашга хизмат қилиши назарда тутилиши лозим.

6. Тарбиявий тадбирларни тайёрлашда ташкиллаштиришнинг юқори даражадаги аниқлигига эришишга ҳаракат қилиш лозим. Ҳар қандай тарбиявий тадбир тарбияланувчилар учун “ташкилотчилик мактаби”га айланиши керак. Тайёргарлик ташаббускорлик, талабчанлик, киришимлилик, мажбуриятларни тақсимлаш маҳорати, вазиятларни тезда баҳолаш каби фазилатларни тарбиялади.

7. Тарбиявий тадбирлар нусха кўчиришни ёқтирмайди. Ўзгарувчанлик ва ҳаракат доирасининг кенглиги тарбиявий тадбирларнинг фарқловчи белгиларидир. Гурухларнинг, айрим ўқувчиларнинг бир-бирига жисплигидан кенг фойдаланишга интилиш яхши натижа беради. Тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш чоғида, бир гурухда мувафақият келтирган тажриба иккинчисида айнан шундай натижани бермаслиги мумкинлигини эсда тутиш керак.

8. Тарбиявий тадбирлар турли-туман бўлиши керак. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ёрқин ишларни узоқ эслаб юрадилар, шу боис бундай тадбирларни такрорлаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки у аҳамиятини йўқотиши мумкин. Тарбиявий тадбирларни ҳар доим янгисини топиш қийин, аммо уларни амалга ошириш технологиясини қайта ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

9. Тарбиявий тадбирлар эмоционаллик, юқори жўшқинлик асосида лойиҳалаштирилиши лозим. Маълумки, ҳаяжонга тушган киши ниҳоятда таъсирчан бўлади. Ҳар бир тарбиявий тадбирда ўқувчиларнинг ҳаётига яқин, ҳамоҳанг бўлган жиҳатларни топиш ва унда ижобий хислатларни ривожлантириш, барқарор ҳаётий эътиқодни қарор топтириш, олам манзарасини ва ҳақиқатни англашга ёрдам берадиган қилиб етказиш керак.

Мақсад, мазмун, шакл категориялари тарбия жараёнининг моҳияти (у нимага қаратилган, нимани тўлдиради, нимага йўналтирилган, қандай шаклда тугалланади)ни очиб беради. Бироқ, тарбия моҳиятини ёритишида қандай қилиб тарбиялаш саволи билан алокадор яна бир муҳим категория ҳам мавжуд. Бу тарбия методи тушунчасидир.

Тарбия методи (юононча “методос” – йўл) тарбия мақсадига эришишнинг йўли. Таълим муассасаси амалиётига татбиқ этилганда, методлар – бу тарбияланувчиларнинг онги, иродаси, туйғулари ва хулқига таъсир этиш усулларидир[2].

Тарбиянинг мутлақо янги методларини яратишга ҳамма мураббий-тарбиячининг кучи етмайди. Методларни такомиллаштириш муаммоси доимо мавжуд, ҳар бир мураббий-тарбиячи ўзининг имкониятига кўра уни ҳал қиласди, тарбия жараёнининг аниқ шарт-шароитларига мос равишда ўзининг хусусий қарашларини ифода этиш асосида умумий методикани бойитади. Тарбия методларини бундай хусусий

такомиллаштириш тарбия усуллари деб аталади.

Тарбия усуллари – умумий методнинг бир қисми, алоҳида ҳаракати, янада аниқлашуви. Образли айтганда, усуллар – бу қўйилган мақсадга тезроқ эришиш учун тарбиячи ўзининг тарбияланувчилари билан йўл очадиган ўрганилмаган сўқмоқ. Агар уни бошқа тарбиячилар ҳам фойдалана бошласа, у ҳолда аста-секин усуллар кенг устунли йўллар – методларга айланиши мумкин. Тарбия метод ва усулларини билиш, уларни тўғри қўллай олишни эгаллаш – бу педагогик маҳорат даражасини белгиловчи муҳим тавсифлардан бири. Тарбия метод ва усулларининг алоқадорлиги ана шунда[3].

Амалиётда тарбия воситалари тушунчаси ҳам ажратилади. Усуллар деганда таъсир кўрсатишлар бирлиги, восита деганда, усуллар йиғиндиси тушунилади. Восита – бу усул ҳам эмас, метод ҳам эмас. Масалан, меҳнат – тарбия воситаси, бироқ уни кўрсатиб бериш, меҳнатни баҳолаш, ишдаги хатони кўрсатиш – бу усуллар. Сўз (кенг маънода) – тарбия воситаси, бироқ реплика, таққослаш – усуллар. Бу билан боғлиқликда баъзан тарбия методлари қўйилган мақсадни мувафақиятли амалга ошириш учун фойдаланиладиган усул ва воситалар тизими сифатида аниқланади. Худди шунингдек методнинг тузилишида усуллар ва восита албатта мавжуд бўлади.

Тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш босқичининг яна бир муҳим таркибий қисми – баҳолаш ва рефлексиядир. Педагогик баҳолашнинг ҳозирда икки тури қўлланилади: очиқ педагогик баҳолаш ва ёпиқ тарздаги педагогик баҳолаш. Шахснинг субъектив мустақиллигини интенсив ривожлантиргани боис, тобора самарали ҳисобланган ёпиқ тарздаги педагогик баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Замонавий тарбия амалиётида қўйидаги тарзда ифодаланиши мумкин бўлган ёпиқ тарздаги педагогик баҳолаш тобора катта аҳамият касб этиб бормоқда:

“Мен – хабар”, ҳаётий ҳодиса билан боғлиқ ўз ҳолати ва кечинмаларини овоз чиқариб маълум қилиш (масалан: “Ёши катталар ёки мансабдорлар менинг ёнимда кичикларга қўпол гапирса, мен доим ўзимни ноқулай ҳис қиласман”;

“Сен – хабар”, талаба бирор иш содир қилган вазиятда унинг тахмин қилинган ҳолатини овоз чиқариб айтиш (масалан: “Сен жуда хафа бўлганинг ва ўзингни назорат қила олмаганинг учун шундай қилган, энди афсусланаётган бўлсанг керак” ёки “Бажармадингми, демак бажаришинг керак!”);

баҳолаш ваколатини ўқувчи зиммасига юклаш (масалан: «Сен нима дейсан? Ўз хатти-харакатингни қандай баҳолайсан?»); кечиктирилган баҳо (“Ҳаммасини кейинроқ муҳокама қиласмиз”) ва бошқалар[4].

Рефлексия – фаолият натижаларини шахснинг ўзи томонидан баҳоланиши: “Менга берилган вазифани яхши бажардимми?”, “Тадбирда иштирок этишда жараёнида нималарни ҳис қилдим?”, “Ўзимни қай тарзда намоён этдим?”, “Тадбирдан қониқиши ҳосил қилдимми?”.[5]

Тарбиявий ишларни режалаштириш босқичи мақсадни қўзлаш босқичидан кейин бошланади ва ундан фақат назарий жиҳатдан фарқланади, аммо амалий жиҳатдан бу ажралмас жараёндир. Бу босқичда тарбиячилар олдида: тарбияланувчилар билан бирга



фаолият йўналишининг барча қисмларини аниқлаш, иштирокчилар орасида мажбуриятларни тақсимлаш, уларни қандай қилиб бажариш лозимлигини кўрсатиш каби муҳим вазифалар ҳам туради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини дарсдан ташқари тарбиявий фаолиятни амалга оширишга тайёрлашда қуидагиларга эътибор қаратиш зарур:

1. Тарбиявий тадбирларни ташкил этишда ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига таяниш, уларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини имкон даражасида кенгроқ қамраш лозим. Чунки, тарбиявий тадбирнинг фавқулодда мураккаблиги тадбир мақсадининг ўқувчилар томонидан англаб етилмаслигига, тадбирнинг нега ва нима учун ташкил этилганлиги ҳақидаги ноаниқ тасаввур эса, тарбиявий тадбирни қуруқ расмиятчиликка айлантиради. Кейинги тадбирга қизиктириш енгил кечмайди.

2. Тарбиявий тадбир – жамоатчилик иши. Тарбиячи ўқувчиларнинг тадбир ишланмасини тузишнинг ниҳоятда масъулиятли иш эканлиги, ўқувчи амалга ошираётган ҳар бир босқичнинг бошқа босқичлар билан албатта боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этиши ҳис этишига имконият яратиши лозим.

3. Мураббий-тарбиячи режалаштиришнинг тармоқли методикаси, кўргазмали, осон ўқиладиган ва тушунарли чизма режалар тузиш методикалари билан таниш бўлиши лозим. Ўқувчилар билан уларни ўрганиш ҳамда тарбиявий тадбирни режалаштиришда тармоқли чизмани қўллаши мақсадга мувофиқ.

Олий таълим муассасаларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишнинг асосий қоидалари:

бажарилиши лозим бўлган ишларнинг мақсадини аниқ белгилаш, ҳаракатни бошидан охиригача яхлит тасаввур қилиш (нимага эришиш керак?);

тарбиявий тадбир иштирокчилари учун аниқ вазифаларни белгилаш (қандай ҳаракатлар воситасида эришиш мумкин?);

кутилаётган иш учун барча зарурий нарсаларни тайёрлаш (нималар ёрдамида эришиш мумкин?); натижаларни аниқлаш учун муайян мезонларни белгилаш (эришилган миқдор қанча?);

жавобгарлик, вазифани бажаришга масъул ва ҳисобот вақтини тақсимлаш (мақсадга эришилганликни нима билан рафбатлантириш мумкин?);

ташкилий тизимни уюштириш воситаси сифатида ижрочиларга йўл-йўриқ кўрсатиш (қандай қилиб эришиш мумкин?)[6].

Синфдан ташқари таълим-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишида қуидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади:

- бошланғич синф ўқувчилари билан ўтказиладиган синфдан ташқари тадбирларга раҳбарлик қилишда ўқитувчи ёш даврлари психологиясини билиши ва индивидуал хусусиятларга эътибор қаратиши;

- ўқитувчи синфдан ташқари тадбирлар орқали ўқувчиларда ахлоқий тарбияланганлик кўникмаларини ривожлантириш йўллари, усулларини тўғри танлаши;

- ўқитувчи синфдан ташқари тадбирлар жараёнида ўқувчиларни

изчилтарздаахлоқийтарбияланганликкүникмалариниривожлантиришга ўргатиши.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқувчилари билан амалга ошириладиган ҳар қандай таълим-тарбиявий тадбирлар уларнинг дарсда олган билимларини тўлдириши лозим. Шу жиҳатдан қараганда, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашга тайёрлашда дарсдан ташқари иш шаклларидан тўғри фойдалана олиш ҳам муҳим педагогик аҳамиятга эга. Мазкур таълим-тарбиявий тадбирларнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради, қизиқишларини оширади, истеъдодларининг намоён бўлишига имконият яратиб беради.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>
2. Педагогика: энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. 424 бет.
3. Мавлонова Р.А, Раҳмонқурова Н.Ҳ. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. - Т.: 2005.- 99 б.
4. Махмутова Г.И. Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий педагогик хусусиятлари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т.: 2004. – 172 б.
5. Халиков А.А. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар педагогик маҳоратини ривожлантириш. // Монография. Iqtisod Moliya.– Тошкент. – 2015. 435 б.
6. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006. – 232 б.



## КАСБИЙ-МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИК ТИЗИМИ БЎЛАЖАҚ ИНФОРМАТИКА ЎҚИТУВЧИ-ТАДҚИҚОТЧИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.027>

*Нуруллоев Фируз Нўмонжонович,  
Бухоро давлат университети, Ахборот технологиялари  
кафедраси ўқитувчиси*

*Уишиб мақолада бўлажасак информатика ўқитувчиларининг таълим муаммоларини ҳал қилишига ижодий ёндашадиган, тадқиқотчилик ва изланувчанлик қобилиятига эга педагогик кадрларни тайёрлаш олий таълим мининг долзарб вазифаларидан иборат эканлиги ёритилган.*

*Калим сўзлар: илмий-тадқиқот, илмий ижод, касбий тайёргарлик, педагогик қобилият, касбий компетенция.*

## СИСТЕМА ПРОФЕССИОНАЛЬНО-МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ, ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ-ИССЛЕДОВАТЕЛЯ ИНФОРМАТИКИ

*Нуруллоев Фируз Нўмонжонович,  
Бухарский государственный университет, Преподаватель  
кафедры информационных технологий*

*В данной статье поясняется, что подготовка педагогических кадров с творческим подходом к решению учебных задач и способностями к исследованию и дознанию является одной из актуальных задач высшей школы будущих учителей информатики.*

*Ключевые слова: научные исследования, научное творчество, профессиональная подготовка, педагогические способности, профессиональная компетентность.*

## VOCATIONAL-METHODICAL TRAINING SYSTEM, SPECIFIC FEATURES OF FUTURE INFORMATICS TEACHER- RESEARCHER TRAINING

*Nurulloev Firuz No'Monjonovich,  
Bukhara State University, Teacher of the Department of  
Information Technologies*

*In this article, it is explained that the preparation of pedagogical personnel with creative approach to solving educational problems and the ability of research and inquiry is one of the urgent tasks of higher education of future informatics teachers.*

*Key words: scientific research, scientific creativity, professional training, pedagogical ability, professional competence.*

**Кириш.** Дунёда олий таълим муассасаларида ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтириш, таълим йўналишлари бўйича юкори малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг ҳар бир фаолият турига мустақил илмий-ижодий ёндашиши, олинган янгиликларни амалда тадбиқ эта

билиш компетенцияларини ривожлантириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, компетентли кадр сифатида илмий-методик фаолиятга тайёрлаш долзарб аҳамият касб этади. Таълим даврида талабаларни илмий ишларга жалб этиш, мустақил тадқиқотчилик фаолияти, тажриба натижаларини амалиётга тадбиқ этишга йўналтириш мустақил, салоҳиятли, ижодий тадқиқотчилик компетенциясига эга илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш учун мустаҳкам пойдевор хисобланади[1].

Республикамизда илмий ижод эркинлиги, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғуланиш, тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб - қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Илм-фан ва тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш, “истикболда илм-фани мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юкори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш”[1] ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларида ёшларни илмий-тадқиқот ишларини тизимли равишда таҳлил этишга йўналтириш, ёш олимлар ва талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини юритиши учун тегишли шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сон қарори, 2019-йил 30-августдаги «Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташабbusларини қўллаб- қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 4433-сон қарори, 2019-йил 29-октябрдаги “Илм-фан ва тадқиқотчилик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сон, Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 23-сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ- 637-сон қонунлари, 2020-йил 29-октябрдаги “Илм-фани 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда талабаларни тадқиқотчилик фаолияти билан шуғилланиш учун етарлича хуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилган.

Фан, техника ва технологиялар жадал ривожланаётган ҳозирги шароитда мутахассислар, хусусан, педагогик кадрларнинг касбий тайёргарлигига талаблар ортмоқда.

Шу боис, таълим муаммоларини ҳал қилишга ижодий ёндашадиган, тадқиқотчилик ва изланувчанлик қобилиятига эга педагогик кадрларни тайёрлаш олий таълим мининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Зоро, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кадрлар салоҳияти, соҳа мутахассисларининг касбий тайёргарлиги, ташабbusкорлиги, билими, қобилияти ва ижодкорлигига боғлиқ. Шундай экан, бўлажак информатика ўқитувчиларининг юксак касбий маҳорат, илмий-тадқиқотчилик кўнікмаларини шакллантириш зарур. Олий



таълим муассасаларининг бўлажак информатика ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўнікмаларини шакллантириш методикасини ишлаб чиқишида маълум дидактик талабларга таянилади.

Бўлажак бўлажак информатика ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини шакллантирища фойдаланиладиган тадқиқотчилик тамоили ўқув жараёнини шундай ташкил этишни назарда тутадики, бунда талабалар ўзлари ўрганаётган фанларда қўлланиладиган асосий тадқиқот методлари билан танишадилар, улар учун осон бўлган тадқиқотчилик методларини ўзлаштирадилар ва янги билимларни мустақил эгаллаш кўнікмаларига эга бўладилар.

Бўлажак бўлажак информатика ўқитувчиларининг тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашда шундай шарт-шароит яратиладики, бунда улар ўзларининг мустақиллиги, фаоллиги ва ижодкорлигини намоён этиш имконига эга бўладилар. Талабаларни касбий ва тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашнинг барча бочқичларида уларнинг бажаришлари учун осон ва ўқув фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган изланиш-тадқиқот ишлари танланади.

Иzlaniш-тадқиқотчилик ишини ташкил этиш тузилмаси уч босқичдан иборат[2]:

1. Бошлангич босқич.
2. Илмий-назарий ва экспериментал босқич.
3. Ишлаб чиқариш ёки ўқув амалиёти жараёнида izlaniш-тадқиқотчилик ишларини бажариш босқичи.

Энди ушбу босқичларнинг ҳар бирига қисқача тавсиф бериб ўтамиз.  
1.Бошлангич босқич. Ушбу босқичда қуйидаги ишлар амалга оширилади: ахборот ресурс марказида библиография, каталоглар ва бошқалар билан ишлаш; дарслик, ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлаш; зарур адабиётларни излаш ва топиш; ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш; электрон ўқув-методик мажмуалар, жадваллар, график ва матн муҳаррирлари билан ишлаш; тадқиқотнинг предмет ва обьектини аниқлай билиш; тадқиқотнинг мазмун ва мақсадини билиш ва тушуниш; масалани оқилона қўя билиш; ўқув фанларини ўрганишда izlaniш-тадқиқотчилик характеристидаги назарий тадқиқотларни ўтказиш; амалий масалаларни ечиш, назарий тадқиқотларни боғлаш; бажарилган тадқиқотлар бўйича асосланган ва далилий маълумотлар ҳамда хуносалар келтириш; тадқиқот натижаларини танқидий таҳлил қилиш ва асослаш.

Иzlaniш-тадқиқотчилик йўналишининг ушбу босқичи ҳамма учун умумий ва зарурийдир. Шу боис таълим жараёнида ушбу босқичга секин-аста деярли барча талабаларни жалб этиш лозим.

2.Илмий-назарий ва экспериментал босқич қуйидагиларни анлатади: тадқиқотчилик лабораториясида экспериментал ишларни ташкил этиш, илмий тўгаракларда иштирок этиш, илмий раҳбар билан тадқиқот йўналишини фаол ҳамкорликда муҳокама қилиш, илмий мунозараларда иштирок этиш, турли даражадаги илмий-амалий конференцияларда маърузалар ва хабарлар билан чиқиш, кўрик-танловларда илмий

ишларни тақдим этиш, кўргазмаларда экспонатларни тақдим этиш.

Иzlaniш-тадқиқотчилик ишининг иккинчи босқичи асосан дарсдан ташқари вақтда амалга оширилади ва биринчи босқичдан қўп жиҳатдан фарқ қиласди. Моҳиятига кўра, биринчи босқич анча мураккаб бўлган иккинчи босқични самарали давом эттириш учун тайёрланиш ҳисобланади, холос. Иккинчи босқичда бўлажак бўлажак информатика ўқитувчиларида тадқиқотчилик характеристидаги қўйидаги қўникма ва малакаларни шакллантириш мухим аҳамият касб этади:

- ўқув ва ва илмий адабиётлар билан ишлаш;
- амалий дастурлар пакетлари билан ишлаш;
- ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш;
- компььютер тармоғида «Интернет» билан ишлаш;
- экспериментни ўтказиш методикаси бўйича дастлабки маълумотлар йиғиш;
- эксперимент ўтказиш ва натижаларни қайта ишлаш;
- эксперимент маълумотларини математик ва статистик қайта ишлаш бўйича дастлабки маълумотларни билиш;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш;
- эксперимент натижалари бўйича мулоҳаза ва хуносалар қилиш;
- тадқиқот натижаларини расмийлаштириш;
- илмий конференциялари, илмий тўгараклар йиғилишларида маърузалар ва умумлаштиришлар билан чиқишлиар қилиш.

3.Ишлаб чиқариш ёки ўқув амалиёти жараённида izlaniш-тадқиқотчилик ишларини бажариш. Ушбу босқичда izlaniш-тадқиқотчилик иши ишлаб чиқариш шароитида амалга оширилади ва анча мураккаб, қўп босқичли жараённи ўз ичига қамраб олади. Бунда тадқиқот натижалари бевосита ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши мумкин. Ишлаб чиқариш шароитида тадқиқотнинг аҳамияти ва натижавийлиги жуда ҳам мухимдир. Бу таълим, тадқиқот ва ишлаб чиқариш жараёнларининг яқинлашишига имкон беради. Шуни ҳам алоҳида эслатиб ўтиш жоизки, битирувчи талабларнинг бундай иштироки дастурдаги бошқа юкламалар туфайли ҳозирги шароитда анча чекланган.

Замонавийлаштириш концепциясига мувофиқ, талабаларнинг касбий тайёргарлиги мазмунини ишлаб чиқиши ва жорий этишга қўйидаги тамойиллар асос ҳисобланади: умумийлик, интегративлик, олам манзарасининг яхлитлиги, фундаменталлик, вариативлик, ҳамкорликда ўқитиши ва қўп босқичлилик.

Дастлаб битирувчи талабаларда тадқиқотчилик қўникмаларини шакллантиришнинг мажмуавий дастури ишлаб чиқилади. Кейин ана шу дастурасосида ўқитиши методикаси яратилади. Бунда ўқув фанининг барча материалларидан фойдаланилади ва маълум дидактик тамойилларга амал қилинган ҳолда улар муайян тартибда тизимлаштирилади.

Касб таълими йўналиши талабаларида тадқиқотчилик қўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш ишларини бир қанча йўналишда ташкил этиш мумкин:



- ўқув фанлари бўйича маъruzalар ўқиши;
- лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни ташкил этиши;
- технологик амалиёт;
- битирув малакавий ишларини тайёрлаш;
- педагогик амалиёт;
- мустақил ишларни бажариш;
- аудиториядан ташқари машғулотлар (рефератлар ва курс ишларини бажариш, тўгарак ишлари, лойиҳалар).

Талабалар билан ўтказилган сұхбатлардан маълум бўлдики, улар тадқиқотчилик жараёни, тадқиқотларни ўтказиш технологиялари ҳакида билим эгаллашни исташади ва кўникмаларнинг кундалик хаётда ҳам, касбий фаолиятда ҳам фойдали эканлигига ишонишади.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланганлиги даражасини аниқлаш мақсадида биз уларга қийинлик даражаси икки хил бўлган топшириқларни ечишни таклиф этдик. Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, барча талабалар биринчи даражадаги қийин тадқиқот топшириқларини еча олдилар. Тажриба-синовда иштирок этганларнинг ярми иккинчи даражадаги қийин масалаларни ҳам еча олдилар. Натижаларни таҳлил этиш талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларининг маълум даражада шаклланганлигини кўрсатди.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда қуидаги мезонларга таянилади: баён этишнинг соддалиги; ўқув материалларини тушунишнинг осонлиги ва қисқа муддатда ўзлаштириш имконияти; тадқиқотчилик ишларини фаоллаштириш ва кучайтиришнинг самарадорлиги. Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг самарадорлиги, албатта, олинган билимларни амалий қўллаш билан узвий боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, бўлажак информатика ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ тадқиқот муаммоларини ўқув жараёнига киритиш амалий жиҳатдан мухимdir. Ўқитишнинг ҳаётий муаммолар билан боғлиқлиги ва олинган натижаларни ишлаб чиқаришда қўллай олиши талабаларда бажариладиган ишга масъулиятни ва жиддий муносабатни шакллантиради.[5]

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мазмунига бўлган талабларни бажариш учун маълум шартларга амал қилинади.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мазмуни қуидаги талабларга жавоб бериси керак.

Бўлажак информатика ўқитувчиларида бўлган биринчи талаб-унда педагогик қобилиятнинг мавжудлигидир. Чунки педагогик фаолиятнинг муваффакияти кўп ҳолларда педагог қобилиятига боғлиқ.

Педагогик қобилият шахснинг индивидуал- психологияк хусусияти бўлиб, бир ёки бир нечта йўналишда педагогик фаолиятни самарали

амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, умумий ва маҳсус қобилияtlар мавжуд бўлиб, улар педагогик фаолият жараёнида шаклланади, ривожланади. Педагогик қобилият, энг аввало, эгалланган билим, кўникма ва малакаларга боғлиқ бўлади. Аммо умумий ва маҳсус қобилияtlар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда шаклланиши мумкин.

Педагогик фаолият асосини ақлий меҳнат, ўқитиш, илмий ва методик ишлар ташкил қиласди. Педагоглар педагогик ғояларни яхши тушуниш, ўз фикрларини баён этиш, юзага келадиган муаммони мустақил ҳал қилиш, амалий ишларни тез ва тўғри бажариш, тасаввурлар, предметлар, объектлар, ҳодиса ва жараёнларни фарқлаш қобилияtlарига эга бўладилар. Уларнинг натижаси ўлароқ педагогларда интеллектуал қобилият шаклланади.

И.П.Подласий ўқитувчининг қобилияtlарини бир неча гурухга ажратади[5]:

- ташкилотчилик қобилияти(таълим олувчиларни уюштириш, вазифаларни тақсимлаш, иш билан банд қилиш, ишни режалаштириш, хулосалаш);
- дидактик қобилият (ўқув материали, кўргазмали жиҳозларни тўғри танлаш ва тайёрлаш, ўқув материалини содда қилиб тушунтириш, ўрганиш фаоллигини ошириш);
- психологияк қобилият (таълим олувчиларнинг маънавий дунёсига кира олиш, психологик хусусиятларини билиш);
- коммуникатив қобилият (ўқитувчининг ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, касбдошлари билан мулоқот ўrnата билиши);
- шахсий қобилият (таълим олувчиларга эмоционал таъсир ўтказиш);
- тадқиқотчилик қобилияти (илмий-амалий ишларни бажариш).

Албатта, ҳар бир педагог юқорида санаб ўтилган барча қобилиятга эга бўлиши керак. Булардан ташқари, тадқиқотчилик билан шуғулланадиган бўлажак информтика ўқитувчиларида, энг аввало, қўйидаги кўникмаларни эгаллаши лозим:

- тадқиқот вазифаларини қўя билиш ва турли методикалар ёрдамида ўқувчиларни тўғри ечимни топишга йўналтириш;
- ўқитадиган фани бўйича лаборатория-амалиёт машғулотларида тадқиқот ишларини ташкил этиш;
- дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига қизиктириш (тўгараклар, лабораториялар ва бошқа машғулотлар);
- ўқувчиларга нафақат дарсда, балки дарсдан ташқари вақтларда ҳам дуч келинадиган мураккаб вазиятлардан чиқа олиш йўлларини ўргатиш;
- ўқувчиларни тадқиқотчилик қобилияти ва кўникмаларини бошқа вазиятларда ҳам қўллашга ўргатиш.

Бўлажак информтика ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда таълим муассасасининг моддий-техник базаси катта аҳамиятга эга.



Тадқиқотчилик ишини ташкил этиш ва ўтказишда зарур моддий-техник ва педагогик шарт-шароитларни яратиш, тадқиқот характеридаги ўқув фаолияти учун мавжуд жиҳоз ва техника воситаларидан самарали фойдаланиш, шунингдек талаба ва ўқитувчининг иш жойини оқилона жиҳозлаш керак. Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини самарали ташкил этиш учун қуидаги шарт-шароитлар ва моддий-техник база мавжуд бўлиши лозим.

Улар қаторига энг биринчи навбатда қуидагиларни киритиш мумкин: кўргазмали воситалар, ўқитишининг техник воситалари, электрон таълим ресурслари.[3]

### 1.Кўргазмали воситалар:

- реал воситалар (моделлар, коллекциялар, жиҳозлар, аппаратлар ва бошқа техник қурилмалар);
- босма воситалар (расмлар, плакатлар, графиклар, жадваллар);
- проекцион материаллар (видеофильм, слайдлар).

Кўргазмали воситалар қуидагиларга имкон беради: предметнинг замонавий ташкик ўриниши ватарихий ривожланиши билан танишириш; ҳодиса ёки жараёнлар хусусиятларини таққослаш, улардаги ўзгаришлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини лойихалаш, маҳсулотни тайёрлаш ва ишлатиш босқичларини кўрсатиши; предметнинг тузилиши ва ишлаш тамойиллари билан танишириш, хавфиззлик техникаси ҳақида тасаввурларни шакллантириш.

2.Ўқитишининг техник воситалари: кино-проекторлар, диапроекторлар, эпипроекторлар, фильмоскоплар, микроскоплар ва ҳоказо. Ўқув-кўргазмали воситалардан фойдаланиш, кинофильмлар, видеофильмлар, мульти-медиалар, слайдлар тақдимоти назарий маълумотларни тушунтириш вақтини сезиларли қисқартиради, турли муаммоли вазиятларни яратиш ва талабалар олдига тадқиқот вазифаларини кўйиш имконини беради. Бунда кичик-кичик масалалар ечилади. Улар талабаларни далилларни таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштиришга ўргатиши лозим. Ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиш туфайли талабаларда кузатиш кўнимкаси шаклланади. Улар тадқиқот ишларини ўтказиш жараёнида муҳим роль ўйнайди.

3.Электрон таълим ресурслари. Улар қаторига электрон дарслик ва ўқув кўлланмалар, мультимедиалар, виртуал стенклар, электрон лугатлар, маълумотномалар, электрон кўргазмалар киради.

Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этишда баъзи қийинчиликларга дуч келишлари табиий ҳолдир. Булар: ўқув хоналари ва лабораторияларда техникаларнинг етишмовчилиги ёки эскирганлиги; машғулотлар учун илмий-техник ва педагогик адабиётларнинг камлиги; талабаларда тадқиқотчилик кўнимкаларини шакллантиришга оид илмий- назарий ва методик таъминотнинг етарлича яратилмаганлиг[4].

Шуни эътиборга олиш зарурки, талабаларда тадқиқотчилик кўнимкаларини шакллантириш учун ҳеч қандай қўшимча маблағ ажратилмайди. Ҳолбуки, талабаларда тадқиқотчилик кўнимкаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун мотивация зарур.

Талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш учун куйидагиларни тавсия этамиз:

- айни мавзу бўйича доимий равишда тажриба алмашиш, сухбатлар, мунозаралар ўтказиш;
- таълим муассасаларининг ишлаб чиқариш билан алоқасини фаоллаштириш;
- айни муаммони ёритишга оммавий ахборот воситаларининг имкониятидан фойдаланиш;
- иқтидорли ёшлар ва мураббийларни қўллаб-куватлаш дастурини ишлаб чиқиш;
- талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш бўйича доимий равишда кўргазмалар ташкил этиш;
- талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ишлари ва фаолиятини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;
- талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқув фильмлари ва мультимедиалар яратиш ва бошқалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни чукур ўрганиш ва бу борадаги ишларни изчил йўлга қўйиш талабаларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришни фаоллаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2020 йилдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-6097 Фармони.
2. Атақурова М.Н. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш: Пед. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. автореферати. – Самарқанд. 2021. – 46 б.
3. Асқаров И.Б. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўник- маларини шакллантириш босқичлари. // «Касб-хунар таълими» илмий методик жур- нали. Т., 2016, 1-сон. –30-35-б.
4. Турматов Ж.Р. Уқувчилар тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этишга бўлажак касб таълими ўқитувчиси тайёргарлигини шакллантириш жараёнини моделлаштириш. // «Педагогик маҳорат» назарий ва илмий-методик журнали. Бухоро: БухДУ, 2012, 2-сон. -19-23-б.
5. Подласый И.П. Педагогика. Новый курс: Учебник для студ. пед. вузов: В 2 кн. — М: Гуманит. изд. центр «ВЛА- ДОС», 1999. Кн. 1: Общие основы процесса обучения.-С. 576.
6. Nurulloyev F.N. Zamonaviy o'qitish usullari: an'anaviy va zamonaviy ta'liming afzalliklari// Pedagogik mahorat. -Buxoro, 2021,- №5.-51-56.
7. Nurulloyev F.N. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari vositalaridan ta'lim jarayonida foydalanish// Pedagogik mahorat. -Buxoro, 2020(maxsus son).-267-270.
8. Numonjonovich, N. F.(2021). Opportunities to Take Education Management to a new level in Secondary Schools.147–150.Retrieved from <http://papers.online-conferences.com/index.php/titfl/article/view/306>



## ИЧКИ ОМОНИМИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН КОНГРУЭНТЛИК

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.028>

Зокирова Соҳиба Мухторалиевна,  
Фарғона давлатуниверситети докторантни, (PhD)

**Аннотация.** Мақолада ички омономия билан боғлиқ бўлган конгруэнтлик масалалари борасида фикр-мулоҳазалар ёритилган. Тилишуносликда тиллараро омонимларни лингвистик ва лексикографик ўрганиш хусусиятларни ҳамма замонларда ҳам долзарб вазифалардан саналган. Чунки бир тил доирасидаги ҳамда турли тиллар доирасидаги омонимларни ажратиб олиш, уларнинг ҳажмини аниқлаш мушкул вазифа. Мақолада айнан шу масалаларнинг ечимига алоҳида ургу берилади.

**Калит сўзлар:** конгруэнтлик, ички омономия, тилишунослик, лингвистик, лексикографик, фонетик ва график.

## КОНГРУЭНТНОСТЬ, СВЯЗАННАЯ С ВНУТРЕННЕЙ ОМОНИМИЕЙ

Зокирова Соҳиба Мухторалиевна,  
Докторант Ферганского государственного университета, (PhD)

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы конгруэнтности, связанные с внутренней омономией. В языкоznании лингвистическое и лексикографическое изучение межъязыковых омонимов всегда было одной из актуальных задач. Потому что различить омонимы внутри одного языка и внутри разных языков, а также определить их размер — сложная задача. Решение этих вопросов акцентируется в статье.

**Ключевые слова:** конгруэнтность, внутренняя омономия, языкоznание, лингвистический, лексикографический, фонетико-графический.

## CONGRUENCE RELATED TO INTERNAL HOMONYMY

Zakirova Sahiba Mukhtoralieva,  
Doctoral student of Fergana State University, (PhD)

**Abstract.** The article discusses the issues of congruence related to internal homonymy. In linguistics, the linguistic and lexicographical study of interlingual homonyms has always been one of the urgent tasks. Because it is a difficult task to distinguish homonyms within one language and within different languages, and to determine their size. The solution of these issues is emphasized in the article.

**Key words:** congruence, internal homonymy, linguistics, linguistic, lexicographic, phonetic and graphic.

**Кириш.** Тилшуносликда тиллараро омонимларни лингвистик ва лексикографик ўрганиш хусусиятларни ҳамма замонларда ҳам долзарб вазифалардан саналган. Чунки бир тил доирасидаги ҳамда турли тиллар доирасидаги омонимларни ажратиб олиш, уларнинг ҳажмини аниқлаш

мушкул вазифа.

Конгруэнт сўзларни таҳлил қилишда тадқиқотчилар кўпинча умумий семантик хусусиятларга эга бўлмаган бир хил ёзиладиган ва айтиладиган ички омонимларнинг белгиларини санаб келтирадилар.

Икки ёки ундан ортиқ тиллар лексемаларини шаклий томон таққослашда қуйидаги жиҳатлар назарда тутилади: 1) фонематик таркиби; 2) ёзилиши; 3) морфемик таркиби; 4) аксентологик табиати. Бир тил доирасида лексик омонимлар, омофонлар, омографлар асосида омонимик табиатдаги тиллараро мувофиқликларни ажратиш мумкин, лекин бу ёндашув конгруэнт сўзларни ўрганиш учун тўлиқ асос бўла олмайди. Бунинг сабаби шундаки, яқин қариндош тилларни таҳлил қилишда ҳар бирининг хусусиятларини ҳисобга олиш жуда муҳимdir, чунки чоғиширилаётган тилларнинг барча сатхларидағи ифода воситалари (графема, фонема, морфемалар таркиби) бир хил эмас. Ички лексик омонимларга мос келадиган «тўлақонли» тиллараро омонимлар – фақат бир хил ёзувга эга бўлган тилларни солиширгандан аниқ-равшан намоён бўлади. Шу билан бирга, омонимиянинг иккита шаклий белгиси (фонетик ва график мувофиқликни ифодалувчилари) мавжуд бўлса ҳам, талаффузга хос айрим нозикликлар икки тил омонимик лексемаларининг фақат шаклий мувофиқлиги ҳақида гапиришга изн беради. Шунинг учун ички омонимлар билан ҳар қандай ўхшашикларни муайян тўлдириш ва тузатишлар билан қабул қилиш мумкин.

Турли ёзув тизимларига эга бўлган тилларнинг сўзларини таққослаганда уларнинг ифода жиҳатидаги мувофиқлиги шартлидек туюлади, масалан, рус тилида рок – ‘тақдир’ ва поляқ тилида рок – ‘йил’ маъносини англатиши тарихан бир ўзакка, яъни ўзгариш, силжиш, бошдан кечириш маъноларига мужассамлашиши мумкин. Аммо конгруэнтлик ўз тадқиқотларини синхрон планда олиб боради. Шунга кўра улар конгруэнт яъни шаклий ўхшаш бирликлар саналади. Ёки чех тилида след1 – ‘юриш, кетма-кетлик’, след2 (ҳарбий) – ‘эшелон’ ва белорус тилида след – ‘из’ маъноларини билдиришида ҳам ички боғланиш сезилади, аммо бугунги кун маъно ва мазмун планида улар бутунлай бошқа-бошқа маъноларни ифодалаши жиҳатидан таҳлил қилинади. Бундан ташқари, ички омонимиядан фарқли равища, барча шаклларда тиллараро омонимларнинг мувофиқлиги фақат бир ёзувга эга тилларнинг ўзгармас сўз туркumlари, масалан, равишларни қиёслаганда учрайди: рус тилида направо – ‘ўнгга, ўнг қўл томон’ ва болгар тилида направо – ‘тўғрига’.

Тадқиқот методологияси. Бу тафовутлар (фонетик, график, морфологик) ифода жиҳатидан конгруэнт сўзларни аниқлаш учун шаклий мувофиқликлар тамойилига асосланган шаклий мезонни киритиши талаб қиласи. Акс ҳолда, шаклий жиҳатдан бир-бирига мувофиқ бўлган ва бир-бири билан аниқланадиган, лекин имло ҳамда талаффузда тўлиқ мос келмайдиган сўзларнинг аксарияти, ўрганиш тадқиқотидан ташқарида қолган бўларди. Масалан, болгар тилида минъор – ‘кончи’ ва рус тилида минёр – 1) ‘миначи, миналарни кўювчи ёки зарарсизлантирувчи’, 2) ‘кеманинг мина қуролларига карувчи’ маънол’рини билдиради. Улар ўртасида ер тагига кўмилганлик, топишга асосланганлик, яширилганлик семалари умумийликка асос

бўлган бўлиши мумкин. Ёки поляк тилида *wróг* – ‘душман’, словак ва чех тилида враҳ – ‘қотил’ бўлиб, уларда ниятнинг ёвузлиги, маҳв этиш, ўлдириш скмалари активлиги роль ўйнаган бўлиши мумкин. Аммо конгуриэнтилникда бу алоқадордлик эътиборга олинмайди, аксинча, улар синхрон тарзда бир-биридан айро маънони англатувчи шакллар ҳисобланади.

Баъзи шакллар эса бир тилда иккинчи тилдагидан фарқли маъно ифодалагани ҳолда учинчи бир тилда ҳар икки маънода омонимик тарзда қўлланилади. Масалан, рус тилида неделя – ‘ҳафта’ ва украин тилида неділя – ‘якшанба’ маъносини англатиб, македон тилида эса ҳар иккала маънода недела1 – ‘ҳафта’, недела2 – ‘якшанба’ қўлланилади. Бу ҳолат, айниқса, кундалик ишлатиладиган сўзлар орасида кўп учрайди. Масалан, поляк тилида дўния – ‘ошқовоқ’, рус тилида дыня – ‘қовун’; болгар тилида диня – ‘тарвуз’ маъноларида қўлланиб, словак тилида эса ҳам ‘қовун’, ҳам ‘тарвуз’, ҳам ‘ошқовоқ’ (сўзлашувда) маъноларини билдиради.

Юқоридаги сўзлар график, фонетик ва морфологик нуқтаи назардан бир-бирига мутлақо мос келмайди, лекин мувофиқликлар тамойилига кўра, уларни конгруэнт сўзлар деб ҳисоблаш мумкин, чунки уларнинг фарклари табиий ва тизимлидир. Бундай ёндашув сабабли биз бошқа тиллардаги она тили сўзларини танишимиз, ҳатто турли ёзувга эга бўлган тилларни чоғиштирганда ҳам умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлашимиз мумкин. Барча томондан мувофиқлик омили ихтиёrsиз қўлланилади ва буни таржимадаги шундай хатоликлар исботлайдики, улар туфайли бундай сўзлар «таржимоннинг сохта дўстлари» деб номланади.

Агар биз конгруэнт сўзларни ва омонимик табиатдаги бошқа тиллараро мувофиқликларни танлашда график ва фонетик ифодалашда икки жиҳатнинг аҳамиятлилигини таққосласак, бунда, сўзларнинг фонетик шаклига кўпроқ эътибор бериш талаб қилинади. Турли ёзув тизимидағи бир нечта тиллар таққосланганда, график тизимнинг шартлилиги равшанлашади, сўзнинг фонетик кўриниши эса бирламчи – асосий сифатида идрок қилинади ва мос равища, юзага чиқади. Товуш томонининг устуворлиги бу тиллардаги омонимларга хос яна бир хусусиятдир.

Ифода жиҳатидан бир-бирига мувофиқ бўлган тилларнинг лексик бирликлар, ҳам алоҳида сўзлар даражасида (лексемалар), ҳам алоҳида лексик-семантик варианtlар (семемалар) даражасида қиёсланиши мумкин. Амалга оширилган таҳлил асосида шуни таъкидлаш керакки, бир этимон асосга бориб тақаладиган тиллараро омонимларнинг ўзига хос хусусияти асл генетик ва семантик алоқа элементлари (излари)нинг сақлаб қолинишидан далолатdir.

Яқин қариндош тилларда мазмун жиҳатида омонимик табиатдаги тиллараро мувофиқликлар категориясининг ўзига хослиги, яқин қариндош тиллар ифода жиҳатдан аксарият ўхшаш лексемалар битта этимонга бориб тақалиб, омонимик қарама-қаршилик даражасигача

узоқлашса ҳам, кўпинча перифирик ёки маданий характерга эга бўлган қадимий семаларини сақлаб қолади.

Юқоридагиларни умумлаштириб, конгруэнт сўзлар типологиясини ташки тузилиши нуқтаи назаридан ички омонимияга ўхшашлик тамойили асосида тасвирлаб бўлмас экан, чунки конгруэнт сўзлар ва ички омонимлар баъзи бир муносабатлар бўйича ҳам ифода жиҳатидан, ҳам маъно жиҳатидан жиддий тафовутларга эга. Масалан, ички омонимлар таҳлили ифода жиҳатидан уларнинг фонетик ёки график мувофиқлигини тақозо этади. Конгруэнт сўзлар учун “шаклий ўхшашлик” тушунчаси “шаклий мувофиқлик” тушунчаси билан алмаштирилади. Шакларнинг мувофиқлиги муайян тиллар ўртасидаги тизимли муносабатларни ҳисобга олиш асосида аниқланади ва баъзи бир график ва фонетик тафовутларни назарда тутади.

Семантик жиҳатдан конгруэнт сўзлар ва ички омонимларни киёслаш масаласида шуни айтиш мумкинки, алоҳида олинган тил тизими семантикасида омонимлар боғланмаган ва асосланмаган маъноларга эга, конгруэнт сўзлар эса қандайдир ички алоқага эга бўлиши мумкин.

Тиллар тараққиёти давомида ўзбек ва форс тиллари яқин алоқада бўлиб келган. Айниқса, тил тараққиётининг кейинги даврларида форс тилидан ўзбек тилига кўплаб сўзлар ўзлашиб, ўзбек тилининг лугат мулкига айланиб улгурди. Маълумки, ўзбек тили лексикасидаги ўзлашма қатламнинг катта қисмини форс-тожик ўзлашмалари ташкил этади[5].


Баъзан бир тилнинг муайян лексемаси ёки омонимик лексемалар тўпламига бошқа тилнинг омонимик лексемалар тўплами тўғри келади, бундай ҳолда тадқиқот ва таснифлаш предмети сифатида алоҳида конгруэнт сўзлар эмас, балки уларнинг тўпламлари бўлиши ҳам мумкин. Семантик-шаклий таҳлилни ўтказишни соддалаштириш учун бир тилнинг бир нечта омонимларидан ташкил топган таркибий бирлигини омонема деб аташ жоиз бўлади. Шундай қилиб, омонема – бу маълум бир тилга оид бўлган барча омонимларининг тўлиқ тўпламидир. «Омонема» атамаси, биринчи навбатда, «омонимик жуфтлик» тушунчасининг ўрнига «омонимик тўплам» тушунчасини ишлатишга имкон беради. Омонимик жуфтликни минимал даражадаги кўпайтма сифатида эмас, балки омонимияга хос бўлган маълум хусусият сифатида тушуниш, бизнингча, у қадар тўғри эмас[1].

Бу ерда кўп сонли конгруэнт сўзлар ҳақида гапириш мумкин, чунки бир тилнинг ҳар бир лексемаси бошқа тил лексемасига шу даражада зидланадики, натижада тилдаги омонимик тўпламда нечта тил ичи омоним мавжуд бўлса, шунчага кўпайтирилади. Шундай қилиб, шаклий мезонга бир вақтнинг ўзида бир тил тизимида а – карра омонемани ташкил этувчи бир нечта лексемалар ва бошқа тил тизимида в – карра омонемани ташкил этадиган бир нечта лексемалар жавоб берса, а × в – карра сонли конгруэнт сўзлар жуфтлиги пайдо бўлади. Қуйидаги омонимик тўпламларни мисол қилиб келтириш мумкин:

- ўзбек тилида арз1 – ‘дард-ҳасрат, шикоят тарзидаги (асосан оғзаки)

гап, мурожаат’, арз2 – ‘ер шари ёки унинг бир қисми’ (ЎТИЛ-1.1.95) – 2 карра ички омонимия.

- тожик тилида арз1 – ‘ер, турпок’; ‘арзу само – еру осмон’; ‘курраи арз – ер қурраси’, арз2 – 1) ‘баён, изҳор’. 2) ‘аҳволини баён қилиб бериш’, 3) ‘хоҳиш, талаб’; арз3 – 1) ‘кенглик; узунлик’. 2) ‘экватордан шимол ва жанубга меридиан чизиқлари бўйича даражалаларда ифодаланадиган масофа’, арз4 – ‘валюта’ (ФТЗТ-2.1.77). кабилар 4 карра ички омонимияга мисол бўла олади[5].




Келтирилган чизмадан биз 8 карралик конгруэнт сўзлар жуфтлигини кузатишимиз мумкин. Улар орасида маъновий муносабатни бир қанча турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

- словак тилида magazine1 – ‘журнал’; magazín2 – ‘универмаг’; magazín3 – ‘тор мавзудаги радио ёки телевизион дастур’; магазín4 – (эскирган) ‘омбор’ – 4 карра ички омонимия.
- рус тилида магазин1 – ‘магазин’; магазин2 – (эскирган) ‘омбор’; магазин3 – ‘кути’ – 3 карра ички омонимия.
- поляк тилида magazyn1 – ‘омбор’, magazyn2 – ‘расмли журнал’ – 2 карра ички омонимия.

Демак, бир шакл бир неча тилларда ва бир тил доирасида ҳами омонимлик хусусиятига эга бўлиши мумкин. Биз тадқиқотимизда ички омонимлик ҳақида эмас, ташқи омонимлик – тури тиллар орасидаги омонимлик ҳақида ва унинг таржима жараёнлари учун эътиборлилик даражаси ҳақида баҳс юритмоқчимиз.

Конгруэнт омонемалар ўртасидаги муносабатларни қуидаги чизма орқали кўрсатиш мумкин[4].



Чизмадан кўриниб турибдики, конгруэнт сўзларнинг барча аъзолари шаклий ўхшашлик асосида семантик муносабатларга киришади, келтирилган мисолда бу маъновий жихатдаги фарқларидан қатъий назар, словак ва рус тилларида омонимлар қиёслангандан. Кўриниб турибдики, словак ва рус тиллари орасида биз 12 карралик конгруэнт сўзлар жуфтлигини кузатишимиш мумкин. Бироқ, улар орасида конгруэнт сўзларнинг турли кўринишларини фарқлашимиз зарур. Масалан: гетеросемантик конгруэнтлар таркиби словақ тилида *magazine*<sup>1</sup> – журнал ва рус тилида *магазин*<sup>1</sup> – магазин, параземантик конгруэнтларнинг таркиби словақ тилида *magazín*<sup>2</sup> – универмаг ва рус тилида *магазин*<sup>1</sup> – магазин, шунингдек, омоzemантик конгруэнтларнинг таркиби словақ тилида *magazín*<sup>4</sup> – омбор ва рус тилида *магазин*<sup>2</sup> – омбор сўзлари киради[3].

Шундай килиб, конгруэнтлик доирасига янги аниқлаштирувчи тушунчаларни киритиш мумкин ва тилда омонимларнинг тўлиқ шаклий, айнан ўхшашлиги натижасида пайдо бўлган конгруэнт сўзлар жуфтликларини тўлиқ тўпламини конгруэнт омонемалар деб аташ маъқулроқ ва бу бир тил доирасидаги омонемаларнинг ҳар бирига киравчи лексемалар сонининг кўпайтмасига тенг.

Агар омонемалар тўпламини жуфтларга бўлиш мумкин бўлмаса, тўлиқсиз конгруэнт сўзлар тўлиқсиз деб юритилади. Ўзбек тилида газ<sup>1</sup> – эскирган сўз бўлиб, ‘метрик система қабул қилингунга қадар ишлатилган. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да бу сўзга шундай таъриф берилган: 1) 0,71 метрга тенг узунлик ўлчови бирлиги; аршин’, 2) ‘шу узунликдаги ўлчов асбоби’, газ<sup>2</sup> – 1) ‘зарралари ўзаро кучсиз боғланган, бўшлиқни бир текис тўлдириб турадиган енгил модда’, 2) ‘ёкиш, ёритиш, иситиш ёки двигателларни ҳаракатга келтириш учун ишлатиладиган газсимон модда – олов’, газ<sup>3</sup> – ‘юпқа ипак газлама; харир’, газ<sup>4</sup> – айн. ‘юлғун’. Мазкур лексема тожик тилида газ<sup>1</sup> – 1) ‘метрик тизимга ўтишдан олдин Марказий Осиё мамлакатларида ишлатилган узунлик бирлиги масофа учун 106,68 см, мато учун эса 61 см’, 2) ‘газнинг узунлиги бўлган навигация учун ёғоч ёки металласбоб’, газ<sup>2</sup> – ботаникада ‘ўсимлик тури’, газ<sup>3</sup> – кимёда 1) ‘маълум ҳажмга ёки шаклга эга бўлмаган ва буг каби космосда тарқаладиган материянинг ҳаводор ҳолати’, 2) ‘ёкиш, ёритиш, иситиш учун ишлатиладиган газсимон модда’, 3) ‘душман аскарларини йўқ қилиш учун урушларда ишлатиладиган заҳарли ҳар хил моддалар’, газ<sup>4</sup> – ‘юпқа шаффоф ипак газлама; харир’ маънолари билан ўзаро конгруэнтлик ҳосил қиласи. Рус тилида эса газ<sup>1</sup> – 1) ‘зарралари (атом ва молекулалар) эркин ҳаракатланадиган ва мавжуд маконда ёйилиш ва уни тўлдириш қобилиятига эга бўлган модданинг жисмоний ҳолати’; ‘бундай ҳолатда бўлган модда’, 2) ‘иситиш, ёритиш, ҳаракатлантирувчи куч ва бошқалар учун ишлатиладиган газсимон модда’, газ<sup>2</sup> – 1) ‘юпқа ипак мато’, 2) (сўзлашувдан) ‘шу матодан қилинган буюм, кийим’ ва болгар тилида газ<sup>1</sup> – ‘газ, модданинг ҳолати ва модданинг ўзи’, газ<sup>2</sup> – ‘керосин’, газ<sup>3</sup> – ‘газ’ (мато).

Тахлил ва натижалар. Унинг конгруэнтлик муносабатларини тўрт

тил доирасида бешта семантик қаторда қўйидагича тасвирлаш мумкин.

Тиллар Маъноси	ўзбек тилида	тожик тилида	рус тилида	болгар тилида
Ўлчов бирлиги	газ <sup>1</sup>	газ <sup>1</sup>	-	-
Модданинг агрегат ҳолати	газ <sup>2</sup>	газ <sup>3</sup>	газ <sup>1</sup>	газ <sup>1</sup>
Мато	газ <sup>3</sup>	газ <sup>4</sup>	газ <sup>2</sup>	газ <sup>3</sup>
Ўсимлик	газ <sup>4</sup>	газ <sup>2</sup>	-	-
Керосин	-	-	-	газ <sup>2</sup>

Нотўлиқ омонемалар катта интерферентлик имконияти – валентликка эга (бу ерда «валентлик» атамаси «янги маъноларни тортиш қобилияти» маъносида ишлатилади). Тахмин қилиш мумкинки, бир тилнинг ички омонемаси таркибидаги баъзи омонимлар бевосита ёки билвосита тил алоқаси шароитида бошқа тилнинг ички омонемасининг таъсири натижасида пайдо бўлади. Шунинг учун уларни келгусида ўрганиш қиёсий лексикология учун, хусусан, лексик ўзлашмалар назарияси учун алоҳида аҳамиятга эга[4].

Хулоса. Омонемалар нафақат лексик ўзлашмалар олинишига ёрдам беради, балки кўп ҳолларда ўзлари ҳам ўзлашмаларнинг натижасидир, чунки тил шаклга нисбатан кўпроқ консерватив бўлиб, кўпинча, таниш шаклни янги маънога мослаштиради.

Шу билан бирга, омонимия билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган конгруэнт сўзларни аниқ фарқлаш лозим. Биринчидан, бу уларнинг интерференцияни ўрганишдаги аҳамияти билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, бу «тиллараро омонимия» атамасининг турлича қўлланилиши билан ҳам боғлиқ. Чунки баъзи тадқиқотчилар уни турли тилларнинг шакл жиҳатидан бир хил, маъно жиҳатидан фарқли бўлган лексик бирликлари номи сифатида қўллашса[1,384], бошқа тадқиқотчилар ички омонимларнинг ўзаро тиллараро боғланишлари, яъни тиллараро омонимлар сифатида фойдаланишади[3, 13-21].

Адабиётлар.

1. Акуленко В.В. Комиссарчик С.Ю., Погорелова Р.В., Юхт В.Л. Англо-русский и русско-английский словарь „ложных друзей переводчика“ – М., 1969. – 384 с.,

2. Дубичинский В.В. Русско-английские лексические параллели – Харьков, 1993. – 44 с., Воян К. Введение в анализ межъязыковых лексических омонимов на примере польского, русского и финского языков. // Человек. Язык. Культура. Межвузовский сборник статей. – Курск, 2002, вып. 2.

3. Воян К. Концепция внутренней межъязыковой омонимии (на

матеріале русского, польского и финского языков). Актуальні проблеми менталінгвістики. Частина I, Збірник статей за матеріалами III-ї міжнародної наукової конференції. – Черкаси, 2003. – С. 161-166.

4. Готлиб К.Г.М. К вопросу о так называемых междуязычных омонимах. Германские языки. – Новосибирск, 1967. – С. 242-251., Готлиб К.Г.М. Немецко-русский и русско-немецкий словарь «ложных друзей переводчика». – Москва: Современная энциклопедия, 1972.

5. Кочерган М.П. Словарь русско-украинских межъязыковых омонимов (Содержание и принципы построения) // Филиологические науки. – М., 1990, №3. – С. 103-109, Кочерган М.П. Словник російско-українських міжмовних омонімів. Словарь русско-украинских межъязыковых омонимов. – Киев, 1997. ва б.

6. Одилов Ё. Сохта ўхшашлик ёки таржимоннинг ёлғончи дўстлари // Тил ва адабиёт таълими. 2014, № 8. – Б. 38-41.



## TIL TA'LIMIDA QO'LLANUVCHI DIDAKTIK O'YINLARNING MOHIYATI

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.029>

*Karshiyeva Tursunoy Shodiyorovna,  
Samarqand davlat chet tillar instituti tayanch doktoranti (PhD)  
doktoranti*

*Annotatsiya: Ushbu maqola chet tili darslarida qo'llanuvchi didaktik o'yinlarning ahamiyati to'g'risida bo'lib, unda o'yin metodining mohiyati, ta'rifi, turlari va xorijiy til leksikasini o'rgatishdagi ijobiy tomonlari bayon qilinadi.*

*Kalit so'zlar: o'yin metodi, samaradorlik, didaktik, interfaol, tezkorlik, motivatsiya*

## THE ESSENCE OF DIDACTIC GAMES USED IN LANGUAGE TEACHING

*Karshiyeva Tursunoy Shodiyorovna,  
doctoral student of basic doctoral studies (PhD), Samarkand State  
Institute of Foreign Languages*

*Abstract: This article is about the importance of didactic games used in foreign language classes, it describes the content, definition, types and positive aspects of the game method in teaching foreign language vocabulary*

*Key words: game method, efficiency, didactic, interactive, promptness, motivation*

## СУТЬ ДИДАКТИЧЕСКИХ ИГР, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В ОБУЧЕНИИ ЯЗЫКАМ

*Каршиева Турсуной Шодийровна,  
Самаркандинский государственный институт иностранных языков  
докторант базовой докторантурры (PhD)*

*Аннотация: В этой статье речь идёт о значении дидактических игр, используемых на занятиях по иностранному языку, в ней рассказывается о содержании, определении, видах и положительных сторонах игрового метода в обучении лексике иностранного языка.*

*Ключевые слова: игровой метод, эффективность, дидактика, интерактив, оперативность, мотивация.*

Kirish. Hozirda ta'limgohda amalga oshirilayotgan barcha islohotlarning mazmun-mohiyati bir narsaga ya'ni, ta'limgohning sifatini oshirish, dars jarayonida kam kuch sarflab, ko'proq samaradorlikka erishishga qaratilgan.

Ta'limgoh jarayoni o'quvchi shaxsiga yo'naltirilishi, o'quvchi-talabaga oliy qadriyat sifatida qarash bugungi jamiyatning dolzarb masalasi bo'lib, talabalarni universal o'quv-biluv ko'nikmalarini shakllantirish bosh maqsadga aylanmoqda. Bunda talaba-o'quvchining ehtiyoji, moyilligi, qiziqishi, faolligini oshiruvchi o'yinli texnologiyalardan vosita sifatida keng foydalanish juda muhimdir.

O'quvchining tabiatiga mos tushuvchi o'yinlar o'quv-tarbiyaviy jarayonni harakatga keltiruvchi kuchga aylanishi mumkin.

O'yin nima?

O'yin ta'limgoh jarayonini tashkil etish hamda olib borishda va biror narsani

bilib olishda yordam beruvchi pedagogik vositadir. Ta’lim mazmunini o’quvchilarga o’yin orqali yetkazish bu tushuntirishning eng qulay usulidir. Pedagoglarimiz orasida shunday gap yuradi: eshitgan narsam esimdan chiqishi mumkin, ko’rgan narsam esimga tushishi mumkin, ammo jarayonda shaxsan ishtirok etsam, u umr bo’yi esimda qoladi. Shu sababli, o’yin vositasida ta’lim jarayonini tashkil etish voqe-a-hodisa, mazmunni tushunish, o’rganish, o’zlashtirishni kafolatlaydi [1].

O’yin- u yoki bu buyumdan qanday foydalanish to’g’risidagi masalani hal qilishda moslashuvchanlikni ko’zda tutuvchi ichki maqsadli faoliyat. O’quvchida o’yin jarayonidan qoniqish paydo bo’lishi kerak, uning natijasi esa unchalik muhim emas. O’yinda bolaning jismoniy, aqliy, hissiy sifatlari ijobjiy jarayonga qo’shiladi va undan ijtimoiy o’zaro aloqalar talab qilinishi mumkin. O’quvchi uchun o’yin bu o’z tuyg’ularini ifodalash, munosabatlarni o’rganish va o’z-o’zini ko’rsatish vositasidir.

O’yin faoliyat turi sifatida fan va madaniyat sohalarida sohaga oid harakatlarni amalga oshirishning ijtimoiy biriktirilgan usullarida mahkamlangan ijtimoiy tajribani qaytadan yaratishga yo’naltirilgan vaziyatlar sharoitlaridagi uning shakli hisoblanadi. Ijtimoiy amaliyotning tarixiy jihatdan vujudga kelgan alohida turi sifatida o’yinda inson hayoti va faoliyatining me’yorlari aks ettiriladi, ularga amal qilishni ong va sohaga oid ijtimoiy voqelikni o’zlashtirish, shaxsning aqliy, hissiy-ma’naviy rivojlanishi ta’minlab beradi [3].

Bolalarda ifodalash dinamikasi va muloqot vositalari kattalardagiga qaraganda boshqacha, biroq tuyg’ular (qo’rqish, qoniqish, jahl, baxt, ikkilanish, qanoatlanish) kattalardagi tuyg’ularga o’xshash bo’ladi. Agar o’yinga shu tomondan nazar solinsa, bolalar uchun o’yinchoqlarning so’zlar, o’yinning esa nutq ekanligi oydinlashdi [4].

Adabiyotlar tahlili va metodologiyasi. O’yinni tizimli o’rganishga urinishni birinchi bo’lib, XIX asrning oxirida nemis olimi K.Gross amalga oshirdi. U o’yinda kelajakda yashash uchun kurash sharoitlariga nisbatan instinktlarning ogohlantirishi bo’lib o’tadi, deb hisoblagan (“Ogohlantirishlar nazariyasi”). K.Byuler o’yinni “funksional huzur” olish uchun bajariladigan faoliyat sifatida ta’riflaydi. Z.Freyd izdoshlari o’yinda chuqur instinktlar yoki intilishlar ifodasini ko’radilar. O’yinning barcha bunday talqinlarida biologizatorlik yondashuvi mavjud. O’yinga bo’lgan materialistik qarashni o’yinning mehnatdan kelib chiqqanligini ko’rsatgan G.V.Plexanov shakkantirdi. Fundamental psixologiyada o’yin nazariyasini ishlab chiqishda uning ijtimoiy tabiatiga asoslanildi. E.A.Arkin, L.S.Vigotskiy, A.N.Leontev, D.B.Elkoninlar o’yinni yo’naltiruvchi faoliyat bilan bog’laydilar. Bu boshqaruv xulq-atvor bilan qo’shiladigan va takomillashtiriladigan faoliyatdir [1].

O’yin metodi- ta’lim jarayonida o’qituvchi va o’quvchilar o’rtasidagi faollikni oshirish orqali ularning o’zaro harakati, ta’siri ostida bilimlarni o’zlashtirishni kafolatlash, shaxsiy sifatlarni rivojlantirishga xizmat qiladi. Ushbu usullarni qo’llash dars sifati va samaradorligini oshirishga yordam beradi. Uning asosiy mezonlari-norasmiy bahs-munozaralar o’tkazish, o’quv materialini erkin bayon etish, mustaqil o’qish, o’rganish, seminarlar tashkil etish, o’quvchilarni tashabbus ko’rsatishlariga imkoniyatlar yaratilishi, kichik guruh, katta guruh, sind jamoasi bo’lib ishlash uchun topshiriq, vazifalar berish, yozma ishlar bajarish va boshqalardan iborat.

O’yin metodi bu- o’zaro guruh faolligi, ya’ni bunda o’quv-biluv jarayoni o’zaro suhbat tariqasida, dialog shaklida (komputer aloqasi) yoki o’qituvchi-o’quvchilarning o’zaro muloqotlari asosida kichadi.

Interfaollik-o'zaro faollik, harakat, ta'sirchanlik o'quvchi-o'qituvchi, o'quvchi-o'quvchi (sub'yeqt-sub'yeqt) suhbatlari asosida sodir bo'ladi. Interfaol metodlarning bosh maqsadi- o'quv jarayoni uchun eng qulay muhit vaziyat yaratish orqali o'quvchining faol, erkin ijodiy fikr yuritish, uni ehtiyoj, qiziqishlari, ichki imkoniyatlarini ishga solishga muhit yaratadi. Bunday darslarda birorta ham o'quvchi chetda qolmay, eshitgan, o'qigan, ko'rgan, bilgan fikr-mulohazalarini ochiq-oydin bildirish imkoniyatiga ega bo'ladi. O'quvchilarga bilim olishga havas, qiziqish ortadi, o'zaro do'stona munosabatlar shakkantiriladi.

O'yinlar o'quvchilarda tahlil qilish, mantiqiy fikrlash, tadqiq qilish, hisoblash, o'lchash, yasash, sinash, kuzatish, solishtirish, xulosa chiqarish, mustaqil qaror qabul qilish, guruh yoki jamoa tarkibia ishlash, nutq o'stirish, til o'rgatish, yangi bilimlar hosil qilish faoliyatini rivojlantiradi.

Muhokama va natija. Umumiy o'yinlar nazariyasiga ko'ra, psixolog olimlar qayd etgan o'yinlarni ushbu jadvalda aks ettirishga harakat qildik (1-jadvalga qarang):

#### 1-jadval. Ta'lim jarayonida qo'llanuvchi o'yin turlari

Nº	O'yin turi	Ta'rifi
1	Funksional o'yinlar	Bu o'yinlar o'quvchilar organizmining har tomonlama rivojlanishida muhim rol o'ynaydi. Ular, asosan, kichik yoshdagi bolalar uchun xarakterli bo'lib, unda bolalar nima bilandir shug'ullanadilar, turli predmetlar bilan tanishadilar.
2	Didaktik o'yinlar	Ta'lim-tarbiya vazifalarini amalga oshirish imkoniyatini berishi bilan alohida o'ringa ega. Bunday o'yinlar barcha yoshdagi o'quvchilarning shaxs sifatida kamol topishida ta'limiy va tarbiyaviy ahamiyatga ega hisoblanadi. Bu esa pedagog va psixolog olimlar tomonidan bunday o'yinlarning ta'lim-tarbiyaviy ahamiyatini o'rganish va yanada oshirish bo'yicha tadqiqot olib borishiga asos bo'ldi.
3	Qoidalı o'yinlar	Xuddi xalq o'yinlari singari qiziqarli bo'lib, unda bolalar hayoti, o'z tengqurlari va kattalarning mehnat faoliyatini tasvirlashga harakat qiladilar. Bunday o'yinlarda bolalar tevarak-atrof va muhitdagi voqealardan xabar topib, idrok etish bilan kifoyalanadi. Bunda ko'rish, eshitish, his qilish kabi sezgi organlari idrok qiladi.
4	Konstrukturli o'yinlar	Bu o'yinning asosiy mazmuni qurilishi komplekslari, taxta, qum, qog'oz materiallarining parchalarini qirqish, taxlash singari mehnat ko'nikmalarini hosil qilish kabilardan iboratdir.
5	Ijodiy o'yinlar	Bunda bolalar o'zlari o'yinning mazmunini, maqsadini, qoidasini topadilar. Ijodiy o'yinlarning asosiy qismini syujetli rasmi o'yinlar tashkil qiladi. Ijodiy o'yinlardan yana biri dramatik o'yindir. O'yinning mohiyati hikoya va ertaklardagi voqealarning mazmunini tasvirlashdan iborat bo'lib, ularda badiiy adabiyotlardagi qahramonlar tasvirlanadi.
6	Sport o'yinlari	Ma'lum bir sport turi yoki jismoniy harakatlar bilan bog'liq o'yinlar bo'lib, kishini bolalik chog'idanoq o'ziga jalb qiladi va tanani chiniqtiradi.

Demak, barcha turdag'i o'yinlar kishilarning bolalik davridanoq hayotiga kirib keladi va ularning kattalar faoliyatiga qiziqishlariga, ularga taqlid qilishiga intilishlarining mehnati va oilaviy hayotini, uchuvchilar, kosmonaftlar, dengizchilar hamda boshqalarning qahramonliklarini aks ettiradi.

Didaktik o'yinlarning asosiy turlari intellektual (aqliy) va harakatli hamda aralash o'yinlardan iborat. Bu o'yinlar ishtirokchilarda aqlij-jismoniy, axloqiy, psixologik, estetik, badiiy tadbirkorlik, mehnat va boshqa ko'nikmalarни rivojlantirishga yordam beradi. Ta'lim-tarbiya jarayonida, asosan, o'quvchilarda ta'lim olish motivlarini ularning turli yo'nalishdagi qobiliyat va qiziqishlarini oshiradigan biror kasbga moyilliklarini ko'rsatadigan didaktik o'yinlardan foydalaniadi. Hozirda komputer vositasidagi didaktik o'yinlardan foydalaniadi va ular alohida o'ringa ega bo'lib bormoqda.

Didaktik o'yinlarning yana bir turi-aqliy hujum usulini birinchi marta 1939-yilda A.F. Osborn qo'llagan. Bu usulni g'oyalalar banki deb ham nomlagan. U muammolarni quyidagicha yechishga asoslanadi.

- muammoli vaziyat yaratish;
- g'oyalarni shakllantirish;
- eng yaxshi g'oyalarni tekshirish, baholash va tanlash;

Didaktik o'yinli mashg'ulotlar orasida konfrensiya mashg'ulotlari ham muhim o'rinn tutadi. Konfrensiya mashg'ulotlari talabalarning bilish faoliyatini faollashtirishda ilmiy dunyoqarashini kengaytirishda, qo'shimcha va mahalliy materiallar bilan tanishtirishda, ilmiy va ilmiy-ommabob adabiyotlar bilan mustaqil ishlash ko'nikma va malakalarni orttirish, mustaqil hayotga ongli tayyorlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Konferensiya mashg'ulotini o'tishdan oldin mashg'ulot mavzusini, maqsad va vazifalarini belgilab, shu mavzuga oid qo'shimcha ilmiy, ilmiy-ommabop adabiyotlar ko'zdan kechiriladi. Mashg'ulotni o'tishdan bir hafta oldin mashg'ulot mavzusi e'lon qilinib, unga tayyorgarlik ko'rish uchun adabiyotlar tavsiya etiladi.

Didaktik o'yinli metodlar o'quvchi faoliyatini jadallashtirishga asoslanadi. Ular o'quvchi shaxsidagi ijodiy imkoniyatlarni ro'yobga chiqarish va rivojlantirishning amaliy yechimlarini aniqlash va amalga oshirishda katta ahamiyatga ega. Bu metod o'quvchini ichki imkoniyatlarini ishga tushishiga, o'ylashga, erkin fikrlashga, muloqot va ijodkorlikka yetaklaydi. Ayniqsa, unda atrof-muhit, hayotni bilishga qiziqishi ortadi, uchragan qiyinchilik-to'siqlarni qanday yengish va tanqidiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantiradi.

Ta'lim-tarbiya jarayonida asosan o'quvchilarda ta'lim olish motivlarini, ulardagi turli yo'nalishlardagi qobiliyat qiziqishlarini oshiradigan, biror kasbga moyilliklarini ko'rsatadigan didaktik o'yinlardan foydalinish maqsadga muvofiqdir [2].

Xulosa va takliflar. Darslarni qanchalik qiziqarli, foydali va samarali tashkil etish o'qituvchilarning ijodkorligi, tashabbuskorligiga bog'liq, chunki o'qituvchi faqat o'qitibgina qolmay, o'quvchilarni mustaqil mutolaa qilish



orqali ta’lim olish ko’nikmalarini rivojlantirishi, ularni darslik, qo’llanma, internet xabarlari, manbalarni tahlil qilish orqali bilim olishga o’rgatishi, o’quvchi ta’lim jarayonida eshitib, ko’ribgina qolmay, balki dars mavzusi, mazmunini o’rganishda uni faol ishtirokchisiga aylanishini ta’minlashi zarur. Agar o’qituvchi interfaol ta’lim mazmunini va mohiyatini, uning metodlarini o’qib, o’rganib o’zlashtirib, o’z pedagogik faoliyatiga joriy qila olsa, takomillashgan Davlat ta’lim standartlarini va modernizatsiya qilingan o’quv dasturlarini to’la o’zlashtirishlarini kafolatlaydi hamda sifat va samaradorlikka erishishni ta’minlaydi.

Demak, har bir o’qituvchi o’z o’quvchisini dars jarayonida faollashtira olsa, ularning o’qish, o’zlastirish, bilim, ko’nikma malakalarini egallash darajasi yuqori ko’rsatkichlarni tashkil etadi [5].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Абдурахманов Ф.И., Рахимова И.И. Психологическая характеристика компьютерной игры, как вида игровой деятельности. Сборник материалов научно-практической конференции. УзГУМЯ. Ташкент, 2014. с 35.
2. Ahmadaliev A., Qosimov A., Innovatsion faoliyat va ilg’or pedagogik texnologiyalar. O’quv qo’llanma. -Toshkent, 2006. B. 52 5.
3. Aripova L., Ahmedova M., Ta’lim jarayonida o’yin usullarini qo’llashning pedagogik-psixologik mohiyati. Zamonaviy ta’lim. (Ta’lim texnologiyalari) 2015. 34-b.
3. Лэндрет Г.Л. Игровая терапия: искусство отношений: Пер.с. англ./ Предисл.А.Я.Варга.-М.:Международная педагогическая академия, 1998.-368 с.
4. Saidaliev S, Chet tili o’qitish metodikasidan ocherklar, Namangan 2005
- Yo’ldashev J.G., Po’latova D., Ta’limda o’yinli texnologiyalar samaradorlik omili sifatida. Zamonaviy ta’lim (Ta’lim texnologiyalari). 2014, 35-b.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЭКОЛОГИЯЛАШТИРИШ: ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ ВА ДИДАКТИК ТАЛАБЛАР

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.030>

Норбоев Абдурахмон Гайбуллаевич,  
Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий  
тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим тизимида география фани мазмунини экологиялаштириши тенденцияси тарихий таҳлил қилинган ҳамда таълим мазмунини экологиялаштиришига қўйиладиган дидактик талаблар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Умумий ўрта таълим, география, экологиялаштириши, таълим мазмунни, ўқувдастурлари, тарихий таҳлил, экологиялаштиришига қўйиладиган дидактик талаблар, ихтиёрийлик, амалийлик, психологик меъёр.

## ЭКОЛОГИЯ ГЕОГРАФИИ В СИСТЕМЕ ОБЩЕГО СРЕДНЕГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ И ДИДАКТИЧЕСКИЕ ТРЕБОВАНИЯ

Норбоев Абдурахмон Гайбуллаевич,  
независимый научный сотрудник Научно-исследовательского  
института педагогических наук Узбекистана имени Кори Ниязи

**Аннотация:** в статье представлен исторический анализ тенденции к экологизации содержания географии в системе общего среднего образования Республики Узбекистан, а также разработаны дидактические требования к экологизации содержания образования.

**Ключевые слова:** общее среднее образование, география, экологизация, содержание образования, образовательные программы, исторический анализ, дидактические требования к экологизации, добровольность, практичесность, психологическая норма.

## ECOLOGY OF GEOGRAPHY IN THE SYSTEM OF GENERAL SECONDARY EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: HISTORICAL ANALYSIS AND DIDACTIC REQUIREMENTS

Norboev Abdurakhmon,  
is an independent researcher at the Kori Niyazi Research Institute of  
Pedagogical Sciences of Uzbekistan

**Abstract:** the article presents a historical analysis of the trend towards the greening of the content of geography in the system of general secondary education of the Republic of Uzbekistan, and also developed didactic requirements for the greening of the content of education.

**Keywords:** general secondary education, geography, ecologization,

*educational content, educational programs, historical analysis, didactic requirements for ecologization, voluntariness, practicality, psychological norm.*

Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим тизимида география фанини экологиялаштиришнинг тарихий тараққиётини ўрганиш мақсадида ўкув дастурлари ўрганиб чиқилди. 1950 йилда нашр эттирилган 5-9 синф ўқувчиларига мўлжалланган ўкув дастури[1]да география фанига жами 397 соат вақт ажратилган. Бироқ унда бирорта ҳам атроф-муҳит, табиат компонентларини асраб-авайлаш, эъзозлашга оид мустақил мавзу мавжуд эмас. Мавзулар ичидаги экологияга оид бор тушунчалар ҳам дарёларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, жарланиш ҳодисаси, янги ерларни очиш, ботқоқликларни қуритиш, ихота дараҳтзорлар барпо этиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг тарқалиши, айrim ҳудудларда уларни овлаш кабилардан иборатлиги аниқланди. Ўша давр нуқтаи назаридан қараладиган бўлса бу табиатни ўғартириш: янги ерларни ўзлаштириш, сунъий суғориш шахобчаларини ўтқазиш, ихота дараҳтзорларини ўтқазиш каби тадбирлар атрофидаги қилинган ишлар эди. Бундан кўриниб турибдики, ҳали экологик таълим-тарбияга оид тушунчалар мактаб география таълимига кириб келмаган.

Географияядан 5–9-синфларнинг 1959/1960 ўкув йилига мўлжалланган ўкув дастурларида [2] география ўкув фани учун умумий 296 соат вақт ажратилган. Таҳлил натижаларининг кўрсатишича ушбу ўкув дастурида ҳам экология, табиатни муҳофаза қилишга оид мустақил мавзулар мавжуд эмас.

Мазкур йилдаги ўкув дастурининг уқтириш хатида ўқувчилар географик муҳитдаги обьектлар ва географик ҳодисаларни ўрганиш вақтида алоҳида табиий географик ҳодисалар орасида, табиат билан жамият орасида мавжуд бўлган ўзаро боғланишларни тушуна бошлашликлари; мамлакат табиий географиясини ўргана туриб табиий муҳитдан хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун зарур бўлган бир қанча географик қонуниятларни билиб олишлари келтириб ўтилган. Синflар кесимида эса мамлакат табиий бойликларидан тўғри фойдаланишнинг аҳамияти; табиатдан режали фойдаланиш, кишилар хўжалик фаолияти таъсирида табиий шароитларнинг ўзгариши; мустамлакалар табиий бойликларининг талон-тарож қилиниши; ҳалқ хўжалигида дарёларнинг аҳамияти, табиатни, чўлни ўзлаштириш каби тушунчалар мавжуд. Яна шуни айтиш мумкинки, айнан ушбу даврдаги мактаб ўкув дастурларида табиатни муҳофаза қилишга оид куртак тушунчаларни учратиш мумкин. Бироқ ушбу гоялар айrim ўринларда “... техника – табиий бойликлардан кенгроқ ва тезроқ фойдаланиш имкониятини беради” каби қарама-қарши фикрларга ҳам эга. Шундай бўлсада ушбу даврни география таълим дастурларида экологик тушунчаларга эътибор берила бошланган, деб айтиш мумкин. Ушбу ҳолатни яна 1959 йилда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги

Қонуннинг қабул қилиниши билан изоҳлаш мумкин.

1968 йилдаги саккиз йиллик мактаб учун география ўкув дастурларида мазкур фан учун умумий 320 соат вақт ажратилган[3]. Мазкур даврга келиб ўқувчиларни табиат бойликларини эҳтиёт қилиб сақлашга ўргатиш ва табиат ресурсларидан тўғри фойдаланиш малакаларини ҳосил қилиш мақсадида ўқув дастурига табиатни қўриқлаш тўғрисидаги Қонун киритилди. Улкашунослик асосидаги амалий ишлар, экскурсияларга, таълимни ҳаёт, турмуш, амалиёт билан боғлашга катта аҳамият берила бошланди: “Географияни ўқиши билан бирга ўқувчилар ижтимоий фойдали меҳнатда, масалан, табиатни қўриқлашда, ... ва бошқа ишларда кучлари етганича ёрдам беришлари керак”, дея таъкидланди.

Географияни ўқитишида кузатиш машғулотлари муҳим ўрин тутиши кераклиги, унданабийи объектёхиодисаларни кузатиш билан биргаликда одамларнинг табиат бойликларидан тўғри фойдаланишларини ҳам кузатиш ўқувчиларнинг географик билим даражаларини оширишга қўп жиҳатдан ёрдам бериши таъкидланди.

Синфдан ташқари машғулотлар мазмунига ҳам табиатни ўзгартириш ва ўзлаштириш ишлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганиш киритилди.

Курслар кесимида оладиган бўлсак, географиянинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доирасидаги мазмуни анча кенгайди. Масалан, табиий география бошланғич курси (5-синф) мазмуни қудуқ ва булоқларни ифлосланишдан сақлаш; жарланишга қарши курашиб; ботқоқликларни қуритиш; дарёлардан хўжаликда фойдаланиш; ички сувларни муҳофаза қилиш каби тушунчалар билан бойиди.

Шунингдек бошқа курслар мазмуни ҳам экологик тушунчалар билан анча бойиди: табиатга антропоген таъсир ва уни қўриқлаш ишлари илк марта айрим регионлар бўйича таққосланди ва таҳлил қилинди; биринчи марта ер ости бойликларини қўриқлаш, қўриқхона, тупроқ эрозияси ва унга қарши кураш тушунчаларига хусусий жиҳатдан ёндошилди; мустамлакачилар томонидан мустамлака мамлакатлар табиий бойликларининг нес-нобуд қилиниши; ички сувлардан комплекс фойдаланиш; ўрмон бойликларини қайта тикиш; инсон хўжалик фаолияти натижасида табиатнинг ўзгартирилиши, табиат бойликларини қўриқлаш ва қўпайтириш; қимматли ов ҳайвонларини қўриқлаш ва қайтадан қўпайтириш, типик табиат манзараларини сақлаш каби тушунчалар киритилди.

Бироқ, Ўзбекистон географияси ўрганилаётганда Орол денгизи, унинг хўжаликдаги аҳамиятига алоҳида ургу берилган бўлсада, унинг экологик жиҳатларига умуман эътибор қаратилмади. Зоро, ўша даврларда ҳам Оролнинг салбий оқибатлари қўрина бошлаган, унинг бугунги ҳолати ва келажаги айрим олимлар томонидан башорат қилинаётган эди.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, ушбу даврга келиб экологик таълим



узлуксиз таълим тизимининг бир компоненти сифатида намоён бўла бошлади. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш алоҳида мавзулар сифатида кўтарилимаган бўлмаса ҳам, у географиянинг табиий имкониятларидан келиб чиқиб мавзулар таркибига сингдирила бошланди ва бу орқага қайтмас жараёнга айланди. Энди география таълимини табиатни муҳофаза қилиш тушунчаларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, яъни бугунги кунга келиб умумтаълим фанларининг ўкув дастурлари таркибидаги экологик тарбияга оид мавзуларни қайта кўриб чиқилди ҳамда умумтаълим мактаб ўкувчилари учун яратилаётган дарслик ва ўкув қўлланмалар мазмунига сингдирилди. Жумладан, Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари шарҳлари ва ўкув дастурларини оптималлаштириш жараёнида 5–9-синфларнинг “География” фани ўкув дастурларидаги 26 та мавзулар таркибига экологик таълимга оид билимлар киритилди. Айрим курсларда улар атрофлича ёритилган бўлса, айримларида “қилиш керак”, “бажариш керак” каби жумлалар билан чегараланган. Ушбу тушунчаларни тизимлаштириш, уларнинг амалий асосларини қучайтириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил

6 апрелдаги 187-сон қарори [4] билан тасдиқланган компетенциявий ёндашувга асосланган ДТСда эса география таълимининг фанга оид компетенцияларидан бири сифатида “табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият” алоҳида ажратиб кўрсатилди.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, Т.В.Кучер таъкидлаганидек

XX асрнинг 80-йиллари эмас, балки 60-йилларини расмий равишда географияни экологиялаштириш ёки экологик таълимнинг бошланиши деб қабул қилиш мумкин. Бироқ, Республика худудидаги экологик таълим-тарбиянинг миллий маънавий асослари жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Мактаб география курслари мазмунини экологиялаштириш тенденцияси ва унинг истиқболларини тадқиқ этиш таълимни экологиялаштиришга қўйиладиган куйидаги дидактик талабларни аниқлаш имконини берди:

1. Ихтиёрийлик. Экологик муаммоларнинг ортиб, кескинлашиб бориши оқибатида узлуксиз таълим мазмуни бундан кейин ҳам кучли экологиялаштиришга эҳтиёж сезади ва бу давр талабига айланади. Бироқ ушбу жараёнда экологиялаштириш тенденцияси барча ўкув фанлари учун мажбурий характерга эга бўлмаслиги, фаннинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланиши зарур.

2. Амалийлик. Экологиялаштириш тенденцияси таълим мазмунини амалийлаштиришни талаб қиласи. Бу таълим мазмунида амалий кўнікма, малака ва компетенцияларга асосий эътибор қаратилиши лозимлигини англатади. Яъни, таълим жараёнида экологик муаммоларнинг ривожланиб боришини кузатиш, шарҳлаш ва назорат қилишдан ўкувчилар билан амалий саъй-ҳаракатлар қилишга ўтиш лозим.

3. Психологик меъёр. Юқоридат аъкидлаб ўтганимиздек, ўқувчиларда нокулай экологик вазиятдан чиқиб кета олиш хиссини шакллантириш экологик таълим жараёнининг муҳим вазифаларидан биридир. Шунинг учун, таълимда табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлигининг салбий мисолларини тартибсиз бериб боришининг олдини олиш лозим.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, мактаб география таълимида экологиялаштириш тенденцияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, у таълим мақсадлари, мазмуни, воситалари, шунингдек, мактаб география курси тузилишини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш зарурлигини тақозо этади. Мазкур зарурият мактаб географиясининг экологик мазмунини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Яна шунни таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги ва келажақдаги география таълимида, умуман узлуксиз таълим жараённида табиатни муҳофаза қилишга қаратиладиган эътибор атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш (кузатиш)дан уни ифлослантиришнинг олдини олиш масаласига, амалий фаолиятга кўчиши лозим. Яъни, таълим муассасаларидаги экологик таълим-тарбия жараёни фақатгина ўқувчиларга бериладиган назарий билимлар билан чегараланмаслиги зарур. Экологик таълим жараённида назариядан амалиётга – глобал муаммоларни назарий жиҳатдан муҳокама қилишдан ўқувчилар билан амалий саъй-ҳаракатларни бажаришга ўтиш даври келди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўрта мактаб программалари: География. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат ўқув-педагогика нашриёти, 1950. – 80 б.
2. Ўрта мактаб программалари. 1959/1960 ўқув йили учун: География (VI–IX синфлар учун). – Тошкент: Ўзбекистон Давлат ўқув-педагогика нашриёти, 1959. – 68 б.
3. Мактаб программалари. Саккиз йиллик мактаб учун: География (5-8 синф). – Тошкент: Ўқитувчи, 1968. – 60 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори. – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017. 14-сон, 230-модда.



**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР КВАНТ ФИЗИКАСИНИ  
ҮҚИТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.031>

Маҳмудов Фурқат Жумабоевич,  
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Самарқанд филиали  
академик лицейи

*Аннотация:* Уибу мақолада квант физикаси бўлимини үқитишида АҚТдан самарали фойдаланиш усуллари ёритилган.Хусусан мақолада ўқувчилар назарий маълумотларни мазмун моҳиятига яхши тушиниши,эгалаган назарий билимларни амалётга қўллай олишлари учун физик қонуняtlарни абсолют қора жисимни нур ютиши қобилятини, иссиқлик нурланишини чизма, анимация кўринишда тушинтирилса тахлил қилинса ижобий натижса эришиши мумкинлиги аниqlанди.

*Калит сўzlари.* Иссиқлик нурланиши, абсолют қора жисим, нур чиқарии ва нур ютиши, Планк доимиси, квант,

**МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ КВАНТОВОЙ ФИЗИКИ В  
АКАДЕМИЧЕСКОМ ЛИЦЕЕ**

Маҳмудов Фурқат Джумабоевич,  
Академик лицея Самарканского филиала ТАТУ имени Мухаммада  
ал-Хоразми

*Аннотация:* в представленном материале использованы методы эффективного использования ИКТ при изучении раздела квантовой физики, в частности, прочитавшие статью могут довести до сути содержание теоретической информации, а полученные теоретические знания поддержать на практике . было установлено, что результат был возможен.

*Ключевые слова.* Тепловое излучение, абсолютная темнота, излучение и поглощение света, постоянная Планка, квант,

**METHODS OF USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN  
TEACHING QUANTUM PHYSICS IN ACADEMICIAN LYCEI**

Mahmudov Furkat Jumaboevich,  
Academician of the lyceum of TATU Samarkand branches named after  
Muhammad al-Khorazmi

*Abstract:* in the presented material, the methods of effective use of ICT are used in studying the quantum physics section. In particular, those who read the article can improve the content of theoretical information to the essence, and support the acquired theoretical knowledge in practice. it was determined that the result was possible.

*Key words.* Thermal radiation, absolute darkness, light emission and

*light absorption, Planck's constant, quantum,*

Хозирги кунда физика фанини ўқитишида мавзуларни ва ҳодисаларни ёритишда рақамли технологиялардан фойдаланиб, дастурий воситаларни кўллаб ўқитилишга зарурият тўғилаяпти.

Республикамиз Президентенинг 19-март 2021 йилдаги ПҚ-5032-сонли “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқот ривожланиш чора-тадбирлар тўғрисида”ти қарори ва Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди[1,2]. Ушбу ҳужжатларда интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос килиниб олинди.

Дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари этиб таълим муассасаларида физика фанини ўқитиши сифатини ошириш, дарсликлар ва ўкув қўлланмаларни такомиллаштириш ва таълим жараёнига замонавий ўқитиши услубларини, шу жумладан ахборат коммуникатция технологияларини кенг жорий қилиш белгиланган.[3,4]

Физика фанини ўрганишида назарий тушунчалар, масала ечиш кўнимаси, Лаборатория машғулотларини бажариш каби тушунчалар бир бирига боғлиқлиги ҳамда бири иккинчисин, иккинчиси биринчисини тўлдиради. Шундай экан физика фанини тушунтириш хар бир мавзу мисолида назарияни амалёт қўллаш ва амалий машғулотларни бажаришда виртуал лабораториялардан фойдаланишини ўқувчиларни фикрлаш, тахлил қилиш, мушоҳада юритиш, хулоса чиқариши ва ижодкорлик каби тушунчалар шаклланишидан ташқари фанда техникада ихтиrolарга бўлган қизиқишилари ҳам шаклланади.

Данијела Радловић-Чубрило ниниг Ефекти примене мултимедије у настави физике у првом разреду средње стручне школе номли илмий ишида замонавий таълимда мультимедија, Буғалтирия ҳисоби пирамидаси ҳам




Слика 2.5 Пирамида учења (према Dale, 1969)

Хар хил турдаги хотира ва идрок қилиш тушунчаларига эга бўлган ўқувчиларда Физика фанини ўқитишида рақамли технологиялардан фойдаланиш авфзаликлари бўйича илмий –асослар ишлаб чиқилган.

Тажрибаларимиз шуни кўрсатаяптики ўқувчиларга мавзуларни тушинтиришда айтилаётган қонунийтлар анимация шаклида кўрса, эшитса, ўқиса, ўқувчиларда мавзуни узлаштириш даражаси яхши бўлишини кўришимиз мумкин. Айниқса ўқувчиларга қисқа муддатда кўпроқ билим беришимиз учун ўқувчиларни мустақил дарс қилишига қизиқишини оширишимиз ҳамада физика қонунийтларини мазмун моҳиятини ўқувчиларга тушинарли қилиб етказишда рақамли технологиялардан фойдаланиш методикасининг такомиллаштиришни тақоза этајитти. Иссиклик нурланиш

#### 1-расмда (иссиқлик нурланиш)



Рақамли технологиялар ёрдамида тушунтириш биринчи навбатда кўйидаги саволларга жавоб топади.

1. Модда нима? 2. Модда нималардан ташкил топган? 3. Иссиклик ўзатиши механизми?




Иссиклик нурланишининг

анимация жараёнини кўриш давомида модда атом ва молекуладан ташкил топганлигини, моддага иссиқлик берилса унинг ташкил қилган атом ва молекулаларни ҳаракатга келишини ҳамда модда томонидан атроф муҳитга электромагнит тўлқин чиқишини кўзатади. Демак Моддага иссиқлик берилганда моддани ташкил қилган атом ва молекулаларнинг хаотик ҳаракати энергиясига узатилиб натижада модда томонидан атроф фазога нурланадиган электромагнит тўлқинларни чиқишини тушинадилар.

Исталган температурада ўзига тушаётган электромагнит тўлқинлар энергиясини, уларнинг чацтоталаридан қаътий назар, бутунлай ютадиган жисм абсолют қора жисм дейилади. [4,5] абсолют қора жисм моделини мазмун моҳиятини тушунтиришда чизма ва анимациядан фойдаланилса яхши буларди. Сабаби тирқиши орқали тушаётган нурнинг хар бир ўрилишида ютилишини инобатга олган ҳолда охирги урилишида бутунлай ютилишига гувоҳ булади.

#### 2-rasm. Абсолют қора жисм модели.



Ёруғликнинг квант назариясининг вужудга келишининг асосий қонунийтларидан бири энергия тақсимотининг тўлқин узунлиги, чацтотага ва температурага боғликлиги абсолют қора жисм нурланиш муамоларидир бу тушунчаларни мазмун моҳиятига тушуниш квант физикаси фанининг ядроси ҳисобланади. Бу

тушунчаларни тушиниш учун қўйидагича ёндашса мақсадга мувофиқ бўлади.




Figure 5: Blackbody Spectrum (PhET)

Бу расимда тўлқин узунлигини узгариш чацтота ва ёруғлик энергиясин ўзгариши температурага ҳам боғликлигини кўради. Бир сўз билан айтганда ёруғлик тўлқин узунлигини қисқариши частота ва температурани ошишига олиб келиши ва аксинча тулқин узунлигини ошиши чацтота билан температурани камайишига олим келишини билиб оладилар (Колорадо университети, 2011). [5]) Квант физикаси фанини туғилишига сабаб бўлган бу қонуният айрим дарслкларда 4-5 қатор сўз билан тушунтириб ўтилиб кетилган.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикализ Президентининг 19-март 2021 йилдаги ПҚ-5032-сонли “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқот ривожланиш чора-тадбирлар түғрисида”ги қарори

2. Ўзбекистон Республикализ Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш консепцияси ”қабул фармони

3. Аллаярова С.Н. Ахборот-коммиккация технологиялари-олий таълим сифати ва самарадорлигини ошириш омили. Замонавий таълим 2020, 4(89)Str 10-19

4. М.Х. Ўлмасова Физика. Академик лицейлар учун ўқув қўлланма. Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти 2010 й. 383 б

5. А.Г.Ғаниев, А.К.Авлиёқулов, Г.А.Алмардонова Физика. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти 2008 й. 191 бет

6. (Колорадо университети, 2011)

7. Данијела Радловић- Чубрило ниниг Ефекти примене мултимедије у настави физике у првом разреду средње стручне школе



## **СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР ЎҚУВЧИЛАР МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.032>

*Худойназаров Эгамберган Мадрахимович,  
каптта ўқитувчи, Урганч давлат университети.*

*Аннотация. Уибу мақолада ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантиришида синфдан ташқари ишлардан фойдаланишинг методик имкониятлари баён қилинган. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириши бошлангич таълим мактабларининг долзарб масалаларидан биридир. Шахснинг ўзимкониятларини, ўзлигини намоён қила олиши, қобилиятларини юзага чиқара олиши, эркинликка интилиши - инсон ҳаётининг турли даврларида рўй берииши мумкин бўлган жараён бўлиб бошлангич синф даврида синфдан ташқари ишлар ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришида асосий омил деб ҳисоблаймиз.*

*Калит сўзлар: синфдан ташқари ишлар, фикрлаш, мантиқий фикрлаш, ижодий фикрлаш, фикр, ақл, сезги.*

## **ВНЕКЛАССНАЯ РАБОТА КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧЕНИКОВ**

*Худойназаров Эгамберган Мадрахимович,  
старший преподаватель Ургенчского государственного  
университета.*

*Аннотация. В данной статье описаны методические возможности использования внеурочной деятельности в развитии логического мышления учащихся. Развитие логического мышления учащихся является одной из наиболее актуальных проблем в начальной школе. Мы считаем, что внеурочная деятельность в начальной школе является ключевым фактором развития логического мышления учащихся.*

*Ключевые слова: внеклассная деятельность, мышление, логическое мышление, творческое мышление, мышление, интеллект, интуиция.*

## **EXTRACURRICULAR WORK AS A FACTOR FOR DEVELOPMENT OF LOGICAL THINKING OF PRIMARY SCHOOL PUPILS**

*Khudoynazarov Egambergan Madrakhimovich,  
senior lecturer, Urganch State University.*

*Annotation. This article describes the methodological possibilities of using extracurricular activities in the development of students' logical thinking. The development of students' logical thinking is one of the most pressing problems in elementary school. We believe that extracurricular activities in elementary school are a key factor in the development of students' logical thinking.*

*Key words:* extracurricular activities, thinking, logical thinking, creative thinking, thinking, intellect, intuition.

Кириш. Маълумки, ҳозирда шахсга йўналтирилган таълимнинг дикқат марказида биринчи ўринда бола таълим ва тарбияси туради. Хурфикарлилик, инсонпарварлик, юксак ахлоқий ва ижодкорлик фазилатлари инсон маданиятининг даражасини белгиловчи фазилатлардир. Ҳар бир инсон шахс сифатида шаклланар экан, унда ўз кучига ишонадиган, ўзида мавжуд бўлган потенциал имкониятларни амалга ошира оладиган ижодкорлик фазилатларни юзага чиқарувчи ҳолатлар содир бўлади.

Хозирги ижтимоий-маданий ҳаётдат аъзимни инсонпарварлаштириш жамиятимизда яшаётган инсонларнинг педагогик-психологик фикрлашларига боғлиқдир. Шахснинг фикрлаши – бу инсонга хос тушунча бўлиб, жамиятда содир бўлаётган янгиликлар ва ўзгаришларга фаол кириша олиш муносабати билан белгиланади. Инсон фақат эркин фикр эгаси сифатида қадрланади. Боланинг олдиндан шаклланмаган дунёқараши аста-секин унинг иродаси, тасаввури, ижодкорлик ва яратувчанлик каби нозик механизмлари ривожлана бориши асосида таркиб топади.

Шахсга йўналтирилган ўқув вазиятларининг аҳамиятли томони шундан иборатки, у инсоннинг моддий-маънавий қадриятларни ўзлаштиришга, маданият даражасини ривожлантиришга чорлайди. Таълим ва тарбияга ижодий ёндашув асосида шахсга йўналтирилган таълимни амалга ошириш учун ҳар бир инсон субъект сифатида қаралиб унинг ҳаётий фаолияти эҳтиёжлари қондирилади.

Хозирги вақтда шахс ижодкорлигига эътибор, ижтимоий талаб кучаймоқда. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш умумтаълим мактабларининг долзарб масалаларидан биридир. Шахснинг ўз имкониятларини, ўзлигини намоён қила олиш, қобилиятларини юзага чиқара олиши, эркинликка интилиши - инсон ҳаётининг турли даврларида рўй бериши мумкин бўлган жараёндир. Тараққиётга интилиш, ўз дунёқарашини кенгайтириш, бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга ўз муносасабатини билдира олиш қобилиятини ошириш ҳар бир инсонга хос бўлган хусусиятдир.

Адабиётлар шархи. Чет эл педагог ва психологлари: Дж. Гилфорд, Е.П. Торранс, Л. Термен, Р. Стернберг, М. Воллах, Данилова В.Л., Гальперин П.Я., Калмыковалар[1] ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш соҳасида тадқиқот ишларини олиб бориб назарий жиҳатдан асослаганлар ва бу тадқиқот жараёни давом эттирилмоқда. Бунда асосий эътибор ўқувчиларнинг ижодий фаолияти, яъни ижодий фикрлаш оламига қаратилади.

Ўқув жараёни ўзининг муайян босқичларига эга. Ўқувчилар мантиқий фикрлашини ривожлантиришда синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. Синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш масаласи бир нечта изланувчилар томонидан назарий ва

методик жиҳатдан асосланган.

Синфдан ташқари ишларни ташкил қилишининг мақсади нафақат билимларни ўзлашириш, балки уни қўллаш йўлларини ҳам излаш кўнкимасини ҳосил қиласди. Бу жараёнда ўқувчиларнинг интеллектуал, мотивацион, эмоционал ва бошқа соҳаларини ривожлантириш имкониятлари вужудга келади. Шунга кўра синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш ёрдамида ўқувчиларнинг умумий ривожланишига эришилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида таълимни синф-дарс шаклида амалга ошириш кенг тарқалган. Таълимни ташкил этиш турлари жамият манфаатларига мос ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастлабки даврларда таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуши билан боғланган ҳамда билим бериш, ўргатиш фаолияти алохида алохида ташкил этилган. Билим олиш эҳтиёжининг кучайиши баробарида таълим мазмuni, ўқув жараёнининг мураккаблашуви, ўқувчиларни гурух - гурух қилиб ўқитишини тақозо қилган. Бу эса ўқитувчилар тайёрлаш заруриятини кучайтирган. Натижада ўқитишининг муайян ташкилий шакллари вужудга келиб, синф-дарс тизими пайдо бўлган. Дастлаб таълимнинг ташкилий шакллари Ал – Форобий томонидан тавсифланган. Унинг “Фан ва ақл заковат” асарида фанларни гуруҳларга бўлиб ўқитиши, тарбиявий моҳиятни ўйлаб масалаларига эътибор берилган.

Шу билан бир қаторда таълим муассасаларида ўқитишининг тажриба ишлари, амалий машғулот, синфдан ташкарида факультатив машғулотлар, тўгараклар, семинар, тренинглар, давра сұхбати, экскурсиялар, маъруза, видеоконференция каби шакллари ҳам ташкил этилади.

Синфдан ташқари ишлар – 1) ўқув тарбиявий ишнинг таркибий қисми, ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этиш шакли; 2) дарсдан ташқари вақтда ташкил қилинадиган машғулотларни ифодаловчи тушунча [3].

Бу жараёнда ўқитувчининг анъанавий тушунтириш услуби, ўқувчининг репродуктив фаолияти ҳам, масалаларни қўйиш, машқлар бажариш ҳам назарда тутилади. Ўқув жараёнидан фарқли равища фанларни ўргатишни ташкил қилиш ҳар-хил қизиқарли муаммолар қўйишни ўз ичига олади. Ўқув муаммоларини мунтазам равища ечиб бориш ушбу жараённинг характерли белгиси ҳисобланади. Чунки бу йўналишдаги барча таълим методлари тизими ўқувчини умумий, индивидуал қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган. Шунга кўра синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини ривожлантиришга асос бўлади.

Тадқиқот методологияси. Синфдан ташқари ишларни ташкил қилишда ўқувчиларнинг мунтазам мустақил изланувчан фаолиятини ташкил қилиш билимларни ўзлашириш билан биргалиқда амалга оширилади. Барча ўқитиши методлари аниқ ва ташхисланувчи ўқув мақсадларини қўйиш ва муаммоли таълим тамоиллари асосида шакллантирилади. Ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабатларини

вужудга келтириш жараёни таълим олувчиларнинг фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилиб ихтиёрийлик тамойилига асосланади.

Бошланғич синфларда синфдан ташқари ишларни ташкил қилишда қизиқарли топшириқлардан фойдаланиш таълим жараёни субъектлари учун фойдали бўлиб, уларни муайян муаммо устида мустакил фикрлаш, масалаларни таҳлил қилиш, масъулиятни ҳис этиш, уларни ечиш устида мустакил фаолият кўрсатиш, мазкур муаммо устида шахсий нуқтаи назарини шакллантириш, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлаш, фаолиятни режалаштириш ва ривожлантиришга ўргатади.

Таълимда синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш орқали ўқувчи олдига муаммоли вазиятлар хосил қилинади. Муаммоли вазият ўқув ёки амалий вазият орқали ҳосил қилиниб, у икки гуруҳдаги таркибий қисмлардан ташкил топади: маълум ва номаълум элементлар. Муаммоли вазият – интеллектуал зўриқиши ҳолатини ифодалайди, бунда инсон бу ҳолатдан чиқиб кетишга, унга ечим топишга эхтиёж сезади. Муаммоли вазият, бу инсондан танлаш заруриятини, қарор қабул қилишни талаб этади. Бу “муаммоли вазиятдаги фикрлашнинг бошланишидир” – деб таъкидлайди С.Л.Рубинштейн. Шунинг учун муаммоли вазият ўқувчиларни мантиқий фикрлашини фаоллаштиришнинг асосий воситаларидан биридир. Муаммоли вазият кўпинча ахборот, берилган маълумотлар чекланган ва бундай ҳолда бир нечта ечим варианлари мавжуд бўлганда вужудга келади[4].

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Муаммоли вазият қандай ҳосил қилинади, деган саволга қўйидаги жавоб бериш мумкин. Умумий қоида: ахборотдаги, харакат усусларидағи қарама-қаршиликлар, сабаб-оқибат алоқалари аниқланади. Бир нечта қарама-қаршиликларни келтирамиз, масалан:

- далилларнинг мавжудлиги ва уни изоҳлаш зарурияти;
- кундалик ҳаётдаги тасавурлар ва далилларнинг илмий талқини ўртасидаги номутаносиблик;
- математик билимларни аниқ шароитларда қўллаш зарурияти билан боғлиқ қарама-қаршиликлар;
- дастлабки маълумотларни чекланганлиги кабилар.

Муаммоли вазиятлар қўйидаги усуслар ёрдамида ҳосил қилинади:  
- ахборотларни ойдинлаштириш (таянч билимлар);  
- далилларни ўзаро таққослаш, уларни таҳлил қилиш, ўқувчилар олдига савол ва топшириқлар қўйиши.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “Умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа мухим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш” вазифаси белгиланди. Мана шу вазифани амалга ошириш мақсадида бошланғич таълимда синфдан ташқари ишларни ташкил қилишда бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантиришга қаратилган такомиллаштирилган машқлар тўпламини тузиб чиқдик. Бунда асосий



йўналишқилиб ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришда мақсадга йўналтирилган оғзаки машқлар ва саволлар белгиланди. Яъни, ўқувчи нутқини ривожлантириш, билимларни осондан қийинга тамон тизимли ўргатиш, ўрганилган маълумотларни қайта-қайта такрорлатиш орқали билиш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

Энди бошланғич синқф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантиришда синфдан ташқари иш турларини методик имкониятларини қараб чиқамиз.

Тўғарак иши, танловлар. сеҳрли квадратлар тузиш, интеграциялашган топшириқлар, гугурт чўплари орқали мантиқий фикрлашни ривожлантирувчи топшириқлар, ўзбек халқ мақолларини ўрганиш, бошланғич таълимда шеърий ёндошувдан фойдаланиш, математик бошқотирмалар, топишмоқлар каби синфдан ташқари дарс машгулотларидан фойдаланишимиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Фалклорлар, лабиринт, миқдорлар билан боғлиқ қизиқарли топшириқ ва маълумотлар, 3x3 кубик рубикни йигишни ўрганиш, оммавий тадбирлар, экскурсиялар, тарихий мантиқий масалалар, фокуслар, ўйинлар, софизмлар, эртаклар, ясаш ва ўлчашга оид мантиқий масалалар, буюк кишиларнинг ибратли фикрлари каби кўплаб машқлар мавжудки булаарни бошланғич таълимда тўлақонли ва ўринли ўргатиш ўқувчиларда мантиқий фикрлашини ривожлантириш муаммосини самарали ечими бўлади ҳамда, коммуникатив компетенциясининг ривожланишга асос бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантиришда узвийлик тамоилига асосланган тизимли ёндошувни оқилона қўллаш зарур. Биз мантиқий ривожлантириш мақсадига йўналтирилган бошланғич синфлар учун синфдан ташқари иш топшириқлар тўпламини ишлаб чиқдик. Бу топшириқлар ўзимиз танлаган муаммонинг самарали ечимини таъминловчи манба деб хисоблаймиз.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Выготский Л.С. Педагогическая психология. – М.: Педагогика, 1991. 479 с. 28
2. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Истиқлол, 1994. -321 бет. 60
3. Педагогика. Энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. – 400 б.
4. Савенков А.И. Маленькие исследователи в реальной жизни // Дошкольное образование. № 7-2004. С. 6 -19.
5. Xudoynazarov E.M., Yarmetov J.R. Boshlang'ich sinflarda matematikadan sinfdan tashqari ishlar /O'quv qo'llanma/ – T: Nodirabegim, 2021. – 182 b.

## MADANIYATLARARO MUNOSABATNING TA'LIM VA ISHLAB CHIQARISH JARAYONIGA TASIRINING PEDAGOGIK IMKONIYATLARI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.033>

Mamatov Dilmurad Narmuradovich,

Toshkent shahridagi Adju universiteti o'quv uslubiy bo'lim boshlig'i,  
pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.

*Annotasiya: Madaniyatlara munosabatning ta'lif va ishlab chiqarish jarayoniga tasirining pedagogik imkoniyatlari ijtimoiy taraqqiyot buni amalga oshirishga imkon beradigan madaniy-ma'rifiy omillar bilan belgilanadi. Madaniyat va oliy ta'lif - bu aniq maqsadlardir. Xar bir yurtning o'z madaniyati o'z yurtining insonlari, ta'lif tizimi uchun boshqa madaniyatlarga nisbatan qadrlidir. Shaxs multikulturalizmga moyil bo'lib, turli registrlarni qadrlashni afzal ko'radi. Ko'p madaniy ikkilanish va a'zolik barchamizda aniqlanishi mumkin. Ma'naviy evolyutsiya ko'plik natijasidir, aralashma esa yagona qarashlarning natijasidir. Maktab turli shaxslarning intilishlarini qondirish uchun ijtimoiy institutni boshqarish kabi madaniyatning ichki ko'pligiga asoslangan bo'lishi kerak. Boshqalarni tushunish va qabul qilish yo'lidagi birinchi qadam bilim va madaniy xilmayillikni hurmat qilishdir.*

*Kalit so'zlar: ta'lif, madaniyat, madaniyatlararolik, multikulturalizm, madaniy plyuralizm.*

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ВЛИЯНИЯ МЕЖКУЛЬТУРНЫХ ОТНОШЕНИЙ НА УЧЕБНО- ПРОИЗВОДСТВЕННЫЙ ПРОЦЕСС

Маматов Дилмурад Нармурадович,

Заведующая учебно-методическим отделом Университета Аджу  
в Ташкенте, доктор философии в области педагогических наук (PhD),  
доцент

*Аннотация: Педагогический потенциал воздействия межкультурных отношений на процесс образования и производства определяется теми культурно-воспитательными факторами, которые позволяют общественному развитию добиться этого. Культура и высшее образование являются четкими целями. Собственная культура каждой страны более ценна для жителей своей страны, для системы образования, чем для других культур. Индивид склонен к мультикультурализму и предпочитает ценить разные регистры. В каждом из нас можно обнаружить множество культурных колебаний и привязанностей. Духовная эволюция - результат множественности, тогда как смешение - результат единичных взглядов. Школа должна основываться на внутренней множественности культур, таких как управление социальным институтом, чтобы соответствовать устремлениям разных людей. Первым шагом на пути к пониманию и принятию других является уважение к знаниям и культурному разнообразию.*

*Ключевые слова: образование, культура, интеркультурализм, мультикультурализм, культурный плорализм.*



## PEDAGOGICAL POSSIBILITIES OF THE INFLUENCE OF INTERCULTURAL RELATIONSHIPS ON THE EDUCATIONAL AND WORKING PROCESS

*Mamatov Dilmurad Narmuradovich*

*Head of the educational method department of Adju University in  
Tashkent, Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD), associate  
professor*

*Abstract: Pedagogical possibilities of the impact of intercultural relations on the educational and production process are determined by cultural and educational factors that allow social development to do this. Culture and higher education are obvious goals. Each country's own culture is more valuable than other cultures for its people and educational system. The person tends to multiculturalism and prefers to value different registers. Many cultural ambivalences and affiliations can be identified in all of us. Spiritual evolution is the result of plurality, and mixture is the result of singular views. A school should be based on the internal plurality of culture, like the management of a social institution, to satisfy the aspirations of different individuals. The first step towards understanding and accepting others is knowledge and respect for cultural diversity.*

*Keyword: education, culture, interculturalism, multiculturalism, cultural pluralism.*

Bu maqolada inson sifatida kamol topishimizda ta’lim va madaniyatning muhim o‘rni borligini ta’kidlab, raqamli asrda rivojlanayotgan taraqqiyot ta’limni amaliyotda qo’llash orqali ta’lim samaradorligini oshirish natijasidir. Globallashuv va migratsiya gumbazi ostida ta’lim muammolari turlicha bo‘lib bormoqda. Ushbu yangi dunyoda boshqalarning turli xil tajribalarini qabul qilish juda muhim bo‘ladi. Ushbu maqola ta’limda duch keladigan qiyinchiliklarning ba’zi sabablarini oydinlashtirishga urinish bo‘lib, madaniyatlararo ta’lim yo‘lidagi to’siqlarni aniqlashni taklif qiladi va o‘qituvchilar ushbu sohada, umuman olganda, madaniyatlararolikni targ‘ib qilishda tavsiyalar beradi. Ijtimoiy dinamika nuqtai nazaridan, ta’lim mandati yurtimizda va umuman dunyoda juda jiddiy o‘ynaydi, bular: farqlar, tenglik huquqiga munosib javob berish, maktablarda xilma-xillikni targ‘ib qiluvchi samarali yechimlarni taqdim etish. Ish Ta’lim, madaniyat va madaniyatlararo munosabatlar millatlararo munosabatlarga, turli madaniyatlar o‘rtasidagi aloqaga, xilma-xillik sharoitida ta’limning roliga qaratilgan. Zamonaviy jamiyat turli xillikka asoslangan plyuralistik dunyoda maktabning o‘rni va maqsadini ta’kidlaydi. Bunday dunyoda kim o‘zgarishi kerak: maktabmi yoki talabalarmi? Ushbu maqolada biz talabalar o‘rtasidagi farqlarni hurmat qilishimiz, ta’lim ularning madaniy, etnik, diniy, ijtimoiy rivojlanishidan qat’iy nazar, hamma uchun ochiq bo‘lishi kerak degan g‘oyani ta’kidlaydi.

Shuningdek, madaniyatlararo ta’lim yoki ko‘p madaniyatli o‘zaro ta’sirdagi xilma-xillikni o‘z ichiga olgan valentlik ta’kidlanadi. Ko‘p madaniyatli ta’lim mexanizmi ham, madaniyatlararo ta’lim ham quyidagilarga

qaratilgan:

Zamonaviy jamiyatlarda madaniyatning holatini tushunish, boshqa madaniyat vakillari bilan yaxshiroq muloqot qilish, madaniy xilma-xillikka moslashtirilgan munosabat, ijtimoiy o‘zaro ta’sir uchun ochiq fikr.

Maqolada ta’limning o‘rnii, madaniyat va ijtimoiy o‘zaro munosabatlardagi o‘rnii, umumiy insoniyatga qaratilgan ijodiy shaxslar haqida havolalar mavjud. U tenglikni, xilma-xillikning qadr-qimmatini, ijtimoiy adolatni va turli etnik guruhlar o‘rtasida hokimiyatni teng taqsimlashni targ‘ib qildi.

Ta’limdagi multikulturalizm boy va murakkab bo‘lib, ta’lim muhitiga e’tibor berish yoki o‘qitish usullaridan kelib chiqadigan farqlarni oolib beradi. Albatta, madaniyatlararo ta’lim turli jamiyat va o‘zgaruvchan dunyoda madaniy plyuralizmni targ‘ib qiluvchi demokratik qadriyatlarga asoslanishi kerak. Multikulturalizm statik vaziyatlarni tavsiflash uchun ishlatiladi, interkulturalizm esa o‘zaro munosabat o‘rniga o‘zaro ta’sirni anglatadi. Madaniyatlararo ta’lim xilma-xillik maqsadi - hamma uchun ta’lim.

Evropada madaniyatlararo ta’limning rivojlanishi sanoatlashgan mamlakatlarda Ikkinchi jahon urushidan keyin boshlangan muhojirlar to‘lqinlari tomonidan institutlarga qilingan bosimlarning natijasidir. 60-70-yillarda G‘arbiy Yevropa davlatlarida migrantlar mayjudligi sababli u jadal rivojlandi. Bugungi kunda xilma-xillik masalalari ta’lim siyosati va amaliyotiga kiritilgan.

Har qanday masalada, xoh menejerlar, xoh mutaxassislar, xoh siyosatchilar, xoh xalqaro tashkilotlar a’zolari, xoh oddiy odamlar o‘rtasidagi ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, boshqaruv, zaruriy aloqadir.

Aloqa shaxslar, guruhlar yoki insoniy etnik jamoalar, tarix va turli madaniy ildizlar o‘rtasida sodir bo‘lganda, biz madaniyatlar o‘rtasidagi aloqa bilan shug‘ullanamiz. Madaniyatlar o‘rtasidagi barcha aloqalar iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, tashkiliy, shu jumladan turli mamlakatlardagi muassasalar, idoralar, korxonalar, tashkilotlar va inson jamoalari o‘rtasida kelishuvlar, ikki tomonlama yoki ko‘p tomonlama shartnomalar asosida o‘rnatalgan madaniy aloqalardir.

Evropada va undan tashqarida, Amerika va Kanadada, dunyoning istalgan nuqtasida mehnatning professional harakatchanligini ta’kidlab, dunyo bo‘ylab sayohat qilish imkoniyatiga ega bo‘lganlar foizini ko‘paytirish madaniyatlar o‘rtasidagi aloqalarning boshqa misollari, o‘zaro bilim madaniyati va boshqa xalqlarning tsivilizatsiyasi va x.k. Hayotning boshqa tarzlari bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqa qilish foydalidir, chunki u hayotning turli sohalaridagi bilimlarni o‘zgartiradi va chuqurlashtiradi, sayohat qilish bo‘shashishni anglatadi, lekin eng muhimi, odamlarni boshqa odamlarning hayoti, madaniyati va turmush tarzi haqida ma’lumot beradigan va ishontiradigan haqiqiy(yoki elektron) kutubxonalar tashkil qiladi.

Bizning asrimiz mohiyatan Yevropa integratsiyasi va globallashuvning keng ko‘lamli jarayoniga asoslangan madaniyatlar o‘rtasidagi aloqalar davridir. Madaniyatlar o‘rtasidagi aloqa sohasiga ularning butun madaniy boyligining bir qismi bo‘lgan xalqlar va mamlakatlar o‘rtasidagi aloqalar ushbu yangi tendentsiyalarda ma’naviy va insoniydir.

Shunday qilib, biz shaxslar o‘rtasidagi aloqaga xalqlar va xalqlarning «xom ashyosi» sifatida erishamiz va ularning barchasi o‘ziga xos ijtimoiy hayot traektoriyalariga ega bo‘lgan madaniy modellarning tashuvchilari hisoblanadi. (Cobianu-Bacanu, 2006)

Maqolaning yakuniy xulosalari shundan iboratki, madaniyatlar o‘rtasidagi aloqadan foyda ko‘radiganlar odamlar, inson guruhlari, xalqlar va millatlardir, shuning uchun ular haqli deb hisoblanadilar, milliy va xalqaro muhitni barpo etish orqali o‘zlarining moddiy va madaniy yutuqlari cho‘qqilaridan foydalanadilar. Jamoaviy muammolarni yoki global hamjamiyatni hal qilish uchun tinchlik, tushunish va hamkorlik lozim. Butun dunyo miqyosida bu aloqa nizolardan tsivilizatsiyalar va madaniyatlar dialogiga o‘tishning bir shakli bo‘lib, ularning ta’lim va madaniyatlararo munosabatlari barcha tomonlar uchun samarali foyda keltiradi, chunki u kuchli haqiqiy insoniy birdamlikni yaratish imkoniyatini ko‘rsatishi bilan muhimdir.

Asosiy tushunchalar ta’lim, madaniyat, madaniyatlararo, madaniy pluralizm, madaniyatlararo muloqot, madaniyatlararo ta’lim bo‘lib, ularni ajralmas ta’rif va aniq qiladi. Ta’lim, sotsiologiya lug‘atiga ko‘ra, ijtimoiy harakat - bu individual yoki jamoaviy ta’limni madaniy uzatish, avlod, tashkil etish va boshqarish majmui. Bu rasmiy va norasmiy bo‘lishi mumkin (Zamfir & Vlăsceanu, 1993).

Sotsiologik nuqtai nazardan ta’limni ham tizim, ham jarayon sifatida ko‘rish mumkin. Ta’lim tizimi jahon ijtimoiy tizimi va ta’lim tizimi o‘rtasidagi munosabatlarni aks ettiradi.

Ta’limga tizimli yondashuv muassasaning o‘ziga xos funktsiyalari va tuzilmalarini yuqori darajada yoritishga imkon beradi.

Ta’lim tizimi ochiq tizimdir (global ijtimoiy tizimga nisbatan), teleologik xususiyatga ega (ma’lum bir yakuniylikka, o‘ta va uzoq muddatli), o‘z-o‘zini tartibga soluvchi va entropiyaga, tartibsizlikka, shu jumladan optimallashtirish uchun ba’zi imkoniyatlarga ega.

Ta’lim tizimini tahlil qilish - ta’lim sotsiologiyasi nuqtai nazaridan - «ta’lim muassasasini o‘qitishda shaxsnинг rivojlanishini va ijtimoiylashuv jarayonini tushuntirishga qaratilgan nazariyalar nuqtai nazaridan aniqlashga imkon beradi, bu jarayon turli xil sub’ektiv va ob’ektiv ijtimoiy integratsiya vositalari bilan amalga oshiriladi.

Qiymat nisbati bo‘yicha ta’limni aksiologik, iqtisodiy, sotsiologik, siyosiy va hokazolarni baholashga bir nechta yondashuvlar mavjud. Iqtisodiy xulqatvor uning tarkibiy qismlari va odamlardan uzoq vaqt ishlab chiqarishni talab qiladigan faoliyatni baholash hajmi o‘rtasida farq mavjud.

Ijtimoiy me’yorlar, qoidalar, inson kapitali, ijtimoiy kapital, kasbiy kompetentsiya kabi tushunchalarning uzlusiz tarqalishi qadriyatlardan tashqarida harakat qila olmaydi. Tsivilizatsiyalashgan jamiyatda ta’lim va ta’limning o‘rni juda muhimdir. Birinchi navbatda, ta’lim shaxsnинг shakllanishi va rivojlanishiga hissa qo‘sadi. Lekin mamlakatning iqtisodiy rivojlanish darajasi ularning ta’limiga bog‘liq. Fuqarolar, shuning uchun ta’limning jamiyatdagagi roli haqida aniq tasavvurni talab qiladi.

Ijtimoiy paradigm- bilimlar oliy ta’lim muassasalari har qachongidan

ham muhimroq ekanligini ta'kidlaydi, chunki ular global iqtisodiyotni rivojlanirish vositasidir.

Umumiy va xususan oliv ta'limda uzlusiz o'zgarishlar yuz berayotgan globallashgan dunyoda bu omillarga aholi soni, demografik hodisalarining ko'pligi (jabl qilish), axborotning rivojlanishi kabi ma'lum ijtimoiy-demografik xususiyatlar texnologiya, moliyaviy kapital va boshqalar kuchli ta'sir ko'rsatmoqda.

Madaniyat - ma'noga ega bo'lgan, ijtimoiy meros qilib olingan va turli amaliyotlar orqali uzatiladigan xatti-harakatlar va belgilar to'plami; vakillik tizimi, odamlar muloqot qiladigan va o'z bilimlari va hayotga munosabatini rivojlaniradigan tizim.

Madaniy pluralizm- bo'lingan jamiyatlarni etnik, irqiy, diniy va mafkuraviy me'yorlar bo'yicha o'rganish natijasida vujudga kelgan va jamiyatda siyosiy madaniyatning bir necha turlarining birga yashashini o'z ichiga oladi (Zamfir va Vlăsceanu, 1993).

Madaniyatlarolik- madaniyatlararo muloqotni va madaniyatlarga qiyinchilik tug'diruvchi o'z-o'zini ajratish tendentsiyalarini qo'llab-quvvatlashni anglatadi (Multikulturalizmning ikki tomonlama bog'lanishi: Inklyuzivlikni yaratish kosmopolitizm va farq, 2009).

Madaniyatlararo muloqot - bu turli madaniyatlar va ijtimoiy guruuhlar o'rtasida ma'lumot almashish uchun mo'ljallangan muloqot shakli. Bu atama turli diniy, ijtimoiy, etnik va ta'lim guruuhlariga mansub kishilardan tashkil topgan tashkilotda tabiiy ravishda yuzaga keladigan kommunikativ jarayonlar va muammolarning keng doirasini tasvirlash uchun ishlatiladi. Madaniyatlararo ta'lim ta'lim va madaniyato'rta sidagi simbiozning natijasidir. Ta'limdagi madaniyatlararo tadqiqotlarning birinchi turi - bu madaniyatning o'tkazilishi va matab kontekstida ozchiliklar maqomiga ta'siri va roli bilan bog'liq. Sinfning madaniy konteksti antropologiya ta'limida ikki jihatdan muhim mavzudir: mikro va makroetnografik etnografik. Mikro-etnografik tadqiqotlar o'quvchi / talaba, o'qituvchi / talaba o'qitish va o'qituvchining roli munosabatlari kabi masalalarga qaratilgan.

Vakillik matab-jamoa munosabatlariga asoslangan makroetnografik tadqiqotlar Uorrenning Germaniyadagi ta'limga oid monografiyasi (Rebxauzen) va Singletonning yapon matabi haqidagi monografiyasida XX-asrning birinchi yarmida iqtisodiy va siyosiy cheklovlar tufayli faqat madaniyatlararo etnografik tadqiqotlar yo'llari ochildi. Hozirgi vaqtida kengaygan imkoniyatlar aloqa sohasida fan va texnika taraqqiyotini osonlashtirdi. Tadqiqotchilar madaniyatlararo ta'lim masalasida hamkasblari bilan ishlashlari mumkin.

Madaniyat shaxsning xulq-atvorini, tarixiy, ijtimoiy-iqtisodiy va ekologik muammolarga moslashishni belgilaydi. Bular ikki hodisaning paydo bo'lishi: madaniy transmissiya;

akkulturatsiya (ikki guruh o'rtasidagi aloqa natijasida xatti-harakatlar va qadriyatlarni bir guruhdan ikkinchisiga o'tkazish hodisasi).

Akkulturatsiya darajasi majburiy matab yillari, ish va kundalik o'zaro munosabatlar, boshqa madaniy guruh bilan faoliyat yuritadigan

yosh, ijtimoiy-iqtisodiy vaziyat bilan belgilanadi. Enkulturatsiya optimal integratsiya uchun ushbu guruh madaniyatining avlodlariga o‘tishni o‘z ichiga oladi, sotsializatsiya esa atrof-muhit va bir-biri bilan uchrashishda sodir bo‘ladigan o‘zgarishlarni anglatadi. Bu barcha ixtiyoriy test va xabardorlikni o‘z ichiga oladi. Madaniyat boshqa madaniyatlardan farq qiladi va ularga nisbatan qimmatli bo‘ladi. Shaxslar ko‘p madaniyatli va aralash qiymat bilan oziqlanadi. Bilim boshqa madaniyatni qabul qilish yo‘lidagi birinchi qadamdir.

Inson maktab orqali universaldir. Madaniyatning oila va ijtimoiy muhit bilan o‘zaro ta’siri shaxsning rivojlanish profilini belgilaydi. Migratsiya va migratsiya agentlari doimo mavjud bo‘lgan. Ular chegara va hududlarni hurmat qilmaydi. Ularning taklif etilayotgan yangilanishi yangi talqinlarga, tayinlash ishtirokchilariga, bir nechta a’zolikdagi ma’nolarga olib keladi. Birinchi avlod immigrantlarining sxemalari o‘z madaniyatini jamiyatning madaniy xususiyatlari sifatida qabul qilishni birlashtirgan holda qayta talqin qiladi, ularning avlodlari esa yangi madaniyat paradigmalarini retseptorlari, ota-onadan meros bo‘lib qolgan bir qator madaniy ma’lumotlar (odatlar) dan keyin qayta talqin qiladilar.

Boshqalarning madaniyatini uyg‘unlashtirish oddiy emas, u bir necha bosqichlarni o‘z ichiga oladi:

- bilim;
- qabul qilish;
- og‘zaki bo‘lmagan muloqot;
- atrof-muhit;
- o‘z vaqtida hisobot berish.

Madaniy uzatishga asoslangan model taklif qilingan: o‘z-o‘zidan vertikal uzatish, ota-onadan qiyshiq uzatish, tug‘ilishdan gorizontal uzatish.

Madaniyatlararo muloqot sabr-toqatni talab qiladi va boshlang‘ich vaqt bo‘ladi. Chet el madaniyati bilan aloqada bo‘lgan bilan madaniy taqqoslash, madaniyatlararo ta’lim, bu har qanday ta’lim dasturining asosiy belgisidir.

Yangilik qiymati intersemiotik mashqlar asosidagi tarjima va talqinlar asosida madaniyatlararo kompetentsiyani shakllantirishni talab qiladi. Boshqa madaniyatlar bilan aloqada bo‘lgan odamlar eski madaniy tajriba va boshqa madaniyat tomonidan yaratilgan yangilik o‘rtasida simbiozni amalga oshiradilar.

Hamma narsa mavjud madaniy sxemalarning ko‘zlarini va asboblari orqali ko‘rinadi. Barqarorlik va o‘zgarish madaniyatlararo muloqotning ikkita tarkibiy qismidir. Piagetning assimilyatsiyasiga olib keladigan tashqi bosim natijalari tufayli ichki o‘zgarishlar. Shaxsiy shartli dunyoni bog‘lash bir nechta tinchlantirish va assimilyatsiya bilan boshqariladi. Bir madaniyatdan boshqa madaniyatga o‘tish bir necha darajadagi ta’lim yutuqlarini qamrab oladi.

Aslida farq institutsional darajada, guruh darajasida, munosabatlar, psixologik darajada. Multikulturalizmning eng katta yutug‘i antiglobal gomogenizatsiya reaktsiyasidir. Madaniy plyuralizm - bu bag‘rikenglik, boshqasini qabul qilish, o‘z shaxsiyligini tasdiqlash uchun teng imkoniyatlarga

egaligining natijasidir. 70-yillar madaniy ko‘plikka ochiqlikka olib kelgan yillardir. Maktab inkor etib bo‘lmaydigan haqiqatga duch keldi: ommaviy migratsiya, maktabda o‘qish va yangi kelganlarning (bolalar va ota-onalarning) ijtimoiy-kasbiy integratsiyasi, mahalliy aholini ko‘zdan qochirmasdan, turli millatlardan, turli madaniyatlardan kelgan bolalar. Bu o‘z urf-odatlari, urf-odatlari, tilini o‘stirish huquqiga nisbatan farqlarni o‘zlashtirish yoki ularni inkor etishdan kelib chiqdi.

Madaniyatlararo ta’lim mакtab va oila hamkorligiga va turli madaniyatlar uchun doimiy treningga asoslangan bo‘lib, bolalar bilan bir xil uyga ega bo‘lgan xodimlarning kodlarini baholash natijasida individual psixologiyadagi farqlangan ildizlarni o‘rganishga yordam beradi. Maktab madaniyatlar o‘rtasida teng almashinuvni ta’minalash va madaniy va ijtimoiy munosabatlarni uyg‘unlashtirishni assosiy maqsad qilib qo‘yishini e’tiborsiz qoldirmang. Madaniyatlararo ta’lim mazmunli bilimlarni va shaxslar o‘rtasidagi munosabatlarni hisobga olishi kerak. Madaniyatlar o‘rtasidagi muloqotga asoslanib, farqlarga qaramay, ta’limning roli birdamlik, ochiqlik, qabul qilish, xilma-xillikni boyitish va o‘rganish, yangi qabul qilish, tan olish va hamkorlik, dialog munosabatini rivojlantirishdan iborat.

Migratsiya, axborot-kommunikatsiya tarmoqlarining rivojlanishi va diversifikatsiyasi, globallashuv murakkab zamonaviy jamiyatni yaratib, o‘qituvchilarni yangi voqelikka moslashishga majbur qiladi. Agar maktab umuminsoniy ongni shakllantirmoqchi bo‘lsa, o‘qituvchi o‘z uslubini qayta ko‘rib chiqishi va madaniy farqlarni hisobga olishi kerak, bu farqlardan foydalaniib, ota-onalar bilan birgalikda madaniy farqlardan kelib chiqadigan nizolarni oldini olish uchun ishlaydi. Odamlar harakat qilishlari va shaxslar va madaniyatlar bilan muloqot qilishlari mumkin. Qiziquvchanlik va qiziqish tufayli o‘zlarining xatti-harakatlarini yangi media va aloqada bo‘lgan kompaniyalarni tavsiflovchi ustun me’yorlar va qadriyatlar doirasida olib borish, ular ko‘rgan yoki tashrif buyuradigan narsalar haqida ko‘proq bilishni va tushunishni xohlaydi.

Ta’lim, sotsializatsiya, urf-odatlari, qadriyatlar vakelib chiqishjamiatining me’yorlari orqali o‘zlashtirilgan ona madaniyati turli qadriyatlar tizimlari bilan aloqa qilishda haqiqiy madaniy zarbaga moslashish, integratsiya, muloqot qilish muammolarini keltirib chiqaradi. Iqtisodiyot, harbiy va madaniy sohalardagi o‘zaro ta’sirlar yonma-yon borib, tarixiy va geosiyosiy kontekstingizga qarab madaniy aralashuv sohalarini yaratdi. Yigirmanchi asrda ikkita jahon urushi guvohi bo‘lganini eslaylik, hozirgi to‘qnashuvlar, ularning sivilizatsiyasi va diniy o‘lchovlari haqida gapirmasa ham, qarama-qarshiliklar va madaniyatlararo almashinuvlar uchun keng imkoniyatlar mavjud edi.

1. Resurslar uchun kurash, globallashuv, migratsiya va kapital oqimlari madaniyatlar o‘rtasidagi qulay o‘zaro ta’sirni yaratdi. Jahon iqtisodiyoti, global xavfsizlik, yangi texnologiyalar yordamida qulaylashtirilgan global aloqa yangi ehtiyojlarga javob beradi.

2. Yondashuvlar va madaniyatlararo to‘qnashuvlar ko‘nikma, malaka va o‘zlashtirishlarni egallahsga asoslangan kundalik haqiqatga aylandi.

Shaxslar ijtimoiy kontekstlar, siyosiy va madaniy muammolar bilan bog'liq holda nisbatan yangi bir nechta o'ziga xosliklarni yaratishlari kerak. Madaniyatlararo muloqotning odatiy holi muhojirlar tomonidan tasvirlangan, ular yangi jamiyatga moslashish va integratsiyalashuvgacha drama va haqiqiy madaniy zarba o'rtasida tebranadigan lahzalar bo'ylab o'tib ketayotganda bir nechta tajribalarni boshdan kechirmoqda. Faqat bir-birining farqlarini bilish (odoblilik, aniqlik, qanday bo'lish va gapisirish, his-tuyg'ular va ular qanday yashashi va tashqi ko'rinishi, odatlar, kiyim-kechak, din, oilaga, ta'limga, hukumatga munosabat) madaniy qadriyatlardan kelib chiqqan holda madaniyatlararo muloqotga olib keladi.

3. Turli vaziyatlarda, xoh sayyoh sifatida sayohat qilganimizda, xoh biz immigrant sifatida joylashishni xohlayotganimizda, yo kundalik tajriba ichkarida tashqi ko'rinish, sahna orqasi bilan bog'liq bo'lishi kerak, fon faktlarini qadriyatlар bilan shakllantiradi. Madaniyatlararo kompetentsiyaga ega bo'lish ushbu ikki tomonlama voqelik o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik va farqlarni boshqarishni o'z ichiga oladi. Ta'limning roli yoshlarni farqlarni tushunish va qabul qilish, ochiq va bag'rikeng munosabatda bo'lish, hamkorlik qilish va boshqa madaniy sohalardagi hamkorlar bilan samarali muloqot qilish uchun tayyorlashdir. Ta'lim Kashshoflari madaniy farqlarni himoya qilish va insoniyat taraqqiyoti foydasiga birgalikda yashashlari uchun qulay muhitni shakllantirish uchun kurashishlari kerak. Darslarni boshqarish va qarama-qarshi madaniy farqlar va turli o'ziga xosliklarni uyg'unlashtirish zamonaviy dunyoning muammolaridan biridir.

4. Maktab umumiyligi qadriyatlarga rioya qilish, shaxsiy va ijtimoiy muloqot bir ovozdan qabul qilingan ta'lim orqali inson kamolotga erishiladigan makonni ifodalaydi. Madaniyatlararo muloqotning tarkibiy qismlari nimadan iboratligi haqida muloqot qilish zamonaviy jamiyatning majburiy talabidir. Odamlar tanlov va muassasalarning ko'p madaniyatligi haqiqatiga tayyor bo'lishlari kerak; va o'z navbatida, ular turli xil kodlarni qadrlaydiganlarni kutib olishlari kerak. Dunyo madaniy to'qnashuvlar va aralashuvlar uchun zamindir. Madaniyatlararo ta'lim o'qituvchini me'yordan chetga chiqish va bir nechta o'ziga xosliklarning erkinligini tasdiqlash uchun kirishni ochish natijasida talabalar va o'qituvchilar o'rtasidagi tashvishga o'xshash qadriyatlар, xatti-harakatlarni muzokara qilish holatiga qo'yadi. Madaniyatlar to'qnashuvi va madaniy muloqot ijtimoiy va ta'lim darajasidagi murakkab vaziyatlarni belgilaydi.

5. Bo'linishlarni yangi dunyo tartibi uchun ta'lim orqali yumshatish mumkin. Interkulturalizm - bu Evropa qit'asining iqtisodiy, siyosiy va madaniy xususiyatlari kontekstida ta'lim uchun yangi muammodir. Shuningdek, madaniyatlararo xulq-atvor doirasida targ'ib qilinsa, har qanday turdag'i intolerans yo'qolishi mumkin. Ko'p madaniyatli jamiyat integratsiyaga asoslanadi, madaniy xavfsizlik a'zolarini ta'minlaydi va har bir kishiga maktab yordamida iqtisodiy va madaniyatlararo ta'limda qatnashish uchun teng imkoniyat beradi, biz madaniy plyuralizmga javoban shakllanadigan madaniy munosabat va xatti-harakatlarning shakllanishini inkor etib bo'lmaydigan integrativ fazilat bilan kuzatamiz.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Nedelcu, A. 2008. Fundamentele educației interculturale, Iași: Polirom, pp.28-32
2. Georgiu, G. 2010. Comunicare interculturală. Probleme, abordări, teorii, Bucharest: Comunicare.ro, p. 121
3. Ilie, G. 2014. Oferta educațională și piața muncii. Între dezechilibru și corelare, Craiova: Editura Sitech, p. 29
4. Williamson, O. The New Institutional Economics: Taking Stock, Looking Ahead / O. Williamson // Journal o! Economic Literature. - 2000. - № 3. -Pp. 595-613.
5. Torres, R. Innovaciyn y Tecnolog Ha: necesidad de cambios en los procesos de enseñanza - aprendizaje, inclusión de competencias y compromisos desde la formación docente / R. Torres // Vivat Academia. - 2012. - № 817 - Pp. 1520-1544.
6. Reiman, Alan J. What does innovation mean for moral educators? / Alan J. Reiman, H. Dotger Benjamin // Journal of Moral Education, - 2008. - Vol. 37. -№ 2. - Pp.151-164.



## ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚАМЛАШУВИ ШАРОИТИДА ҮҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.034>

Қобилова Уғилой Камилжановна,  
Тошкент шаҳар Олмазор тумани 233- мактаб директори

**Аннотация.** Уибу мақолада иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириши механизмлари, уибу фаолиятда синф раҳбари, мактаб психологи ва мактабдан ташқари таълиммуассасаси ҳамкорлиги фаолияти ҳақидамаълумотлар берилган. Шунингдек мақолада ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришининг педагогик-психологик ва методик томонлари ҳамкорлик масалалари орқали очиб берилган. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг касб-хунар малакаларини эгаллашида таълимда адаптив тизимнинг татбиқи масалаларига алоҳида тўхталинган.

**Калит сўзлар:** касб-хунар, ўқувчи, мактаб, синф раҳбари, мактабдан ташқари таълим, мактаб психологи, адаптив тизим, касб-хунар турлари.

## МЕХАНИЗМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОРИЕНТИРОВАНИЯ УЧЕНИКОВ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Кабилова Уғилой Камилджановна  
Директор школы № 233 города Ташкента

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о механизмах ориентации учащихся на профессию в условиях цифровизации экономики, о сотрудничестве классного руководителя, школьного психолога и внешкольного образовательного учреждения в этой деятельности. Также в статье раскрываются педагогические, психологические и методические аспекты ориентации студентов на профессию через вопросы сотрудничества. Особое внимание было уделено внедрению адаптивной системы в образование при приобретении профессиональных навыков учащимися общеобразовательных школ.

**Ключевые слова:** профессия, ученик, школа, классный руководитель, внешкольное образование, школьный психолог, адаптивная система, виды профессий.

## MECHANISMS FOR PROFESSIONAL ORIENTATION OF STUDENTS IN THE DIGITAL ECONOMY

Kabilova Ogiloy Kamiljanovna,  
Director of school N 233 of Tashkent city

**Аннотация.** This article provides information about the mechanisms of orientation of students to a profession in the conditions of digitalization of the economy, about the cooperation of a class teacher, a school psychologist and an out-of-school educational institution in this activity. The article also reveals the pedagogical, psychological and methodological aspects of

*students' orientation to the profession through issues of cooperation. Special attention was paid to the introduction of an adaptive system in education when acquiring professional skills by students of secondary schools*

*Keywords: profession, student, school, homeroom teacher, extracurricular education, school psychologist, adaptive system, types of professions.*

Жаҳонда таълим ва тарбия устиворлиги инновацион ривожланиш стратегияларини ва фаровон турмуш даражасини белгилаб беради. Бир қатор ривожланган мамлакатларда шахснинг шаклланиши ва тарбиясида етуклик, комиллик ғоялари устиворлиги, шунингдек жамият учун рақобатбардош кадр масаласи давлат сиёсатининг муҳим омили ҳисобланади. ЮНЕСКО (United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization) нинг 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида “ижтимоий институтларнинг таълимий ва тарбиявий, маданий ва маърифий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, ҳамкорлик қобилияtlари ва қизиқишлиарини кучайтириш” муҳим бўлиб қолмоқда.

Ўқувчи ёшларни касб-хунаргай ўналтириш борасида мамлакатимизда кўплаб илмий ишлар олиб борилган. Жумладан, Р. А. Мавлонова, Ҳ. Р. Санақулов, Б. А. Акбаров, М. Б. Артикова, Д. Б. Махмудова, А. А. Абдурашидов, Д. М. Бегматова, Р. А. Абдухаиров, М. М. Абдуллаева ва бошқалар илмий ишларида ўқувчи ёшларни касб-хунарга ўналтириш, таълим жараёнида технология машғулотлари ва мазмундорлигини ривожлантириш йўллари ва механизmlарини тадқиқ қилган ва илмий-методларини ишлаб чиқкан. Мамлакатимизда ўқувчи-ёшларни касб-хунарга ўналтириш доирасида илмий ишларга бўлган қизиқиш охирги пайтлар ёш олимлар орасида ортиб бораётганлигини таъкидлашимиз лозим ва бу ҳам юртимизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги туб ислоҳотлар билан боғлиқдир.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи давлатларда ўқувчи-ёшларни касб-хунарга ўналтириш уларда иқтидор ва қобилияtlарини ривожлантириш масалалари бўйича бир қанча илмий ишлар олиб борилган. Хусусан, И. Л. Тимонина, Л.Н.Бобровская, И. Б. Жижина, А. А. Филозан, Е. И. Пакулова, Э. М. Пешерова ва бошқаларнинг тадқиқотларида хунармандчилик асослари, ҳамда болаларни таълимнинг илк бўғиниданоқ хунарга ўргатишнинг педагогик ва психологик томонлари тадқиқ этилган. Шунингдек, бадиий хунармандчилик, қадимги ва ўрта асрлардаги кулолчилик тарихи хусусида Э.М.Пешерова ўз тадқиқотида батафсил таҳлил қилганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида умумтаълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга ўналтириш бўйича қатор ислоҳотлар белгилаб берилган.

“2021/2022 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим муассасалари битиравчилари ўз иқтидори ва қизиқишлиарига мос касбни танлаб олиши, меҳнат бозорида муносаб ўрнини топиши, касбий фаолиятида муваффақиятга эришиши учун «Касбга ўналтириш тизими» жорий этилсин.

Мазкур тизим доирасида:



7-синфдан бошлаб ўқувчилар ўртасида интерактив сўровномалар ўтказсин, касб-хунарга бўлган қизиқишини аниқласин ва уларнинг маълумотлар базасини яратсин;

7-синф ўқувчилари учун ҳар ойда бир марта «Касблар оламига саёҳат» мавзусида махсус курслар олиб борсин;

8-синф ўқувчилари учун ҳар чоракда камидা бир маротаба «Менинг келажакдаги касбим» мавзусида семинар-тренинглар олиб борсин ҳамда ўқувчиларни келажакда эгалламоқчи бўлган касбларга йўналтиrsin;

9-синф ўқувчиларининг касбий мойиллиги бўйича ўтказилган педагогик-психологик ташхислар натижалари асосида келгусида аниқ ишчи касблар бўйича касб-хунар мактабларида таълим олиши мумкин бўлган ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб борсин;

умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун махсус касбий тайёргарликни талаб қилмайдиган мутахассисликларга ўқитиш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил қилсин;

ўқувчиларнинг мактаб фанлари бўйича амалий дарсларини салоҳиятли иш берувчилар, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, кластерлар ва кооперацияларда ўтказилишини таъминласин;

туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш марказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари ҳамда яқин масофада жойлашган касб-хунар мактабларида умумтаълим муассасалари ўқувчиларини касбга йўналтириш бўйича махсус «ситуацион хона»ларни ташкил этсин, электрон дастур ва кўргазмали материалларни ишлаб чиқсин;

туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш марказлари раҳбарлари томонидан умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун касбга йўналтириш бўйича амалий дарслар ўтказилишини таъминласин.”

Ушбу вазифалардан кўриниб турибдики, “Касбга йўналтириш тизими” жорий этилиб, ўқувчиларнинг касб-хунарга бўлган қизиқишини аниқлаш ва уларнинг маълумотлар базасини яратиш, ўқувчиларни келажакда эгалламоқчи бўлган касбларига йўналтириш, 9-синф ўқувчиларининг касбий мойиллигини ўрганиш, ўқувчилар учун мутахассисликларга ўқитиш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил қилиш масалалари муҳим қилиб белгилаб берилган.

Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари ҳозирги кун учун долзарблигини кўрсатмоқда. Келажак авлодни жамият учун керакли, рақобатбардош кадр этиб тарбиялаш мактаб остононларидан бошланиши сир эмас. Умумтаълим мактаблари ва педагоглари зиммасидаги бу залворли вазифа катта масъулиятни талаб этади. Бола жамиятда ўзи учун муҳим ва тўғри бўлган касбни эгаллашида унга мактаб, синф раҳбари, ота-она, маҳалла, мактаб психологи яқиндан қўмакчи бўлади. Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида янги замонавий касблар билан таништириш ва уларнинг мазмун моҳиятини очиб бериш умумтаълим мактаблари зиммасидаги вазифани белгилайди. Бу борада мазмун синф раҳбари ва мактаб психологи ҳамкорлиги фаолиятини тақозо этади.

Мамлакатимизда ўқувчи-ёшларнинг замонавий касб-хунарларни эгаллашлари, уларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб этишишлари, шунингдек меҳнат шаклларини ривожлантириш давлат

сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Президентимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармойишлар ушбу йўналишнинг муҳим эканлигини кўрсатади ва ривожланиши учун дастуриламал бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884 сонли “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида: ҳалқ таълими тизимида касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик хизмат кўрсатиш, илғор тажрибаларга асосланган касб-хунарга йўналтиришнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этиш; вазифаси белгилаб берилди.

Шунингдек, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида умумтаълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш тизимини жорий этиш вазифаларидан келиб чиқиб, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва педагогик-психологик республика ташхис маркази томонидан “Касбим – келажагим” номли ягона онлайн платформа яратилди. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бу платформа ўқувчиларнинг қобилияти, қизиқиши ва иқтидорини аниқлаш, ўқувчиларни онгли равишда касб танлашларига хизмат қиласди.

Тадқиқотимиз моҳиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида касб-хунар сўзига қўйидаги таъриф берилган.

Касб-хунар лексикаси- (Профессионализмлар) муайян касб ёки хунар эгалари нутқига хос сўз ва тушунчалар мажмуи. Бошқа тилдан сўз олиш, мевага хос сўзлар умумхалқ тилига хос ўзгартирилган сўзлар К.-ҳ.л.ни юзага келтириши мумкин. Касб-хунарнинг ривожланган тармоғи ( мас., пахтачилик, тиббиёт, техника ва бошқалар) лексикаси бой бўлиб, шу соҳаларга бой бўлиб, шу соҳаларга оид алоҳида адабиётлар ҳам нашр этилган. Фан техникага оид терминларнинг умуман тил луғат таркибининг бойишида ва ҳалқнинг моддий маданият тарихини ўрганишда улар муҳим манба ҳисобланади. К.ҳ.л. бадиий адабиётда муайян персонаж хусусияти табиатини чуқурроқ ёритишда бадиий тасвир воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Хунарманд – 1) хунар устаси; бинокор, дурадгор ва б; уйида ёки ўз дўконида бирор маҳсулот и.ч. б-н шуғулланувчи уста, косиб; 2) бир ишни осон ва тез уddyalай оладиган тадбиркор; ўз ишининг устаси. (391-бет)

Табиий савол туғилади “Касб қандай танланади?”, “Умумтаълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришда мактаб психологи ва синф раҳбарининг роли қандай? ”.

Мактаб ўз олдига келажак авлодни баркамол шахс этиб тарбиялашни мақсад қилиб қўяди ва ҳар томонлама етук шахсни ривожлантириш вазифасини илгари суради. Шундай экан, бу вазифаларни мазмунли олиб бориш ва таълим-тарбия самарадорлигини кўтариш синф раҳбари ва мактаб психологи зиммасидаги масъулиятини оширади. Ўқувчи-ёшларни замонавий руҳда тарбиялаш, уларнинг иқтидор ва қобилияtlарини аниқлаш, ўз эҳтиёжларидаги касб-хунарга

йўналтириш ишлари мактаб таълим-тарбия контентининг асосий мазмунига айланиши керакки, мактаб битиравчилари жамиятда тезгина ўз ўринларини топиб кетишсин.

Бугунги кунда жамият ва таълим тизими ўқувчи-ёшларнинг ўз нуқтаи-назарини аниқ белгилаши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Улар олдида ўз кучлари ва салоҳиятларини меҳнат ва касбий фаолиятнинг турли соҳаларига сафарбар қилиш имконияти вужудга келмоқда. Ўқувчилар мактабда тўғри касб танловини амалга оширишлари учун фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари, мактаб психологи уларга яқиндан ёрдам бериши керак. Тўғри касбий танлов бугунги кунда инсон ҳаёт йўлини белгиловчи асосий омил сифатида муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга. Шахснинг кўпгина ижтимоий имкониятлари худди мана шу танлов натижасида рўёбга чиқади.

Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ишлари таълим ислоҳотлари билан биргаликда ҳамоҳанг руҳда ташкил этилиши керакки, бунда замонавий касб турлари ва уларнинг бола тарбиясидаги роли ўқувчи шахсидаги менини, келажак истиқболини, жамият учун манфаатдорлик томонларини ривожланишига хизмат қилсин. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг касб-хунарга оид дастлабки кўникма, малака ва танловлари албатта синф раҳбари ва мактаб психологи ҳамкорлиги фаолиятида юзага келадики, жумладан, ўқувчи иқтидор ва қобилиятини юзага чиқариш, ўз эҳтиёжлари ва қизиқишлири асосида қарор қабул қилиш, ҳар бир касб-хунар бўйича етарлича маълумотни эгаллаш, жамиятда рўй бераётган ўзгариш ва янгиликларни қабул қилиш, янги касблар ва уларнинг замон ривожидаги ролини англаш каби тушунчалар фаолият моҳиятини очиб беради. Бу ҳатти-ҳаракатлар психологик-педагогик мазмун касб этади. Умумий ўрта таълимда болани касб-хунарга оид таълимий фаолияти албатта синф раҳбари ва психологининг йиллик иш режасида ўз мазмунини топади.

Ҳар қандай давлат миллат келажаги бўлмиш ёшларнинг баркамол бўлишини истайди. Ҳар бир замонда ижодкор шахсни тарбиялаш ва етиштириш муҳим ҳисобланган. Инсон камолотга етар экан унда ҳам жисмоний, ҳам маънавий етуклик бўлмоғи керак. Шу боис бугунги кунда юртимизда замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатимизнинг келажаги учун масъулиятли, интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мактаб ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ишларида синф раҳбари синф тарбиявий фаолиятини ўқув йилининг бошида режалаштириб олади. Йиллик иш режа мактаб маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари томонидан тасдиқланади. “Мен севган касб? Мен нима учун бу касбни севаман?” мавзусидаги мунозарали давра сухбатлари орқали синф раҳбари ўқувчиларни касб-хунарга оид билимларини шакллантириб оладилар. Шунингдек, ўқувчиларни “Бизни ўраб турган хамма нарса инсоннинг меҳнати билан бунёд бўлган.” мавзусидаги тадбирларда намуна ва ибрат қилиб келтиришимиз мумкин бўлган меҳнаткаш, ҳунарманд кишилар фаолияти билан ҳам яқиндан таништирилади. Синф тарбиявий соатларида режалаштирилган “Ўзбекистоннинг замонавий фирмаси ва ишлаб чиқариш корхоналари”

мавзусидаги саёчат машғулотларида бевосита ишлаб чиқариш ва бизнес соҳаси билан ўқувчиларни амалий танишириш назарда тутилади.

Ота-оналарни синф мажлислари ва тарбиявий соатларга жалб этган ҳолда уз касб-корлари ҳакида суҳбат ташкил этиш тадбирлари орқали болаларни ўз ота-оналарининг касблари билан фахрланиш туйғусини шакллантирибгина қолмай, балки ўқувчиларнинг касбга йўллаш мақсадларини ҳам амалга ошириш мумкин бўлади.

Тарихдан маълумки, буюк алломаларимиз бола тарбияси, иқтидори, қобилияти хусусида ўз асарларида кўплаб маълумотлар келтирганлар. Жумладан, Форобий ўзининг фозил жамоасида одамларни турли белгиларга қараб гурухларга бўлади. Бунда у, кишиларнинг диний мазҳабига, миллатига, ирқига қараб эмас, балки табиий хусусиятларига, қобилиятларига, ақлий иқтидорига, билим кўникмаларига эътибор беришлик зарур дейди. Форобий давлатни етук шахс бошқариши лозим дейди; яъни жамоани идора этувчи адолатли, доно бўлиши, қонунларга риоя этиши ва қонунлар яратса олиши, келгусини олдиндан кўра билиши, бошқаларга ғамхўр бўлиши лозим дейди.

Форобий ўз ишларида таълим – тарбияни узвий бирлиқда олиб бориш ҳакида таълим берган бўлса ҳам, аммо ҳар бирининг инсонни камолга етказиша ўз ўрни ва хусусияти бор эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Инсон хиссий ва маънавий талабларни ажратиб олиш имкониятига эга экан, бу имконият аста-секин инсон феъл-атворига хос хислатга айлана боради. Ибн Сино инсоннинг шаклланишида унинг атрофини ўраб олган ташки муҳит, одамлар алоҳида роль ўйнайди, ана шу ташки муҳит ва одамлар инсоннинг атроф-дунёни билишигагина эмас, балки унинг хулқида яхши ёки ёмон жиҳатларнинг таркиб топишига ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлиш кераклигини, бола ёмон одатларга ўрганмаслиги учун, уни ёмон одамлардан, ёмон муҳитдан узоқроқ сақлаш зарурлигини уқтиради.

Болаларни ҳаётда керак бўладиган касб-хунарга ўргатиш, олган билим ва касбини амалий ҳаётда намоён эта олиши ва ишлатиши учун имкон яратиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бу эса замонавий усуслар билан бирга, миллий педагогиканинг ютуқлари, ота-боболаримизнинг педагогик қарашлари, илгор иш тажрибаларидан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Бир болага етти маҳалла ота-она, дейдилар.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда нафақат мактаб, балки мактабдан ташқари таълим муассасаларининг роли ҳам беқиёсdir. Мактабдан ташқари таълим, ҳалқ таълими тизимининг шундай бир бўғиники, болалар ва катталарнинг интеллектуал қобилиятни ривожлантирувчи, ҳар томонлама баркамол, маънан етук, жисмоний ва касбий маҳоратга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш, давлат таълим стандартлари ва талаблари бўйича қўшимча таълим бериш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва самарали ташкил этишга қаратилган таълимий маскандир.

“Баркамол авлод” болалар мактаблари боланинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун хизмат қиласр экан, бу даврда боланинг иқтидор ва қизишлиарини ҳисобга олиб уни аста секин ҳаётга тайёрлаб боради, касбий кўникмаларини шакллантиради ва касб-хунарга йўллайди.

Кўшимча таълим сифатида қараладиган бу таълим тури бола учун таълимнинг энг муҳим тури сифатида қаралади. Унинг асосий фаолият мазмунини ташкил этувчи бу таълим тури боланинг ички имкониятларини юзага чиқаради, жамоада ишлашга ўргатади, қобилият




ва қизиқишлиарини тарбиялади. Бу йүлда нафақат мактабдан ташкари таълим педагоглари, балки умумурта таълим мактаблари педагоглари хам ўқувчиларни бевосита бу таълим турига жалб этишлари муҳимдир.

Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумтаълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ишининг самарадорлигини оширишга таъсир этувчи тамойилларни аниқлаштирамиз. Тамойиллар иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумтаълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ишларини такомиллаштиришга асос бўлади.

Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумтаълим мактаби ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришда инсонпарварлик, илмийлик, тизимли, истиқболи, мақсадли, реаллик, узвийлик тамойилларига асосланишини қуйидаги расмда кўриб чиқамиз.

**Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумтаълим мактаби  
ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш тамойиллари**



Дарҳақиқат ёшларимизни болалик давриданоқ улар қизиқкан

соҳага жалб этиш, қобилият ва кўникмаларини ривожлантириш, иқтидорларини ишга солиш биз педагоглар ва ота оналар зиммасидаги залворли масъулиятдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз қуйидаги хulosаларга келамиз:

- иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг касб-хунарга йўналтириш муаммоси узлуксиз таълим амалиётида долзарб бўлиб, танлов шароитида мустақил қарор қабул қила оладиган ахлоқий авлодни тарбиялаш зарурати билан боғлик;

- фалсафий, психологияк, педагогик ва илмий диссертациялар, дарслик, илмий ва услубий адабиётларни таҳлил қилиш хорижий, МДҲ давлатлари ва мамалакатимиз тадқиқотчиларининг турли йилларда ушбу муаммога қизиқишини тасдиқлайди;

- иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг касб-хунарга йўналтириш муаммоси ўқувчиларнинг эски касблардан янги касбларга ўтиш тенденциясини ривожлантириди ва мустаҳкамлади, бу эса умумий ўрта таълим мактабида ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнларини ҳамда тўғри касбий танловга эришиш мақсадини илгари сурди;

- иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг касб-хунарга йўналтиришда синф раҳбари ва мактаб психологи ҳамкорлигининг фаолияти кузатилмайди, замонавий касблар билан ўқувчиларни таништиришга эътибор қаратилмайди, ҳамкорлик фаолияти ушбу масаланинг тўлиқ мазмунини қамраб олмайди, услубларнинг тўлиқ тўплами ишлатилмайди, уларнинг хилмажиллиги; ўқитувчилар кўпинча кўрсатмалар, маслаҳатлар, эслатмалар билан чегараланадилар, ўқувчини амалиётга, ишлаб чиқаришга жалб этиш орқали касб-хунар бўйича шахсий тажрибасини тўплаш ҳақида ўйламайдилар.

Шундай қилиб, бу камчиликлар иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг касб-хунарга йўналтиришнинг асосий хусусиятларини аниқлаш ва бу жараёнда синф раҳбари, мактаб психологи ва мактабдан ташқари таълим тизимининг ҳамкорлик фаолияти мазмунини ривожлантириш заруратини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1 Incheon declaration/Education 2030: Towards incluzive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). бр. 26 Р.

2 Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Узбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони

3 Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884 сонли “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

4 Узбекистон миллий энциклопедаяси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2002 й.

5 Махмудова Дармонжон Бозорбоевна. Мехнат ва касб кўникмалари воситасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоийлаштиришнинг дидактик тизими. Пед. фан. бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2019й



## **КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.035>

*Мирзаев Козимжон Камилджанович,*

*"Oriental private school" нодавлат таълим муассасаси боши  
директори*

**Аннотация:** мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурини креатив ёндашув асосида ривожлантириши масалалари ёритилган. Бунда мактабгача таълим тизими таълим жараёнини ислоҳ қилиши, педагоглар ва тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириши, машғулотлар мазмундорлигини ошириши, болалар тафаккурини ривожлантириши бўйича маълумотлар берилган. Шунингдек ўрганилган адабиётлар ва кузатилган тажрибалар жараёнида бола тафаккурини ривожлантириши бўйича таклиф ва хуносалар келтирилган.

**Калим сўзлар:** креативлик, креатив ёндашув, тафаккур, касбий компетентлик, потенциал креативлик, педагогик креативлик, креатив қобилияtlар, креатив компетентлик.

## **РАЗВИТИЕ МЫШЛЕНИЯ ДОШКОЛЬНИКОВ НА ОСНОВЕ ТВОРЧЕСКОГО ПОДХОДА**

*Мирзаев Козимжон Камильджанович,*

*Восточная частная школа негосударственного образования*

*Генеральный директор учреждения*

**Аннотация:** В статье рассматривается развитие мышления у дошкольников на основе творческого подхода. Приведены сведения о реформировании воспитательного процесса в системе дошкольного образования, развитии профессиональной компетентности педагогов и воспитателей, повышении содержания уроков, развитии мышления детей. Имеются также предложения и выводы по развитию детского мышления в изученной литературе и наблюдаемых экспериментах.

**Ключевые слова:** творчество, творческий подход, мышление, профессиональная компетентность, творческий потенциал, педагогическое творчество, творческие способности, творческая компетентность.

## **DEVELOPMENT OF THINKING OF PRESCHOOL CHILDREN ON THE BASIS OF A CREATIVE APPROACH**

*Mirzaev Kozimjon Kamildjanovich*

*Oriental private school non-governmental education*

*General Director of the institution*

*Annotation: V state rassmatrivaetsya razvitiye myshleniya u doshkolnikov na osnove tvorcheskogo podkhoda. Privedeny svedeniya o reformirovaniii*

*vospitatelnogo protsessa v sisteme doshkolnogo obrazovaniya, razvitiu professionalnoy kompetentnosti pedagogov i vospitateley, povyshenii soderjaniya urokov, razvitiu myshleniya detey. Imeyutsya takje predlojeniya i vvody po razvitiyu detskogo myshleniya v izuchennoy literature i nablyudaemyx eksperimentakh.*

**Keywords:** *creativity, creative approach, thinking, professional competence, potential creativity, pedagogical creativity, creative abilities, creative competence.*

Республикамизда глобаллашув шароитида юз бераётган таълим соҳасидаги ўзгаришлар асосида мактабгача таълим тизимида касбий ва методик фаолият самарадорлигини ошириш, тарбиячиларнинг креативлик потенциалини ривожлантириш юзасидан кенг миқёсда изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур жараён бугунги кунда креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбия жараёнини модернизация қилишнинг устивор йўналишлари: ноформал (ўқитиш – асосий изланиш “Ҳамкорлик стратегияси” асосида ўқув жараённига инновациялар, онлайн ўқитиш, тьюторли таълимга ургу берилиши) ва информал (ўқитиш – индивидуал ҳолатда ва шахсий) ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, болаларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантиришнинг самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиши, машғулотларнинг интеграциялашувини таъминлашнинг турли моделлари ва технологияларини яратиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сонли “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 30 августдаги 155-сон “Давлат мактабгача таълим ташкилотлари педагогларининг иш хужжатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғида белгилаб берилган мактабгача таълим тизимини фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳалари билан интеграциялашувини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида қаралиши мактабгача соҳа йўналишида фаолият юритаётган мутахассисларнинг педагогик маҳорати ва креатив қобилияtlariga нисбатан талабларнинг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Бундай талабларнинг юзага келиши илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда ўқув-услубий жараёнга инновацияларни жорий этиш, тарбиячиларнинг креатив потенциалини ривожлантириш ва педагогик



компетентлик билан қуроллантириш мұхым педагогик аҳамият касб этади.

Республикада кейинги йилларда мактабгача таълим соҳасига қаратилаётган алоҳида эътибор ва мазкур йўналишда қабул қилинган бир қатор ҳужжатлар таълим сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича меъёрий-ҳукуқий базани яратиш имконини берди.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганды креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш мазмунини такомиллаштириш педагоглар олдига қўйилган асосий вазифалардан биридир.

Мактабгача таълим муассасаларида “Илк қадам” ўқув дастурини татбиқ этишда шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларида юқори самарали замонавий таълим ва инновацион технологиялар, таълим - тарбия соҳасидаги ўзгаришларни узлуксиз таълим тизимининг энг кўйи бўғини мактабгача таълим тизимидан бошлиш, хар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлаш, соғлом генофондни, етук кадрларни тарбиялашда фоят мұхим вазифалар сифатида кўрсатиб ўтилган.

Айтиш ўринлики глобаллашув, техноген цивилизация ёш авлод тарбиясига ҳам ўз таъсирини ўтказаётгани сир эмас, бугунги кун боласини “ўтмиш эртаклари, воқеалари” билан алдаб бўлмайди, уларни реал воқеаларга асосланган маълумотлар кизиктиради. Аксарият ҳолларда бир ёшли боламиз мобиљ алоқа воситаларидан “фойдалана” олаётганлигини қувонч билан гапирамиз. Демак, мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган замонавий тарбиячи мактабгача таълим соҳасида кечәётган янгиланишларни билиши, ўз устида тинмай ишлаши, доимий ўзгариб турувчи ностандарт шароитларда амалий фаолиятга инновацион тайёрлигини таъминлаш эҳтиёжини юзага келтирмоқда, бу эса қўшимча, ноанъанавий, параллел мустақил таълим тизимларини яратишга эҳтиёж туғдирмоқда.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги муаммолар орасида энг мұхимлари мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини таълим жараёнинга креатив ёндашув масалаларини модернизациялаш, инновация ва новация, инновацион таълим технологиялари билан қуроллантириш лозим. Креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш жараёнини мазмунли ташкил қилиш таянч ўқув режасининг қанчалик мустаҳкам эгалланганлигига боғлиқ.

Креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш жараёнининг ўзига хослиги дидактик имкониятига кўра янги таълим субъектлари: тарбиячи – тарбияланувчи– ота -она ҳамда методист-ўқитувчи-профессионал, фуқаро-шахс; тарбияланувчилар жамоаси; педагоглар жамоаси; жамоатчилик бирлашмаларини таркиб топтириш билан боғлиқдир.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини

ривожлантириш жараёнига янгича ёндашув учун зарурий шартшароитлар яратиш, уни мактабгача таълим ташкилотларининг таълимий имкониятлари ва тарбияланувчиларнинг қобилияятларини ўстириш билан боғлиқ мустақил фаолиятга ташаббус уйғотиш ва кўллаб-куватлаш; тарбиячилар жамоасини ҳамкорликдаги ижтимоий аҳамиятга эга, инновацион ўкув лойиҳалари, дастурлар, таълим-тарбия технологияларини ишлаб чиқищдаги иштирокини таъминлаш, хорижий ҳамкорликни кенгайтириш тушунилади.

Айтиш ўринлики, мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларининг креатив қобилияятларини ривожлантириш таълим хизматларини диверсификациялаш, сифат менежментини жорий қилиш, педагогик технология ва таълим стратегияларини ўзаро интеграциялаш, таълим шаклларини оптимизациялаш вазифаларини белгилайдиган техник ва инсон ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини хисобга олган ҳолда ўқитиши ва билимларни ўзлаштиришнинг “бутун” жараёнларини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методи ЮНЕСКО томонидан алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарорида мактабгача таълимда фанларни ривожлантирувчи муҳитнинг инновацион технологиялари ва модулларини ишлаб чиқиши, мактабгача ва умумий бошлангич таълим изчиллигининг мазмун ва процессуал компонентларини оптималлаштириш, мактабгача ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик ва мусиқий тарбия ҳамда таълим даражасини ошириш, эрта ёшдан бошлаб STEAM ўқитиши асосларини жорий этиш муҳим вазифа сифатида кўрсатиб ўтилди.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда:

- болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш қўламини ошириш;
- болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш;
- мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларини илгор хорижий тажриба асосида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича соҳага оид билимлар ва кўнилмаларни ривожлантириш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Шу боис, мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришда таълим мазмунни креатив технологияларини ишлаб чиқиши, таълим сифатини ошириш, ўкув режа ва дастурларни модернизациялаш, педагог кадрларининг креатив тафаккурини шакллантириш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида “Эл-юрт умиди” жамғармаси фонди ҳисобидан тажриба алмашишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиши заруриятини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Мавзуу моҳиятидан келиб чиқиб айтиш жоизки, бугунги кунда педагогик атамалар луғатида “креатив”, “педагогик креативлик”,



“креатив қобилиятлар”, “креатив компетентлик” терминларини жуда күп учратамиз. Табиий савол туғилади, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришда креатив ёндашувнинг ўрни қандай? Бунинг зарурияти нимада? Мазкур саволларга жавоб беришдан олдин “креатив”, “педагогик креативлик”, “креатив қобилиятлар”, “креатив компетентлик” терминларига тўхталиб ўтсак. Илмий адабиётларда “креативлик” ҳамда “креатив компетентлик” тушунчалари қўлланилади.

Креативлик - (лот. «creativi»; ингл. «creativite» «яратиш», «бунёд қилиш») – бу ижодий қобилиятлик даражаси, шахснинг барқарор сифати хисобланадиган ижод қилишга бўлган қобилияти бўлиб, у креатив тафаккур билан боғлиқ. Креатив тафаккур – бу шахснинг ўз олдида турган вазифаларини ностандарт ҳал этиш ҳамда ўз мақсадларига эришишнинг янги, янада самаралироқ йўлларини топиш қобилиятидир. Яъни креативлик асосан бошқаларга ўхшамаган ғояларни ўйлаб топиш, анъана тусига кириб қолган фикрлашдан қочиш ҳамда муаммоли вазиятларни тез ҳамда самарали ҳал этиш йўлларини билиш хисобланади. Креативлик инсондаги ижодкорлик қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришга асос яратадиган индивидуал сифатларининг ҳамда фикрлаш қобилиятларининг бирлигидан иборат бўлади.

Креатив компетентлик (инг. «creative» яратувчанлик, ижодкорлик). Компетентликнинг бу тури педагогнинг янгилик яратиш, ижодкорлик ва ташкил этиш сингари кўникмаларга эга бўлиши билан боғлиқ. Креативлик фақатгина янги ғояларни яратиш учунгина эмас, балки шахснинг турмуш тарзи ва маънавиятини юксалтириш учун ҳам катта ахамиятга эга. [97;]

Бир қатор педагогик адабиётлар таҳлили ва кейинги йилларда илмий изланишлар олиб борилган тадқиқот ишларида ҳам “креатив”, “педагогик креативлик”, “креатив қобилиятлар”, “креатив компетентлик” тушунчаларига атрофлича изоҳ бериб ўтилган. “Креатив ёндашув” тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин.

Адабиётлар таҳлили асосида айтишимиз мумкинки, креативлик термини Англия-Америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлиб, бунда креативликнинг интеллект билан боғлиқлиги масалалари ҳамда креативликнинг психологик жиҳатлари ва унинг ҳар бир шахснинг индивидуал ўзига хос хусусиятларига боғлиқлиги ўрганилган. М.Н.Гнатько креативликнинг механизмларини иккита турга ажратиб таҳлил қилган. Булар:

- потенциал креативлик - бу креативликнинг зарурий шарти бўлиб, қандай шароит бўлмасин педагогларнинг креативликга тайёр туриши, шунинг натижасида ўз ғояларини амалга оширишидир.

- фаолиятдаги креативлик – бу муайян бир соҳадаги креативлик хисобланади.

Креативлик педагогларда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди [96;] Гносеологик, аксиологик ва креатив технологиялар (таълимнинг

технологик воситалари)ни фаол равишда таълим жараёнида қўллаш креативлик потенциалини ривожлантириб боришига замин яратади. Бу эса даврнинг ижтимоий талаби бўлиб, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиши жамият тараққиёти билан ҳамнафас тарзда педагоглардан ўз устида ишлашини, ўзини креатив бойитиб боришини, илм-фаннинг ютуқларидан бохабар бўлиб, уларни ўз фаолиятига сингдириб боришини талаб этади.

Бизнинг мавзуумиз моҳиятидан келиб чиқиб айтишимиз лозимки, креатив ёндашув асосида мактабгача мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш тарбиячидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўзўрнини эгаллаши, дучкеладиган муаммолар ечимини ҳал этиши, энг муҳими, ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Педагогик фаолият ва кузатишларимиз асосида айтишимиз мумкинки, тарбиячилар ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч креатив компетенцияларга эга бўлиши лозим. Фикримизча, ҳар бир тарбиячи касбига садоқат билан ёндашган ҳолда:

- интеллектуал-ижодий ташабbusлар кўрсатиши;
- касбий билимларининг кенглиги ва теранлиги;
- интеллектуал қобилияtlарга эга бўлиши;
- турли зиддиятларга тайёр туриши;
- ижодий ғояларни илгари суриш ва уларга танқидий муносабатлар билдира олиш;
- янгиликларга интилиш;
- ўзининг тажрибаларини бошқаларнинг тажрибалари билан таққослаган ҳолда ўзининг имкониятлари, камчиликлари ва муваффақиятларини англаб этиши;
- ўзидағи креатив жиҳатларни англай олиши;
- ўзини кўрсата олиши, янгиликларни амалиётга олиб киришга тайёр туриши;
- ҳар бир педагог тарбияланувчилар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш жараёнини лойиҳалашда таълим стратегиялардан ўзи учун мақбулини танлаши мумкин. (Стратегиялардан бирининг танланиши ўқитувчининг касбий тайёргарлиги, шахсий қизиқишилари, шунингдек, мавжуд ҳаётий вазиятларга боғлиқ).

Биламизки, ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти ҳисобланади. Кун тартибини тузишда кундузги уйқу, дам олиш вақти ва сайрга чиқиши вақти ҳисобга олинади. Айнан муассасада тўғри ташкил этилган кун тартиби болаларнинг нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Креатив ёндашув асосида тарбияланувчилар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришнинг тизимли таҳлили шуни кўрсатдики, таълим



тизимиға педагогик технологияларни самарали жорий этишда мавжуд муаммолар қаторига қуидагилар киради:

—үйинли таълим технологияси ғояларининг таълим жараёнига тўлақонли татбиқ этилиши учун минтақавий ички имкониятларни пухта ўрганиш;

—нутқ ўстириш, бадијадабиёт ва бошқа машғулотларни ўқитилиши жараёнига илғор технологияларни жорий этиш интеграцион таълимни татбиқ этиш чораларини белгилаш, зарур шарт - шароитларни яратиш;

—боланинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда машғулотларни оммавий, гурухли ҳамда индивидуал турларини ташкил этишда уларни мустақил фикрлашларига имконият яратиш;

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, инсон тафаккурига хос бўлган педагог фаолиятининг инвариант ва вариатив қисмларни ёритувчи лойихаларни яратиш ҳам тарбиячи-ўқитувчилардан билимдонликни, ақлий зўриқишини, бугунги тил билан айтиладиган бўлса, педагогик компетентлиликни талаб қиласди. Бола шахсини унинг ҳуқуқлари, ўзига хос ривожланиш ҳусусият ва салоҳиятларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш учун, аввало, тарбиячи ёки муаллимнинг ўзи “зукко” бўлмоғи шартдир. Бунинг учун педагогларнинг ўзаро дарсларига кириши, очик дарслар, ижодий фаолият олиб боришига қаратилган лойихалар устида ишлаши, семинарлар, касб билан боғлиқ турли конкурслар, илмий-амалий конференциялар, ижодий лабораториялар ҳам педагогларнинг креатив потенциалини ривожлантиришга муҳим педагогик аҳамият касб этади. Фанда улар муҳтасарлиқда креатив компетентлик деб аталади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “нутқ ўстириш”, “тафаккур” тушунчаларига қуидагича изоҳ берилган. [130;]

Нутқ инсон томонидан ижтимоий - тарихий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга узатиш ёки алоқа ўрнатиш, ўз шахсий ҳаракатларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни.

Педагог адабиётларни ва бир қатор педагог, психолог олимларимизнинг илмий изланишларини мушоҳада қилиб, мазкур тадқиқот ишида ўз ишчи таърифимиз қабул қилинди: “Креатив ёндашув асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш – маҳсулдорлик, яъни ишлаб чиқилган янгиликларнинг кретивлиги машғулотларда аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда ўз билими, хаётий тажрибаси, имконияти доирасида турли йўл ва усувлардан фойдаланиб креатив ва ижодий фикрлаш, мушоҳада юритишга йўналтирилган педагогик фаолиятдир”.

Тадқиқот ишларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш натижасида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш тушунчаларининг мазмун моҳиятини аниқ ва чуқур ўрганишга ҳам муваффақ бўлдик. Бу эса, тарбияланувчилари нутқини

ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш тушунчасининг педагогик мазмуни типологиясини яратишга асос бўлди.

Мазкур типология асосида (типология - билиш методи бўлиб, унинг асосида обьектлар тизимини тақсимлаш ва идеал моделлар ёки типлар ёрдамида уларни кейингилар учун гурухларга ажратиш, шунингдек типологик тасвирлаш натижасидир) креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш модели диссертациянинг тажриба-синов ишлари босқичида илмий-назарий гипотеза тарзида амалиётга татбиқ этилди ва синовдан ўtkазилди. “Мактабгача таълим ташкилотлари – умумий ўрта таълим муассасалари - оила” ҳамкорлик стратегияси мазмуни асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришда узвийликни таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди.

Муаллифлик ёндашуви асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш тушунчасининг педагогик мазмунини қўйидагича тасниф этдик: креатив ёндашув → тарбиячи → тарбияланувчилар → катта ва мактабга тайёрлов гуруҳи → ўз-ўзини англаш → нутқ ва тафаккурини ривожлантириш → креатив ва ижодий фикрлаш, мушоҳада юритишга алоҳида ургу бериш→ креатив ҳаракат қўнималарини ривожлантириш → креатив фикрлаш → креатив фаолият → креатив потенциалини ривожлантириш → креатив компетентлиликни ривожлантиришдаги узвийлиги таъминлашни, улар давомийлиги ва устуворлигини талаб этади.

Бизнинг фикримизча, мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган концепцияда қўйидаги тўртта асосий негиз устувор ўрин эгаллади:

- мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришда халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, маънавий меросига таяниш;

- болалар нутқида тўғри талаффуз, қулай грамматик шакллар ва хилма-хил гап конструкцияларидан фойдаланишга эътибор қаратиш;

- иккинчи тилни ўрганишга қизиқиш уйғотиш, иккинчи тилни эгаллаш бўйича дастлабки билимларини бериш;

- катта ва мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг лугат ва сўз бойлигини ошириш; (Масалан, эртагимни давом эттир ҳар бир бола бир сўз ёки бир жумла орқали эртакани давом эттиради, шу орқали болада нутқ ва тафаккур жараёни ривожланишига эришилади)

-бадиий адабиёт асарларига қизиқиш уйғотиш;

Креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришда илмий-назарий ва амалий жиҳатдан қўйидаги вазифаларни амалга оширишга эришиш мақсадга мувофиқдир:

-замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни таълим

жараёнига креатив ёндашувларига эришиш, ўқув режа ва дастурларини такомиллашибирлиш;

- катта ва мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг нутқ ва тафаккурини Шарқ мутафаккирларининг илмий меросига асосланган видео тасвирлар воситасида шакллантириш;

- мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

- мактабгача таълим муассасасининг кўргазмали-ривожлантирувчи муҳити мазмуни маданий-тарихий қадриятлар: миллий ва минтақавий анъаналар; табиат, иқлимдан келиб чиқувчи миллий хусусиятларини англаб олишга бўлган эҳтиёжни таркиб топтириш;

- болаларни ўз билими, ўз кучи, ўз садоқатини аямасдан Ватани равнақи учун ҳисса қўша олишга тайёрлаш;

- мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини Ватанига фидоий, жасур, соғлом, билимли ва ҳар томонлама етук, юқори ахлоқли пок инсон бўлишга йўллаш;

- глобаллашув ва техноген цивилизация шароитида болаларни ахборот хавфсизлиги талабларини англаб етишга йўллаш, ижодкорлик фазилатларини таркиб топтириш;

- ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик каби хислатларни таркиб топтириш;

- болаларнинг нутқ ва тафаккурини шакллантиришда “Узлуксиз таълим-оила ва маҳалла”нинг роли муҳимлигини ҳисобга олиш.

Боланинг шаклланиши ва соғлом бўлиш даражаси “Узлуксиз таълим-оила ва маҳалла” билан бир қаторда мактабгача таълим ташкилотида фаолият юритаётган педагоглари тажрибаси ва касбий компетентлигига боғлиқдир.

Тадқиқотларимиз давомида биз, мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантиришнинг таркиби компонентларини таҳлил қилиб чиқдик. Бу мураккаб педагогик жараён бўлиб, уни амалга оширишда дидактика, тарбия назарияси, таълим менежментида олға сурилган илфор инновацион ғояларга таянган ҳолда иш кўриш талаб этилади. Ушбу жараёнда оила, таълим муассасалари ҳам фаол иштирок этишлари талаб этилади. Бу, албатта, биринчи навбатда, таълим жараёнидаги обьектларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда, тарбиявий иш мазмуни, шакл ва методлари, воситаларини танлаб олинишини тақозо этади. Шу боис, “Илк қадам” ўқув дастури қайд этиб ўтилган “Нутқ, ўқиши ва саводга тайёргарлик” ҳамда “Бадиий адабиёт билан таништириш” бўлимлари мазмунан диссертацияда илгари сурилган муаммога бевосита боғлиқ бўлганлиги учун навбатдаги параграфларда таҳлил қилиб чиқдик.

Холоса ўрнида айтиш мумкинки, креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш ва тафаккурини ривожлантириш ўқув-

методик ресурслар мазмунини инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш, модулли технологиялардан фойдаланиб мактабгача таълим ташкилотлари ўкув дастурларини такомиллаштириб бориш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорию
2. 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
3. 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сонли “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
4. 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
6. Поддъяков Н.Н. Мышление дошкольника. – М.: «Педагогика», 1977. –С. 222.
7. Фозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1990.
8. Каримова В.М., Суннатова Р. Мустақил фикрлаш. – Т.: «Шарқ», 2000.
9. Нишонова З.Т. Мустақил ижодий фикрлаш. – Т.: «Фан», 2004.



## SMART EDUCATION МАСОФАВИЙ ФАН ТҮГАРАГИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.036>

*Курбонов Гуломжон Гафурович,  
Бухоро давлат университети таянч докторант*

*Аннотация: Мазкур ишида олий таълим муассасаларининг Ахборот тизимлар ва технологиялари таълим йўналиши талабаларининг дарсдан ташқари мустақил ишларини рақамли таълим технологиялари асосида ташкил этиши масаласи Smart Education масофавий фан тўгараги мисолида ёритилган. Талабаларни фаоллаштирувчи ва уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи каби дидактик функциялар таҳлил қилинган. Рақамли таълим асосида масофавий таълим шаклини кенг қўллаш ва умумкасбий маҳоратни шакллантиришига йўналтирилган модуллардан фойдаланиш бўйича мулоҳазалар баён қилинган.*

*Калит сўзлар: рақамли таълим, мустақил фикрлаш, мустақил таълим, ижодий фикрлаш, инновацион таълим, индивидуал фаоллик, smart – таълим, Smart Education, мобил дастур.*

## ДИСТАНЦИОННЫЙ ПРЕДМЕТНЫЙ КРУЖОК SMART EDUCATION И МЕТОДИКА ЕГО ОРГАНИЗАЦИЯ

*Курбонов Гуломжон Гафурович,  
базовый докторант Бухарского государственного университета*

*Аннотация: В статье рассматривается вопрос организации внеаудиторной самостоятельной работы студентов высших учебных заведений по специальности информационных систем и технологий на основе цифровых образовательных технологий на примере дистанционной предметный кружка Smart Education. Проанализированы дидактические функции, активизирующих и развивающих у учащихся навыков самостоятельного мышления. Обсуждены вопросы об использование дистанционного обучения на основе цифрового образования и использование модулей, направленных на формирование общепрофессиональных навыков.*

*Ключевые слова: цифровое образование, самостоятельно мышление, самостоятельное обучение, креативное мышление, инновационное обучение, индивидуальная активность, smart – образование, Smart Education, мобильная программа.*

## SMART EDUCATION REMOTE SUBJECT CIRCLE AND METHODOLOGY ITS ORGANIZATION

*Kurbanov Gulomjon Gafurovich,  
PHD student of Bukhara State University*

*Annotation: The article deals with the issue of organizing extracurricular independent work of students of higher educational institutions in the specialty of information systems and technologies based on digital educational*

*technologies using the Smart Science distance subject circle as an example. The didactic functions that activate and develop the skills of independent thinking in students are analyzed. Questions about the use of distance learning based on digital education and the use of modules aimed at the formation of general professional skills were discussed.*

**Keywords:** digital education, independent thinking, independent learning, creative thinking, innovative learning, individual activity, smart education, Smart Education, mobile program.

Кириш. Республикаизда рақамли таълим бўйича “таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомилластириш, шунингдек, “Беш ташаббус” лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2022 йилга қадар республиканинг барча худудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш” ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди [1]. Бу қарор ижросини таъминлаш мақсадида юртимиз вилоят ва туманларида ИТ - парклар, информатика ва ахборот технологияларига ихтисослашган мактаблар ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Таълим тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш ва ўқув жараёнида интерфаол технологияларни татбиқ этиш, бугунги кун ёшларидан юқори малакали кадр бўлиб етишиш учун интелектуал салоҳиятли, илм -фанинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр ва мушоҳада юрита оладиган шахсларни тарбиялаш талаб этади. Бугунги кунда илм – фанинг тезкор тараққий этишида рақамли технологияларининг кенг жорий этилиши, турли фан йўналишларида билимларнинг жадал янгилаб бориши, таълим олувчиларнинг мустақил равишда мунтазам билим олиш вазифасини талаб этмоқда.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида олий таълим тизимида таҳсил олаётган талаба ёшларининг билим ва қўнималарини ошириш, уларни рақамли технологиялар, ҳамда илгор педагогик технологиялар асосида қуроллантириш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу эса дарс жараёнини, хусусан талабаларнинг дарсдан ташқари игларни рақамли таълим технодогиялари асосида ташкил этиш самарадорлигини оширишни назарда тутади.

Асосий қисм. Рақамли таълимни ривижлантиришда нималарга эътибор қартиш лозимлиги, талабаларнинг рақамли таълим ва технологиялардан фойдаланишнинг ҳозирги кундаги ҳолати ўрганилиб сўровнома ўtkazilganда, қатнашчиларнинг 63,7 фоизи смартфон қурилмасини танлаганлиги, рақамли таълим ҳақидаги маълумотга эга қанташчилар 79,5 фоизни, рақамли технологиялардан таълимда фойдаланиш кереклигини 93,2 фоиз қатнашчилар, рақамли таълимни қўллашда мобил иловаларнинг зарурати сўровига 87,8 фоиз қатнашчилар “зарур” деган танловларни амалга оширганлиги сабабли онлайн тўгарак ташкил этилиб, талабаларнинг ўз касбига қизиқиши,



билим доиралари кенгайтирилса, уларда ҳозиржавоблик хусусиятлари тарбияланиб, фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлаш қобилияти ривожланади. Рақамли таълимнинг самарадорлиги яна шундан иборатки, унинг қатнашчилари яхлит тизимли билимга эга бўлади ва мустақил - ижодий фикрлаш қобилиятлари оширилади. Шунинг учун ҳам рақамли таълим, ривожлантирувчи ўқитишининг юқори самарали усулларидан бири бўлиб ҳисобланади. Талабаларнинг дарсдан ташқари мустақил ишларини ташкил этишда ҳам ўқитувчиларнинг ташаббускорлиги, маҳорати муҳим ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида ҳам иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, шу жумладан, таълим соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этиш энг устувор вазифа қилиб белгиланган. Ушбу устувор вазифаларни амалга оширишда талабаларнинг бўш вақтларда уларнинг дарсдан ташқари мустақил ишларини масофадан ташкил этиш, индивидуал фаолликни, ташаббускорликни, интеллектуал салоҳиятларини ошириб ва уни намойиш этишда жуда катта ёрдам беради.

Ўтказилган тадқиқотлардан шуни кузатиш мумкинки, талабаларнинг рақамли технологияларга бўлган қизиқишини ошириш бугунги кунда педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг долзарб муаммоларидан бири сифатида ўрганилмоқда.

Таълимнинг дидактик даражалари рақамли технологиялардан фойдаланишда қўйидаги компоненталар:

- таълимда рақамли технологиялардан факат алоқа воситаси сифатида фойдаланиш;
- ҳақиқий, ижодий ва ҳамкорликда ўрганишни қўллаб қувватлаш;
- интерфаоллик даражаси, баҳолаш ёндашувларнинг кенг доирасини таъминлаш;
- smart – таълимни самарали ташкил этиш даражаси билан белгиланади [2].

Таълимда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг дидактик даражаларини тадқиқ этиш технологик ривожланиш билан боғлиқ ҳолда кенгайиб боради, таълимий мақсадлар ва вазифалар фан ва жамият ривожланишининг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб шаклланади. Ҳозирги кунда жамият ривожланиши соҳаларда сунъий интеллект технологияларини қўлловчи дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларига рақамли маълумотлардан фойдаланиш муаян шароит яратиш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли маълумотларини тезкор рақамлаштиришни таъминлаш билан узвий боғлиқ [3].

Олий таълим муассасаларининг “Ахборот тизимлари ва технологиялари” йўналишида ўқитиладиган умумкасбий фанларидан масофавий тўгараклар ташкил қилиш ва платформалар яратиш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг бўш вақтларини унумли ва сермазмун ўтказиш, фанга нисбатан бўлган қизиқишлиарини янада орттиради. Дарсдан ташқари ишларнинг мақсади,

талабаларда дунёқарашиб түғри шакллантиришда ва тарбиявий ахлоқий камол топишида замин яратади.

Куйида талабаларнинг дарсдан ташқари мустақил ва ижодий ишларини ташкил этишга доир ишлаб чиқилган “Smart Education” номли масофавий түгарақ ишидан лавҳалар келтирилган.



Ушбу түгарақ иши 2019 – 2020 ўқув йилида ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар мувофаккиятли фаолият юритиб келмоқда. Айниқса, бутун жаҳон COVID – 19 пандемиясига юз тутган даврда деярли барча давлатларда коронавирус тарқалиши сабабли, хусусан Республика ОТМ ларида ўқув жараёнини узлуксизлигини таъминлаш ҳамда талабаларининг билим олиш даражасини масофадан туриб методик қўллаб – қувватлаш мақсадида янги инновацион усуллар жорий этила бошлади. Бу эса, сўнги уч йилда рақамли таълимнинг соҳада алоҳида аҳамият касб этиши ва пандемия шароитида масофавий таълимнинг фаол қўлланилиши тизимда қилинадиган ишлар ҳали кўплиги, хусусан рақамли таълимда билимни баҳолаш билан боғлиқ муаммолар ҳозирги кунда қадар долзарблигини амалий мисолларда яққол кўрсатиб бермоқда. Бу эса биз ёш тадқиқотчиларга ҳам кенг имкониятлар эшигини очиб берди ва шу билан бир қаторда мукаммал дастурлар асосида таълим соҳалари тўлиқ замонавий технологиялаштирилди. Албатта, масофавий ўқитиш тизими бугунги кунннинг янги тушунчаси бўлмасида, пандемик вазият янада бизни ушбу методологияга чукурроқ киришимизга сабаб бўлди.

Бунда бизга дастурий таълим воситалари алоҳида муҳим ўрин эгаллабгина қолмасдан, унинг самарадорлиги:

- талабаларнинг ўқув материаларини тўлиқ ўзлаштирганлиги;
- тарбиявий ва интеллектуал ривожланганлиги;
- талабаларнинг илмий изланишларга нисбатан барқарор мотивацияси ва ишчанлик кўрсаткичларининг ривожланиши;
- мотивацион барқарорлик даражалари;
- педагогик технологиялари ва таълим воситаларидан индивидуал фойдаланиш кўрсаткичларида салмоқли натижаларга эришилади [4].

Шу ўринда түгарақ қатнашчиларининг рақамли таълим



технологиясини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришда умумкасбий фанларидан дастурый таълимдан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва уларни инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида амалиётга жорий этилди.

Айниқса, 2020 йил март ойида пандемия туфайли таълимнинг масофавий шаклига ўтиш жараёнида талабаларнинг бўш вақтларини сермазмун ташкил этишда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шунингдек, тўғарак машғулотларига тажрибали профессор – ўқитувчилардан Т.Ҳ.Расулов ва З.Н.Ҳамдамовлар ҳам жалб этилган. Ҳозирги кунда тўғарак аъзолари 150 нафарни ташкил этган бўлиб, унда нафақат “Ахборот тизимлари ва технологиялари”, балки Математика ва Физика таълим йўналишида таҳсил олувчи талабалар, ҳатто Қарши давлат университети, Урганч давлат университети, Навоий давлат педагогика институти иқтидорли талабалари фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Тўғарак машғулотларида Т.Ҳ.Расулов, F.F.Курбонов, З.Н.Ҳамдамовлар томонидан ишлаб чиқилган ўкув қўлланма ва ўкув – методик қўлланмалар масалалари ҳамда тест топшириқлари тўлиқтаҳлил қилиниши, фан бўйича турли танловлар ва фан олимпиадаларининг мунтазам ташкил қилиниб борилиши тўғарак аъзолари сонининг кескин ошишига ҳамда тўғарак фаолиятининг оммалашшишига хизмат қилмоқда. Бу эса ўз навбатида худудда “Чизиқли алгебра ва аналитик геометрия” фанини ўқитишида таълим сифати ошишига ҳамда талабаларнинг фанга нисбатан қизиқишилари ортишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу масофавий тўғарак иши талабаларни эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда соҳадаги соғлом ракобат кутилганидан кўра анча тез ривожланиб бормоқда. Талабаларни масофавий ўқитиши жараёнида, амалга ошириладиган ишларнинг нақадар кўплигини рақамли таълимда сунъий интеллектга асосланган таълимни бошқариш тизимларининг ақллилик даражасини ривожлантириш билан ҳам изоҳлаш мумкин. Буларга индивидуал суръатда машқ қилиш, дарс жадвалининг эркинлиги ва мослашувчанлиги, фойдаланиш имконияти, ҳаракатчанлик, ижтимоий тенглик, ижодкорлик, интенсивлик, қулай шароит ва бошқаларни асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек таълим жараёнининг муаммоларини бартараф этишда, дастурый воситалар ишлаб чиқиб, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштириш, талабаларнинг билим ва қўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Ўтказилган тажрибаларни янада мустаҳкамлаш ва реал амалиётдаги шароитда синаш ҳамда амалий қўникмаларни рақамли технологиялар асосида ривожлантириш мақсадида дастурый таълим воситаларидан фойдаланишнинг такомиллаштирилган методикаси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Тўғарак қатнашчиларининг билимларини ривожлантиришда амалий машғулотлар ва мустақил таълим алоҳида аҳамият касб этади. Бу амалий машғулотлар таълим жараёнининг муҳим дарс шаклларидан

бири бўлиб, талабалар ўқув топшириқлари мажмуасини ўқитувчи раҳбарлигига бажарадилар. Онлайн ўтказилган дарсларда иштирок эта олмаган талабалар учун видеодарслар тўгаракнинг телеграм каналида ёритилиб борилади. Бу эса талабаларнинг мавзу бўйича тайёрланган видеодарсларни қайта - қайта кузатиши орқали ўзлаштириш даражасини янада оширади. Олинган назарий билимларни амалий машғулотларда қўллай олиши билан ўз самарасини кузатишимиш, ҳамда ҳар бир мавзу бўйича Quiz Bot орқали тайёрланган тестлар орқали билимларини баҳолаб боришимиз мумкин. Ижодий фаолият орқали эса, кўникма ва малакаларга эга бўладилар, техник воситалар ёрдамида замонавий методлар билан амалий иш бажарадилар, дарсдан ташқари ишларда эса, айнан талабаларнинг мустақил кўникмаларини шакллантиради.

Рақамли таълим воситалари асосида талабаларнинг дарсдан ташқари тўгаракларни ташкил қилиш, уларни қасбий фаолиятга тайёрлаш тизимидағи энг муҳим методик муаммо саналиб, бу илм соҳасидаги вазифаларнинг самарали ечими, олий таълим тизимидағи ўқитиш жарабёнини инновацион талабларга асосланган таълим шароитида амалга ошириш билан белгиланади [5].

Smart Education масофавий тўгарагини ташкил этишнинг ютуқлари куйидагилардан иборат:

- барча қатнашчилар учун қулай вақт танлаш;
- тайёрланган видеодарсларни қайта – қайта кузатиш имконияти мавжудлиги;
- тўгарак аъзоларнинг сонининг чегараланмаганлиги;
- машғулотни оммалаштириш имконияти мавжудлиги, яъни Республикализнинг ихтиёрий ОТМлари талабаларига масофавий тўгаракда қатнашиши имконияти мавжудлиги.

Масофавий тўгаракни ташкил этишдаги камчилик сифатида, Республикализнинг чекка худудларидаги қатнашувчи талабалар учун интернет тезлигининг паст бўлиш эҳтимоли борлигини кўрсатиш мумкин.

Бу борада ҳозирги кун ёшлари учун, Президентимизнинг чекка худудларидаги интернет тезлигини ошириш бўйича бир қатор қарорларига асосан, юқори қайд қилинган муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Холоса. Таълимда рақамли технологияларни қўллаш, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара бериши, бу борадаги назарий, услубий ва бошқа жиҳатларни давр талаблари асосида такомиллаштирилиши бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини айтиб ўтиш мумкин. Тўгаракнинг мазмуни меҳнат характеристига бевосита эмас, балки билвосита таъсир этиб, мустақил фаолият учун имконият топа олишига боғлиқ бўлади. Мустақил фаолият талабанинг келгуси фаолияти давомида ўз йўлини белгилашнинг воситаси бўлиб, талаба ўз имкониятларини баҳолай олишига сабаб бўлади. Олинадаган натижа эса рақамли технология имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда,



таълим бериш сифатини замонавий тараққиёт ғояларидан унумли ва мақсадли фойдаланиб, янада такомиллаштиришдан иборатdir.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4699-сонли Қарори (Манба: <https://lex.uz/docs/4800657>).
2. Игнатова Н.Ю. Образование в цифровую эпоху: монография. Нижний Тагил, 2017. 128 с.
3. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти.: Пед.фан.докт. ... дисс. автореф. - Т.: 2007. – 37 б.
4. Расулова З.Д. Дастурий таълим воситаларидан фойдаланиб умумкасбий ва ихтисослик фанларидан бўлажак технология ўқитувчиларининг креативлигини ривожлантириш // “Педагогик маҳорат”. Илмий-назарий ва методик журнал, № 2, Бухоро. 2021. – 15-20 б.
5. Qurbanov G‘.G‘. Analitik geometriyaning vektorlar mavzusini o‘qitishda kompyuterli ta’lim texnologiyalaridan foydalanish. Pedagogik mahorat. Maxsus son. -Buxoro. (buxdu. uz), 2020-yil, dekabr.

## THE ROLE OF THE CREDIT-MODULE SYSTEM IN THE TARGETED ORGANIZATION OF THE TEACHING PROCESS

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.037>

Ashurova Dilrabo Khalilovna

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

A Phd student

*Abstract: In recent years, the ongoing reforms in education around the world, the modernization of existing teaching methods and technologies, improving the efficiency of the pedagogical process, enhancing the quality of teaching staff to create an effective model of education. In this regard, the ongoing renewal, change and reforms in our country are aimed at this goal. In order to increase the effectiveness of education, it is necessary to reform the education system, improve the quality and establish cooperation with developed countries in this regard. One of the effective ways to achieve these goals is to introduce a credit-module system of teaching in higher education, as the transition to this system is a requirement of the time*

*Keywords: educational standards, independent learning of students, qualifications, elective subjects, learning outcomes, academic skills, credit hours, effectiveness of education, unification the level of knowledge, flexibility of curricula, educational space*

## O'QUV JARAYONINI MAQSADLI TASHKILLASHTIRISHDA KREDIT-MODUL TIZIMINING O'RNI

Ashurova Dilrabo Xalilovna

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch doktorant

*Annotatsiya: Keyingi yillarda butun dunyoda ta'lif sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar, mavjud o'qitish uslub va texnologiyalarini modernizatsiya qilish, pedagogik jarayon samaradorligini oshirish, pedagogik kadrlar sifatini oshirish ta'lifning samarali modelini yaratishga xizmat qilmoqda. Shu ma'noda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan yangilanish, o'zgarish va islohotlar ham ana shu maqsadga qaratilgan. Ta'lif samaradorligini oshirish uchun ta'lif tizimini isloh qilish, sifatni oshirish, bu borada rivojlangan davlatlar bilan hamkorlikni yo'lga qo'yish zarur. Bu maqsadlarga erishishning samarali yo'llaridan biri oliy ta'lif muassasalarida o'qitishning kredit-modul tizimini joriy etishdan iborat bo'lib, bu tizimga o'tish davr talabidir*

*Kalit so'zlar: ta'lif standartlari, talabalarning mustaqil bilim olishi, malaka, tanlov fanlari, o'quv natijalari, akademik ko'nikmalar, kredit soatlari, ta'lif samaradorligi, bilim darajasini unifikatsiyalashtirish, o'quv rejalarining moslashuvchanligi, ta'lif maydoni*



## РОЛЬ КРЕДИТНО-МОДУЛЬНОЙ СИСТЕМЫ В ЦЕЛЕНАПРАВЛЕННОЙ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА

*Ашурова Дильрабо Халиловна*

*Нукусский государственный педагогический институт имени  
Ажинияза, докторант*

*Аннотация: В последние годы во всем мире проводятся реформы в сфере образования, модернизация существующих методов и технологий обучения, повышение эффективности педагогического процесса, повышение качества педагогических кадров для создания эффективной модели образования. В связи с этим проводимые в нашей стране обновления, изменения и реформы направлены именно на эту цель. Для повышения эффективности образования необходимо реформировать систему образования, повысить качество и наладить в этом отношении сотрудничество с развитыми странами. Одним из эффективных путей достижения этих целей является внедрение кредитно-модульной системы обучения в высшей школе, так как переход на эту систему является требованием времени.*

*Ключевые слова:* образовательные стандарты, самостоятельное обучение студентов, квалификация, предметы по выбору, результаты обучения, академические навыки, кредит-часы, эффективность обучения, унификация уровня знаний, гибкость учебных программ, образовательное пространство

Education is the process of training and educating a person to achieve the levels of education (educational standards, skills) set by the state [9].

Today, the credit-module system is emerging as one of the mechanisms for integrating the higher education system of the Republic of Uzbekistan into the international educational environment. One of the unique features of this system is that it not only emphasizes the independent learning of students, but also shapes the lifelong reading and learning skills of future professionals.

In the address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis on January 24, 2020 [1], he proposed to name 2020 the «Year of Science, Enlightenment and Digital Economy» doubling, introduction of credit-module system in the educational process of higher education institutions and granting financial independence to many higher education institutions.

The purpose of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated in October 8, 2019 «On approval of the Concept of development of higher education in the Republic of Uzbekistan until 2030» PF-5847 [2]: improving the quality and efficiency of higher education, coordination of education A number of measures have been identified to improve educational attainment levels on the basis of educational standards and to gradually transfer the educational process of higher education institutions to a credit-

module system. And in many higher education institutions it is planned to introduce the ECTS credit-module system.

student of the Faculty of Agronomy and Biotechnology in the direction of "Biotechnology", who listened to a lecture on the central dogma of molecular biology in the usual format. This approach to learning develops continuity of knowledge and striving for it in students of different directions.

During the comparison of the test results, it turned out that with the usual format of the lecture, about 60% of the material was absorbed by the listeners, with the format of the lecture – round table, students received about 80% of the information, which indicates the effectiveness of using the lecture – round table as part of the educational process.



It was also noted by the students that when the format was changed, uncertainty disappeared when answering in front of the audience and from receiving an unsatisfactory assessment, since the format of interaction in the «student – teacher» pair to «student – lecturer» changed. Those students who usually behave passively in the classroom also participated in the discussion and offered new ideas for improving hygiene methods against changing these processes.

**Conclusions.** It is more correct to carry out a round table at the beginning of the study of a problem or section. At the beginning of the study of the problem, the key task of the lecture is to detect the range of interest of the student, the level of his readiness for the lesson. The teacher has the opportunity to form a model of behavior of the audience of listeners. This is especially important at the first lesson of a teacher with students or at the beginning of a special course, when introducing new disciplines, etc.

The round table at the end of the course is aimed at attracting students' interest in the main issues of the discipline, systematization of students' knowledge on their future professions. The key task of the round table at the end of the problem or section is to summarize the lecture activities. A lecture of this kind is allowed to be performed at the end of the entire direction

with the task of discussing the possibilities of using theoretical knowledge in practice as a resource for solving problems; in studying the material of subsequent academic disciplines; means of determining the upcoming professional activity. 2-3 teachers of related subject disciplines can take part in the round table as lecturers.

During the lecture, questions on the process of replication, translation, transcription, including their stages and meaning, were considered. The change of these processes with the help of physical or chemical influences was described, which aroused great interest among the audience: mutation, protein denaturation, destruction, ionizing radiation.

Live communication allows you to immediately ask a question to the lecturer, which is impossible when working with voiceless texts [7, p. 132].

Students of the 2nd year noticed that they really lack live communication, which contributes to easier assimilation of the material and increase personal self-esteem.

The results of the study showed that those teachers who participate in the round table lecture were perceived more favorably by students than those who did not. It is known that students who attend lectures by teachers who ask a lot of questions believe that the lecture is more stimulating.

It was found that students' satisfaction with the lecture format is higher when they actively participate in the educational process. Thus, an interactive lecture is an active participation on the part of the teacher and the student. This method of teaching attracts students' attention and allows them to receive instant feedback on how well the lecture material was understood. It also contributes to a higher level of thinking, problem solving and practical application of the studied material. In reality, an interactive lecture is a way to capitalize on the strengths of learning [8].

The «round table» helps to lead students to generalization, develop their independence of thought, learn to highlight the main thing in the educational material, develop speech and much more. As practice shows, the use of active methods in university education is a prerequisite for the training of highly qualified specialists and leads to positive results: they allow students to form knowledge, skills and abilities by involving them in active educational and cognitive activities, educational information passes into personal knowledge of students.

#### List of literature

1. Dyachenko T.V., Evseeva S.A. The practice of using active forms of vocational guidance work of the university // Modern problems of science and education. – 2016. – No. 5 [Electronic resource]. - URL: <http://science-education.ru/ru/article/view?id=25397> (date of application: 30.04.2018).
2. Kozlova N.V., Malkova I.Yu. Conditions of personal and professional formation of students of higher school: designing an educational profile: textbook. - Tomsk: TPU Publishing House, 2012. – 155 p.
3. Brel A.K., Artyukhina A.I., Tankabekyan N.A. Increasing motivation is the key to improving the quality of education // International Journal of Experimental Education. - 2017. - № 4-1. - pp. 9-12.



4. Osipovskaya A.V. On the issue of motivation of students' educational activities // Economic Journal. – 2013. - pp. 89-93.
5. Fitmova A.A. Theoretical foundations of the relationship between educational and professional motivation of students // Bulletin of the North Caucasus State Technical University. Ser.:Psychology. – 2010. – № 8 (22). – Сю 56-58.
6. Werner, E. Genome semantics, *in silico* multicellular systems and the central dogma // FEBS Letters. — 2005. — Issue 579. — pp. 1779-1782.
7. Robotova A.S. University lecture: past, present, future // Higher education in Russia. - 2011. - No. 4. - pp. 127-133.
8. Brel A.K., Skladanovskaya N.N., Zharova K.R., Tankabekyan N.A., Zhoglo E.N. «round table» as a method of interactive learning that develops the motivational sphere of the personality of a modern student // Modern problems of science and education. – 2018. – No.3.;URL: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=27633> (accessed: 11.07.2022).

## TALABALARDA HARBIY-KASBIY MOTIVATSIYANI SHAKLLANTIRISH

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.039>

Nazarov Tohir Toshpo'lotovich,

Harbiy ta'lif fakulteti Maxsus tayyorgarlik sikli o'qituvchisi.  
Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti

*Annotatsiya: Maqola talabalarning o'quv va jangovor faoliyati jarayonida ma'naviy, axloqiy, jismoniy sifat jihatdan samarali natijaga erishishi. Guruhdagi o'zaro munosabatlar kishilar xulq-atvoriga ta'sir ko'rsatishi, talabaning o'z ofitseriga bo'lgan ichki sub'ektiv munosabati unda harbiy xizmatga nisbatan ijobiliy munosabatni shakllantirishda muhim ahamiyatga ega. Qandaydir sabablarga ko'ra, ushbu munosabat salbiy bo'lsa, bo'ysunish majburiy, xizmat jarayoni esa zerikarli bo'ladi, natijada kelishmovchilik va ko'ngilsiz holatlar kelib chiqadi. Aksincha, ofitser-o'qituvchi va talabalar o'rtasidagi ijobiliy munosabat xizmatni osonlashtirib, uni sevimli mashg'ulotga aylantiradi. Bu esa talabalarda kerakli jangovar sifatlarni tarbiyalashga yordam beradi. Guruhlardagi harbiy intizomni mustahkamlashda o'zaro munosabatlar mazmuni katta ahamiyatga ega. Qayerda o'zaro munosabatlar harbiy nizomlar asosiga qurilgan bo'lsa, o'sha joyda harbiy intizom mustahkam bo'ladi. O'zaro qarama-qarshi motivlarning salmog'i qamrovli bo'lsa, shaxsni faoliyatga undovchi ehtiyojlarning ob'ekti o'zining qiymati bilan o'zaro baravarlashsa, u holda bunday motivlar kurashi ularga hamohang tarzda kuchli kechishiga sabab bo'ladi. Ta'lif vaqtida ham, ta'limdan tashqari holatlarda ham o'ziga xos his-tuyg'ularga, irodaviy sifatlarga, tafakkur va dunyoqarashga ega bo'lgan talabalar o'zaro munosabatlarga kirishadilar. Bu esa talabalar o'rtasidagi munosabatlar yordamida motivatsiyani shakllantirishga ega ekanligidan dalolat beradi.*

*Tayanch tushunchalar: motiv, motivatsiya, qiziqish, kayfiyat, faoliyat, shijoat, yuksak ma'naviyat, bilim, ko'nikma.*

## ФОРМИРОВАНИЕ ВОЕННО-ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ МОТИВАЦИИ У СТУДЕНТОВ

Назаров Тохир Тошупулотович,

Преподаватель военного образования цикла специальной подготовки. Педагогический институт Бухарского государственного университета

*Аннотация: В статье речь идет о духовно-нравственных и физических результатах студентов в процессе учебы и борьбы. Тот факт, что взаимодействия в группе влияют на поведение людей, внутреннее субъективное отношение курсанта к своему офицеру, имеет важное значение в формировании у него положительного отношения к воинской службе. По какой-то причине, если такое отношение отрицательно, послушание обязательно, а процесс*



служения становится утомительным, что приводит к разногласиям и разочарованиям. Наоборот, положительные отношения между офицером-учителем и курсантами облегчают службу и превращают ее в хобби. Это способствует привитию воспитанникам необходимых бойцовских качеств. Содержание взаимодействий имеет важное значение для укрепления воинской дисциплины в коллективах. Там, где отношения основаны на воинской дисциплине, крепка воинская дисциплина. Если вес противоречивых мотивов всеобъемлющ, а объект потребностей, побуждающих индивида к действию, равен его значению, то борьба таких мотивов приведет к сильной синхронности между ними. Учащиеся, обладающие уникальными эмоциями, силой воли, мышлением и мировоззрением, взаимодействуют как во время учебы, так и вне ее. Это показывает, что они способны мотивировать студентов через отношения.

**Ключевые понятия:** мотив, мотивация, интерес, настроение, активность, смелость, высокая духовность, знания, мастерство.

## FORMATION OF MILITARY-PROFESSIONAL MOTIVATION IN STUDENTS

*Nazarov Tohir Toshpulatovich,  
Teacher of Military Education, Special Training Cycle.  
Pedagogical Institute of Bukhara State University*

*Annotation: The article is about the spiritual, moral and physical results of students in the process of learning and combat. The fact that the interactions in the group affect the behavior of the people, the internal subjective attitude of the student towards his officer is important in forming in him a positive attitude towards military service. For some reason, if this attitude is negative, obedience is mandatory, and the service process becomes tedious, resulting in disagreements and frustrations. On the contrary, a positive relationship between the officer-teacher and the students makes the service easier and makes it a hobby. This helps to instill in the students the fighting qualities they need. The content of interactions is important in strengthening military discipline in groups. Where relations are based on military discipline, military discipline is strong. If the weight of conflicting motives is comprehensive, and the object of the motivating needs of the individual is equal to its value, then the struggle of such motives will lead to a strong synchronicity between them. Students who have unique emotions, willpower, thinking, and worldviews interact, both during and outside of school. This shows that they are able to motivate students through relationships.*

*Basic concepts: motive, motivation, interest, mood, activity, courage, high spirituality, knowledge, skill.*

**Kirish.** Zamonaviy rivojlanishning bosqichida jamiyat ijtimoiy hayotning barcha sohalarida murakkab globallashuv jarayonlarini boshdan kechirmoqda, ular yuqori shiddat va hodisalarining o‘zaro bog‘liqligi bilan alohida

turmoqda. Fan va texnika yutuqlarini hayotga tatbiq etish inson faoliyatining deyarli barcha sohalarining jadal rivojlanishiga zamin yaratdi. Shu bilan birga mutaxassislarni kasbiy tayyorlashning o‘rnii sezilarli darajada oshdi. Shunga asoslanib, ta’lim sifatini oshirish va uni doimiy tarzda takomillashtirish zarurati paydo bo‘ldi. Davlat mustaqilligi va hududiy yaxlitligini ta’minlash Qurolli Kuchlarning asosiy vazifasi ekanligini hisobga olsak, ofitserlarni tayyorlash va harbiy ta’lim tizimini takomillashtirish muammosi dunyoning barcha mamlakatlarida dolzarbdir. Harbiy ta’lim tashkil etilganidan buyon doimo olimlar va amaliyotchilar, turli bilim sohalari, ijtimoiy sohalar va davlat idoralari xodimlarining diqqatini tortgan. Ko‘pchilik tomonidan harbiy ta’lim armiyaning va umuman davlat kelajagiga ta’sir qiluvchi, ya’ni jamiyat rivoji, global jarayonlar, harbiy rivojlanishga yo‘nalish beruvchi omillardan biri hisoblanadi. Ushbu e’tibor harbiy ta’lim har doim Qurolli Kuchlarning yuqori jangovar qobiliyati va jangovar tayyorgarligini ta’minlaganligi bilan bog‘liq.

Motiv va motivasiya muammosi jahon psixologiyasida turli tuman nuqtai nazardan yondashish orqali tadqiq qilib kelinmoqda. Uzoq va yaqin chet ellarda o‘ziga xos psixologik maktablar vujudga kelgan, ularning negizida ilmiy pozisiyalar va konsepsiyalar mohiyati jihatdan farqlanuvchi g‘oyalar va yo‘nalishlar birlashdi.

Ongsizlik ta’limotining asoschisi Z.Freyd xulq motivalari va ehtiyojlari muammosini ishlab chiqib, motivatsiyaning manbai instinkt, u tur va individning saqlanish shartidir deb ta’kidlaydi. Mazkur holatni muallif individning energetik potensiya sifatida talqin etadi. Motivlarning falsafiy metodologik ahamiyati shuki, ular sabab oqibat, ichki murakkab bog‘lanishlar tuzilishini yuqori darajada rivojlangan tizim sifatida talqin qilinadi. Bunday yondashuv esa o‘z navbatida materiya rivojlanishining oliv mahsuli ekanligi to‘g‘risidagi xulosaga olib keladi. Chunonchi, maqsadga yo‘naltirilgan va maqsadga muvofiqlashdirilgan har xil mazmundagi savollar, axborotlar, ma’lumotlar, xabarlar kishilar faoliyatining ongli xususiyati ta’kidlab o‘tilgan mulohazalar mazmuni tarkibiga kiradi. Motivlar tuzilishini amaliy yo‘nalishga qaratish-inson shaxsiga motivation, irodaviy, axloqiy, hissiy, kognitiv, reguliyativ ta’sir o‘tkazishning omilkor shakllarining ilmiy asosi yuzaga kelishiga muhim imkon va kerakli shart-sharoitlar yaratadi. Insonning mehnat faoliyati tizimining murakkablashuvi ishlab chiqarishda axloqiy, ma’naviy, nafosat, ruhiy tarbiya jabhalari hamda radio, televiedenie va targ‘ibot-tashviqot ta’sirini samarali olib borishi, kasbiy tayyorgarlikning ekstremal va stress holatlarning sharoitlari barqarorlashuvi, takomillashuvi, yaxshilanushi, maqsadga muvofiqlashuvi kabi omillarning barchasi shaxs motiv doirasining o‘zgarishiga daxldor.

Metod. Kuzatish eng keng tarqalgan o‘rganish metodi bo‘lib, uning yordamida insonlar, harbiy jamoalar har xil sharoit va faoliyatlarda namoyon qiladigan hissiyot, hatti-harakat, xulq-atvorlarning tashqi ko‘rinishlari na moyon bo‘lishlari o‘rganiladi.

Kuzatish faqatgina faktlarni qayd etishdangina bog‘liq bo‘lmashdan,

balki, ularni ilmiy jihatdan tushuntirish, tasniflash (klassifikasiyalash) va umumlashtirishni ham o‘z ichiga oladi.

Kuzatish metodining o‘ziga xos belgilari quyidagilar:

1.Har qanday kuzatish o‘zining maqsadiga ega bo‘ladi;

2.Kuzatish metodi o‘zining tizimlashganligi bilan ajralib turadi (masalan, kuzatish asnosida kuzatilayotgan voqeа va psixik hodisalar (munosabatlар, motivlar) o‘rtasidagi qat’iy aloqadorlikni aniqlash imkoniyatining borligi);

3.Kuzatilayotgan shaxslar yoki guruhlar soni va kuzatishlar soni yetarlicha axborotlar yig‘ish hamda ularni matematik qayta tahlil qilish uchun yetarli bo‘lishi kerak;

4.Ma’lumotlarni ob’ektiv ravishda tizimlashtirish va yozib olish imkoniyatining mavjudligi (bayonnomalashtirish, magnitofonga yozib olish, foto-kinotasvir va hokazo);

Kuzatish metodiga nisbatan biz yuqorida sanab o‘tgan talablar albatta ofitser-o‘qituvchilar tomonidan inobatga olinishi lozim.

Kuzatish har xil shakllarda amalga oshirilishi mumkin:

a) bevosita-tadqiqotchining o‘zi tomonidan olib boriladi;

b) bilvosita-boshqa kishilardan (o‘qituvchidan, sikl boshliqlaridan va h.k.) oлган ma’lumotlarni tadqiqotchi umumlashtiradi.

Kuzatish tabiiy sharoitlarda amalga oshirilishi bilan ajralib turadi. U voqealarning odatdagи tabiiy maromini buzmaydi. Ushbu usul o‘zining afzalliliklari bilan bir qatorda ba‘zi bir kamchiliklariga ham ega:

- uzoq vaqt davom etishi;

- natijalarni yozib borishning qiyinligi;

- o‘rganilayotgan ob’ektlarning ko‘pligi;

- materiallarni yig‘ishning qiyinligi.

Kuzatish usuli vositasida ma’lum birlab yoki guruh (ularning psixologik xususiyatlari) haqidagi faktlar aniq maqsad bilan izchil ravishda to‘plib boriladi. Ammo, kuzatish uslubi bilan o‘rganilayotgan ob’ekt faoliyatining tashqi tomonlarigina emas, balki uni yuzaga keltirgan kuchlarni-fikr, motiv, hissiyot, maqsad va ehtiyojlarni ham kuzatish, o‘rganish maqsadga muvofiq.

Ofitser-o‘qituvchi kuzatish uslubidan foydalanib, ob’ektni o‘rganganda talabaning o‘zi haqida bergen ma’lumotlar o‘zining fikrlari, hissiyotlari, harakatlari haqidagi xabarlardan ustalik, mahorat bilan foydalanishi kerak. Psixologiyada bunday ma’lumotlarga “o‘z-o‘ziga hisobot” deyiladi.

Bo‘ysunuvchilarning o‘z-o‘ziga hisoboti ularning individual-psixologik xususiyatlarini o‘rganishning asosiy vositasi hisoblanadi. Muayyan inson haqida faqatgina uning tashqi xulq-atvoriga qarab xulosa chiqarish yetarli emas. Agar, talaba zohiran xotirjam bir holatda quroldan o‘q otib topshiriqni yaxshi bajarar ekan, bu unda ichki hissiy kechinmalar bo‘lmadi degani emas. Buni, uning mashg‘ulotlardan keyingi hikoyasidan (agar u dilkash bo‘lsa) bilib olsa bo‘ladi. Undan keyin ofitser-o‘qituvchining ushbu talabada psixologik barqarorlikni ta’minalash uchun yana ishlashiga to‘g‘ri keladi. Faqat tashqaridan kuzatibgina bu natijalarga erishib bo‘lmaydi.

Ammo, talabalarning o‘zi haqidagi fikrlariga har doim tanqidiy yondashish kerak bo‘ladi. Chunki inson o‘zi haqida, ayniqsa, o‘zining ichki kechinmalari

haqida gapirganda ob'ektivlikdan yiroqlashib, sub'ektivlikka beriladi.

Kuzatishning eng maqbul shakli alohida talabani har xil faoliyatlarda, har xil vaziyatlarda, har xil kishilar davrasida kuzatish hamda ushbu kuzatish natijalarini bir tizimga solib, undan keyingina ma'lum bir xulosaga kelishdan iborat. Shundagina undagi xarakterni, yo'nalishni, motiv, maqsad, his-tuyg'u va kechinmalarini bilib olish, tushunish mumkin.

Ammo, bunday chuqur va atroficha xulosalar yasash, inson to'g'risida bir to'xtamga kelish uchun juda ko'p vaqt kerak bo'ladi. Kichik komandirlar kuzatuv natijalarini o'z natijalari bilan qiyoslab, umumlashtirish ham u yoki bu talaba to'g'risida fikrlar haqqoniyligini ta'minlaydi.

Kuzatishning ikkita turi farqlanadi:

- oddiy, ya'ni hayotiy kuzatish;
- ilmiy kuzatish.

Oddiy kuzatishda, kuzatuvchi o'z kuzatishlarini jiddiy deb qabul qilmaydi. Shuning uchun ham o'zi kuzayotgan insondagi ba'zi jihatlarga (ba'zan ikkinchi darajali) ko'proq e'tiborni qaratib, muhim xususiyatlarni e'tibordan chetda qoldirishi mumkin. Shunday holatlar bo'lmasligi uchun ofitser ilmiy kuzatish usulidan foydalanishi kerak bo'ladi.

Ilmiy kuzatish oddiy kuzatish uslubidan quyidagilar bilan farq qiladi:

1. Kuzatishdan aniq maqsad belgilanadi.
2. Maqsaddan kelib chiqqan holda kuzatish rejasи ishlab chiqiladi.

Ilmiy kuzatish doimiy va izchil ravishda olib boriladi. Kuzatish faqatgina ma'lumotlar yig'ishdangina iborat emas, balki ushbu yig'ilgan axborotlarni muntazam ravishda tahlil qilish, qiyoslash, baholash va tekshirishni ham o'z ichiga oladi.

Muhokamalar va natijalar. Shaxsning motiv doirasi uning ehtiyojlarida, irodaviy sifatlarida va vazifaviy imkoniyatlarida o'z aksini topadi. Motivning tadqiqot tarixidan kelib, unga yondashsak, bu holda u insonlar hayoti va faoliyatini ruhiy jihatdan boshqaruvchisi sifatida talqinidan iborat o'ziga xos turidir. Motiv tushunchasi, asosan, sut emizuvchi hayvonlarga taalluqli ekanligi ilmiy manbalarda ta'kidlab o'tiladi. Insonlarga aloqador motivlar tushunchasi qo'zg'atuvchilar va qo'zg'ovchilarining barcha turlarini o'z ichiga oladi (chunonchi, motivlar, eshtiyorlar, qiziqishlar, maqsadlar, intilishlar, motivlashgan ustakovkalar va boshqalar). Insonning motivlar oqimi to'g'risida mulohazalar insonning motivlari tuzilishini, ularning asosiy vazifaviy mexanizmlarini hamda shakllanish jarayoniga yo'naltirishning strategik rejasini ishlab chiqish muammosini psixologik tomondan tushuntirish uchun shaxsning psixik rivojlanishi tahliliga o'ziga xos ravishda taktik yondoshiladi.

Guruh talabalari har doim jamoa muhitida bo'ladilar. Shuning uchun ham shaxslararo munosabatlar aniq bir tizimga solingan bo'lib, ular harbiy nizomlar bilan tartibga solib turiladi. Talabalar o'rtasidagi munosabatlar quyidagi shakllarda bo'ladi: Ta'limga oid, ta'limga tashqari (maishiy) va shaxsiy munosabatlar.

Ta'limga oid munosabatlar xizmatni o'tashda, amaliy mashg'ulotlarda va kundalik hayotda nihoyatda zarur bo'lib, har bir kishidan eng avvalo

jangovar, xizmatga va mehnatga oid, ijtimoiy-siyosiy majburiyatlarni so‘zsiz bajarishni taqozo etadi. Ushbu o‘zaro munosabatlar harbiy jamoaning tashkiliy tuzilishida rasman mustahkamlab qo‘yilgan. Bundan tashqari ular harbiy nizom, buyruq, qoida va qo‘llanmalarda bayon etilgan bo‘ladi. Ofitser-o‘qituvchilarning faoliyatları ushbu o‘zaro munosabatlarni qaror toptirishga, mustahkamlashga va boshqarishga qaratiladi. Ta’limga oid o‘zaro munosabatlar tizimi muntazam qaror toptirib boriladi. Masalan, o‘qish faoliyatining u yoki bu jarayonida talabalarni qayta taqsimlash, majburiyatlarni belgilash va vazifalarni taqsimlash, hisobot vaqtini va shaklini ko‘rsatish, xizmatda kamchiliklar bo‘lganda jazolash shular sirasiga kiradi. Ammo, xizmat davrida ham, undan tashqarida ham iroda, ong va hissiyotga ega bo‘lgan kishilar o‘zaro ta’sirlashadilar. Shuning uchun ham xizmatga oid munosabatlarni shaxsiy munosabatlardan, shaxsiy munosabatlarni esa xizmatdan tashqari munosabatlardan butunlay ajratib bo‘lmaydi. Ta’lim vaqtida ham, ta’limdan tashqari holatlarda ham o‘ziga xos his-tuyg‘ularga, irodaviy sifatlarga, tafakkur va dunyoqarashga ega bo‘lgan insonlar o‘zaro munosabatlarga kirishadilar. Bu esa talabalar o‘rtasidagi munosabatlarning chuqur ruhiy-emosional mazmunga ega ekanligidan dalolat beradi (1-rasm).

talabalardagi qarashlar, fikrlar, qiziqish va e’tiqodlarning o‘xshashligi yoki umumiyligi.  
Bunday kishilar hamfikrlar.



talabalarning hamkorlikdagi hayot faoliyatlarida shakllanadi. Qurollar va harbiy texnikaga birgalikda xizmat ko‘rsatish, umumiyligi vazifalarni bajarayotganda yakka tartibdag‘i xatti-harakatlarni o‘zaro kelishib olish zarurligi kabilardir.



talabalardagi ichki tuyg‘u hisoblanadi. O‘zining o‘rtog‘iga nisbatan hurmat va ishonch tuyg‘usiga ega askar yordamida, umumiyligi ish jarayoni ko‘tarinki faoliyatga aylanadi.

Rasm. Har xil talabalarni bir jamoaga birlashtiruvchi asoslar.

Guruhdagi o‘zaro munosabatlar kishilar xulq-atvoriga juda kuchli ta’sir ko‘rsatadi. Talabaning o‘z ofitseriga bo‘lgan ichki sub’ektiv munosabati unda harbiy xizmatga nisbatan ijobiy munosabatni shakllantirishda muhim ahamiyatga ega. Qandaydir sabablarga ko‘ra, ushbu munosabat salbiy bo‘lsa, bo‘ysunish majburiy, xizmat jarayoni esa zerikarli bo‘ladi, natijada kelishmovchilik va ko‘ngilsiz holatlar kelib chiqadi. Aksincha, ofitser-o‘qituvchi va talabalar o‘rtasidagi ijobiy munosabat xizmatni osonlashtirib, uni sevimli mashg‘ulotga aylantiradi. Bu esa talabalarda kerakli jangovar sifatlarni tarbiyalashga yordam beradi. Guruhlardagi harbiy intizomni mustahkamlashda o‘zaro munosabatlar mazmuni katta ahamiyatga ega. Qayerda o‘zaro munosabatlar harbiy nizomlar asosiga qurilgan bo‘lsa, o‘sha joyda harbiy intizom mustahkam bo‘ladi.

Motivlarning navbatdagi toifasiga, ya’ni ichki motivlar turkumiga individual xususiyatli motivlar kiradiki, ular talaba shaxsida o‘qishga nisbatan individual maqsadni ro‘yobga chiqaruvchi qo‘zg‘alish negizida paydo bo‘ladi. Chunonchi, bilishga nisbatan qiziqishning vujudga kelishi shaxsnинг ma’naviy (madaniy) darajasini oshirish uchun undagi intilishlarning yetilishidir. Bunga o‘xshash motivlarning ta’sirida o‘quv jarayonida nizoli, ziddiyatli vaziyatlar yuzaga kelmaydi. Albatta bunday toifaga taalluqli motivlar paydo bo‘lishiga qaramay, ba’zan qiyinchiliklar vujudga kelishi ehtimol, chunki bilimlarni o‘zlashtirish uchun irodaviy zo‘r berishga to‘g‘ri keladi. Bunday xossalarga ega bo‘lgan irodaviy zo‘r berishlar tashqi halaqit beruvchi qo‘zg‘atuvchilar (qo‘zg‘ovchilar) kuchi va imkoniyatini kamaytirishga qaratiladi. Ta’lim jarayonida bunday vaziyatlarni yaratish o‘qituvchining muhim vazifasi hisoblanib, uning faoliyati ichki anglanilgan motivlar talabalar xulq-atvorini shunchaki boshqarish bilan cheklanmasdan, balki ular shaxsini shakllantirishga, ularda maqsad qo‘ya olish, qiziqish uyg‘otish va ideallarni tarkib toptirishga qaratiladi

Psixologik ma’lumotlarning ko‘rsatishicha, tanlangan xatti-harakatlar oqilona, omilkor, odilona ekanligi to‘g‘risida qarorga kelinganida, maqsadga muvofiqligi ishonchli dalillar ustiga qurilganida ushbu jarayonlar qiyinchiliksiz sodir bo‘ladi. Biroq aksariyat hollarda qarorga kelish murakkab jarayonga aylanadi, buning natijasida motivlar kurashi paydo bo‘ladi, binobarin, tanlash, yakdillikka kelish muddati birmuncha uzoqlashadi. Masalan, harbiyda ish joyini almashtirish xoshish-istagi tug‘ildi deb aytaylik, biroq unda boshqa xususiyatga ega bo‘lgan intilishlari hukm surishi mumkin, o‘z navbatida ular ishxonani o‘zgartirishga to‘sinqinlik ham qiladi. Jumladan, ish joyini o‘zgartirish maoshning yangi ishxonada biroz yuqoriligi bilan bog‘liq bo‘lsa-da, lekin yangi muhitga va jamoaga, notanish shart-sharoitga, boshqacha talabga moslashish (ko‘nikish) zarurligini taqozo etadi. Ana shu tarzdagi munosabatlar bilan motivlar kurashi yuzaga keladi, uning negizida:

a) yangi ish joyidan, b)ichki qanoatlanish tuyg‘usidan voz kechish kerakmi; yoki v) qimmatli imkoniyat tug‘ilishi, g) uning istiqboli evaziga o‘zining boshqa ehtiyojlaridan yuz o‘girishi lozimmi degan motivlar kurashadi.

Harbiy faoliyatdagi o‘zaro munosabatlar har xil ichki va tashqi omillar ta’sirida o‘zgarib turadi. Zamonaviy harbiy texnika va quollarning murakablashganligi, ularning bir nechta kishilar tomonidan boshqarilishi bo‘linmadagi va har bir harbiy xizmatchidagi mas’uliyat hissini nihoyatda oshiradi. Ularni boshqarishda aniqlik va hushyorlik, harakatlardagi o‘zaro muvofiqlik talab etiladi. Bularning hammasi talabalarni bitta jamoa atrofiga birlashtiradi, har bir kishining umumiyl ish uchun mas’uliyatini oshiradi.

Insonlarga o‘tkazadigan ta’siriga ko‘ra, shaxsiy munosabatlar o‘zaro munosabatlar tizimida alohida o‘rin tutadi. Bunday munosabatlar stixiyali ravishda qaror topadi (yoqtirish, yoqtirmaslik, befarqlik, do‘stlik, xayrixohlik va hokazo). Kundalik hayotda bunday munosabatlarga har doim ham e’tibor berilavermaydi. Ammo, shaxsiy munosabatlar katta ta’sir kuchiga ega bo‘lib, doimiy e’tiborni hamda izchil boshqaruvni taqozo qiladi.



Kundalik faoliyat jarayonida talabalar amalga oshiradigan har xil o‘zaro aloqalar va muloqotlar jamoadagi o‘zaro munosabatlar tizimini tashkil etadi. Aynan ushbu jarayonda shaxslar va jamoalar o‘rtasidagi o‘zaro ta’sirlashuv shakllari paydo bo‘ladi va rivojlanadi.

Motivlar kurashida u yoki bu tarzda qarorga kelishni ma’qullash (e’tirof qilish) yoki ma’qullamaslik (e’tirof qilmaslik) to‘g‘risidagi mulohazalarni tashlil qilish (ularni chamlash) bilan cheklanib qolmasdan, balki o‘zaro ziddiyatli, bir-birini inkor etuvchi harakatlarni tatbiq etishga undovchi qabildagi motivlar kurashi ham tug‘ilishi mumkin. O‘zaro qarama-qarshi motivlarning salmog‘i qamrovli bo‘lsa, shaxsni faoliyatga undovchi ehtiyojlarning ob‘ekti o‘zining qiymati bilan o‘zaro baravarlashsa, u holda bunday motivlar kurashi ularga hamohang tarzda kuchli kechadi. Mabodo shaxsda televidenieda film ko‘rish xoshishi bilan do‘sining tug‘ulgan kuni bilan tabriklash uchun borish istagi o‘rtasida ruhiy kurash yuzaga kelsa, motivlar kurashi sodir bo‘lmaydi, chunki bunday mahalda shaxsda filmni tomosha qilish istagi (intilish) o‘zidan o‘zi yo‘qoladi. Lekin motivlar kurashi hamisha ham shunday yengil o‘tadi deb xulosa chiqarmaslik kerak, bunda munosabat, xoshish shaxs uchun qanchalik muhim ahamiyat kasb etishiga ko‘p jihatdan bog‘liq. Jumladan, insonni safarga otlanish (tayyorgarligi) hamda qarindoshdagi to‘yga tabriklash uchun borish istaklari (zarurati) o‘rtasidagi motivlar kurashi o‘zaro bir-biriga zid ekanligi tufayli faqat ulardan bittasini tanlash taqozo etilganligi sababli murosasiz kurash tariqasida keskin tus olishi mumkin. Shunga o‘xhash motivlar kurashi natijasida muayyan qarorga kelishi yoki qaror qabul qilish vujudga keladi, bunda shubshalanish, sustlik, loqaydlik, ikkilanish singari sifatlar (goho illatlar) faoliyat doirasidan siqib chiqarilib, butun diqqat e’tibor qarorni amalga oshirishga yo‘naltiriladi. Mabodo qarorga kelinganidan keyin ham jur’atsizlik shaxsni ikkilanish sari yetaklashda davom etaversa, u holda irodaviy harakat tub ma’nodagi harakatdan, shijoatdan, sobitqadamlikdan, belgilangan maqsad sari intilishdan mahrum ekanligini aks ettiradi. Maqsadga erishish uchun shaxs o‘zini tayyorlaydi, psixologik va statistik kutilmalar o‘zaro tafovutlanishi yuzasidan axborotlarni umumlashtiradi.

O‘zaro munosabatlar tizimi jamoadagi rahbarlik usullariga, ijtimoiy-psixologik muhitga, an‘analarga, harbiy intizomga va shaxsiy tarkibning o‘z vazifalariga bo‘lgan munosabatlariga ta’sir ko‘rsatadi. Ushbu sanab o‘tilgan omillar esa jamoaning rivojlanganlik darajasini belgilaydi.

Ma’lumki, harbiy guruhlardagi o‘zaro munosabatlar umumharbiy nizomlar va axloq me’yorlari bilan tartibga solib turiladi. O‘zaro hurmat, jangovar o‘rtoqlik, jamoatchilik ishlarida faol ishtirokt etish, har qanday sharoitda ham o‘rtoqlariga yordam berishga intilish kabilar harbiy nizomlarga asoslangan o‘zaro munosabatlarga xos.

Ofitserlar va talabalar o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlar yakkaboshchilik, turli yoshdagagi harbiy xizmatchilar o‘rtasidagi munosabatlarda ma’lum masofani saqlash, o‘zaro hurmat va boshliqlarning obro‘sisi kabi tamoyillarga asoslanadi. Boshliq va komandirlarga so‘zsiz bo‘ysunish harbiy xizmatchi

shaxsini yerga urmaydi. Chunki, ularning qiziqishlari o‘zaro mos keladi, ular bir maqsad, Vatan himoyasi uchun xizmat qiladilar. Jamoada harbiy nizomlarga asoslangan o‘zaro munosabatlarni shakllantirish ko‘p jihatdan askarlarning jamoaga moslashuviga, ularning muloqot usullariga va ruhiy jihatdan qanchalik mosliklariga bog‘liq bo‘ladi. Ushbu ko‘rsatkichlarni bilgan holda guruhdagi o‘zaro munosabatlarni boshqarish mumkin.

O‘zaro munosabatlarning har qanday shaklida turli xil ijtimoiy-psixologik hodisalar yuz berib turadi. Shunday hodisalardan biri taqlid bo‘lib, inson shaxsining kamol topishida uning o‘rni beqiyos, har qanday inson hayotda kimgadir taqlid qiladi, unga o‘xhashga harakat qiladi. Psixologlar tili bilan aytganda insonlardagi ijtimoiy bilim va tajriba manbalaridan biri - taqliddir.

Munosabatlarda paydo bo‘ladigan yana bir ijtimoiy - psixologik hodisa musobaqa yoki o‘zaro raqobat hisoblanadi. Musobaqa insonlarni faollashtiruvchi ta’sir kuchiga ega. Ushbu hodisadan guruhlardagi jangovar va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik darajasini oshirishda foydalanish maqsadga muvofiq.

Bundan tashqari, talabalar o‘rtasidagi munosabatlar boshliqlar va bo‘ysunuvchilar, kattalar va kichiklar, shuningdek, o‘zaro tenglar o‘rtasidagi munosabatlarga bo‘linadi. Bunday munosabat-larning mazmuni O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining intizom nizomida bayon etilgan.

Shuni eslatib o‘tish o‘rinlik, qarorga kelish, uni amalga oshirishda qiyinchiliklarni bartaraf etishda irodaviy zo‘r berish muhim ahamiyat kasb etadi. Aksariyat psixologik holatlarda inson tomonidan qarorga o‘z ehtiyojlarining ustuvorligi darajasi ta’sirini zaruriy chora tariqasida yengish bilan uyg‘unlashgan, jiddiylik, zo‘riqish xususiyatlari ichki zo‘r berish jarayoni bilan uzviy bog‘liqlikka ega. Shaxs o‘zidagi qarama-qarshiliklarni yengishga nisbatan bunday munosabat (zaruriyat) birinchidan, sub’ektning ayrim istaklari, mustashkamlangan salbiy odatlari; ikkinchidan, turmush hodisalariga nisbatan ko‘nikish hissi; uchinchidan, ma’qullanilmagan axloq-odob tamoyillari, an’analar bilan kurashining kechishi irodaviy aktning o‘ziga xos xususiyatga ega bo‘lgan xislati (sifati) hisoblanish irodaviy zo‘r berish tomonidan idora qilinadi.

Qiziqish shaxsnинг muhim psixologik jabhalaridan biri hisoblanib, unda talabaning individual xususiyati bevosita mujassamlashadi. Qiziqish-talabalarning dunyoqarashi, e’tiqodlari, ideallari, ya’ni uning oliy maqsadlari, ezgu niyatlari, orzu umidlari bilan bevosita muhim rol o‘ynaydi hamda ularning muvaffiqiyatli kechishini ta’minalash uchun xizmat qiladi. Qiziqish bilimlarni ongli, puxta, barqaror, anglagan holda o‘zlashtirishda, ko‘nikma va malakalarni shakllantirishda, shaxs qobiliyati, zehni, uquvchanligi rivojlantirishga, olamni mukammaliroq tushunishga, bilim saviyasining kengayishiga yordam beradi. Qiziqish motiv singari borliqning mo‘jizakor tomonlarini bilishga, fan asoslarini egallahsga faoliyatning turli-tuman shakllariga nisbatan ijodiy yondashishni vujudga keltiradi, mehnatga, ta’limga mas’uliyat bilan munosabatda bo‘lishni shakllantiradi, har qaysi yakka (individual) shaxsda ishchanlik, g‘ayrat-shijoat, yengilmas irodani tarkib toptirishga puxta psixologik shart-sharoitlar yaratadi. Qiziqishning psixologik

mohiyatidan kelib chiqqan holda yondashilganda, qiziqish, insonda intilish, faoliik, ichki turtki, ehtiyojni ro'yobga chiqarish manbai rolini bajaradi.

Jamoa kayfiyati, jamoa a'zolarida u yoki bu hodisaga nisbatan paydo bo'ladigan hissiyotlar majmuasi. Jamoa kayfiyati juda katta ta'sir kuchiga ega bo'lib, talabalar xulq-atvori va faoliyatining motivi hisoblanadi.

Darhaqiqat jamoa kayfiyatining ba'zi turlari (ishtiyoy, muvaffaqiyatga bo'lgan ishonch, ko'tarinki kayfiyat) uning muvaffaqiyatiga omil bo'lsa, boshqalari (yomon kayfiyat, o'z kuchiga ishonmaslik, zerikish, xafalik va norozilik) esa aksincha, jamoaning imkoniyatlarini pasaytiradi.

Bundan tashqari harbiy jamoalar o'ziga xos an'analarga ega bo'ladilar. Jamoaning o'ziga xos biron bir xususiyatini vaqt o'tishi bilan saqlab qolish hodisasiga an'ana deyiladi.

Xulosa va tavsiyalar. jamoa yana o'ziga xos ijtimoiy-psixologik muhit bilan ham xarakter-lanadi. Ijtimoiy-psixologik muhit (mikromuhit, axloqiy muhit) murakkab tushuncha bo'lib, u o'z ichiga har bir talabadagi histuyg'ularni, ulardagi ijtimoiy ehtiyojlarning qondirilganlik darajasini (muloqot, o'zaro hurmat, do'stlik, qobiliyatlarini namoyon qilish darajasi va hokazo) va jamoa kayfiyatini oladi. Bir vaqtida jamoaning hamma a'zolarida yoki ularning ko'philibida namoyon bo'ladigan his-tuyg'ular va kechinmalar majmuasiga jamoa kayfiyati deyiladi.

Agar alohida bir shaxsdagi kayfiyat fiziologik, psixologik va boshqa ijtimoiy omillarga bir xil darajada bog'liq bo'lsa, jamoa kayfiyati esa eng avvalo ijtimoiy munosabatlar butun tizimi (iqtisodiy, siyosiy, g'oyaviy, ma'naviy) natijasi hisoblanadi. Ijtimoiy hayot esa insonlar hayotining moddiy va ma'naviy sharoitlari bilan belgilanadi.

Shunday qilib, ofitser-o'qituvchi va talabalar o'rtasidagi ijobiy munosabat xizmatni osonlashtirib, uni sevimli mashg'ulotga aylantiradi. Bu esa talabalarda kerakli jangovar sifatlarni tarbiyalashga yordam beradi. Ta'lim vaqtida ham, ta'limdan tashqari holatlarda ham o'ziga xos his-tuyg'ularga, irodaviy sifatlarga, tafakkur va dunyoqarashga ega bo'lgan insonlar o'zaro munosabatlarga kirishadilar. Bu esa talabalar o'rtasidagi munosabatlarning chuqur ruhiy-emosional mazmunga ega ekanligidan dalolat beradi. Guruhdagi motivatsiya talabalar xulq-atvoriga juda kuchli ta'sir ko'rsatadi. Talabaning o'z ofitseriga bo'lgan ichki sub'ektiv munosabati unda harbiy xizmatga nisbatan ijobiy munosabatni shakllantirishda muhim ahamiyatga ega.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. G'oziyev E.G'. Umumiy psixologiya.-T:Universitet, 2002.-B.137.
2. Raximov F.B. Harbiy psixologiya va pedagogika asoslari Darslik.-B.;Umid, 2022.-151 b.
3. Uzoqov A.M. Harbiy psixologiya va pedagogika O'quv qo'llanma.-B.;Kamolot, 2022.-131 b.
4. Nasriddinov Ch.R. Harbiy psixologiya. O'quv qo'llanma T.;Fan, 2004.-123 b.

## HARBIY TA'LIM FAKULTETI TALABALARIDA PEDAGOGIK KOMPETENSIYANING SHAKLLANISHI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.040>

Xoliqov Ixtiyor Rozikovich,

Buxoro davlat universiteti pedagogika instituti harbiy ta'lif fakulteti  
dotsenti

<https://orcid.org/0000-0002-5772-9367>

*Annotatsiya: Mazkur maqolada harbiy ta'lif fakulteti talabalarida pedagogik kompetensiyaning shakllanish jarayonlari va ularni takomillashtirish istiqbollari hamda bo'lajak pedagoglar uchun muhim bo'lgan kompetensiyalar haqida so'z yuritiladi. Mamlakatimizda olyi ta'lif tizimida olib borilayotgan islohotlar, ularni amalga oshirish borasida normativ-huquqiy hujjatlar hamda islohotlarni amalga oshirish mexanizmlari. Ta'lif tizimida islohotlardan kutilayotgan natijalar. O'qituvchi va talabalar orasidagi munosabatlar. Harbiy ta'lif yo'nalishida ta'lif olayotgan talabalarning harbiy qism va muassasalar bilan birgalikdagi hamkorlik jarayonlari haqida qisqacha tavsiotlar bayon etib o'tilgan. Maqolada, talabalarda pedagogik kompetensiyalarni shakllantirish jarayoni bilan bog'liq ba'zi bir taddiqotchilarining fikr mulohazalari, ular tavsiya qilgan yo'nalishlar ham berilgan bo'lib, mazkur ishlar pedagogik kompetensiyaning shakllanish jarayonlarini, tegishli kompetensiyalarga ega bo'lish yo'llarini chuqur tahlil qilish imkonini beradi. Bundan tashqari harbiy ta'lif fakulteti spetsifikasi hamda harbiy xizmat jarayonlarini hisobga olgan holda, ushbu yo'nalishda ta'lif olayotgan talabalarda harbiy kompetensiyalarning turlari va u kompetensiyalarni shakllantirish haqida ham qisqa tavsiya va xulosalar berib o'tiladi.*

*Kalit so'zlar: Harbiy ta'lif, harbiy kompetensiya, pedagogik kompetensiya, tizim, vaziyat, ta'minot, saviya, malaka.*

## ФОРМИРОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ У СТУДЕНТОВ ВОЕННЫХ ФАКУЛЬТЕТОВ

Холиков Ихтиёр Розикович

Доцент военного факультета педагогического института  
Бухарского государственного университета

*Аннотация: В данной статье рассматривается процесс формирования педагогических компетенций у студентов военных факультетов и перспективы их совершенствования, а также компетенции, важные для будущих педагогов. Реформы в системе высшего образования страны, нормативно-правовые документы по их реализации и механизмы реализации реформ. Ожидаемые результаты реформ в системе высшего образования. Отношения преподавателя со студентом. Дано краткое описание процесса взаимодействие студентов обучающихся в военном факультете с воинскими частями и учреждениями. В статье приведены мнение и работы некоторых*



исследователей о процессе формирования педагогических компетенций у студентов, а также рекомендуемые ими направления. Кроме того, с учетом специфики факультета военного образования и процессов прохождения военной службы, студентам, обучающимся по данному направлению, будут даны краткие рекомендации и заключения по видам воинских компетенций и формированию этих компетенций.

**Ключевые слова:** Военное образование, военная компетентность, педагогическая компетентность, система, ситуация, обеспечение, уровень, квалификация.

## FORMATION OF PEDAGOGICAL COMPETENCE OF STUDENTS OF MILITARY DEPARTMENTS

*Kholikov Ikhtiyor Rozikovich*

*Associate Professor of the Military Faculty of the Pedagogical Institute of the Bukhara State University*

*Annotation: This article discusses the process of formation of pedagogical competencies among students of military faculties and the prospects for their improvement, as well as competencies that are important for future teachers. Reforms in the country's higher education system, legal documents for their implementation and mechanisms for implementing reforms. Expected results of reforms in the system of higher education. The teacher-student relationship. A brief description of the process of interaction of students studying in the military faculty with military units and institutions is given. The article presents the opinion and work of some researchers on the process of formation of pedagogical competencies among students, as well as the directions recommended by them. In addition, taking into account the specifics of the faculty of military education and the processes of military service, students studying in this direction will be given brief recommendations and conclusions on the types of military competencies and the formation of these competencies.*

*Key words:* Military education, military competence, pedagogical competence, system, situation, provision, level, qualification.

Shiddat bilan o‘zgarib borayotgan zamonda yashar ekanmiz, kompyuter texnologiyalarini mukammal o‘zlashtirgan, yuqori intellektual salohiyatga ega, bozor iqtisodiyoti talablariga to‘liq javob bera oladigan, tegishli pedagogik kompetensiyaga ega talabalarni tayyorlash davr talabiga aylanib bormoqda. Bugungi kunda oliy ta’lim muassasasi bitiruvchisi nafaqat yaxshi professional bilimlarini namoyon etishi, balki o‘zi tanlagan faoliyat sohasida kasbiy bilimga ega bo‘lishlari bilan bir qatorda yetarli darajada bo‘lishi fundamental ta’limni ana shu asosda qurish imkoniyatiga ega bo‘lish yangi shartlarga muvofiq yangi konkret bilimlar, tegishli pedagogik kompetensiyalarga ega bo‘lishi ham talab etiladi.[2]

Boloniya ta’lim tizimiga kirar ekan, O‘zbekiston oliy ta’lim tizimida juda katta islohotlar jarayoni amalga oshirilmoqda. Keyingi yillarda mamlakatimiz

ta’lim tizimiga e’tibor davlat siyosati darajasiga ko‘tarilib, yoshlarning bilim olishlari va har tomonlama yetuk mutaxassis bo‘lib yetishishlariga alohida e’tibor qaratilib kelinmoqda. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida shunday deyiladi: Oliy ta’lim muassasalarida o‘quv jarayoni bosqichma-bosqich kredit-modul tizimiga o‘tkaziladi;

xalqaro tajribalardan kelib chiqib, oliy ta’limning ilg‘or standartlari joriy etiladi, jumladan o‘quv dasturlarida nazariy bilim olishga yo‘naltirilgan ta’limdan amaliy ko‘nikmalarни shakllantirishga yo‘naltirilgan ta’lim tizimiga bosqichma-bosqich o‘tiladi;

oliy ta’lim mazmuni sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tariladi, ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror rivojlanishiga munosib hissa qo‘shadigan, mehnat bozorida o‘z o‘rnini topa oladigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimi yo‘lga qo‘yiladi;

oliy ta’lim muassasalarining akademik mustaqilligi ta’minlanadi;

oliy ta’lim muassasalarida ta’lim, fan, innovatsiya va ilmiy tadqiqotlar natijalarini tijoratlashtirish faoliyatining uzviy bog‘liqligini nazarda tutuvchi «Universitet 3.0» konsepsiysi bosqichma-bosqich joriy etiladi;

xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish, pullik xizmatlar ko‘lamini kengaytirish va boshqa budjetdan tashqari mablag‘lar hisobiga oliy ta’lim muassasalarida texnopark, forsayt, texnologiyalar transferi, startap, akselerator markazlari tashkil etiladi hamda ular tegishli tarmoq, soha va hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini tadqiq etuvchi va prognozlashtiruvchi ilmiy-amaliy muassasalar darajasiga olib chiqiladi;

Mustaqil ta’lim soatlari ulushini oshirish, talabalarda mustaqil ta’lim olish, tanqidiy va ijodiy fikrlash, tizimli tahlil qilish, tadbirkorlik ko‘nikmalarini shakllantirish, o‘quv jarayonida kompetensiyalarni kuchaytirishga qaratilgan metodika va texnologiyalarni joriy etish, o‘quv jarayonini amaliy ko‘nikmalarni shakllantirishga yo‘naltirish, bu borada o‘quv jarayoniga xalqaro ta’lim standartlariga asoslangan ilg‘or pedagogik texnologiyalar, o‘quv dasturlari va o‘quv-uslubiy materiallarni keng joriy etish [1]. Mazkur konsepsiadagi vazifalar talabalarning keng bilimga ega bo‘lishlari uchun yangi imkoniyatlar yaratib beradi.

Mamlakatimiz oliy harbiy ta’lim muassasalari qatorida, pedagogika oliy ta’lim muassasalarida ham bo‘lajak rezervdagи ofitserlarni tayyorlash tizimi yo‘lga qo‘yilgan. Harbiy ta’lim fakulteti talabalarida ta’lim olish jarayonida pedagogik kompetensiyalar bilan birgalikda harbiy kompetensiyalar ham shakllanib boradi. Harbiy ta’lim fakulteti talabalarida qanday pedagogik kompetensiyalar mavjud bo‘lishi kerak? degan tabiiy savol tug‘iladi.

J. X. Stepanyan professional kompetensiyanı quyidagi turlarga bo‘lgan:

Maxsus kompetentsiya o‘z professional faoliyatini yetarli darajada egallashi, o‘z professionallik shakllanishini loyihalashtira olish qobiliyatiga ega bo‘lishi;

Ijtimoiy kompetentsiya jamoaviy kasbiy faoliyat va kasbiy muloqot usullariga ega bo‘lish, o‘z faoliyati natijalari uchun ijtimoiy mas’uliyatni



shakllantirish.

Shaxsiy kompetensiya shaxsiy o‘zini o‘zi boshqarish tajribasiga ega bo‘lish, o‘zini namoyon qilish usullari, o‘zini o‘zi rivojlantirish, shaxsning professional deformatsiyasiga qarshi turish qobiliyatni.

Individual kompetensiya o‘z-o‘zini anglash va kasb doirasida individuallikni rivojlantirish usullariga ega bo‘lish, ijodkorlik, kasbiy o‘sishga tayyorlik. [3]

Har bir bo‘lajak pedagog jamoada faoliyat olib borar ekan, birinchi navbatda yosh avlodga bilim berish jarayonida o‘zidagi pedagogik kompetentsiyaga asoslanib faoliyatini tashkil qilib olib boradi.

Pedagogik kompetensiya tuzilishini quyidagicha ifodalash mumkin:

- kognitiv kompetensiya;
- psixologik kompetensiya;
- kommunikativ kompetensiya;
- ritorik kompetensiya;
- professional-texnologik kompetensiya;
- professional - axborot kompetensiya;
- monitoring kompetensiya.

Umuman olganda, talabalarda kompetensiyalarning shakllanishi faqatgina ta’lim olish jarayoni bilan cheklanmaydi. Pedagogik kompetensiyaning shakllanish jarayoniga uzlusiz jarayon sifatida qarash lozim bo‘ladi. Bo‘lajak pedagog, o‘z pedagogik faoliyatini boshlar ekan, turli nostandard situatsiyalarga duch kelish ehtimoli yuqori bo‘ladi. Ushbu jarayonlarda ayniqsa, vaziyatga qarab o‘z pedagogik kompetensiyalarini namoyon etish qobiliyati talab qilinadi. Pedagogik kompetensiya bu, psixologik jarayon emas, balki, yillar davomida aniq bir muhit sharoitida shakllanib boradigan jarayon deb qarash maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Harbiy ta’lim fakulteti talabalarida pedagogik kompetensiyaning shakllanishi barobarida ularning spetsifikalaridan kelib chiqib harbiylarga xos bo‘lgan, harbiy kompetensiya ham shakllana borishi zarur. Harbiy fakultet o‘z mo‘ljallanishidan kelib chiqib, rezervdagи leytenantlarni tayyorlash bilan ham shug‘ullanadi. Bo‘lajak harbiylarning xizmat faoliatlari ma’lum bir xav-xatar, stresslar bilan bog‘liq jarayon hisoblanadi. Shundan kelib chiqib aytish mumkinki, bo‘lajak harbiylarda quyidagi harbiy kompetensiyalar rivojlanishi lozim bo‘ladi: liderlik kompetensiyalar, boshqaruvchanlik kompetensiya, stressga bardoshlilik kompetensiya, turli vaziyatlarda nostandard qarorlar qabul qilish kompetensiyasi, jangovar hujjatlarni rasmiylashtirish va yuritish kompetensiyasi, jangovar quroq-aslahani qo‘llash kompetensiyalari shular jumlasidandir.

Talabalarda pedagogik hamda harbiy kompetensiyalarni shakllanish jarayoni ma’lum bir prinsiplarga asoslanib olib borilishi talab etiladi. Ushbu prinsiplarni quyidagicha ta’riflash mumkin:

Yaxlitlik prinsipi. Pedagogik jarayonning yaxlitligi, ya’ni, barcha tarkibiy qismlarining birligi va o‘zaro bog‘liqligini nazarda tutuvchi yaxlitlik prinsipi (pedagogik amaliyot, o‘quv-tarbiyaviy ishlar va talabalarning ilmiy-tadqiqot faoliyatidan iborat o‘quv-tarbiyaviy ishlar).

Ketma-ketlik prinsipi. Talabalarning o‘rganish natijasida ega bo‘lishi kerak bo‘lgan bilimlar, amaliy faoliyatida duch kelishi mumkin bo‘lgan pedagogik vaziyatlar bilan izchil tanishtirishni nazarda tutuvchi izchillik tamoyili.

O‘quv jarayonida talabaning o‘zi, pedagogik hamjamiyat va, umuman, jamiyat ega bo‘lgan ijtimoiy-madaniy talablar va talablarni hisobga olishni nazarda tutadigan madaniy muvofiqlik prinsipi.

Dialogizatsiya prinsipi. O‘quv jarayoni subyektlarining hamjihatligini va hamkorlikdagi harakatlarini birgalikda amalga oshirishni nazarda tutadi.

Professional maqsadga muvofiq prinsipi. Oliy ta’lim muassasalari talabalarini o‘qitishda, ularning tanlagan kasblaridan kelib chiqib, o‘qitish usullari va shaklini tanlash. Bundan tashqari, kerakli fanlarni o‘qitishni nazarda tutadi. [4]

Qo‘sishimcha ravishda harbiy ta’lim talabalarini uchun harbiy kompetensiyani shakllantirishga qaratilgan quyidagi prinsiplarni keltirish mumkin:

Pedagogik hamda harbiy faoliyatning hamkorlik prinsipi. Harbiy ta’lim fakulteti talabalarining harbiy fanlarni o‘zlashtirishlari, bevosita jangovar qurol-aslaha va texnikada, harbiy qismlar bilan hamkorlikda amalga oshirishini nazarda tutuvchi jarayon.

Harbiy faoliyat va harbiy tayyorgarlik prinsipi. Harbiy ta’lim fakulteti talabalarining pedagogik kasbdan tashqari harbiy xizmatni tanlashlari va ta’lim olish jarayonida amaliy bilim olishlarini bevosita harbiy faoliyat (garnizon miqyosidagi o‘quvlarda ishtirok etish, taktik-maxsus o‘quvlar, jangovar otish mashqlari) davomida amalga oshirishlarini nazarda tutadi.

Yakka boshqaruvchanlik prinsipi. Mazkur yakkaboshchilik prinsipi faqat harbiy xizmat faoliyatiga mos prinsip bo‘lib, unda barcha harbiy xizmatchilar tayinlangan yagona boshliqqa (komandirga) bo‘y so‘nishlari va uning barcha buyruqlarini so‘zsiz bajarishlari nazarda tutildi.

Xizmat faoliyatlarni jangovar vaziyatga tenglashtirish prinsipi. Harbiylarning xizmat faoliyatlaridan kelib chiqib barcha mashg‘ulotlar, o‘quvlar, taktik-maxsus mashqlar jangovar vaziyatga tenglashtirilgan, o‘zgaruvchan vaziyatlarda tashkil qilinib olib borilishi nazarda tutildi.

Harbiy xizmatchilar doimiy jangovar shay holatda turishlari uchun ular bilan muntazam ravishda jangovar otish mashqlari, jangovar texnikalarni qish hamda yoz fasllarida bundan tashqari ko‘rinishi qiyin bo‘lgan sharoitlarda amalga oshirilada, natijada harbiy xizmatchilar ma’lum bir harbiylarga xos bo‘lgan kompetensiyalarga ega bo‘lishadi. Jangovar taktik mashg‘ulotlarda vaziyatlab reja asosida murakkablashtirilib boriladi, turli xildagi stress holatlar, o‘zgaruvchan taktik vaziyat, nostandard sharoitlar yaratilishi natijasida barcha bo‘g‘in komandirlarida harbiy kompetensiyalar namoyon bo‘lib shakllana boradi. Jumladan, stressga bardoshlik, boshqaruvchanlik, dinamik o‘zgarishlarga moslashuvchanlik, liderlik, yagona maqsadli jangovar vazifalarga jamoani yo‘naltirish, jangovar buyruqni bajarish uchun barcha to‘siqlardan o‘ta olish kabi jihatlarni ko‘rsatish mumkin bo‘ladi.

Xulosa. Pedagogik kompetensiyani shakllanish jarayoni bu psixologik omil bilan bog‘liq bo‘lmagan jarayon hisoblanib, talabalarning bilim olish

davrlari bilan cheklanib qolmaydi. Bitiruvchi talaba, professional faoliyati davomida o‘z kasbiy pedagogik kompetensiyalarini shakllantirib, sayqallab boradi. Kompetensiyalarning shakllanishiga, faoliyat olib borilayotgan muhit ham o‘z navbatida ta’sir ko‘rsatadi. [5] Yuqori darajadagi bilim va ko‘nikmalarga, keng dunyoqarashga ega, o‘z professionallik darajasini bozor iqtisodiyoti talablariga javob beradigan darajada namoyon eta olishi, bo‘lajak pedagogning talabgorligini oshiradi hamda jamiyatda o‘z o‘rnini topishga xizmat qiladi. Harbiy ta’lim fakulteti talabalarida pedagogik kompetensiyalar bilan birgalikda harbiy kompetensiyalarning ham shakllanib borishini kuzatishimiz mumkin. Fakultetda olib boriladigan harbiy tayyorgarlik fanlari, amaliy mashg‘ulotlarning integratsiyalashgan jaorayonda hamkorlikda tashkil etilishi, qurol-aslaha hamda jangovar texnikalar bilan bog‘liq mashg‘ulotlar dala maydonlarida bevosita harbiy qism, bo‘linma komandirlari tomonidan hamkorlikda olib borilishi, kompetensiyalar shakllanish jarayoniga bevosita ijobji ta’sirini ko‘rsatadi. Talabalarning mashg‘ulotlar jarayonida, qurol-aslaha va jangovar texnikalar bilan harakatlari, ularning Qurolli Kuchlarimizda mavjud bo‘lgan jangovar texnika, qurollarga bo‘lgan ishonchini osho‘rib ularda vatanparvarlik xislatlarini shakllantirishga turki bo‘lib xizmat qiladi. Zero, Prezidentimiz ta’birlari bilan aytadigan bo‘lsak, zamonaviy yoshlarimiz birinchi navbatda vatanparvar bo‘lmog‘i zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” gi 2019-yil 8-oktabrdagi PF-5847-sonli farmoni. <https://lex.uz/docs/-4545884>.

2.Р.И. Платонова “Развитие ключевых компетенций будущего учителя”. <https://cyberleninka.ru>.

3.Жанна Хачатуровна Степанян. Педагогическая компетентность как основа професионализма <https://spravochnick.ru>

4.Xoliquv I.R. “Oliy ta’lim muassasalari talabalari o‘rtasida pedagogik kompetensiyani shakllantirish”. Pedagogik mahorat ilmiy-nazariy va metodik jurnal. Buxoro – 2022 y. 17-19 b.

5. I.Xoliquv. “Formation of the Pedagogical Competence of Military Faculty Students”. European Journal of Innovation in Nonformal Education (EJINE) with the title. 2022 y. 18-20 p.

6.Xoliquv I.R. Zaxiriddin Muhammad Bobur hayoti va merosini o‘rganish dunyo talqinida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya “Zahiriddin Muhammad Bobur vatanparvar sarkarda” Toshkent – 2021 y. 313-316 b.

7.Xoliquv I. R., Jumayev F. Sh. “Harbiy-vatanparvarlik tarbiyasida milliy qahramonlarimizning o‘rni”. Temurbeklar maktabi harbiy akademik litseylarida zamonaviy ta’lim jarayonini tashkil etish istiqbollari respublika ilmiy-amaliy konferensiya Toshkent 2021-yil. 276-278 b.

8.Xoliquv I.R. “Rezervdagagi va zaxiradagi ofitserlarni vatanparvarlik ruxida tarbiyalashda milliy qahramonlarimizning o‘rni” Rezervdagagi va zaxiradagi ofitserlarni tayyorlash tizimini rivojlantirishda innovatsion yondashuv mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya. Farg‘ona 2021 y. 183-185 b.

9.Xoliquv Ixtiyor Roziqovich, Amanov G‘ulomjon Mahmudovich “Harbiy ta’lim muassasalarida kadrlarni tayyorlash tizimini takomillashtirish”. Ta’lim sifati samaradorligini oshirishda xalqaro tajribadan foydalanish: Muammo va yechimlar xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya Toshkent 2021 y. 93-96 b.

## ЎҚУВЧИЛАРДА ЧИДАМЛИЛИК ЖИСМОНИЙ СИФАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Нуруллаев Абдуҳамид Рўзимбоевич,  
факультетлараро жисмоний маданият ва спорт кафедраси  
доценти. Бухоро давлат университети

*Аннотация. Мақола ўқувчиларда жисмоний сифат – чидамлиликни ривожлантиришида хорижий мамлакатлар Америка, Япония, Хитой, Жанубий Кореяда, Германия каби давлатларда жисмоний тарбия ўқув жараёнини лойиҳалаш борасидаги тажрибалар таҳлил қилинган, умумлаштирилган. Шунингдек, ўқувчиларда чидамлилик сифатини ривожлантиришида хорижий давлатларнинг эътиборга молик жиҳатлари ажратиб олинган ва умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия дарслари сифат ва самарадорлигини оширишига хизмат қилувчи жиҳатлар ажратилган.*

*Калит сўзлар:* чидамлилик, жисмоний фазилат, хорижий тажрибалар, АҚШ, Германия, Хитой, Япония.

Сўнгги йилларда мактаб ўқувчиларини спорт фаолияти турларига ўргатиш, шунингдек, юқори малакали спортчиларни тайёрлашнинг асосий муаммоларидан бири бу уларда ҳаракат қўнималарини, хусусан, чидамлиликни ривожлантиришdir.

Чидамлилик, кундалик ҳаётда ҳам, спортда ҳам энг муҳим жисмоний сифатлардан бири бўлиб, барча жисмоний фаолият учун зарурдир. Чидамлилик жисмоний машқларнинг айрим турларида (юриш, қисқа масафаларда югуриш, узоқ масафаларга югуриш, велосипед ҳайдаш, узоқ масафаларга велосипед ҳайдаш ва чангода учиш) спорт натижаларини аниқлади; бошқа ҳолларда, маълум бир юқори даражадаги тактик ҳаракатларни бажаришга (бокс, кураш, спорт ўйинлари) имкон беради; учинчидан, оғир машқларда ва машқлардан кейин тез тикланишни таъминлашга (пойга, оғир атлетика, сакраш, қиличбозлик) ёрдам беради.

Жисмоний тарбия ўқув машғулотларини ташкил этишда ўқувчиларда жисмоний сифаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бугунги кунда ўқувчиларни соғлом, баркамол бўлиб ўсишида жисмоний тарбия дарсларининг ўрни бекиёс ҳисобланади. Шундай экан, умумтаълим мактабларида олиб борилаётган жисмоний тарбия дарсларини инновацион ёндашувлар асосида лойиҳалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчи-ёшлиарни ижтимоий ҳаётда мослашиши, касб-хунар эгаси бўлиб этишишида жисмоний тарбия дарсларининг алоҳида ўрни ва аҳамияти борлигини хорижий давлатларда олиб борилаётган ишлар ўрганиш ва таҳлили қилиш орқали ҳам гувоҳи бўламиз.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, хусусан Америка, Япония, Хитой, Жанубий Кореяда жисмоний тарбия машғулотларини лойиҳалаш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ўқувчиларни чидамлиликка асосланган ўқув жараёнини лойиҳалаш турли кўриниш ва қарашларда ўз ифодасини топган. Спортнинг баъзи турлари: бейсбол, карате, сумо, жиу-житсу, стол тенниси ундоқайларга асосланниб турли хилда ёндашилган.

АҚШда спорт миллий ғоялардан бири, мактаблар эса миллий жамоалар

учун захирадир. Шунинг учун бу ерда жисмоний тарбия машғулотлари нафакат дарс шаклида, балки деярли барча ўқувчилар иштирок этадиган бутун тизимда ташкиллаштирилган.

Хар бир мактабда ўзининг тўлиқ ўйин майдончаси мавжуд: баскетбол, бейсбол, Америка (ёки Европа) футболи. Кўпгина мактаблар сузиш ҳавзалари билан жиҳозланган. Деярли барчаси мактабларро мусобақаларда қатнашадилар, ҳаттоки маҳаллий телевиденияда эрта болаликдан соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун мусобақа жараёнлари мунтазам кўрсатилади. Ўқувчилар таркибидан тузилган ўйинчилар жамоа аъзоларининг исмлари экранда ёзib қўйилиши, томошабин сифатида стадиондан ўрин олган синфдошларга ҳамда уйда телевизор қаршисида ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини кузатган ҳар бир ўқувчига алоҳида хурсандчилик бағишлайди. Шу билан бир қаторда ёшларга спорт билан шуғуланишлари учун мотивация уйғотади.

Жисмоний тарбия дарсларининг аксарияти мусобақалар ва жамоавий иш билан боғлиқ. Биринчи синфлардан бошлаб жисмоний тарбия ўкув машғулотини ўқувчилар анъанавий жигал ёзди машқлари билан бошлади. Жисмоний тарбия ўкув машғулотлари асосан мактаб стадионида олиб борилади. Ўқувчи-ёшлар мактабда ва мактаблараро мусобақаларда фаол қатнашиш ҳамда севимли спорт турини танлаш имкониятига эга.

Дарс бошида чигал ёзди машқлар жуда узоқ ва шиддатли бўлиши шарт эмас. Болалар кўп югуришга, тўп билан ибтидоий жамоавий ўйинларни ўйнаш, ушлаш ва узатишга мажбур бўлишади. Америкалик ўқитувчиларнинг фикрига кўра, дарсга бундай ёндашув учта муаммони ҳал қилишга ёрдам беради: ўйин олдидан мушакларни қиздириш, болаларга олдинги дарсларда тўпланган энергияни ташқарига чиқаришга имкон бериш, синфни ягона жамоага бирлаштириш.


Дарснинг иккинчи қисми - фитнес. Кўпгина мактабларда бу тизим мавжуд: ўқувчилар гурухларга бўлинади ва ҳар бир гурух бир неча дақиқа давомида бирон бир фаолият тури билан шуғулланади. Арқон билан сакраш, тўп улоқтириш, сузиш машқларини бажариш. Бир неча дақиқадан сўнг гурухлар ўзгаради.

Бу ўқувчиларга спорт тури ва юкини тушуниш ва танлашлари учун амалга оширилади. Ахир, кимдир югуришни яхши кўради, кимдир эса тўп билан ўйнашни афзal кўради.

Дарснинг охирги қисми ўйинга бағишланган. Мактаб дарсларида аксарият ҳолатларда баскетбол ёки волейбол ўйинлари танланади.

Баъзи катта мактабларда жисмоний тарбия дарс лойиҳаси ўзгартирилиб, таркиби турлича бўлади. Яъни, ўқувчи, масалан, бейсбол спорт турини танлаган ва рўйхатдан ўтган бўлса, ҳафтанинг қайси куни ва қайси соатига ушбу дарс жадвалга қўйилганига қараб ўқувчи бошқа машғулотлардан танаффус олишига тўғри келади.

АҚШ мактабларида жисмоний тарбия дарсларидан ташқари 1986 йилдан бошлаб “Президентнинг чақируви” (“Президент чемпионлари” деб ҳам юритилади) [6] номланган мажбурий маҳсус дастурлар мавжуд. Бу 6 ёшдан 17 ёшгacha бўлган болаларнинг жисмоний тайёргарлиги учун тестлар ўтказилади. “Президентнинг Чакируви” дастури беш турдаги машқни ўз ичига олади: тирсакдан қўлларни букиб ёзиш (ётган ҳолатда), милга югуриш, 4×39 фут (қисқа масофада югуриш) масофага югуриш, турникка тортилиш, эгилган ҳолатдан йўналишни буриш, олдинга эгилиш. Бу каби спорт машқлари ўқувчида чидамлиликни ривожлантиради.

	
<b>4x39 фут масоға күгүршіш</b>	
<b>4x39 фут (қисқа масоғада күгүршіш)</b>	
<b>турникка торбалышы</b>	
<b>зәңгін жолалдан йүнешенни бураңы сөздинга зәтилшіш</b>	

Ағайындың ойындарынан үйича ҳар икки жинс вакилларидан жамоалар тузиш мажбурийдир. Албатта, спорт турларининг кўплигини инобатга олганда, ўқитувчи-тренерларга бўлган эҳтиёни кучайтиради. Катта мактабларда ўн нафаргача жисмоний тарбия ўқитувчилари ва алоҳида сексияларда мураббийлар фаолият юритади.

Японияда фуқароларнинг саломатлиги миллий ғоянинг бир қисмидир, шунинг учун мактабларда жисмоний тарбияга катта эътибор берилади. Бу ерда улар жисмоний тарбияланиш билан бир қаторда спорт маданиятини ўрганади.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг маоши кўпинча йирик завод директорининг маошига teng. Мактабда 8-10 спорт тури ўргатилиб, ҳар бир спорт турининг ўз мутахассис-ўқитувчиси бор.

Японияда жисмоний тарбия ўқитувчиси нафақат жисмоний тарбия ўқитувчиси, балки у тиббий малакага ҳам эга бўлиши керак.

Биринчи синфда болалар кўрикдан ўтказилади ва улардаги



муаммолари, тиббий, анатомик ва стресснинг айрим турларига мойилликлари аниқланади. Агар ўқувчининг соғлиғида муаммолар бўлса, жисмоний тарбия ўқитувчиси уни машғулотнинг охиригача бошқаради.

Японлар жамоада ишлашни яхши кўрадилар ва мактаб ўқувчилари учун ўйинлар ихтиро қилиб борилади. Масалан, ўқувчилар югуриш билан бир қаторда мўлжал олиш кўникмалари ҳамда интеллектини ривожлантирилиб, интизомга ўргатилади.

Японияда жанг санъатлари болаликдан ўргатилади: мактабда карате, сумо, жиу-житсу ва бошқа спорт тўгараклари олиб борилади. Бу ерда спорт тўгараклари маданияти ривожланган, кўплаб мактаб секциялари ўқувчига доимий умр бўйи аъзо бўлиши мумкин бўлган тўгараклар билан чамбарчас боғланган. Мактаб клублари «букатсу» «деб аталади. Бу тўгаракларда мактаб ўқувчилари спорт билан бир қаторда иерархия ва маросимларни ўрганиш билан ҳам шуғулланадилар. мактаб ўқувчилари ижтимоий кўникмаларни ва жамият тузилиши ҳақидаги билимларни эгаллайдилар.

Иерархияга келсак, «букатсу»да бу жуда қаттиқ. Мисол учун, баъзи мактаблардаги стол тенниси клубида биринчи йил янги аъзолар асосан ўйин давомида учеб кетадиган тўпларни олишади. Улар спорт залини тозалашади, ўйинни томоша қиласди, холос, машқ қилмайди.

Япониянинг ҳар бир фуқароси «ундокай» «сўзини болалигидан билади. Бу тахминан «спорт учрашуви» деб таржима қилинади. Бу ҳар қандай ёшда содир бўлиши мумкин: японияликларни югуришга, сакрашга ва мусобақага чақириш мумкин. «Ундокай» - бу узоқ кўргазмали чиқиш: турли масофаларга югуриш бўйича мусобақалар, эстафета пойгалари, қопларда сакраш, очик ҳаводаги ўйинлар ва турли мусобақалар.

«Ундокай» «парадни эслатувчи байроқлар билан кортеждан бошланади. Тадбирни ташкил этишда ота-оналар иштирок этадилар, улар эрталаб соат еттидан бошлаб асбоб-ускуналар ўрнатадилар, ўзлари билан озиқ-овқат олиб келишади ва пикниклар ташкил қиласдилар. Болалар жамоалари юришади, эрталабки машқлар мажмуасини бажарадилар, жамоавий рақсга тушишади, ҳайқириқлар.

Спортдан ташқари, Япониядаги мусобақанинг классик тури бу устундаги саватга кичик тўпларни ташлашдир.

Муайян вақт давомида жамоа рақибдан кўпроқ тўп тушириши керак.

«Ундокай» беш-етти соат давом этади, бу вақт давомида ота-оналар, қўшилар ва ўқитувчилар бир-бирлари билан танишишлари мумкин. Буларнинг барчаси болани катталар япон воқелиигига тайёрлаш тизимининг бир қисми бўлиб, бу эрда интизом, меҳнатсеварлик, жамоа манфаати ва натижага учун ишлаш қобилияти жуда муҳимдир.

Бошлангич мактабда (1-6-синфлар, 6-12 ёшдагилар) ҳафтасига камида уч соат жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ўтказилади. Бошлангич мактаб дастури: умумий жисмоний тарбия, гимнастика, енгил атлетика, сузиш, тўп ўйинлари, рақс, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш. Кўшимча машғулотлар дастурига кўра, ҳар бир ўқувчи ҳафтада камида бир марта спорт тўгарагидаги машғулотларга қатнашиши шарт.

Ўрта мактабда ўқувчиларнинг 40% дан ортиғи ҳафтасига камида тўққиз соат спорт билан шуғулланади, қолган 60% эса ҳафтада икки-уч соат вақтни жисмоний тарбия машғулотларида сарфлайди - бу минимал, мажбурий меъёрдир. Бу ўқувчиларда жисмоний тарбия машғулотлари чидамлилик сифатларини ривожлантириш самарадорлигини оширади.

Хитой мактабларида жисмоний тарбия мутаносиб ташкил этилган бўлиб, жисмоний тарбия дарсларининг мақсади - ўқувчиларни умрбод спорт ғояларига ўргатиш, инсоннинг жисмоний ҳолати тўғрисидаги билимлар тизимини ривожлантиришга қаратилган.

Хитойда жисмоний тарбия дарси ҳар куни ўтказилади - кунига тахминан бир соат. Бундан ташқари, Хитойда ўқув гуруҳлари бандлиги 10-12 кишини ташкил этган бўлса, бир синфнинг ўртача бандлиги 45 кишини ташкил қиласди. Дарсларда чидамлиликни ривожлантириш, тананинг умумий ҳолатини мустаҳкамлаш машқлари, шунингдек, баъзи миллӣ элементлар (тай чи, ушу) ва ҳарбий тайёргарликнинг бир қисми мавжуд.

Назорат тизими 100 балли тизим бўйича мажбурий имтиҳон бўлиб, у нафақат амалиётни, балки назарияни ҳам ўз ичига олади. Мактабларда турли спорт тўгараклари, шунингдек, ягона форма мавжуд.

Корея Республикасида жисмоний тарбия дарслари ўқитувчи назорати остида ихтисослаштирилган дарслик асосида олиб борилади. Қўлланмалар мактаб ёки минтақага қараб фарқ қилиши мумкин, лекин умуман олганда улар ўхшаш мазмунга эга - амалий дарс режалари ва назарий асослар. Амалиёт бутун организмни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун турли хил вазифалар белгиланиб, назария тўғри турмуш тарзи бўйича тавсияларни ўз ичига олади. Шуни таъкидлаш керакки, Америка тизими жисмоний тарбия стандартлари учун асос сифатида олинган, аммо кўплаб машқлар анъанавий корейс рақслари ва жанг санъатларига асосланган. Агар ўқувчи соғлиғи сабабли топшириқларни бажара олмаса, у маҳсус гурухга ўтказилади ёки унчалик қийин бўлмаган вазифалар билан алмаштирилади.

Жисмоний тарбия машғулотлари ўртача ҳафтада уч марта ўтказилади - битта дарс назарияга, қолганлари эса амалиётга бағишлиланган. Ҳар бир семестр охирида 100 балллик тизим бўйича имтиҳон ўтказилади.

Мактабларда спорт тўгараклари ҳам бор, гарчи улар фан тўгаракларига қараганда анча кам оммалашган. Мактабларда энг кенг тарқалган спорт турлари - тоқقا чиқиш, бейсбол, футбол ва баскетбол.

Буюк Британия мактабларида мажбурий бўлган фақат учта фан мавжуд - бу математика, инглиз тили ва жисмоний тарбия. Анъанавий жисмоний тарбия билан бир қаторда, мактаб ўқувчиларига қўшимча равишда турли хил спорт турлари таклиф этилади. Деярли барча мактабларда сузиш ҳавзалари, теннис, баскетбол ва футбол майдонлари, британияликлар севадиган голф майдонлари, крикет ёки сквош майдончалари мавжуд. Ўқувчи бир вақтнинг ўзида бир нечта спорт турларини танлаши мумкин - эшкак эшишдан от минишгача. Шу билан бирга, баъзи мактабларда қизлар учун балет дарслари мавжуд.

Умумтаълим мактабларида “Жисмоний тарбия ҳаётга тайёргарлик сифатида” дастури мавжуд. АҚШда бўлгани каби, мактаблараро мусобақалар ва дарсдан ташқари тадбирларга эътибор берилади.

11-13 ёшдан бошлаб мактаб ўқувчилари жорий семестрда қандай спорт тури билан шуғуланишларини ўzlари ҳал қилишади.

Британия мактаб-интернатида шуғуланиш мумкин бўлган спорт турлари рўйхати жуда катта. Булар чим устидаги хоккей, крикет, бадминтон, қиличбозлик, голф, сузиш, эшкак эшиш, сув полоси, елканли спорт, сквош, спорт отиш, от полоси, камондан отиш, ёга, тошга чиқиш ва бошқалар. Баъзи мактабларда, масалан, ўз отхоналари мавжуд.

Энг машҳур жамоавий спорт турлари ўғил болалар регби ва футбол, нетбол (аёллар баскетболи) ва чим устидаги хоккейдир.



Хар бир мактабнинг спорт дастури индивидуалдир. Аммо кўпинча жисмоний тарбия бир ярим соат давом этади ва ҳафтада икки-уч марта кундузи ўтказилади. Дам олиш кунлари эса жамоалар бошқа мактаблар жамоалари билан рақобатлашади.

Европа Иттифоқининг турли мамлакатларида жисмоний маданият стандартлари бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Жисмоний тарбия дарслари мажбурий бўлиб, ҳафтасига бир ярим соатдан тўрт соатгача давом этади. Аммо баъзи ўзига хосликлар мавжуд.

Францияда кўплаб мактабларда дарслар ўргасида икки соатлик танаффуслар мавжуд бўлиб, бу вақт давомида футбол, стол тениси, баскетбол ўйналади.

Бундан ташқари, мажбурий жисмоний тарбия дарслари мавжуд - ўрта мактабларда уч-тўрт соат. Жисмоний тарбия болалар боғчасидан бошланади - хар доим ҳафтасига камида олти соат. Тўрт ёшдан бошлаб болаларга сакраш, югуриш, сувда қолиш ўргатилади. Францияда мактабдан ташқари машғулотлар учун кўплаб стадионлар ва спорт майдончалари мавжуд. Аммо улар ҳар доим ҳам тўлиқ ишлатилмайди. Стадионлар бўш бўлади, айниқса кичик шаҳарларда. Францияда ҳамма нарса маълум мактабга боғлиқ - дастур жуда бошқача бўлиши мумкин. Каердадир спорт секциялари ва тўгараклари бор, каердадир фақат битта дарс вақтида спорт билан шуғулланиш мумкин, лекин жисмоний тарбия барча мактаб ўкувчилари учун мажбурийдир.

Германияда турли клубларга, жумладан, спортга аъзолик машҳур. Мисол учун, агар ўкувчи футбол спорт тури билан шуғулланса, у маҳаллий футбол клубига кўшилиши мумкин. Бундай клубларга аъзолик пуллик, лекин, қоида тариқасида, унчалик қиммат эмас. Клуб аъзоларининг ўз анъаналари, анжуманлари ва тадбирлари бор. Кўпгина мактабларда бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотлари ҳар куни ўтказилади, кейин ҳафтасига уч-тўрт соат берилади.

Германияда, шунингдек, мактаблараро мусобақалар, хусусан, Олимпиада учун ёшлар поезди, бошланғич синф ўкувчилари учун мусобақалар ўтказилади. Улар шаҳар ва туман миқёсида 12 та асосий олимпия спорт тури бўйича ўтказилади. Ушбу спорт турлари бўйича спорт тўгараклари мактаблар билан яқиндан ҳамкорлик қиласди.

Италияда ҳовли футболи маданияти, айниқса, кичик шаҳарчаларда машҳур. Кўпинча болалар ва катталар томонидан ҳовлилараро мусобақалар ташкил этилади, ҳаваскорлар ўйинлари ҳақидаги хабарлар маҳаллий газеталарда чоп этилади. Жисмоний тарбия италияликлар учун 13 йиллик асосий таълим давомида мажбурийдир - барча болалар учун, ногирон болалар бундан мустасно. Улар мослаштирилган синфларга эга. Кўшимча бўлимларда ўқитиш учун кўпинча алоҳида тўлов асосида амалга оширилади.

Кўпгина Европа мамлакатларида, кичик шаҳарларда болалар мактабга велосипедда борадилар. Бу амалиёт Голландия, Финляндия ва Францияда айниқса машҳур, шунинг учун ҳам бу мамлакатларда велосипед ҳайдаш мактабда юқори баҳоланади.

Хорижий давлат мактабларида ўкувчиларни жисмоний тарбиялаш ва спорт билан шуғулланишлари борасидаги тажрибаларни ўрганиш, спорт – бу жисмоний машқлардан фойдаланишга асосланган ҳамда ЭНГ юксак натижаларга эришишга қаратилган ўйинлар, мусобақалар тарзидаги фаолият эканлигини асослайди. Ўкувчиларни кичик ёшдан бошлаб жисмоний тарбиялаш, спортга жалб қилиш уларни ижтимоий ҳаётда ўз



ўрнини топишларига кенг йўл очади. Чидамлилик жисмоний сифатлари ривожланган ўқувчи келажакда интеллекти юқори, иродаси мустахкам бўлиб вояга етади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Abdullayev A., Xonkeldiyev SH. Jismoniy tarbiya nazariyasi va bslubiyoti. o'quv qo'llanma Toshkent., O'zDJTI, 2005 yil - 300 b.
2. Maxkamjonov K, Tulenova X.B. Maktabgacha ta'lif muassasalari uchun umumiy va kengaytirilgan "Jismoniy tarbiya" dasturi. Ilm-zifo Toshkent., 2006 y
3. Thomas H. Sawyer, Lawrence W. Judge The Management of fitness, Physikal Activity, Recreation, and Sport © 2012 Sagamore Publishing LLC All rights reserved.
4. Tulenova X.B. Malinina N.N., Umumrivojlantiruvchi mashqlarni o'rnatish metodikasi, o'quv qo'llanma TDPU, 2005 y.
5. Xoldorov T., Tulenova X.B. Jismoniy madaniyat, jismoniy tarbiya, sport, turizm, xalq milliy o'yinlarining nazariy va amaliy asoslari. TDTU bosmaxonasi, 2007 y.
6. [https://en.wikipedia.org/wiki/The\\_President%27s\\_Challenge](https://en.wikipedia.org/wiki/The_President%27s_Challenge)



## BOKSCHIDAGI IRODAVIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI

*Buxro davlat universiteti o‘qituvchisi  
Xodjayev Ravshan Ilxanovich*

*Annotatsiya: ushbu maqolada bokschilardagi irodaviy sifatlarni rivojlanirishning muhimligi, irodaviy xususiyatning musobaqadagi o‘rnini va ahamiyati, irodaviy tayyorgarlikning asosiy vazifasi – sportchini o‘z irodasini maksimal safarbar etishga, mashg‘ulotlarda va musobaqalarda oldinga qo‘ylgan maqsadga erishish uchun zarur bo‘lgan irodaviy sifatlarni namoyon qilishga o‘rgatishdan iborat ekanligi haqida so‘z boradi.*

*Kalit so‘zlar: boks, irodaviy xususiyatlar, chidamlilik, maqsad, xarakter, organizm, sport faoliyati, ijtimoiy omillar, murabbiy mahorati, muvaffaqiyat.*

### ВАЖНОСТЬ РАЗВИТИЯ СИЛЫ ВОЛИ У БОКСЕРА

*Преподаватель Бухарского государственного университета  
Ходжаев Равшан Ильханович*

*Аннотация: в данной статье раскрывается важность развития силы воли у боксеров, роль и значение силы воли на соревнованиях, главная задача тренировки силы воли - сила воли необходима спортсмену для максимальной мобилизации своей воли, для достижения поставленной цели. в тренировках и соревнованиях говорится, что она состоит из обучения проявлению качеств.*

*Ключевые слова: бокс, волевые качества, выносливость, цель, характер, организм, спортивная деятельность, социальные факторы, тренерское мастерство, успех.*

### THE IMPORTANCE OF DEVELOPING WILLPOWER QUALITIES IN BOXING

*Teacher of Bukhara State University  
Khodjayev Ravshan Ilkhanovich*

*Abstract: in this article, the importance of developing willpower in boxers, the role and importance of willpower in the competition, the main task of willpower training - the willpower necessary for the athlete to mobilize his will to the maximum, to achieve the set goal in training and competitions. it is said that it consists of teaching to manifest qualities.*

*Key words: boxing, volitional characteristics, endurance, goal, character, organism, sports activity, social factors, coach’s skills, success.*

Iroda bu odamning o‘z faoliyati va psixik jarayonlarini o‘zi boshqarishda namoyon bo‘ladigan qobiliyati bo‘lib, inson irodaviy harakatini amalga oshirar-kan, o‘ziga hukmron ehtiyoj va xohishlariga qarshi tura olishi, bunda «kerak», «bajarishim shart» degan kuchni o‘zida topa olishi hisoblanadi.

Shaxs faoliyatining barcha turlari va har qanday mehnat kishidan mustahkam irodani talab etadi. Iroda tinimsiz mehnat va harakatda paydo bo‘lib, toplanadi. Iordaning muhim shartlari va sifatlari quyidagilardan iborat:

-o‘zini tuta bilish,  
-dadillik,  
-qat’iylik,  
-chidam va toqat,  
-prinsipiallik,  
-mustaqillik kabilar.

Kishi yuksak g‘oyalarga asoslangan ongli qat’iyat va sabot bilan o‘z harakati yo‘lidagi to‘sikdarni yengar ekan, u kuchli iroda egasi hisoblanadi. Bu xususiyat ayniqsa sportda muhim ahamiyatga ega.

Sportdagи irodaviy tayyorgarlikning asosiy vazifasi – sportchini o‘z irodasini maksimal safarbar etishga, mashg‘ulotlarda va musobaqalarda oldinga qo‘yilgan maqsadga erishish uchun zarur bo‘lgan irodaviy sifatlarni namoyon qilishga o‘rgatishdir. Buning uchun shu narsa muhimki, bokschining o‘zi o‘z irodasini safarbar qilishga intilishi kerak.

Bu intilish quyidagi hollarda:

-birinchidan, boksci boks mohiyati va uning jismoniy hamda irodaviy sifatlariga qo‘yiladigan talablarni tushunganda va anglaganda;  
-ikkinchidan, unda mashg‘ulotlarga, musobaqalarda muvafaqiyatli qatnishishga bo‘lgan faol, barqaror qiziqish hosil qilinganda paydo bo‘lishi mumkin.

Bokschilarda irodaviy sifatlarni tarbiyalash metodikasi sportchilar mashg‘ulotlar va musobaqalarda qatnashish vaqtida yengib o‘tishlari lozim bo‘lgan qiyinchiliklar darajasini asta-sekin oshirib borishni, mashg‘ulot sharoitlarini musobaqalar sharoitlariga asta-sekin yaqinlashtirishni nazarda tutadi.

Murabbiy bokschining o’sib borayotgan qiyinchiliklarni engib o‘tishga bo‘lgan hatti-harakatlarini rag‘batlantirib borishi, buning uchun turli xil usullardan foydalanishi zarur. U sportchini ishontira olishi, unda mashg‘ulotga va musobaqada qatnashishga nisbatan muhabbat uyq‘otishi, mashg‘ulot va musobaqa natijalari uchun shaxsiy javobgarlik hissini hosil qilishi, unga turli bosqichlardagi tayyorgarlik vazifalarini tushuntirib berishi, sportchining urinishlarini mukofotlashi va texnika, taktika, jismoniy tayyorgarlikdagi o‘zgarishlarni ma’qullashi, o‘quvchisini xatolari uchun xolisona tanqid qilishi va mashg‘ulotlarda hamda musobaqalardagi chiqishlarda bo‘ladigan qiyinchiliklarni yengib o‘tishini istamaganlik uchun jazolashi ( masalan, mashg‘ulotlardan chetlatish, musobaqalarda qatnashishga ruxsat bermaslik, jangovar mashqlarni cheklab qo‘yish) lozim. Sport mashg‘uloti uslubiyatida irodani mashg‘ulot jarayonida tarbiyalash imkonini beruvchi turli xil usullardan foydalanish mumkin.

Jumladan,

1. Kichik qiyinchiliklardan boshlash, asta-sekin uning shiddatini, mashqlarning kombinatsion murakkabligini, raundlar sonini, sheriklarning tayyorligi va kuchini oshirib borish.

2. Musobaqa tamoyilidan foydalanib, bokschilarda oldinga qo‘yilgan vazifani bajarishga bo‘lgan intilishni keltirib chiqarish (zarbalarning yuqori darajada keskinligiga erishish, bir nechta raundlarni yuqori sur’atda o‘tkazish, shartli jangda ishtiroychidan ilgariroq harakatlanish kabilar).

3. Sportchida topshirilgan qiyin vazifani bajarish mumkinligiga ishonch hosil qilish (avval kichik sur’atdagi mashqlarni berish, keyin esa uni asta-sekin

oshirib borish, qiyin kombinatsiyalarni qismlarga ajratib o'rgatish, shartli va erkin janglarda bo'sh bokschini kuchliroq bokschiga qarshi qo'yish, uni esa o'z ustunligini namoyon qilish zarurligi to'g'risida ogohlantirish kabilar).

4. Bokschilarda tez va g'ayratli irodaviy zo'riqishlarni (shartli va erkin janglarda, qoplardagi mashqlarda yuqori shiddatda ishlashlar taklif qilish), umumrivojlanuvchi hamda maxsus mashqlarda shiddatli kuchlanishlarni keltirib chiqarish.

5. Sportchidan daqqatni jamlagan holda chalg'imasdan bajarishni talab qilish (u har doim safarbarlikka tayyor holda turishi shart, uning sherigi harakatlarini diqqat bilan kuzatishda o'z ifodasini topgan irodasi bir zumda keskin va aniq hujum yoki qarshi hujum harakatlarini ta'daqlashga tayyor turishi kerak).

6. Chidamlilikka qaratilgan mashqlarni qo'llagan holda shug'ullanuvchilarda uzoq vaqt davom etadigan irodaviy kuchlanishlarga bo'lган qobiliyatni hosil qilish (qoplar bilan va yassi qo'lqopda bajariladigan mashqlarda, soya bilan jangda tanaffuslarni kamaytirish, bunda sur'at va shiddatni pasaytirishga ruxsat bermaslik lozim). Irodaviy kuchlanishlarni rag'batlantirish uchun mashg'ulot paytida qator psixologik ta'sir qilish uslublaridan foydalanimadi (masalan, mukofotlash va ma'qullah, beg'araz tanqid kabilar).

Musobaqalarga tayyorgarlik jarayonida tarbiyalash va takomillashtirish zarur bo'lган irodaviy sifatlarga quyidagilar kiradi: maqsadga intiluvchanlik, matonat, tashabbuskorlik, mardlik, qat'iyatlilik, ishonch, o'zini tuta bilish kabilar. Bu hamma sifatlar bokschining nafaqat sport faoliyatida, balki hayotida, turmushida, mehnatida ham shakllanishiga va namoyon bo'lishiga intilish lozim. Murabbiy maqsadga intiluvchanlikni tarbiyalashi zarur.

Haqiqiy maqsadga intiluvchanlik sportchining boksga bo'lган qiziqishi va uning sportda yutuqlarga erishishga bo'lган shaxsiy manfaatdorligi asosida shakllantirilishi mumkin. Agar usta boksci betartib, rejasiz mashq qilsa va murabbiy unga "uzoq" istiqbolni ochib bermasa, balki faqat yaqin orada, yaqin kunlarda erishiladigan istiqbolni ko'rsatsa, bu juda yomon. Boksci yaqin bir necha yil davomida o'z tayyorgarligida nimaga intilish kerakligini aniq tasavvur qila olmasa, unda mashg'ulotlarga bo'lган qiziqish susayadi va tashabbuskorlik yo'qoladi. Murabbiy bokschilar bilan ular tayyorgarligi barcha bo'limlarining (jismoniy, texnik-taktik, psixik) ijobiy va salbiy tomonlarini muhokama qilib turishi lozim, xatolarni tuzatish hamda sifatlarni va texnikani takomillashtirish yo'llarini belgilab olishi kerak. Shuningdek, murabbiy bokschilar oldiga har bir mashg'ulot davrining, har bir mashg'ulotning maqsad va vazifalarini aniq qo'yishi zarur. Juftlikda mashq qilayotgan bokschilar o'z vazifalarini bilishlari va qo'yilgan maqsadga muvofiq harakatlarni bajarishlari kerak.

Masalan, agar ularning maqsadi himoya-lanishlarni takomillashtirish bo'lsa, hujumkor jingga o'tib ketish kerak emas, balki turli xil himoyalanish harakatlarini qo'llash va sheringining zarbalaridan qochish zarur. Belgilangan maqsadga erishishni ta'daqlovchi eng muhim sifatlardan biri matonatdir. Maqsadni aniq tasavvur qilish va unga erishish istagi muqarrar shu narsaga olib keladiki, boksci mashg'ulotlar, jangovar mashqlar va musobaqa janglarining qiyinchiliklarini sabot bilan yengib o'ta boshlaydi. Umumrivojlanuvchi va maxsus tayyorgarlik mashqlarini, texnika hamda taktikani o'zlashtirish

bo'yicha mashq-larni, snaryadlar bilan mashqlarni bajarish vaqtida astasekin o'sib boruvchi yuklamani yengib o'tishga bokschini majbur qilayotib, murabbiy unga matonatni takomillashtirishga yordam beradi. Sparringlarda bokschilar raqiblariga o'z jang uslublarini singdirishga intilishlari, hamma raundlarda harakatning yuqori sur'atini saqlab turishlari, ringga chiqish vaqtida esa kuchliroq raqiblardan g'alabani "tortib" olishga harakat qilishlari lozim. Bunda ular mohirona boks tizimi tamoyillarini va musobaqa qoidalarini buzmasliklari shart. Hatto yaxshi mashqlangan bokschilarda mavjud bo'lган jangda "nafas qisilishidan" qo'rqish hissini yengib o'tish zarur va ba'zan ularni sparringlar va chiqishlar vaqtida o'zini to'liq "namoyon qilishga" majburlash lozim. Shuningdek, maksimal yuqori yuklamalar va toliqish sharoitlarida, vazn kamayganda yuzaga keladigan og'riqli hissiyotlarni, noxush tuyg'ularni yengib o'tish ko'nikmasini hosil qilish lozim. Bokschining matonati tashabbuskorlik, mashg'ulot va janglarda oldinga qo'yilgan maqsadga faol hamda mustaqil intilish ko'nikmasidan ajralgan holda shakllanmaydi.

Murabbiyning bokschiga mashg'ulotlarda beradigan topshiriqlarini bajarilishi shart bo'lган majburiy vazifa deb qabul qilish yaramaydi. Murabbiy sportchining mashg'u-lotdagi mustaqilligini rag'batlantirishi, ayrim bokschilarga badan qizdirish mashqlarini o'tkazishga hamda mashg'ulot oxiridagi gimnastikani boshqarishga, o'rtoqlarining texnikasi va taktikasi yuzasidan kamchiliklarni ko'rsatishga imkon berishi lozim. Shartli jangda tashabbuskorlikni rivojlantirish uchun keng miqyosli vazifalarni berish zarur. Masalan, hujumkor jang olib borish, hujum va qarshi hujumga chorlashlarni qo'llagan holda boks tushish.

Erkin janglarni jang olib borish uslubi har xil bo'lган bokschilar bilan o'tkazish juda foydali. Bokschilar olishuvni faol olib borishlari, har xil aldamchi harakatlarni qo'llashlari, qo'pol mushtrashishdan saqlangan holda hujumlar, qarshi hujumlar, himoyalanishlarni rivojlantirishlari kerak. Biroq murabbiy shogirdining tashabbuskorligini rivojlantirayotib, shuni kuzatib borishi zarurki, tashabbuskorlik bokschilarning individual mashg'ulot rejasini vazifalarini hal etishga to'sqinlik qilmasligi zarur. Mardlik, qat'iyatilik va o'zini tuta bilish sifatlari ko'p jihatdan o'z kuchiga bo'lган ishonch bilan bog'liq. Tabiatan jasur va mard bokschining g'alaba qozonishi yoki mag'lubiyatga uchrashi ko'pincha o'z kuchiga bo'lган ishonchga bog'liq bo'ladi. Ishonch, odatda, o'z imkoniyatlarini anglash, boksci har qanday raqib bilan uchrashmasin, unga o'zining sport mahoratini qarshi qo'ya olishini tushunishi bilan birga paydo bo'ladi. O'z kuchiga ishonch hissi bokschining mukammal texnik, taktik va jismoniy tayyorlarligi natijasi sifatida paydo bo'ladi. Har xil uslubda jang olib boruvchi sheriklar bilan boks tushishni o'rganib olib, sportchi har qanday kuchli yoki tez zarbalardan himoyalana olishi, palapartish hujum qilayotgan raqibni qarshi zarba bilan to'xtatib qo'yishi, yaqin masofadan muvaffaqiyatlari jang olib borishi mumkinligini tushuna boshlaydi. O'ziga ishonchi bo'lмаган bokschining mavsumdag'i birinchi muhim uchrashuvi uning g'alabasi yoki kichikroq mag'lubiyati bilan tugallangansa, yaxshi. Mag'lubiyatga uchrash ehtimoli bokschiga katta umidsizlikni keltirib chiqarmasligi lozim. Uni shunga ishon-tirish kerakki, agar u bir oz ko'proq kuch bergenida yoki jangda ba'zi xatolarga yo'l qo'yaganida, g'alaba albatta unga berilgan bo'lar edi. Boksci ko'pincha texnika, taktika va jismoniy tayyor-garlikdagi kamchiliklar sababli mag'lubiyatga uchraydi va ishonchini yo'qotadi. Bunday mag'lubiyatlar muqarrar ekanligini, ular bokschining kuchsizligi oqibati emasligini va uning yanada mahoratga erishishida kerakli ekanligini isbotlab berish zarur.

Muvaffaqiyatsizlikdan so'ng bokschi musobaqada jangni boy bergen raqibning qobiliyatlariga o'xshash qobiliyatlarga ega bo'lgan sportchilar bilan mashg'u-lotda uchrashishi lozim. Bokschining mardligi va qat'iyyatliligi o'z kuchiga bo'lgan ishonchga, o'zining ijobjiy tomonlari va yutuqlarini bilishga, jangovor vaziyatni tushunish ko'nikmasiga asoslanadi.

Murabbiy mardlik va qat'iyyatlilikni rivojlantirish uchun bokschini qo'rquvni va sustkashlikni yengib o'ta olishga o'rgatishi kerak. Buning uchun u mashg'u-lot jaqlarida unga mos sheriklarni tanlab beradi, musobaqalarda esa sportchi-ning nafsoniyatiga va sha'niga tegishga urinadi. Shartli jaqlarda bokschiga kutilmaganda, tez va keskin hujum qilish, qarshilovchi zarbalaridan foydalanish, shergini hujumga chorlab, alohida zarbalarini seriyalab rivojlantirish, o'rtaligida yaqin masofalardan faol jang olib borish, erkin jangda esa sust chekinish taktikasi hamda ortiqcha ehtiyojkorlik bilan kurashish vazifasini berish lozim. Keskin va kutilmaganda bajariladigan hujumlar va qarshi hujumlarni mustahkamlash uchun sherik bilan amalgalashiriladigan mashqlardan keng foydalanish lozim hamda barcha mashqlarda reaksiya tezligini va harakatlar keskinligini rivojlantirish kerak. Biroq shuni nazarda tutish lozimki, shergi zarbasidan xavotirlanmaydi-gan, haddan tashqari jasur sportchilar hech qachon boks san'atini o'zlashtira olmaydilar, chunki ular to'xtovsiz zarbalar bilan almashishga intilib, manyovr olib borish va himoyalanish harakatlarini pisand qilmaydilar, o'zlarida tez reaksiya va jangovor zehnni rivojlantirmaydilar. Yuqori malakali bokschi mardlik va ehtiyojkorlikni uyg'unlashtira olishi shart. Shuning uchun bokschini kutilmagandatezvakeskinhujumlarhamdaqarshilovchizarbalarga unday turib, uni bir vaqtning o'zida ehtiyojlash va himoyalanishning turli xil usullaridan foydalanishga majburlash hamda xatarli harakatlarga berilib ketishga ruxsat etmaslik lozim. Tez hujum uyushtiruvchi, tajovuzkor raqiblarga qarshi jang olib borish, mumkin bo'lgan har qanday zarbalar va ularning birikmalaridan puxta hamda turlicha himoyalanish ko'nikmasini takomillashtirayotib, bokschi o'zini tuta bilish qobilyatini oshirib boradi. Shartli jaqlarda raqiblardan biriga tez va betartib hujum qilishni, biroq keskin, urg'u berilgan zerbalarini qo'llamaslikni, boshqasiga esa yengil siljib yurib, diqqat bilan va xotirjam qarshi hujumlar uchun qulay dastlabki holatlarni topish hamda o'zi uchun foydali masofani saqlab turishni taklif qilish mumkin. Erkin jaqlarda bokschi tartibsiz hujumlar va zerbalar bilan almashishdan o'zini tiyib turishi, shergining qo'llari va gavdasining holatini kuzatib turishi, har xil zerbalariga qarshi himoyalanishlarni tanlashi, qarshilovchi zerbalar berish uchun payt topishi lozim. Erkin jangda bokschi uchun faolroq va keskinroq raqiblarni tanlab borib yoki shartli jangda uni raqiblariga nisbatan qiyin holatlarga qo'yib qo'yish bilan murabbiy bokschining o'zini tuta bilishi va bardoshini tekshirib ko'radi hamda takomillashtiradi.

#### Foydalilanilgan adabiyotlar

- Горстков Е.Н. Анализ тренировочной и соревновательной деятельности боксеров тяжелых весовых категорий / Е.Н. Горстков // Бокс: Ежегодник. - М.: ФиС, 1983. - С. 43-46.
- Градополов К.В. Тренировка боксера в соревновательном периоде: учебное пособие для тренеров / К.В. Градополов, В.И. Огуренков. - М.: ФиС, 1963. - 305 с.
- Karimov M.A., Xalmuxamedov R.D., Shamsematov I.Yu., Tajibaev S.S. Bokschilarining sport-pedagogik mahoratini oshirish. T., 2011. 478b.

# **19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

## **СОВРЕМЕННАЯ ПСИХОЛОГИЯ И ПРОБЛЕМА ИНТЕГРАЦИИ**

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.041>

Завгородняя Елена Васильевна

доктор психологических наук, ведущий научный сотрудник  
лаборатории методологии и теории психологии Института  
психологии имени Г.С. Костюка,  
г. Киев, Украина

**Аннотация.** В статье охарактеризована современная познавательная ситуация как неопределенная, противоречивая, текучая. В этом контексте тенденциями развития психологии является рост когнитивной сложности, участие в меж- и трансдисциплинарных исследованиях; интерес к различным интеллектуальным традициям; возрастание роли постнеклассического идеала rationalности. Констатируется необходимость саморефлексии психологии с целью определения границ, измерений, специфики ее познавательного поля и определения перспектив развития. Актуальным является объединение усилий психологов, представляющих различные традиции и подходы, с целью нахождения ресурсов преодоления фрагментарности психологического знания, его интеграции и развития.

**Ключевые слова:** познавательная ситуация, психологическая наука, когнитивная сложность, фрагментарность психологического знания, интеграция, интеллектуальная традиция.

## **MODERN PSYCHOLOGY AND THE PROBLEM OF INTEGRATION**

Zavhorodnia Elena Vasilievna

Doctor of Psychology, Leading Researcher, Laboratory of Methodology  
and Theory of Psychology, G.S. Kostiuk Institute of Psychology,  
Kyiv, Ukraine.

**Annotation.** The article characterizes the modern cognitive situation as uncertain, contradictory, fluid. In this context, the trends in the development of psychology are the growth of cognitive complexity, participation in inter- and transdisciplinary research; interest in various intellectual traditions; the growing role of the post-nonclassical ideal of rationality. The necessity of self-reflection of psychology is stated in order to determine the boundaries, dimensions, specifics of its cognitive field and determine the prospects for development. It is relevant to unite the efforts of psychologists representing different traditions and approaches in order to find resources to overcome the fragmentation of psychological knowledge, its integration and development.

**Key words:** cognitive situation, psychological science, cognitive complexity, fragmentation of psychological knowledge, integration, intellectual tradition.



**Введение.** Многие исследователи выражают обеспокоенность сложившейся в психологии методологической ситуацией. Ретроспекция истории психологии свидетельствует о постоянном переосмысливании познавательного поля психологии и его границ. Диапазон определений предмета исследования колеблется от крайне субъективистских, проблемных с позиции верификации, до крайне объективистских, ведущих к редукции и потере специфики психологии. С разнообразием определений предмета психологии тесно связана проблема методологии. Характерными чертами современного состояния научного, в частности психологического, знания есть стремительное увеличение его объема и углубление его отраслевой и дисциплинарной дифференциации. Эта тенденция обусловлена ростом общественной потребности в более адекватных и детальных научных представлениях психологии человека в контексте его принадлежности к разным культурным сообществам. При наличии указанной тенденции исторически обусловленная фрагментарность психологического знания становится препятствием для его эффективного использования во всех отраслевых и дисциплинарных сегментах, а разработка моделей обеспечения интеграции психологического знания выступает насущной задачей современности.

**Обзор.** Глобальные цивилизационные сдвиги и ментальные трансформации, насыщенность культуры новыми информационными ресурсами и технологиями привели к усилению интереса к характеристикам неопределенности, «транзитивности», познавательной сложности. Современная познавательная ситуация может быть охарактеризована следующими тенденциями: ростом меж- и трансдисциплинарных исследований; интересом к маргинальным, менее проработанным в культуре темам; интересом к латентным линиям познания, к разным интеллектуальным традициям; гуманитаризацией; развитием гуманитарной методологии; ростом проявлений сложности, разнообразия и неопределенности в разных сферах жизни, науки и культуры; рядом явлений, получивших название «turns» («повороты», «сдвиги»); междисциплинарной интеграцией знания, ростом влияния постнеклассического идеала рациональности, принципами сети в организации знания, полипарадигмальностью и т.д. [1, 2, 4, 6 и др.].

Указанные тенденции в контексте человековедения связаны со стремлением к целостному, всеобъемлющему осмыслению человеком своей природы и сущности, потребностью самопознания, проявляющейся, в частности, в усилении позиций не только историко-культурных, но и экзистенциальных тенденций, в тенденции к диалогу, взаимодействию и возможной интеграции разных направлений и уровней гуманитарных знаний в смысловом поле психологии. При этом в современном человековедении существуют разные толкования этой интеграции и не хватает научных моделей ее стихийного и целенаправленного осуществления.

В истории психологии важную роль сыграла позитивистская методология, в частности для конституирования психологического знания. Однако позитивистская методология оказывается недостаточной для постижения многомерной психологической феноменологии

и неблагоприятной для освобождения психологии от сомнений в собственной научности (является ли наукой и в какой степени?), «позиции мигранта и самооплакивания» [19]. Современное положение дел можно охарактеризовать как кризис попыток построения психологии по эталону естественной науки. По мнению Я. Вальсинера, психология – «оплакивающая себя» наука, она не может принять себя, борется с собственной идентичностью, пытается строго жить по стандартам, взятым из других наук [19]. Я. Смёдслунд считает, что психология не есть и не может быть объективной эмпирической наукой. Причинами этого, по его мнению, является то, что в рамках психологии на объект исследования влияют социальные взаимодействия, включая сам экспериментальный процесс; получаемые данные являются более псевдоэмпирическими, чем эмпирическими; изучаемые процессы носят необратимый характер; число независимых переменных слишком велико, чтобы сделать достоверные выводы, определить причины. Современные методы исследований являются результатом длительной попытки сделать психологию «научной» (выполнение требований объективности, воспроизводимости и т.п.). Однако из-за особенностей психологических явлений это на самом деле не работает, считает Я. Смёдслунд [16]. Кризис полагания на позитивистскую методологию также проявляется в недостаточности только экстрапективного описания психологических явлений. Кризис универсализма связан с утверждением индигенной психологии и эмик-подходов;

Попытки психологов-ученых соответствовать естественным стандартам в области взаимодействия теории и эмпирии привели к «позитивистскому перенапряжению» психологии (см. освещение дискуссии о проблеме воспроизводимости в психологии [13, 15 и др.]. Защитной реакцией психологов на давление «позитивистских ритуалов» является широкое распространение «теневой методологии» (традиции формулировать гипотезы уже после проведения исследования, выводить их из полученных данных, а не из теорий, отбирать только «удобные» эмпирические данные и т.п.) [16].

В психологии есть избыточность фактов, отмечает S.B. Sarason, однако нет контекста всеобъемлющей концепции, в котором можно было бы разместить эти факты [14, с. 279]. Из статьи к статье переходит фраза, что современное психологическое знание составляет «умопомрачительный массив несовместимых теорий, моделей, методов, а иногда и философий» [20, с. 235-36]. По мнению С. Коха, психология фрагментирована в принципе, поскольку она концептуально слишком разнообразна и не направлена на объединение [11]. В своей популярной книге «Как правильно думать о психологии» К. Станович комментирует трудности теоретического объединения психологии. «...Разнообразие психологии гарантирует, что задача теоретического объединения будет чрезвычайно сложной. Действительно, многие в психологии утверждают, что такое объединение невозможно. Другие, однако, ищут большее объединение в пределах отрасли. ...Независимо от того, какова их позиция по этому вопросу, все психологи соглашаются, что теоретическое объединение будет чрезвычайно трудным, и что такое объединение, возможно, произойдет когда-нибудь в будущем,



если вообще произойдет» [17, с. 13]. К. Станович также отмечает, что многие, кто впервые изучает эту тему, разочарованы тем, что выявили отсутствие объединительной перспективы.

Хотя ряд психологов сводят к минимуму проблемы, связанные с разобщенностью, и предполагают, что разнообразие подходов в психологии является силой, многие исследователи видят в разобщенности кризис. По мнению А. Тоомела: «За последние 60 лет в психологических исследованиях были получены тысячи, если не миллионы, статистически установленных связей разных переменных друг с другом. В то же время многие фундаментальные вопросы даже не ставились из-за ограниченности методологического мышления. Мы продолжаем находить «объективные» показатели, не зная сколько разных психологических механизмов может лежать в основе одних и тех же показателей. Мы не знаем, как психологические аспекты экспериментальных условий могут влиять на изучаемые результаты. Изучение фрагментов мало что дает понимание человеческой личности в целом» [18, с. 18].

Остальные высказывали подобные опасения. П. Мель отмечает: «Это просто печальный факт, что в психологии теории появляются и приходят в упадок, приходят и уходят, при этом наблюдается тревожное отсутствие кумулятивного эффекта, который настолько поражает в таких науках как астрономия, молекулярная биология и генетика [12, с. 524].

**Методология.** Использовались теоретические методы исследования – анализ, сравнение, обобщение, дедукция.

**Анализ и результаты.** Можно выделить ряд характеристик, проблематизирующих научный статус психологии:

- в психологии существуют разные представления о природе психического, разные способы видения предмета психологии; любая школа из общей массы явлений выделяет те факты, которые соответствуют ее объяснительным схемам;
- зависимость теоретических обобщений, концепций от субъективности исследователя, его познавательных и ценностных установок, а также социокультурного контекста;
- отсутствие универсальных критериев получения и проверки знания, проблема воспроизводимости;
- сложность познавательного поля психологии, его разномерность, разномасштабность, полидетерминированность, сложнопрогнозируемость;
- сложность и неоднозначность определения границ познавательного поля психологии, соответственно, неопределенность идентичности психолога-исследователя;
- преимущество редукционистских описаний психологических явлений, «механически-блочное» разделение целостных сверхсложных явлений, в частности личности, на отдельные составляющие;
- сложность проблемы детерминации, связанная с 1) «феноменологизацией причинности» (доступность психических проявлений обыденному сознанию); 2) наличием проблемы так называемых параллелизмов (психофизического, психофизиологического,

психосоциального); в психических проявлениях обыденному сознанию); 2) наличием проблемы так называемых параллелизмов (психофизического, психофизиологического, психосоциального); 3) разноуровневостью детерминации психологических явлений и активности человека в целом, что предполагает использование различных способов его изучения, описания и объяснения;

- разрыв между теоретическими поисками и психологической практикой в ее разнообразии и контекстности;
- нарушение преемственности познания, проблема сочетания достижений психологии прошлого и настоящего; значительные разногласия в оценке исторических этапов развития психологии;
- наличие в психологическом знании иррациональных частей;
- разнородность языка психологии;
- раздробленность психологического знания, которое становится препятствием для дальнейшего развития и использования.

Значительная часть дискуссий о статусе научности психологии связана с вопросом о том, на какой эталон (естественнонаучный или гуманитарный) ей следует ориентироваться и каким критериям научности отвечать.

Основными причинами, препятствующими оформлению психологии как естественной науки, выступают особенности ее объекта – человека, его творческая способность, свобода, рефлексивность, духовность. Человека можно изучать как объект наблюдения, однако результаты познания будут поверхностными; понимание человека предполагает диалог, отношение «ты, собеседник», а не «механический объект или зеркало проекций». Психологическое познание человека разделяет специфические гуманитарные характеристики: аксиологичность, приятие смысла, культуральную контекстность, рефлексивный характер, процессуальность, текстуальную и лингвистическую ориентированность. Сомнения в статусе психологии во многом обусловлены применением естественнонаучных критерии для оценки ее научности, игнорированием ее гуманитарной составляющей, что требует пересмотра соответствующих психологии стандартов, норм, критериев научности.

Большинство исследователей видят сущность кризиса в отсутствии у психологов согласованных позиций по отношению к фундаментальным вопросам психологии. Фрагментарность, парадигмальная разрозненность психологического знания препятствует его развитию, использованию, а также авторитетности психологии как науки и практики.

Возникает ряд вопросов: что значит прогресс в психологии? Как оценивается прогресс? Связан ли он с интеграцией, что есть интеграция? Это эклектизм, синтез различного или другое?

G.R. Henriques [10] так характеризует современное состояние психологии: 1) отсутствует согласованное определение психологии; 2) нет общепринятого определения его предмета; 3) широкое распространение содержательно пересекающихся понятий; 4) большое количество парадигм, основанных на фундаментально отличных (различных) эпистемологических основаниях; (5) узкая специализация

становится все более доминирующей в ущерб генерализации и, таким образом, проблема фрагментации только растет.

В условиях фрагментированности психологического знания большое количество полученных в эмпирических исследованиях фактов невозможно интегрировать в рамках, выходящих за пределы теорий среднего уровня; недостаточность интегративного потенциала теорий тормозит развитие психологического знания.

Интеграция (лат. *integer* – цел, *integratio* – восстановление, восстановление, заполнение, дополнение) означает объединение в целое, в единство любых элементов, восстановление любого единства; в широком смысле означает состояние связанности отдельных дифференцированных частей и функций системы, организма в целое, а также процесс, приводящий к такому состоянию [3]. Целостность обозначает более высокий уровень интеграции, главный результат процесса единения первоначально недостаточно согласованных элементов, приобретенное интегральное качество, новые свойства – упорядоченность, прочность взаимосвязей составляющих, согласованность их функционирования, эффективность взаимодействия как единого целого, новой интегрированной совокупности. В процессе укрепления взаимосвязей, ведущего к образованию новой целостности, отдельные структуры элементов сохраняют свои характерные особенности, при этом взаимообогащаясь и, как следствие, усиливая и укрепляя образовавшуюся систему. Также возможна первичная недифференцированная целостность, имеющая потенциал развития, дифференциации и интеграции.

Важнейшими социальными факторами, определяющими динамику интеграции в психологии, являются глобализация (усиливается профессиональное общение, возникает необходимость единых стандартов профессии) и широкое включение психологии в практику. В сфере практических применений психологии уже установилась традиция эклектического использования частей разных теорий, что порождает и тенденцию к осмыслению соотношения теорий. Информационный обмен, потребности практики, необходимость разработки единых стандартов профессии актуализируют поиски общенаучного контекста психологии, стимулируют стихийные интеграционные процессы.

В частности, проблема научного объяснения в психологии отражает современную познавательную ситуацию, связанную с необходимостью нахождения новых ресурсов развития научного знания в условиях разнообразия подходов и концепций. Критика универсализма и позитивистской методологии в контексте проблемы объяснения исходит из констатации невозможности непосредственного доступа к исследуемой психологической феноменологии, что обуславливает поливариантность экспликации. В свою очередь, поливариантность психологического объяснения ведет к угрозе неопределенности. Все это стимулирует разработку теоретико-методологических инструментов интеграции психологического знания, поиски путей согласования разных позиций и нахождения консенсусных объяснений.

Одна из наиболее актуальных стратегий в психологии – интегративное метатеоретирование. Актуализация интегративной метатеоретизации

в психологии связана с вариативностью психологического знания, различностью языков теоретизации. Метатеория – теория, анализирующая методы и свойства другой теории, так называемой предметной или объектной теории. Понятие метатеории возникло в начале XX века в исследованиях основ математики (введено в 1904 году Д. Гильбертом), когда классическая математика переживала кризис. Необходимость создания метатеории была обусловлена потребностью в исследовании структуры математических теорий, вопросе об их истинности и проблемой установления непротиворечивости математики. В настоящее время метатеоретизация существует практически в каждой науке со своими специфическими особенностями, согласно ее предметному полю.

Интегративное метатеоретизирование направлено на: более глубокое понимание теории; подготовку к созданию новой теории; создание новой всеобъемлющей теоретической перспективы. Метатеоретизирование стимулирует ревизию устоявшихся суждений и моделей, может стать источником важных эвристик и гипотез. Логика развития социума, человека и социогуманитарного знания провоцирует к метатеоретической деятельности. Если психологические теории как предмет исследования рассматривают психологическую феноменологию, то метатеории своим специфическим объектом делают те же теории. Исследование устоев, предпосылок теорий, их методологического инструментария становится наиболее актуальным и важным, когда наука переживает кризисные явления. Можно выделить несколько причин повышенного внимания к метатеоретизации. Одной из причин является отставание психологии в концептуализации стремительно меняющейся психологической феноменологии, то есть создается «зазор» между теорией и предметным полем. Конфигурации психологии человека, связанные с культурно-цивилизационными трансформациями, требуют новейших концептуализаций, понятий, методологических приемов исследования.

Еще одна причина актуализации метатеоретизирования – это фрагментированность, противоречивость и полипарадигмальность психологического знания. Причиной повышенного внимания к метатеоретизации также является влияние индигенной психологии, эмик-подхода, постколониальных и гендерных исследований; указанные студии предлагают другой ракурс анализа психологической феноменологии, связанный с отказом от универсализации «психологии евроамериканского белого мужчины» и охвата исследованием психологической «инаковости» представителей постколониальных стран, меньшинств, людей разной идентичности, разных рас, этносов, культур и т.д. Развитие новых информационных технологий в контексте психологических исследований и практики также требует осмыслиения и стимулирует интерес к метатеоретизации.

Растет вариативность психологического знания, различие языков теоретизации, поэтому необходимо соотнесение различных теорий, построение общего метатеоретического контекста. Мы предлагаем следующие направления содействия интеграции психологического знания:

о выяснение различий интеграционных процессов на разных уровнях функционирования психологической науки;

о разработка инструментов фасилитации интеграционных процессов в психологии на метатеоретическом уровне;

о моделирование многомерного пространства имеющихся психологических знаний (а также потенциальных, вероятных знаний в динамике познания) как инструмента интеграции; вписывание этого пространства в более широкую перспективу человеческих знаний

о определение интегративно целесообразных критериев упорядочения психологических подходов;

о медиационное направление (принципы и формы взаимодействия различных психологических подходов), в частности, описание инструментов осуществления межконцептуального диалога и межконцептуального перевода;

о определение принципов, критериев интегративно ориентированного упорядочения имеющихся методов исследования;

о анализ методологических установок исследователя и содействие интеграционным тенденциям.

**Заключение.** Итак, характеризуя состояние современной психологии, можно констатировать необходимость ее саморефлексии с целью определения границ, измерений, специфики ее познавательного поля и определения перспектив развития, а также актуализацию интегративного метатеоретизации. Интегративное метатеоретирование характеризуется масштабностью, значимостью ценностного аспекта, открытостью обилию научных теорий, внедрением остальных подходов в качестве метатеоретических ресурсов. Интеграционная метатеоретическая стратегия направлена на анализ и соотнесение устоявшихся классических и новых теорий, включая постколониальные и гендерные студии, этик- и эмик-подходы, достижения индигенной психологии. Структурированная рефлексия исследователей о психологической науке, ее теории, методах, функциях в обществе, культурообразующая роль является фактором преодоления кризисных явлений, двигателем развития и действенности психологического знания. С учетом контекстов современной познавательной ситуации, уже имеющихся в психологии идей интегративных стратегий, структурно-функциональной разноуровневости психологической науки, сложности психологической феноменологии, динамики ее изменений охарактеризованы ведущие направления разработки проблемы интеграции психологического знания.

#### Список литературы

1. Асмолов А.Г., Гусельцева М.С. Кому и как разрабатывать методологию психологии? Сибирский психологический журнал. 2015. №55. С.6-45.
2. Балл Г.О. Раціогуманістична орієнтація в методології людинознавства: наукове видання. Київ: Видавництво ПП «СКД». 2017. 300 с.
3. Великий тлумачний словник сучасної української мови : 250000 / уклад. та голов. ред. В. Т. Бусел. – Київ; Ірпінь: Перун, 2005. – VIII, 1728 с.

4. Інтегративно-особистісний підхід у психологічній науці та практиці: монографія;/ за ред. Г.О. Балла. Кіровоград: Імекс-ЛТД. 2012. 312 с.
5. Мазилов В.А. Психология в XXI столетии: проблема предмета науки. Методология и история психологии. 2018. Вып. 1. С. 108–123.
6. Системність психологічного знання на сучасному етапі його розвитку: монографія [Електронний ресурс] / за ред. О.В. Завгородньої. Київ: Видавничий Дім «Слово», 2017. Режим доступу: <http://lib.iitta.gov.ua>
7. Теоретико-методологічні основи інтеграції психологічного знання./ за ред. О.В. Завгородньої. Київ: Видавничий Дім «Слово», 2020. 180 с.
8. Янчук В. Культурно-диалогический интердeterministский метаподход к анализу психологической феноменологии: теоретико-прикладные возможности. Теоретичні дослідження у психології. Харьков: Монограф. 2018. Том IV. С. 21-82.
9. Bohannon J. Many psychological papers fail replication test. Science. 2015. Vol. 349 (6251). P. 910-911.
10. Henriques G. Evolving from methodological to conceptual unification. Review of General Psychology. 2013. Vol. 17. P. 168-173. DOI: 10.1037/a0032929
11. Koch S. “Psychology” or “the psychological studies”? American Psychologist. 1993. Vol. 48. P. 902–904.
12. Meehl, P.I E. Theoretical risks and tabular asterisks: Sir Karl, Sir Ronald, and the slow progress of soft psychology. In R. B. Miller (Ed.), The restoration of dialogue (pp. 523–555). Washington, DC: American Psychological Association. (Original work published 1978).
13. Open Science Collaboration Estimating the reproducibility of psychological science. Science. 2015. Vol. 349. DOI: 10.1126/science.aac4716.
14. Sarason S.B. The lack of an overarching conception in psychology. Journal of Mind and Behavior. 1989. Vol. 10. P. 263–279.
15. Schmidt F.L., Oh I.-S. The Crisis of Confidence in Research Findings in Psychology: Is Lack of Replication the Real Problem? Or Is It Something Else? Archives of Scientific Psychology. 2016. Vol. 4. P. 32–37.
16. Smedslund J. Why psychology cannot be an empirical science. Integrative Psychological and Behavioral Science. 2016. Vol. 50(2). P. 185-197.
17. Stanovich K. How to think straight about psychology. Boston: Allyn & Bacon, 2001.
18. Toomela A. Culture of science: Strange history of the methodological thinking in psychology. IPBS: Integrative Psychological & Behavioral Science. 2007. Vol. 41(1). P. 6–20.
19. Valsiner J. An invitation to cultural psychology. London, UK: SAGE. 2014
20. Yanchar S. C, Slife B. D. Pursuing unity in a fragmented psychology: Problems and prospects, Review of General Psychology. 1997. Vol. 1. P. 235-255.



## INSON KAPITALINI O'RGANISHNING IJTIMOIY- PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.042>

*Xuseynova Abira Amanovna*

*Buxoro davlat universiteti*

*Psixologiya kafedrasи professori*

<https://orcid.org/0000-0002-1194-4977>

*Annotatsiya: Ushbu maqolada inson kapitali tushunchasi, insoniyatning postindustrial jamiyatga, informasion va innovasion texnologiyalar davrida o'ziga xos ijtimoiy-psixologik xususiyatlari o'rganish dolzarb masalasi bo'lsa, boshqa tarafdan mamlakatlar va ijtimoiy-iqtisodiy tizimlar o'rtaida dunyodagi texnologiya bozorida davom etayotgan raqobatlarning shaxs ongiga ta'siri haqida so'z boradi.*

*Kalit so'zlar: inson kapitali, innovatsion inson kapitali, inson omili, Human Capital, inson taraqqiyoti, individual-tipologik xususiyatlari, kognitiv jarayonlar, xarakter, temperament, ong osti, muloqot, konflikt, psixologik muhofaza, manipulyatsiya.*

## СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИЗУЧЕНИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

*Хусейнова Абира Амановна*

*Бухарский государственный университет*

*Профессор кафедры психологии*

*Аннотация: В данной статье рассматривается актуальный вопрос изучения понятия человеческого капитала, специфических социально-психологических особенностей человечества в постиндустриальном обществе, в эпоху информационных и инновационных технологий, с другой стороны, речь идет о влиянии на сознание индивида продолжающейся конкуренции на мировом рынке технологий между странами и социально-экономическими системами.*

*Ключевые слова: человеческий капитал, инновационный человеческий капитал, человеческий фактор, человеческий капитал, развитие человека, индивидуально-типологические особенности, познавательные процессы, характер, темперамент, подсознание, общение, конфликт, психологическая защита, манипуляция.*

## SOCIO-PSYCHOLOGICAL FEATURES OF THE STUDY OF HUMAN CAPITAL

*Huseynova Abira Amanovna*

*Bukhara State University, Professor of the Department of Psychology*

*Abstract: This article discusses the concept of human capital, the actual issue of studying the specific socio-psychological characteristics of mankind*

*in the era of post-industrial society, information and innovative technologies, on the other hand, the impact on the individual consciousness of ongoing competition in the world technology market between countries and socio-economic systems.*

**Keywords:** *human capital, innovative human capital, human factor, Human Capital, Human Development, individual-typological characteristics, cognitive processes, character, temperament, subconscious, communication, conflict, psychological protection, manipulation.*

Kirish. «O‘zbek tilining izohli lug‘ati»da inson faktori, inson omili va inson kapitali xususidagi sharhlar «inson» va «omil» so‘zlariga bag‘ishlangan izohlarda, afsuski, mavjud emas [1]. Ammo, bu so‘zlar hamda ish kuchi, inson faktori, inson omili birikmalarining tilimizda amaliy qo‘llanilish an‘analariga tayanib, ularning anglatgan ma’nolari xususida mulohaza yuritish mumkin. «Ish kuchi» o‘zbekchada odamning biologik va fizik imkoniyatlariga («kuch») tayangan holda mehnat faoliyatini amalga oshirilgan vaziyatlarga qo‘llaniladigan iboradir. Masalan: 1960-yillarda Angliya va Fransiya mamlakatlari iqtisodining ish kuchiga bo‘lgan talabi asosan sobiq mustamlakalardan kelgan qora ishchilar hisobiga qoplanar edi (Gazeta – archive). «Inson faktori» 1980-yillarda tilimizga rus tili orqali kalka yo‘li bilan tarjima qilish tufayli(chelovecheskiy faktor inson faktori) kirib kelgan birikma va tushunchadir. Bu birikmaning ma’nolari ichida salbiy va ijobjiy bo‘yoqlar mavjud. Masalan: Kemaning halokatga uchrashi inson faktori bilan bog‘liq (Gazeta – archive). Bu jumlada ibora «insonning beparvoligi, o‘z ishiga befarq qarashi» kabi ma’nolarni bildirmoqda. Inson faktori –ishlab chiqarishda hali qo‘l urilmagan imkoniyatlardan biri (Gazeta – archive). Bu jumlada, uning asosiy mazmunidan anglashilgani kabi, «faktor» so‘zi ijobjiy bo‘yoqli «imkoniyat» ma’nosini anglatmoqda.

«Inson omili» - o‘zbek tilida so‘ngi o‘n-o‘n besh yilda nutqiy muomalaga kiritilgan ibora bo‘lib, u asosan ijobjiy ma’noda qo‘llanadi (bu so‘z qaysidir ma’noda inson kapitali ma’nosini ham bildiradi). Masalan: Mustaqillik davrida jamiyat taraqqiyotiga sinfiy qarashdan voz kechildi. Jamiyat rivojlanishida inson omiliga oliv qadriyat sifatida qarala boshlandi (Gazeta – archive).

«Inson kapitali» va «inson sarmoyasi» birikmalari ayni ma’noda qo‘llanadilar. Ammo «sarmoya» so‘zining ma’nosida ma’lum bir tarixiy sharoitlarda (eski Sho‘ro ideologiyasi ta’sirida) shakllangan salbiy bo‘yoq mavjud ekanligi uchun, ilmiy adabiyotlarda va vaqtli matbuot tilida «inson kapitali» birikmasini ko‘proq qo‘llash ko‘zga tashlanadi.

Fikrimizcha, o‘zbek tilida «inson kapitali» so‘z birikmasini inglizchadagi «Human Capital» ma’nosida ishlatish o‘rinlidir. Boshqa birikmalar va tushunchalar esa, ma’lum bir davrlarga xos iqtisodiy ishlab chiqarish munosabatlarini ifodalagani uchun o‘sha tushunchalarni ifodalash ehtiyoji tufayli nutqiy qo‘llanimda davom etmoqdadir. Toshkent Iqtisodiyot universitetining bir guruh olimlari tarafidan nashrnga tayyorlanib, e’lon qilingan «Inson taraqqiyoti» darsligining mualliflari keltirgan jadvalda, ayniqsa bu hol juda lo‘nda va tushunarli shaklda ifodalangan (keyingi betdag'i

jadvalga qarang) [2].

Jadvaldan ko‘rinib turibdiki, sanoat revolyutsiyasi davriga qadar mehnatkash insonga hamisha «ish kuchi» sifatida qarab keltingan, 20-asrda uning ma’nosiga «mehnat resursi» va «mehnat salohiyati» tushunchalari qo’shilgan va 2000-yillarga yaqinlashgach, 1980 - va 1990-yillarda «inson omili» va «inson kapitali» tushunchalari ham paydo bo‘lgan. Demak, bu hodisa oddiygina tildagi o‘zgarish emas, u ishlab chiqarish munosabatlari, ishlab chiqarish vositalari va ularni harakatlanuvchi kuch – mehnatkash insonning ijtimoiy maqomida yuz bergen o‘zgarishlarni ham ifoda etadi.

1-jadval

#### Iqtisodiy rivojlanishning turli bosqichlarida inson resurslari baholanishi

Kategoriya	Qo‘llanish davri	Iqtisodiyot sub’ekti to‘g‘risidagi tasavvur	Amalga kiritilishi sabablari
Ish kuchi	XIX asr – hozirgi davr	Inson - mehnat jarayonida samarali foydalanish imkoniyati bo‘lgan qobiliyat va sifatlar sohibi sifatida	Ishlab chiqarishda shaxs omilini hisobga olishzarurati
Mehnat resurslari	XX asrning 20-yillari – hozirgi davr	Inson – tashqi boshqaruvning nofaol ob’ekti, reja-hisob birligi sifatida	Iqtisodiyotni markazlashtirgan holda boshqarish sharoitida ishkuchini takror Hosil qilishjarayoni ko‘rsatkichlarini hisobga olishzarurati
Mehnat salohiyati	XX asrning 70-80-yillari – hozirgi davr	Inson – mehnat sohasida o‘z ehtiyoj va manfaatlariiga ega sub’ekt sifatida	Shaxsiy omil imkoniyatlarini faollashtirish va ulardan samarali foydalanish zarurati
Inson omili	XX asr 80-yillarining oxiri – 90-yillarining boshlari – hozirgi davr	Inson – ijtimoiy ishlab chiqarishning asosiy harakatga keltiruvchi kuchi, uning samaradorligini oshirish vositasi	Ijtimoiy-siyosiy shart-sharoitlar, shaxsiy omil samaradorligini oshirish zarurati
Inson kapitali	XX asrning 90-yillari boshlari – hozirgi davr	Inson – eng samarali kapital kiritishning ob’ekti, bu kapital bilim va mahoratni oshirishga xizmat qilib, kelgusida eng yuqori samara keltirishi maqsadini ko‘zlash	Inson salohiyatini hamda insonga investitsiyalarining iqtisodiy xususiyatini e’tirof etish

Barcha davrlar va zamonlarda inson va uning mehnati jamiyat

boyliklarining asosini tashkil etgandir. Ibtidoiy jamoa tuzumidan to bugunga qadar insoniyat yaratgan barcha moddiy va ma’naviy boyliklar insonning jismoniy va aqliy mehnati, bilimi va ko’nikmalari mahsuli o’laroq maydonga kelgani bois mehnatkash inson har doim har qanday boyliklarning yaratuvchisi bo‘lib maydonga chiqadi. Chunki inson o‘zining uy-joy, oziq-ovqat, kiyim-kechak va boshqa hayot uchun zaruriy narsalarga bo‘lgan ehtiyojini qondirish uchun mehnat qilishi lozim. Bu bilan u, bir tomonidan, o‘zining ishslash salohiyatini realizatsiya qiladi va boshqa tarafdan jamiyat bilan o‘zaro ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarga kirishadi. Aynan insonning mehnat faoliyatining mahsuli sifatida turli moddiy va ma’naviy boyliklar yaratiladi hamda ular nafaqat o’sha insonning, balki butun jamiyatning ehtiyojlarini qoplashga va ayni vaqtida u yashagan mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotiga xizmat qiladi. Shunisi diqqatga sazovorki, mehnat so‘zi faqat insonning aqliy va jismoniy faoliyati turlari uchungina qo‘llanadi.

Ammo, afsuski, ko‘p asrlar davomida insonga faqat ishlab chiqarish vositasi, qo‘l kuchi sifatida qaraldi va gohida uning mehnati ayovsiz ekspluatatsiya qilindi. Jahon tarixidan mehnati, bilimi, ijodi uchun yetarlicha rag‘batlantirilmagan insonlar, sinflar va tabaqalarning bu adolatsizlikka qarshi ko‘targan isyonlarga ko‘plab misollar keltirish mumkin. Bashariyat inson - shaxs mehnatini ijtimoiy-iqtisodiy sub’ekt va qadriyat sifatida qabul etilganicha, inson mehnati qiyamatini to‘g‘ri baholaganiga qadar o‘z boshidan ko‘p achchiq va saboq bo‘luvchi voqealarni o’tkazdi.

Insonning intellektual va amaliy salohiyatining ahamiyati hamda inson kapitali konsepsiyasining o‘rtaga kelishida ilk tamal toshlarini qo‘ygan siyosiy iqtisod fanining asoschisi A.Smit edi. U insonni ijtimoiy boylikning bir qismi va ishlab chiqarishning pirovard maqsadi, deb bilar edi [2]. XIX asr oxirida boshqa bir mutafakkir A.Marshall esa boylik to‘plashni inson taraqqiyoti bilan bevosita bog‘lab quyidagicha tushuntirgan edi: «Moddiy boyliklarni ishlab chiqarish bu faqat inson hayotini ta’minlash, uning ehtiyojlarini qondirish va uning jismoniy, aqliy va ma’naviy imkoniyatlarini o’stirish uchundir. Ammo insonning o‘zi bu boylikni ishlab chiqarishning asosiy vositasidir, bu boylikning pirovard maqsadi ham insondir» [4].

XX asrga kelib esa bu tushuncha «inson kapitali» deb ataluvchi umuminsoniy va umumiqtisodiy qadriyat shaklini oldi. Chunki, Yevropa va jahonning boshqa qismlariga yoyilgan sanoat inqilobi va ishlab chiqarishning jadallashuvi bu jarayonlarning harakatlantiruvchi kuchi – insonning iqtisod, ishlab chiqarish, menejment va texnologik jarayonlardagi rolini keskin oshirdi. An’anaviy «inson - ishchi kuchidir» tasavvurini o‘rnini asta-sekin «mehnatkash inson – sarmoya (kapital)dir» tushunchasi egallay boshladi [4].

Inson kapitali tushunchasi iqtisodiy va gumanitar kategoriya (termin) sifatida o‘tgan asrning 60-yillaridan e’tiboran muomalaga kiritilgan va bu tushuncha avvalboshda iqtisodiy munosabatlar hamda ishlab chiqarish jarayonlarning markazida turuvchi inson faktorini ifodalay boshlagan edi. O’sha davrlarda boshlangan zamonaviy ilmiy-texnika inqilobi, informatsion texnologiyalarning keng yoyilishi, dunyodagi iqtisodiy vaziyat va modellarning (postmodern va postindustrial jamiyat modellari) o‘zgarishi kabi holatlar inson kapitali tushunchasining ma’nolarini o‘zgartirdi va kengaytirdi.

Jamiyat turmushi va iqtisodiyotda inson faktorining (Human Factor)

va umuman inson kapitali (Human Capital) tushunchasining ommalashuvi yetakchi rivojlangan davlatlarda bu xususdagi tadqiqotlarning avj olishiga olib keldi. Amerikalik ikki iqtisodchi olim - Teodor Shuls (1979) va Geri Bekker (1992) inson kapitali nazariyasining asoslarini ishlab chiqdilar va bu tadqiqotlari uchun xalqaro Nobel mukofotiga sazovor bo‘ldilar. Bu olimlarning inson kapitali tushunchasiga bergen ta’rifini ham qisqacha ushbu satrlarda umumlashtirish mumkin: «inson kapitali – shaxsning o‘zi va umuman, jamiyatning ko‘p sonli ehtiyojlarini qoplashga xizmat qiladigan bilimi, qobiliyati va ko‘nikmalari yig‘indisidir». Inson kapitali nazariyasi asoschilarining bu qisqacha ta’rifi vaqt o‘tishi bilan insoniyat turmushida yuzaga kelgan o‘zgarishlar tufayli yil sayin kengayib va mukammallahib bormoqda. Bugungi kunda inson kapitali haqidagi nazariya iqtisod fanining mustaqil tarmog‘iga – bilim iqtisodi yo‘nalishiga aylandi [3].

Milliy inson kapitali rivojlanayotgan mamlakatlar milliy boyligining yarmiga yaqinini tashkil etadi, rivojlangan mamlakatlarda esa bu ko‘rsatkich 70-80% ga yaqindir. Chunki, hozirgi paytda inson kapitali ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning taraqqiyotning alohida, intensiv va murakkab faktori bo‘lib, u innovatsiyalar va yuksak texnologiyalarga tayangan iqtisodiy yuksalishning garovi sifatida namoyon bo‘lmoqdadir. Uning tabiiy resurslar, klassik mehnat va odatdagи kapital turlaridan farqi doimo o‘ziga yuqori darajadagi investitsiyalarni talab qilishi, bu investitsiyalardan keladigan foyda uchun ma’lum bir vaqt oralig‘ini istashidir. 1990-yillarda rivojlangan mamlakatlarda inson kapitali uchun butun investitsiyalarning 70 foizi, asosiy kapitalga esa investitsiyalarning 30 foiziga yaqini sarf etilgan edi. Inson kapitaliga sarflanadigan investitsiyalarning asosiy qismini davlat o‘z ustiga oladi, bu hol ayni paytda iqtisodni davlat tomonidan yo‘naltirishning asosiy richaglaridan biridir [4]. Vaholanki, milliy inson kapitali bugungi kunda iqtisodiyotni intensiv taraqqiy ettirishning asosiy va bosh omili bo‘lib qolmoqda.


Inson kapitali shakllanishi va amalda bo‘lishining asosiy belgi va xususiyatlari quyidagilardan iboratdir:

- Inson kapitali insonning o‘zidan va jamiyat (davlat)dan ma’lum miqdorda xarajatlar qilinishini taqozo etadi;
  - Inson kapitali bilim, ko‘nikma va tajriba sifatida har doim to‘ldirilib va takomillashtirilib boriladigan zahiradir;
  - Inson kapitali ham eskirishi, o‘z qiymatini yo‘qotishi va qo‘sishcha xarajat talab qilishi mumkin;
  - Inson kapitali uchun sarflangan investisiyalar uning sohibiga yuqori kirim va foyda olishini ta’minlaydi;
  - Inson kapitali uchun sarflangan mablag‘ katta hajmli va uzoq vaqt davom etadigan iqtisodiy va ijtimoiy samara keltiradi;
  - Inson kapitalining investitsion davri moddiy kapitalnikidan ancha uzoq davom etadi. Masalan, asosiy kapital uchun bu davr 1-5 yilni tashkil etsa, ta’lim kapitali shaklidagi inson kapitali uchun bu davr 12- 20 yilni tashkil etadi;
    - Inson kapitali moddiy kapitaldan likvidlilik tarafidan ham farq qiladi. U o‘zining sohibi – tirik inson shaxsi bilan bevosita bog‘liqdir.
    - Shakllanishi uchun xizmat qilgan moliyaviy manbalar kimga tegishli bo‘lganligidan (oila, davlat yoki homiyalar) bo‘lishidan qat’iy nazar, inson kapitalidan va u keltiradigan foydadan foydalanishni muayyan shaxsning

o‘zi hal qiladi;

- Inson kapitalining amalda bo‘lishi va uning istifoda etilishi sub’ektning erkin irodasi, uning xohish-irodasi, uning moddiy va ma’naviy manfaatdorligi, dunyoqarashi, mas’uliyati, umumiyl madaniy darajasi kabi taraflar bilan chambarchas bog‘liqdir. Yuqoridagi moddalarni quyidagi chizma (1-chizma) da ifodalash mumkin:

1-chizma



Inson kapitali faqatgina iqtisodiy kategoriya va tushuncha emas, bu masala eng avval iqtisodchilarning nazariga tushgani va uning muayyan bir mamlakatning iqtisodiy holati va rivojlanishi bilan bevosita bog‘liqligi uchun inson kapitalining hozirgi talqinlari maydonga kelgan edi. Aslida inson kapitali mavzusi nafaqat iqtisodchi mutaxassislar uchun, balki filosoflar, sotsiologlar, pedagoglar va psixologlarning ham tekshirish ob’ekti bo‘lgan masaladir. Jumladan, faylasuflar hayotiy tajriba to‘plash, ta’lim olish, mehnat qilish jarayonida insonda shakllangan ma’naviy fazilatlar tizimini o‘rganishi, sotsiologlar esa bu tajriba va ko‘nikmalarining, bilimlar va tasavvurlarning sotsium va u yashaydigan ijtimoiy muhit bilan aloqasi masalalarini tadqiq etishi, pedagogika fani esa ta’lim va tarbiya vositasi bilan insonda shakllangan bilim, tajriba va ko‘nikmalar xususida izlanishlar olib borishi, psixologiya esa insonda shakllangan bilim, tajriba va ko‘nikmalarining kognitiv (inson mentaliteti va salohiyati bilan bog‘liqlik) va inson xulq-atvoriga ta’siri muammosini yoritib berishi lozim.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории / пер. с англ. М.: ГУ ВШЭ, 2003.
2. Schultz T. Investments in the schooling and health of women and men: quantities and return // Journal of Human Resources. 1993. № 28(4). P. 694–734.
3. Аврамова А. В. Социально-экономическая адаптация: ресурсы и возможности // Общественные науки и современность. 2002. - № 5.
4. Гойло В. С. Современные буржуазные теории воспроизводства рабочей силы. М.: Наука, 2005.



## ТАЛАБАЛАРДАГИ ЁЛГИЗЛИК ҲИССИ ВА ҲАЁТГА БАРДОШЛИЛИГИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

<https://doi.org/10.53885/edires.2022.8.08.043>

Юлдашева Маҳлиё Бахтиёровна,  
Психология кафедраси ўқитувчиси

Саминжонова Зулайҳо Иброҳимжон қизи,  
Амалий психология йўналиши талабаси, Фарғона давлат  
университети

**Аннотация.** Жамиятни модернизация қилиши механизмларини ўрганиш жараёнида жаҳон ва маҳаллий олимларнинг замонавий тараққий этаётган ижтимоий маконда инсон омили, унинг ички мослашувчалиги, турли хил қизиқишларини намоён қилиши, ўзини ўзи ривожлантиришга интилиши ва инсон мавжудлигининг ўзига хослигини эътиборга олиши даркор. Ҳаётий мураккаб вазиятларнинг ечимини топишга тайёргарлик масаласи талабаларнинг ҳиссий-эмоционал соҳасини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур мақолада талабаларнинг ҳаётий бардошлилиги масаласи эмпирик тарзда ўрганилган тадқиқот натижалари асосида баён қилингган.

**Калит сўзлар:** ҳаётий бардошлилик, ёлгизлик, чидамлилик, назорат қилиши шкаласи, таваккалчилик шкаласи, жалб қилинганлик шкаласи, толерант муносабат, қатъиятлилик, жисмоний ва руҳий ҳолатни тиклаш қобилияти.

## ВЗАИМОСВЯЗЬ ЧУВСТВА ОДИНОЧЕСТВА И ЖИЗНЕСТОЙКОСТИ У СТУДЕНТОВ

Юлдашева Маҳлиё Бахтиёравна,  
Преподаватель кафедры психологии

Саминджанова Зулайҳо Ибрагимжан кызы,  
Студент направления прикладной психологии, Ферганский  
государственный университет

**Аннотация.** В процессе изучения механизмов модернизации общества важно учитывать человеческий фактор в современном развивающемся социальном пространстве, его внутреннюю гибкость, проявление различных интересов, стремление к саморазвитию и уникальность человеческого существования. Вопрос подготовки к решению сложных жизненных ситуаций тесно связан с изучением эмоциональной сферы студентов. В данной статье рассматривается вопрос о жизнестойкости студентов, основанный на результатах эмпирически изученного исследования.

**Ключевые слова:** жизнестойкость, одиночество, выносливость, шкала контроля, шкала риска, шкала вовлеченности, толерантное отношение, решительность, способность восстанавливать физическое и психическое состояние

## THE RELATIONSHIP STUDENTS' LONELINESS AND RESILIENCE

*Yuldasheva Makhliyo Bakhtiyorovna,  
Lecturer of Psychology Department*

*Saminjanova Zulaykho Ibrokhimzhan kyzzy,  
Student of Applied Psychology direction  
Ferghana State University*

*Abstract. In the process of studying the mechanisms of modernization of society, it is important to take into account the human factor in the modern developing social space, its internal flexibility, the manifestation of various interests, the desire for self-development and the uniqueness of human existence. The issue of preparation for solving difficult life situations is closely related to the study of the emotional sphere of students. This article discusses the issue of students' resilience based on the results of an empirical study.*

*Keywords: hardness, loneliness, endurance, control scale, risk scale, engagement scale, tolerant attitude, determination, ability to restore physical and mental conditionstability*

Жамият тараққиётининг ижтимоий ҳолати, стрессни юзага келтирадиган омилларнинг ўсиши, касбий ва шахсий ҳаётий ўсиш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий инқирозларнинг кенгайиши, экологик вазиятнинг ёмонлашуви якка шахслар ҳаётида чукур инқирозли ўзгаришларни келтириб чиқаради ҳамда ташқи ва ички қарама-қаршиликларга нисбатан талабни оширади. Бундай шароитда, ҳиссий-эмоционал ҳолатларни муваффақиятли енгиб чиқиши таъминлайдиган, курашиб хатти-харакатларини шакллантириш омилларини, шунингдек талаба-ёшларнинг ички рухиятида кечириладиган салбий ҳистойгуларни ижобийлик тарзида барқарорлаштиришда оптимизм, шахсий қадр-қиммат, ҳаётий қувноқлик, чидамлилик каби шахсий фазилатларни ўрганиш муаммоси тобора оммалашиб бормоқда. Инсоннинг шахсий ресурси сифатида ҳаётий бардошлилик детерминанти инсон психик фаолигининг барча босқичларида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масалани тадқиқ этиш ва талабаларнинг шахсий имкониятларини тўлиқ амалга ошириш учун психологик-педагогик шароитларни яратиш зарурати Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида ҳам белгилаб қўйилган [1, 2].

Психология фани тизимида инсоннинг “ҳаётий бардошлилиги” мослашувчанлик, эгилувчанлик, ички ва ташқи таъсирларга чидамлилик, сабр-бардошлилик сифатида талқин этилади. Ҳаётий бардошлилик тушунчаси ва унинг инсон учун аҳамияти тўғрисида биринчи бўлиб америкалик психолог С. Мадди ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Унинг нуқтаи назарича, “ҳаётий бардошлилик” тушунчаси мураккаб ички ва ташқи ҳаётий вазиятларни енгиш мотивацияси билан боғлиқ



бўлган одамнинг психологик ҳаётий самарадорлигини ўзида акс эттиради. Ҳаётий бардошлилик, яъни яшаш қобилияти (hardiness) атамаси сўзма-сўз эгилувчанлик, қайишқоқлик, уддабуронлик, қатъиятлилик ҳамда жисмоний ва руҳий ҳолатни тез тиклаш қобилияти сифатида таржима қилинади [6].

Ҳаётий бардошлилик - бу инсоннинг ўзига, ўзгаларга ва ташқи олам билан муносабатларга бўлган эътиқодидир. Инсоннинг ҳаётий бардошлилиги турли хил кўринишда бўлади: стрессларни енгиш, юқори даражадаги жисмоний ва психологик саломатликни сақлаб қолиш қобилияти, шунингдек, оптимизм, ўзини ўзи бошқариш қобилияти, ҳаётдан субъектив қониқищ, доимий шахсий ривожланиш қобилияти билан боғлиқ [4]. С. Маддининг фикрига кўра, ҳаётий бардошлилик учта таркибий қисмдан иборат: қабул этиш, назорат қилиш ва таваккалчилик.

Ҳаётий бардошлиликтининг биринчи таркибий қисми – қабул этиш инсоннинг ўзига, атрофдаги оламга ва у билан ўзаро муносабатлар хусусиятига бўлган муносабатининг муҳим тавсифи бўлиб, бу унга куч беради ва уни ўзини англашга, ўз-ўзини намоён қилиш, согласно фикрлаш ва онгли хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундиади; жамиятда ўз ўрнини ҳис қилишга имконият беради.

Ҳаётий бардошлиликтининг иккинчи таркибий қисми назорат қилишdir. Вазиятларни назорат қилиш ночорлик ва пассивлик ҳолатига тушиб қолишдан фарқли ўлароқ, стрессли ўзгаришларга таъсир ўтказиш усулларини излашни ташкил қиласи.

Ҳаётий бардошлиликтининг учинчи таркибий қисми - таваккалчилик инсонга атроф-олам, бошқа одамлар ва шахсларро муносабатлар учун очиқ бўлишига ёрдам беради. Унинг моҳияти инсоннинг ҳаётий воқеалар ва муаммоларини шахсан ўзи учун синов сифатида қабул қилишида намоён бўлади. С. Мадди саломатликни сақлаш, ишлашга қобилиятлилик ва ҳаётий фаолликнинг мақбул даражасида барча уч таркибий қисмнинг муҳимлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, ҳаётий бардошлилик таркибидаги уч таркибий қисмнинг ҳар бири индивидуал фарққа эга эканлиги ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги заруратини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик даркор.

Талабаларнинг муҳитида таълим фаолияти билан боғлиқ бўлган бир қатор таъсир этувчи омиллар, хусусан, университет муҳитига мослашиш, имтиҳон топшириш пайтидаги ҳиссий вазиятлар, узоқ вақт давомида интеллектуал фаолликни юқори даражада ушлаб туриш зарурати, келажакдаги касбий фаолиятида шахсий ўзини ўзи аниқлаш жараёнининг мураккаблиги уларнинг ҳаётий бардошлилиги билан боғлиқ равишда намоён бўлади [5]. Шунингдек, талабалар фаолиятида ортиқча юкламалар ва шахсга қўйиладиган талабаларнинг хилмачиллигининг намоён бўлиши уларда ўз саломатлигини оптимистик баҳолаш, ўзларига ғамхўрлик қилиш анъанасидан устун туради. Чунки талабалар ўзларининг шахсий куч-кувватларини битмас-туганмас, деб тасаввур қилишади. Ўз тенгдошлари гуруҳида юқори мақомга ва тан

олинишга инилиш талабаларни хавфли хатти-ҳаракатларни амалга оширишга, соғлигини бузадиган воситалардан фойдаланишга ундаиди. Замонавий глобаллашув шароитида инсон ҳәётининг талабалик даврида руҳий саломатликни сақлаш учун яна бир хавфли омилнинг таъсири сезиларли даражада ошмоқда – бу келажақдаги мутахассиснинг жамиятдаги касбий ижтимоий фаолиятидаги ноаниқлик, келажакда иш жойини топиш заруратидир. Шу муносабат билан, талабаларга руҳий саломатлигини йўқотмасдан қийин вазиятларни енгишга ёрдам берадиган психологияк воситаларни аниқлаш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Талабаларнинг таълим ва касбий фаолиятидаги вазиятларда ҳиссий-эмоционал мувозанатини саклаши учун ҳәётий бардошлилик детерминанти асосий роль ўйнайди. Ҳәётий бардошлилик талабаларнинг ўткир ёки сурункали ёлғизлик ҳолатига қарши туриш, фаолият муваффақиятини пасайтирмасдан ички мувозанатни саклаш қобилиятининг шаклланиш даражасини тавсифлайди. Ҳәётий бардошлилик - талабаларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг асосий кўрсаткичларидан бири, шахсий салоҳиятининг пойдеворидир [3].

Биз ўз эмпирик тадқиқотимизда талабаларнинг ёлғизланишига улардаги ҳаётга бардошлилик кўрсаткичлари қай даражада таъсир қилиши мумкинлиги масаласини аниқлаштиришга йўналтиридик. Тадқиқотда америкалик психолог Салваторе Маддининг “Ҳәётий бардошлилик тести” (Д.Леонтьев модификацияси) методикасидан фойдаланилди. Даставвал ўтказилган тадқиқот натижаларини статистик жиҳатдан меъёрий тақсимланишга мослигини текширидик (1-жадвал).

Шкалалар	Жалб қилиш	Назорат	Таваккалчилик	Ҳәётий бардошлилик
N	426	426	426	426
Ўртacha ранг	29,78	26,51	16,81	73,10
Стандарт оғиш	10,23	10,42	5,14	22,94
Z	1,811	1,820	2,322	1,552
p	0,003***	0,003***	0,000***	0,016**

Изоҳ: \*\*\*- p<0,001; \*\*p<0,01

“Жалб қилиш” ( $Z=1,811$ ;  $p<0,001$ ), “Назорат” ( $Z=1,820$ ;  $p<0,001$ ), “Таваккалчилик” ( $Z=2,322$ ;  $p<0,001$ ) ва “Ҳәётий бардошлилик” ( $Z=1,522$ ;  $p<0,01$ ) шкалаларининг натижалари меъёрий тақсимланиш қонунига мос келмаслиги аниқланди. Бундан келиб чиқадики, тадқиқотнинг кейинги босқичларида “Ҳәётий бардошлилик тести” шкалалари нопараметрик мезонлар асосида таҳлил қилиниши мақсаддага мувофиқ. Бунинг учун Манн-Уитни мезонига кўра натижаларнинг ўртача кўрсаткичлари ва Спирмен бўйича корреляция таҳлили амалга оширилди.

Методиканинг натижалари таҳлилини талабалар таълим босқичидаги жинс хусусиятларини таълим босқичлари бўйича таҳлилидан бошлаймиз (2-жадвал).

**2-жадвал. “Хаётий бардошлилик” тестининг 1-3-курс талаба-  
йигитлари натижаларининг қиёсий таҳлили  
(Манн-Уитни мезони асосида)**

Шкала	Жинс	N	Ўртacha ранг	U	p
Жалб килиш	Йигитлар	59	47,36	1024,5	0,000***
	Йигитлар	80	86,69		
Назорат Таваккал килиш	Йигитлар	59	44,09	831,5	0,000***
	Йигитлар	80	89,11		
	Йигитлар	59	63,86		
	Йигитлар	80	74,53	1997,5	0,121
Хаётий бардошлилик	Йигитлар	59	46,48	972,5	0,000***
	Йигитлар	80	87,34		

Изоҳ: \*\*\*- p<0,001

1-3-курс талаба йигитларининг хаётий бардошилик даражаларини акс эттирувчи “жалб қилиш” шкаласи бўйича ўртача ранг қийматларида 3- курсдагилар ўзларига анча ишонган, олдига қўйган мақсадларига эришувчан, ўзига ишонган, хаётий вазиятлардан четда эмасликларини кўрсатмоқда (47,36 ва 86,69; U=1024,5; p<0,001). Бу микдорий кўрсаткич 1-ва3- курс талабаларининг ёлғизлик ҳисси бўйича натижаларига қайсиидир маънода мослигидан далолат беради.

“Назорат” шкаласининг кўрсаткичлари бўйича ҳам 3- курсдагилар ўз мақсадларига эътиқодли эканликлари, ҳали ютуқ кафолатланмаган бўлса, ҳаракат орқали нимаагадир эришасан деган тамойилга тўлиқ ишонч билан ёндашишга хайриҳоҳидирлар. Бизнингча, 1-курсларда ёлғизликка билдирилган муносабатларнинг кўпроқ салбий тус олишига сабаб уларнинг ўзларини чорасиз қолган инсондек ҳис этишлари ҳам бўлган бўлиши мумкин (44,09 ва 89,11; U=831,5; p<0,001).

“Таваккалчилик” шкаласи кўрсаткичлари бўйича 1 ва 3-курс йигитларидан фарқ қилувчи қиймат статистик жиҳатдан ифодаланмади.

“Хаётий бардошлилик” индекси бўйича 3-курс талабаларида ўзига, атроф-оламга ва атроф-олам билан ўзаро муносабатига нисбатан ишонч тизимиға эга эканлиги туфайли стрессли вазиятлардаги зўрийкшларга нисбатан ўзларидан бардош топа олишлари ёлғизликни инсон ҳаётининг бир кўриниши сифатида баҳолашларига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Биринчи курслар эса стрессли вазиятлардаги зўрийкшларни бартараф этишда ҳар доим ўзларидан барқарорликни шакллантира олмаяптилар (46,48 ва 87,34; U=972,5; p<0,001).

Уз навбатида 1 ва 3-курс талаба-қизларнинг натижалари таҳлилида ҳам 3-курсларда устуворлик анъанаси сақланиб қолган (3-жадвал ).

**3-жадвал. “Хаётий бардошлилик” тестининг 1-3-курс талаба-  
қизлари натижаларининг қиёсий таҳлили (Манн-Уитни мезони**

Шкала	Жинс	N	Ўртacha ранг	U	p
Жалб килиш	Қизлар	141	104,74	4757,5	0,000***
	Қизлар	146	181,91		
Назорат	Қизлар	141	109,35	5407	0,000***
	Қизлар	146	177,47		
Таваккал килиш Хаётий бардошлилик	Қизлар	141	131,32	8504,5	0,01**
	Қизлар	146	156,25		
	Қизлар	141	106,77		
	Кизлар	146	179,96	5043,5	0,000***

Изоҳ: : \*\*- p<0,001, \*\*\*- p<0,001

1-3-курс талаба қизларининг ҳаётий бардошлилик даражаларини акс эттирувчи “жалб қилиш” шкаласи бўйича ўртacha ранг қийматларида 3- курсдагилар ўзларига анча ишонган, олдига қўйган мақсадларига эришувчан, ўзига ишонган, ҳаётий вазиятлардан четда эмасликларини кўрсатмоқда ( $104,74$  ва  $181,91$ ;  $U=4757,5$ ;  $p<0,001$ ). Бу миқдорий кўрсаткич 1-ва 3- курс талабаларининг ёлғизлик хисси бўйича натижаларига қайсиdir маннода мослигидан далолат беради.

“Назорат” шкаласининг кўрсаткичлари 3- курс қизларининг ўз мақсадларига эътиқодли эканлигини, муваффақият кафолатланмаган бўлса, интилганга толе ёр тамойилига тўлиқ амал қиласидилар, дейиш мумкин. 1-курс қизлари ёлғизликка салбий муносабатга эгаликлари сингари ҳаётий бардошилклари ҳам унинг таъсирида, дейиш мумкин ( $109,35$  ва  $177,47$ ;  $U=5407,000$ ;  $p<0,001$ ).

“Таваккалчилик” шкаласи кўрсаткичлари бўйича 1 ва 3-курс қизлари фарқ қилувчи қиймат статистик жиҳатдан аниқланди ( $131,32$  ва  $156,25$ ;  $U=8504,5$ ;  $p<0,001$ ). 3-курс қизларида ушбу шкала бўйича натижалар юқорилиги олдинги босқичларда тўплаган тажрибалар муваффақиятлар кафолатланмаган ишончсизлик вазиятида қўл келишини, қундалик турмушдаги қулайлик ва хавфсизликка интилишнинг асосини кўркув ва таваккал қилиш ташкил этмоқда. 1-курс қизларида эса бу туйғу шаклланмаган

“Ҳаётий бардошлилик” кўрсаткичларида 3-курс талаба қизларида ўзига, атроф оламга ва атроф-олам билан ўзаро муносабатига нисбатан ишонч борлиги сабабли стресслар ҳамда ҳаётий зўриқишиларга нисбатан ўзларида бардош топа олишлари уларда ёлғизликка ижобий муносабатни шакллантирганликларининг асоси, дейиш мумкин. Биринчи курсларда стрессли вазиятлардаги зўриқишиларни бартараф этишда ҳали барқарорлик етишмаяпти ( $106,77$  ва  $179,96$ ;  $U=5043,5$ ;  $p<0,001$ ).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ҳаётий бардошлилик - бу энг яхши кўрсаткичларни сақлаб туриш ва ички мувозанатни ушлаш билан бирга, номақбул вазиятларни муваффақиятли енгишга имкон берадиган хусусиятдир. У келажакка йўналган бўлиб, фаолиятни амалга ошириш туфайли содир бўлади, инсоннинг шахсий ривожланишга ундейди. Ҳаётий бардошлиликнинг асосий таркибий қисмлари - бу одамнинг вазиятни енгишга тайёрлигига, ишончи ва ҳар бир янги нарсага очиқлигидир. Ҳаётий бардошлиликнинг таркибий қисмлари амалга оширилган фаолиятдан инсонга қувонч баҳш этишучун масъулбўлгаништирок; фаол ҳаётий позицияни сақлаб қолиш ва ўз ҳаёт йўлини мустақил танлашга имкон берадиган назорат; оқилона хатти-харакатни рағбатлантиради ва ўрганилган сабоқларга асосланишга ёрдам беради. Айнан талабалик даврида ёлғизлик хисси ва ҳаётий бардошлилик ўртасида курашнинг ўзига хослиги содир бўлади. Шахснинг таълим ва касбий фаолиятидаги



барқарорлиги бу курашнинг ижобий ҳал этилишини таъминлайдиган куч бўлиб хизмат қиласи.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги Конуни. 2020 йил, 23 сентябрь, ЎРК-637. // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 йил, 03/20/637/1313-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. ПФ-6097, 29 октябрь 2020 йил. // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2020 йил, 06/20/6097/1431-сон.
3. Yuldasheva M. B., Toshboltaeva, N., Pulatova, G. M., Mamajonova, S. K., & Karimjanova, Y. U. (2021). Semantic Analysis of Feeling Loneliness among Students. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 14552-14558.
4. Юлдашева М. (2021). Ёлғизлик ҳиссини талқин қилишда методологик ёндашувлар таҳлили. Общество и инновации, Тошкент № 2 (9/S), 50-59-бетлар.
5. Юлдашев, Ф.А. & Юлдашева, М.Б. (2021). Экзистенциональные проблемы изучения одиночества. Материалы международной конференции “Проблемы психологического благополучия”. УРГПУ Екатеринбург. Стр. 281-284

## МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРКИБИЙ-ТАШХИСИЙ МОДЕЛИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.044>

Тошназарова Узукой Азизберди қизи

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институты  
тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мақолада олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, мулоқот маданиятининг таркибий-ташхисий модели кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга эмпирик ўрганишилар натижасига кўра шахснинг шахсий хусусиятлари ва мулоқот маданияти тўғрисидаги тасаввурлари муҳимлиги ҳақида фикрлар билдирилган.

**Калим сўзлар:** таркибий ташхисий модель, қасбий камолот, мулоқот, мулоқот маданияти, қасб танлаши мотиви, шахсий сифатлар, масъулиятилик, мақсадга йўналгандик, когнитив қобилиятлар.

## СТРУКТУРНО-ДИАГНОСТИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕНИЯ

Тошназарова Узукой Азизберди қизи

Исследователь Джиззакского государственного педагогического  
института имени Абдуллы Кадыри

**Аннотация:** В статье представлены результаты исследования и показана структурно-диагностическая модель культуры общения. В то же время в эмпирических исследованиях высказывались мнения о важности представлений индивида о личностных особенностях и культуре общения.

**Ключевые слова:** структурная диагностическая модель, профессиональная зрелость, коммуникабельность, культура общения, мотив выбора профессии, личностные качества, ответственность, целеустремленность, познавательные способности.

## STRUCTURAL-DIAGNOSTIC MODEL OF COMMUNICATION CULTURE

Toshnazarova Uzukoy Azizberdi kizi

Researcher of Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiriy

**Annotation:** The article presents the results of the research and shows the structural-diagnostic model of communication culture. At the same time, empirical studies have suggested that the importance of an individual's perceptions of personal characteristics and communication culture is expressed.

**Keywords:** structural diagnostic model, professional maturity, sociability, culture of communication, motive for choosing a profession, personal qualities, responsibility, purposefulness, cognitive abilities.

Олий таълим муассасалари таълим олувчилирининг мулоқот маданиятини тадқиқ қилишнинг муҳим босқичи, бу ўрганилаётган



ходисанинг таркибий мазмунини ажратиб олиш ҳисобланади, ҳамда унинг психодиагностикасининг адекват механизмини аниқлашдан ташкил топади. Замановий психология назарияси ва амалиётида мазкур йўналиш бўйича маълум тажриба тўпланган. Аммо у, шахснинг ижтимоий-психологик таълими мажмуасини, яъни мулоқот маданиятини психодиагностик жиҳатдан оптималлаштиш (энг қулай вариантини вужудга келтириш) имконини аниқлаб бериш позициясидан тизимлаштирилишига ва шарҳлашнишига муҳтождир. Тадқиқ қилинаётган муаммо бўйича илмий адабиётлар таҳлили асосида шу хуносаларга келиш мумкинки, мулоқот маданиятини психодиагностика қилишда қўлланилаётган мезонлар, қўрсатгичлар ҳақидаги саволлар охиригача ўз ечимини топмаган.

Олимларорасида унингизоҳиганисбатанягона ёндашув танланмаган, шу жумладан, қатор муаллифлар алоҳида жиҳатларини, таркибий қисм сифатида шарҳлашади, бошқалари эса мезон ва қўрсатгичларнинг жуда катта ва аниқлаштирилмаган қисмини йиғиб таърифлашади ва бу ўз навбатида, психодиагностик инструментарийларнинг етарли даражада мосини танлашни қийинлаштиради. Саволларга қулай йўллар билан қўрсатилган доирада ечим топиб, биз моделлаштриш тартибини аниқлаймиз. Маълумки, ҳар қандай илмий тадқиқотнинг методи асосида моделлаштириш усули ётади. Илмий адабиётларда, моделлаштриш тушунчаси маълум бир объектнинг тавсифига бошқа бир объектнинг тавсифини репродукциялаш (нусхалаб кўчириш) сифатида талқин берилган. Модел атамасининг ўзи, маълум бир тадқиқот учун асл нусханинг (оригиналнинг) энг муҳим жиҳатлари ва хусусиятларини акс эттирувчи ва асл нусхани ўрнини босувчи объект сифатида таърифланади [5].

Психологик адабиётларда модел, моделлаштириш тушунчалари бирор-бир жараённинг аналитик ёки график тасвири сифатида тушунирилади, яъни таниб олиш, англаш, таҳлил қилиш ва очиб бериш учун муҳим бўлган ҳақиқий намунани хусусият ва сифатларини маълум мезонлар асосида ўзгартирилиши натижасида яратилган харакатларнинг, феъл-атворнинг ва кабиларнинг ўзига хос хусусиятларининг нусхаси, андазаси [1].

Моделлаштириш, инсон тафаккурининг табиатан турли хил бўлган объектларнинг ўхшаш белги ва хусусиятларни мавҳумлаштириш (абстракциялаш) ва улар ўргасида маълум муносабатлар ўрнатиш қобилиятини илмий англаш усули сифатида тушунилади. Ўмумилмий қарашларда моделлаштириш – бу баъзи объектларнинг тавсифини бошқа объектларга қайта ишлаб чиқиши деб таърифланади, яъни уни илмий жиҳатдан англаш мақсадида ўрганиш ва моделни тайёрлаш жараёнини маҳсус кўргазмали ташкиллаштириш [41, 67]. Бинобарин, моделлаштиришни, мавжуд тизимни маҳсус яратилган объектда акс эттириш сифатида, мақсадга эришиш эталони сифатида, ҳамда унга эришиш инструменти сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Илмий модел фаразий ва моддий томондан амалга оширилган тизим ҳисобланади, чунки у тадқиқот предметини акс эттиради ва уни шундай ўзгартиришга қодирки, моделни ўрганиш жараёни мазкур предмет ҳақида янги сермаҳсул маълумот олишга имкон беради [1]. Моделлаштиришнинг

асосий афзаллиги шундан иборатки, у ўрганилаётган ҳодисани тушунишни яхшилашга ва аниқлаштиришга имкон беради, унинг ривожланиш масалаларини белгилашга ёрдам беради. Шу жумладан, олий таълим муассасаларида таълим оловчиларнинг муроқот маданияти моделини бир бутун яхлит ва мажмуавий тизим сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир, чунки бу тизим бўлғуси мутахассисларнинг муроқот маданиятинининг мазмундорлигини ва психодиагностик жиҳатини акс эттириб туради. Яна бир омилни ҳисобга оламиз, яъни моделнинг таркибий элементлари бирлиги умумий мақсадга бўйсунади ва унга тегишли вазифаларни амалаг оширишга йўналтирилган.

Шундай қилиб, ўрганилаётган муаммонинг назарий асослари натижаларига таяниб, психодиагностик усусларнинг таркибини ва таърифини ажратиб олиш учун, олий таълим муассасалари таълим оловчиларининг муроқот маданиятини таркибий-ташхислаш модели тайёрланган (1-расм).

Бундай мураккаб таълим, яъни олий таълим муассасалари таълим оловчиларининг муроқот маданиятининг ижтимоий-психологик ва мажмуавий характеристи, бизга тизимли таркиб таҳлили назариясига мурожаат қилиш заруратини кўрсатди. Шахснинг мураккаб табиатини турли жиҳатлардан ўрганиш тизимини асосида, нисбатан автоном ва шу билан бирга ўзаро шартланган таркибий қисмлар (структурални компонентлар) ажратилди:



1-расм. Олий таълим муассасалари таълим оловчиларининг муроқот маданиятининг таркибий-ташхисий модели



Юқорида кўрсатилган психодиагностик таркибнинг биринчи компоненти Эмоционал интеллект (хиссий идрок) сўровномасини ишлаб чиқсан мутахассисларнинг методологик тасаввурларини инобатга олган ҳолда тузатилган (Н. Холл методикаси модификацияси) [4]. Бу тафсилотлар, бир томондан хиссий идрокнинг таркибий ўзига хосликларини умумназарий тасаввурлар нуқтаи назаридан очиб беришга имкон берса, бошқа томондан эса – мулоқот маданиятининг таркибий компонентларини ташхислаш масаласига асосли ёндашишга имкон беради. Ўз табиатига кўра ҳиссий иқтидор шахсий хусусият, тавсифнома сифатида белгиланади ва у ҳамкорлик вазиятини тушуниш ва прогноз қилиш (олдиндан билиш), шу соҳада муайян шароитларда қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш билан шартланади.

Ҳиссий иқтидор таълим олувчи шахсининг ўзини мустақил бошқариш жараёнларининг қувватий таъминланганлиги ва унинг хулқатвори, интеллектуали, шахсий, коммуникатив билим/малакалари, мажмуаси негизида шаклланади ва ривожланади. Айнан шу хусусиятлар маълумотни қайта ишлаш ва ҳатти-харакатларнинг муваффакиятини олдиндан белгилайди, маълум вазиятни олдиндан айтиб бериш имконини беради, самарали ҳамкорликка тайёргарлигини, ҳамда зарур карорлар қабул қилишни олдиндан таъминлайди.

Кейинги таркибий компонент коммуникатив бағрикенглик ҳисобланиб, қуйидаги психодиагностик таркиби назарда тутади:

бошқа одамнинг индивидуаллигини қабул қиласлиқ ёки тушунмаслик;

бошқа одамларнинг хулқ-атвори ва фикрлаш тарзини баҳолашда ўзини намуна сифатида қўллаш;

бошқаларни баҳолашда қатъийлик ёки консерватизм (янгиликни қабул қиласлиқ ёки эскилилкка ёпишиб олиш, эскилилкни йўқлаш);

шерикларнинг, (ҳамкорларнинг) нокоммуникабел сифатлари билан тўқнашиб қолганда салбий ҳисларни яшира олмаслик ёки юмшата олмаслик;

шерикларни (ҳамкорларни) ўз қолипига солишга, уни ўзига “қулай” қилиб олишга уриниш;

бошқаларнинг хатосини, ноқулай харакатларини, қасдан қилинмаган нохушликларини кечира олмаслик;

бошқа одамлар томонидан жисмоний ёки рухий ноқулайликка (дискомфортга) тоқат қила олмаслик;

бошқаларнинг характерига, одатларига ва истакларига мослаша олмаслик.

Биринчи компонент каби, иккинчи компонентнинг ҳам таркибий хусусиятлари Умумий коммуникатив толерантлик сўровномасини ишлаб чиқсан мутахассисларнинг методологик қарашлари иноботга олинган ҳолда аниқлаштирилган (В.В. Бойко) [2].

Коммуникатив бағрикенглик шахснинг мажмуавий тавсифномаси

хисобланади ва унинг моҳияти таълим олувчининг қарашлари, позицияси, фикрлари, мулоқот ҳамкорининг, маълум гурӯҳ социумига тегишли шахсларнинг эмоциялари ва бошқаларига нисбатан бардошлилиги билан очиб берилади. Одатда, мазкур индивидуал-психологик хусусият талабаларда таълим олиш жараёнида, шахслараро муносабатларда, курсдошлари, ўқитувчилари, олий таълим муассасаси маъмурияти билан бўлган ўзаро ҳакорликлардаги муносабатларда ва бошқаларда намоён бўлади.

Учинчи таркибий компонент таълим олувчининг мослашувчанлик (адаптивлик) хусусиятларида акс этади ва қуйидаги психодиагностик таркибни назарда тутади:

коммуникатив қобилиятлар;  
ахлоқий меъёрлилик.

Ўзининг моҳиятига кўра, учинчи компонентнинг таркиби “Мослашувчанлик” (“Адаптивлик”) Кўп даражали шахс сўровномасини (А.Г. Маклакова, С.В. Чермянина) ишлаб чиқсан мутахассисларнинг методологиктасаввурлари асосида шартланган [6]. Шахснинг адаптивлик хусусиятлари таълим олувчининг ижтимоий мослашувчанлик, зарурий алоқаларни ўрната олиш, низоли вазиятларда ўзини ҳатти-ҳаракатларини оптималлаштира олиш, социумда ўзини ва бошқаларни баҳолай олиш, ахлоқий меъёрларга риоя қила олиш қобилиятлари билан ифодаланади. Бундан ташқари, бу қобилиятлар атрофдагиларни қабул қила олиш ва ўз ҳатти-ҳаракатларини ижтимоий меъёрларга риоя қилган ҳолда намоён эта оладиган, кўпроқ ижтимоий шартланган турлардан бири ҳисобланади. Мазкур қобилиятлар таркибининг муҳим компоненти мулоқотчанлик, эмпатия, бошқа одамнинг эмоционал ҳолатига сезигирлик ва меҳрибонлик ҳисобланади. Кўргина мутахассислар ва таълим олувчилар ўзларининг коммуникатив қобилиятларини ва уларнинг шахсий касбий ривожланишиларидаги ҳамда ўз ўзларини мустақил ривожлантира олишларидаги аҳамиятини тан олишмайди. Мутахассиснинг ўз вақтида ривожлантирилмаган қобилиятлари унинг ҳаётининг кейинги жабҳаларида, айниқса, коммуникатив ва касбий фаолиятларини, ўз фаолликларини бошқаларнинг фаолликлари билан мужассамлаштиришни муваффақиятли амалга ошира олмаганликларида кўриниб қолади.

Якунловчи, тўртинчи таркибий компонент – маънавий-ахлоқий масъулият қуйидаги психодиагностик таркибни назарда тутади:

маънавий-ахлоқий вазиятларга рефлексия;  
маънавий-ахлоқий соҳадаги интуиция;  
масъуляйтнинг экзистенциал жиҳати;  
алтруистик ҳис-туйғулар;  
маънавий-ахлоқий қадриятлар.

Олдинги компонентлар каби, тўртинчи компонент таркиби ҳам Шахснинг маънавий-ахлоқий масъулияти даражасини ташхислаш сўровномасини (И.Г. Тимошука) ишлаб чиқсан мутахассисларнинг



методологиктасавурлари воситасида тузатилган [7]. Маънавий-ахлоқий масъулият, шахсий фазилат каби, ижтимоий месъёрларга риоя қилиш заруратини англаш орқали очиб берилади, ҳамда таълим олувчининг ҳақиқий баҳони адекват қабул қила олиш қобилияти ва хулқ-атворни, харакатларни, бажарган ишларни жамиятда қабул қилинган тушунчалар позициясидан амалга ошира олиш қобилияти билан баҳоланади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўрганилаётган муаммонинг назарий асосларининг таҳлил натижалари олий таълим муассасалари таълим олувчиликарининг мулоқот маданиятининг таркибий-ташхисий моделини ишлаб чиқишига имкон берди. Модел асосини тўртта таркибий компонент ташкил этди (ҳиссий идроқ, коммуникатив бағрикенглик, мослашувчанлик хусусиятлари, маънавий-ахлоқий масъулият). Мазкур компонентларнинг ички табиатини йигирма иккита таркиб очиб беради, уларга куйидаги психодиагностик инструментария ишлаб чиқувчиларнинг методологик позициясига асосида аниқик киритилган:

Хиссий идроқ сўровномаси (Н.Холл методикаси модификацияси);

Умумий коммуникатив толерантлик ташхиси сўровномаси (В.В.Бойко):

“Мослашувчанлик” кўп даражали шахсий сўровномаси (А.Г. Маклакова, С.В.Чермянина).

Ўз моҳиятига кўра, бир томондан модел, олий таълим муассасалари таълим олувчиликарининг мулоқот маданиятининг таркибий жиҳатдан намойиш этишини, ривожлантиришнинг аниқлаштирилган ва мақсадга йўналтирилган воситаларини тайёрлаш учун йўналишни кўрсатувчи асос деб изохласа, иккинчи томондан – ўрганилаётган ҳодисанинг психодиагностик шартли тасвири (схемаси). Тайёрланган моделдан келиб чиқкан ҳолда, айтиш мумкинки, олий таълим муассасалари таълим олувчиликарининг яхлит ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида ўрганилаётган мулоқот маданияти ривожланишининг кўрсатгичлари сифатида талабаларнинг ҳиссий-интеллектуал, коммуникатив-бағрикенглик, мослашувчанлик ва маънавий-ахлоқий хусусиятлари ўртага тушади ва мулоқот жараёнида рўй берадиган вазиятларни самарали ечишга, муайян вазиятларда коммуникация воситаларининг энг қулаги вариатнларини танлашга, юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳатти-харакатлар стратегиясини танлашга, атрофдаги социум билан ўзаро ҳамкорлик жараёнида юзага келган муаммоларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ечим топишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Байдлих В. Социодинамика. Системный подход к математическому моделированию в социальных науках. М.: Едиториал УРСС, 2005. - 480 с.
2. Борисова Е.М. О роли профессиональной деятельности в формировании личности // Психология формирования и развития личности. - М., 2011.- С. 159-177.

3. Волкова В.Н. Моделирование систем: подходы и методы: Учебное пособие. - СПб.: Издательство Политехнического университета, 2013. - 568 с.
4. Ильин Е.И. Эмоции и чувства. - СПб Питер, 2001. - С. 633-634.
5. Лебедев А.Н. Экспериментальное моделирование социодинамических явлений в массовой культуре // Экспериментальная психология: ежеквартальный научный журнал. - 2017. - № 3. - С. 86-96.
6. Одилова, Н. Г., & Рахимова, И. И. (2017). ФОРМИРОВАНИЕ ЧУВСТВО ОТВЕТСТВЕННОСТИ У ШКОЛЬНИКОВ. Интернаука, (26), 21-22.
7. Mukhamedova, D., Rakhimova, I., Ziyaviddinova, G., & Kamalova, Z. (2022). The Relationship Between the Effectiveness of the Managerial Activity of an Education Manager With the Peculiarities of the Manifestation of His Communicative Potential in Uzbek System. Journal of Higher Education Theory & Practice, 22(4).



## O'QUVCHILARNI KASB TANLASHGA YO'NALTIRISHDA IJTIMOIY KOMPETENTLIKNI TA'SIRI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.045>

*Oribboyeva Dilafro'z Dadamirzayevna*

*NamDU Psixologiya kafedrasи katta o'qituvchisi*

*Annotasiya. Maqolada o'quvchilarni kasb-xunargayo'naltirishda ijtimoiy kompetentlikni ta'siri xaqida ma'lumotlar berilgan bo'lib, bundan tashqari o'quvchilarni kasb tanlashga yo'naltirishda turli hayotiy sohalardagi ijtimoiy hamkorlikka bo'lgan qobiliyat va ijtimoiy moslashuvchanlik masalalari yoritilgan.*

*Kalit so'zlar: kompetentlik, hamkorlik, kasb, o'quvchilar, xulq-atvor, ijtimoiy, moslashuv.*

## ВЛИЯНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ НА ВЫБОР ПРОФЕССИИ

*Oribboyeva Dilafroz Dadamirzaevna*

*NamDU старший преподаватель кафедры психологии*

*Аннотация. В статье даны сведения о влиянии социальной компетенции, направленные на профессиональную ориентацию учащихся при выборе профессии, а также вопросы связанные со способностями и социальной адаптации социального взаимодействия в различных жизненных сферах.*

*Ключевые слова: компетентность, сотрудничество, профессия, ученики, поведение, социальная, адаптация.*

## THE INFLUENCE OF SOCIAL COMPETENS ON PROFESSIONAL CHOICE

*Oribboyeva Dilafruz Dadamirzayevna*

*NamSU The senior teacher of the division of psychology*

*Annotation. This article provides information about the impact of social competence on directing pupils towards choosing profession besides that it clarifies the ability to engage students in social life in various areas of life. and social adaptation issues*

*Key words: competence, cooperation, profession, students, behavior, social adaptation.*

Jamiyat taraqqiyotining zamonaviy bosqichi inson hayoti va faoliyatining turli sohalaridagi tez sur'atlarda kechadigan innovatsion o'zgarishlar bilan harakterlanadi, ijtimoiy soha ham bundan mustasno emas. Hozirgi kunda jamiyat va davlatga tez o'zgaruvchan sotsium(jamiyat)ga ijtimoiy moslashuvchan, faol, ijodkor, hatti-harakatlarning universal usulini egallagan kishilar zarur. Ta'lim tizimi hozirgi davrtalabiga javoban, ta'limga kompetentli

yondashuv g'oyasini ishlab chiqqan va uni ta'lif maskanlariga joriy etishga harakat qilmoqda. Kompetentlik tuzilmasida ijtimoiy kompetentlikka aloxida o'rinn berilgan bo'lib, u o'zida turli hayotiy sohalardagi ijtimoiy hamkorlikka bo'lgan qobiliyat va ijtimoiy moslashuvchanlikni aks ettiradi.

Yuqori sinflardan boshlab ota-onada o'quvchilarini kasb tanlash va unga tayyorgarlik haqidagi dolzarb muammo qiyinay boshlaydi. O'quvchilar bo'lajak kasbi haqida jiddiy o'ylab, o'zidagi psixologik va psixofiziologik "zahiralarni" baholashga urinadi. Shunday muxim vaziyatda kattalarning asosiy vazifasi o'quvchiga o'zini bilishda o'z imkoniyatlari xulq motivlarini individual psixofiziologik imkoniyatlarini tushunishda yordamlashish va keyinchalik o'qish faoliyati mobaynida o'zlashtirgan ma'lumotlaridan va bilimlardan kasbiy o'z-o'zini anglash jarayonida faol foydalanishga yo'naltirishdan iborat. Bu ishning pirovard maqsadi-o'quvchini mustaqil o'ylab ongli ravishda kasb tanlashga yetaklash va maktab sharoitida imkonli boricha kasbga dastlabki psixologik tayyorgarlikni ta'minlashdir. O'quvchilarini kasbga yo'naltirish jarayonida u tomonidan egallangan bilim va ko'nikmalardan samarali foydalanish va nazariy ma'lumotlarni amaliyotga jalb etish masalasi muhim omillardan biri bo'lib hizmat qiladi. Bu o'rinda ularning psixikasida ijtimoiy kompetentsiyaning namoyon bo'lish mehanizmlarini alohida tahlil etish kerak.

Kompetentsiya-faoliyat sub'ekti tomonidan o'z bilimi va vaziyat o'rtasidagi bog'liqlikni o'rnata olish imkoniyati, yoki keng ma'noda konkret vaziyatdagi muammoni hal etish uchun zarur bo'lgan amaliyot (bilim+xarakat) ni topish qobiliyati sanaladi [1].

Ijtimoiy kompetentsiya-ijtimoiy malakalar (majburiyatlar) hisoblanib, kishiga jamiyat hayotidagi normalar va qoidalarni adekvat (o'zaro mos) tarzda bajarish imkoniyatini beradi.

Ijtimoiy kompetentlik asosini jamiyat, undagi xulq-atvor usullari va qoidalari haqidagi bilimlar tashkil etadi. Maktab o'quvchisi uchun jamiyat, keng (dunyo, mamlakat) va tor (oila, maktab, maxalla) davrada aks etadi.

Uning ijtimoiy kompetentligi turli ma'lumotlar oqimidan habardorligi orqali aniqlanadi. Shuning uchun, ijtimoiy kompetentlikni rivojlantirishning muhim yo'llaridan biri, bolada o'zini o'rab turgan kishilar bilan birgalikda harakat qila olish, o'zini tutish usullariga doir bilimlarni shakllantirishdan iborat.

Ijtimoiy kompetentlik tuzilmasidagi bilim, ko'nikma va malakalar jamlanmasiga e'tibor bergan holda, shuni ta'kidlash lozimki, ularning o'zi ijtimoiy kompetent xulqni ta'minlay olmaydi. Kompetentlikni yanada kengroq ma'noda izohlash, ya'ni bilimlarni zarur vaziyatlarga bog'lay olish imkoniyatlari, muammoli jarayonni his etish qobiliyatini xisobga olish maqsadga muvofiqdir. [2].

Ijtimoiy kompetentlik -bu:

-hayotga moslashganlik,

-o'zgaruvchan shart-sharotlarga moslashuvchanlik ko'nikmasi, turli-tuman vaziyatlarda o'zini yo'qotmaslik, turli jamoalarda faoliyat ko'rsata

olish,

-mas’uliyatli tanlovni amalga oshirish qobiliyati.

Ijtimoiy kompetentlikka zamin yaratib beradigan shaxsiy tuzilmalar sifatida:

Birinchidan, mактабда ijtimoiy foydali faoliyat motivatsiyasi rivojlanadi va mustahkamlanadi. Jumladan, u ikkita qutbdan biriga joylashgan bo’ladi:

- muvaffaqiyatga erishishga intilish;
- muvaffaqiyatsizlikdan xavotirlanish(qochish).

Agar o’quvchi o’z faoliyati davomida muvaffaqiyatsizlikka duch kelsa, uning motivatsiya sohasida “muvaffaqiyatsizlikdan qochish” motivi ustunlik qila boshlaydi. Psixologik tadqiqotlarda aniqlanishicha, “muvaffaqiyatga erishishga intilish” motivi ijtimoiy adaptatsiya(moslashish)ga qulaylik yaratib beradi.

Faoliyatning ushbu motivatsiyasi amaliy, ijobiy natijalarga erishishga yo’naltirilgan bo’ladi va shaxs faolligini belgilab beradi.

Muvaffaqiyatsizlikdan havotirlanish motivatsiyasi ijtimoiy kompetentlikka erishishga to’sqinlik qiladigan, salbiy holat xisoblanadi. Motivatsianing ushbu tipida o’quvchi hatolar, muvaffaqiyatsizliklar, tanbeh va jazodan qochishga harakat qiladi, barcha intilishlaridan salbiy natijani kuta boshlaydi va bu uning jamiyatdagi xulqiga ta’sir ko’rsatadi. Hali faoliyat boshlamasdan oldin, u o’zining muvaffaqiyatsizligini bashorat qila boshlaydi va faoliyatdan voz kechadi. Ijtimoiy kompetentlikni egallash uchun, “muvaffaqiyatga erishishga intilish” motivining ahamiyati katta bo’ladi.

Ikkinchidan, bilish sohasining intensiv rivojlanishi va undagi sifat o’zgarishlari tufayli bola, o’z bilish jarayonlarini idora etishni o’rganadi, ular bilvositalik kasb etib, ixtiyoriy va anglangan shaklda ifodalanadi.

Xulq-atvorni ixtiyoriy tarzda idora etish (o’z xulqini ongli boshqarish, ijtimoiy me’yorlar va qoidalarga rioya etish, o’z-o’zini boshqarish qobiliyati), ijtimoiy kompetentlikning taraqqiy etishi uchun ahamiyatli bo’lgan muhim yangilanishlardan biri sanaladi.

Uchinchidan, o’smir o’ziga boshqalar nazari bilan qarashga o’rganadi, unda o’ziga va boshqalarga nisbatan tanqidiy munosabat paydo bo’ladi, hamda o’ziga-o’zi baho bera boshlaydi. O’z-o’ziga baho berishning yuzaga kelishi, shaxs tuzilmasidagi eng muhim bo’g’in xisoblanib, ko’p hollarda shaxsning ijtimoiy moslashuvini ta’minlab beradi va o’quvchi xulqini idora etadi. O’z shaxsidan qoniqish hissi va o’z-o’ziga berilgan baho, ijtimoiy kompetentlikning muhim tarkibiy qismidir.

To’rtinchidan, o’quv jarayonida bolalarda tevarak atrofdagi kishilar bilan munosabatlarning yangi tipi shakllanadi. Bolalar ijtimoiy normalarni o’zlashtiradilar, shaxslararo munosabatlarda “nima yaxshi – nima yomon” ekanligini farqlaydilar, kattalardan ko’ra o’z tengdoshlariga yaqinlasha boshlaydilar.

Ushbu xolatda ijtimoiy moslashish uchun o’zaro hamkorlikdagi faoliyat ijobiy ta’sir ko’rsatadi, o’quvchi o’z tengdoshlari va kattalar bilan birgalikda faoliyat olib boradi. O’z fikrini boshqalarnikidan ajrata olish tufayli o’quvchi

o'z shaxsiy "Men"ining imkoniyatlarini chamalay oladi, ko'pgina hayotiy vaziyatlar uning xulq-atvori, o'zini tutishiga bog'liq ekanligini tushunib yetadi, shu asnoda muammoli vaziyatlarni hal etish ko'nikmalarini egallaydi.

Snunday qilib, ijtimoiy kompetentlik -shaxs ustanovkalari va ma'naviy qadriyatları, shaxsiy psixologik xususiyatlar tizimiga asoslanuvchi, o'zaro bir-biriga yaqin ijtimoiy kompetentsiyalar majmuasi bo'lib, individiga jamiyatga qo'shilishga va turli ijtmoyi rollarni samarali bajarishga imkoniyat beradi.

Ijtimoiy kompetentsiyalar qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin:

- shaxsiy;
- psixologik;
- ijtimoiy-psixologik;
- huquqiy;
- verbal;
- kommunikativ;
- iqtisodiy;
- kasbiy kompetentsiya.

Shaxsning ma'naviy-ahloqiy qadriyatları tizimida tolerantlik, boshqa kishiga nisbatan hurmat va uni qabul qilish, o'z-o'zini hurmat qilish va boshqalarni farqlash mumkin. Shaxsning asosiy psixologik tuzilmalari sifatida moslashuvchanlik, muvaffaqiyatga yo'nalganlik, kreativlik kabilarga e'tibor qaratiladi. [3].

Shaxsning ijtimoiy rollariga to'xtaladigan bo'lsak-ular alohida(individual) xususiyatlar hamda ijtimoiy normalarni birlashtirgan holda, shaxs va jamiyat o'rtaida vositachilik funksiyasini bajaradilar.

Yuqorida bildirilgan fikr-mulohazalarni tahlil qilgan holda, ijtimoiy kompetentlik tuzilmasining quyidagi modelini yasash mumkin bo'ladi:

- Ijtimoiy rollar spektri
- Ijtimoiy kompetentsiyalar tizimi
- Alohida(individual) psixologik sifatlar va ma'naviy-axloqiy ustanovkalar tizimi

Agar ijtimoiy kompetentlikni biz shaxsning ijtimoiy sohada va xususan yaxlit rivojlanish imkoniyati sifatida ko'rib chiqadigan bo'lsak, shunday xulosaga kelish mumkinki, ta'lim muassasalari tarbiya sohasi insonning sub'ekti o'z imkoniyatlaridan foydalanish, ijtimoiy kompetentligini rivojlantirish kabi ijtimoiy xulq atvorini shakllantirib beradi. Aynan shu qonuniyat tarbiya sohasida ijtimoiy kompetentlikni shakllantirish jarayonida katta ahamiyatga ega. O'quvchilar ijtimoiylashuv jarayoni natijasi sifatida mакtabning o'quvchining ruhiyatiga ko'rsatadigan ta'siri ijtimoiy kompetentligining yangi darajasini belgilaydi. Bunda ijtimoiy kompetentlikni shakllantirish yangi zamonaviy maktablar uchun zaruriy pedagogik vazifalardan biri hisoblanadi.

O'quvchiga ta'sir etuvchi kichik omillarga oila, tengdoshlar, jamiyat, turli ta'lim va tarbiya muassasalari kiradi. Maktabda yuqorida sanab o'tilgan omillar bilan birgalikda, ularning o'quvchi shaxsiga to'g'ridan to'g'ri ta'sirini



e'tiborga olgan holda o'smirlar ijtimoiylashuv jarayonini faollashtirish kerak. Maktab tarbiya instituti sifatida "jamiyat buyurtmasini hayotga o'tkazadi ushbu zamon, jamiyat talablariga mos insonni shakllantiradi, o'stiradi, yosh avlodni ular yashaydigan va ishlaydigan jamiyat talablarini e'tiborga olgan holda o'qitadi va tarbiyalaydi".

Bugungi kunda ta'lif muassasalari oldiga qo'yiladigan maqsadlardan biri ijtimoiy kompetentlikning yuqori darajasini shakllantirish uchun kerakli sharoitlarni yaratish, ijtimoiy psixologiya, pedagogika metod va usullarini tanlash hisoblanadi. Bunday shart-sharoitlarni ta'lif muassasasi tarbiya sohasi imkoniyatlaridan foydalanib yaratish mumkin, tarbiya kuchni bolalarga emas, balki ularni o'rabi turgan sharoiti, yashab turgan atrof-muhitiga qaratish kerak. M.I.Rojkovning fikrlarini tasdiqlagan holda, "... individ ijtimoiy tashkilot elementi bo'lib shakllansa, individ ijtimoiy munosabatlar tizimida vazifalarini amalga oshira olishi. ijtimoiy ahamiyat tizimini o'zlashtirishiga qarab jamiyatga kiritiladi" [1].

Bunday sharoitda bitiruvchilarga qo'yilayotgan talablarning yuqoriligini e'tiborga olgan holda maktab tashkiliy, mazmunli va texnologik qayta qurilishi kerak. Ta'lifning asosiy vazifasi madaniyat, ijtimoiy normalar va qadriyatlarni o'zlashtirish asosida jamiyatga tez kirishib keta oladigan o'quvchini tarbiyalashdir.

#### Фойдаланилган адабиётлар

- 1..Белицкая Г.Э. Социальная компетенция личности. Сознание личности в кризисном обществе. М., 1995.
- 2.Бодалев А.А. Психология общения: Избранные психологические труды – М.: Московский психолого-социальный институт, Воронеж: НПО «МОДЭК», 2002. – 256 с.
- 3.Карандышев В.Н. Психология: Введение в профессию: учеб. пособие. – М.: Академия, 2008. – 512 с.
4. Куницына В.Н. Межличностное общение: Учебник для вузов. - СПб.: Питер, 2001. - 544 с

## TA'LIM VA TARBIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK ALOQANING AHAMIYATI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.8.08.046>

Dilova Nargiza Gaynullaevna  
BuxDU dotsenti

Boltayev Sunnat Baxtiyor o'g'li  
jismoniy madaniyat fakulteti talabasi

*Annotatsiya: maqolada o'quvchilar bilan ta'lif-tarbiyaviy jarayonda ijobjiy aloqalar o'rnatish, ijobjiy iqlim yarata olish, o'ziga ishontira olish va jalg qilish*

*o'qituvchi kommunikativ qobiliyatining asosiy mohiyati ekanligi, o'qituvchi bilan bog'liq bo'lgan minglarcha ruhiy jarayonlar, o'zaro muomala turlari va shartlarning mavjudligi, tarbiyaning samaradorligi, pirovard natijada o'quvchilar bilan aloqa o'rnatishning shakl va uslublariga bog'liqligi masalasi yoritilgan.*

*Tayanch so'zlar: ta'lif va tarbiya, samaradorlik, o'zaro aloqa, muomala, munosabat, pedagogik muhit, ta'sirchan nutq, dunyoqarash, mustaqil fikr, psixologik holat.*

*Аннотация. в статье умение устанавливать положительные отношения со студентами в учебном процессе, создавать положительный климат, уметь убеждать и привлекать что основная сущность коммуникативной способности учителя, наличие тысяч психических процессов, связанных с учителем, виды и условия взаимодействия, эффективность обучения, в конечном счете зависит от форм и способов установления общения с учащимися вопрос о существовании покрыт*

*Ключевые слова: обучение и воспитание, работоспособность, взаимодействие, лечение, отношение, педагогическая среда, действенная речь, мировоззрение, самостоятельное мышление, психологическое состояние.*

*Annotation: in the article, the ability to establish positive relations with students in the educational process, to create a positive climate, to be able to convince and attract that the main essence of the teacher's communicative ability, the existence of thousands of mental processes related to the teacher, the types and conditions of interaction, the effectiveness of education, ultimately depends on the forms and methods of establishing communication with students the question of existence is covered*

*Key words: education and upbringing, efficiency, interaction, treatment, attitude, pedagogical environment, effective speech, outlook, independent thought, psychological state.*



Ma'lumki, o'qituvchi faoliyatida o'quvchilar bilan pedagogik aloqalarning uzlusizligi ta'lim - tarbiyaning asosiy qonuniyatlaridan biri hisoblanadi. O'quvchilar bilan ta'lim-tarbiyaviy jarayonda ijobjiy aloqalar o'rnatish, ijobjiy iqlim yarata olish, ularni o'ziga ishontira olish va jalg qilish o'qituvchidagi kommunikativ qobiliyatning asosiy mohiyati bo'lib, bunda bevosita o'qituvchi bilan bog'liq bo'lgan minglarcha ruhiy jarayonlar, ma'lum bir qolipdan chiqishi mumkin bo'lмаган muomala turlari va shartlari mavjud. Ta'lim - tarbiyaning samaradorligi, pirovard natijada o'quvchilar bilan aloqa o'rnatishning shakl va uslublariga qagiy rioya qilgan holda amalga oshirilishi bilan belgilanadi. Asosiy maqsad, o'qituvchi va o'quvchi munosabatida majburiy itoatkorlik o'rnnini ongli intizom egallashi, o'kuvchilarda mustaqil fikr yuritish ko'nikmalarini hosil qilishdan iborat. O'qituvchi tarbiya usullari tizimini belgilab olgandan keyin bir qator aloqa o'rnatish vazifalarini rejalashtirishi kerak. Albatta, bu nihoyatda qiyin jarayon, zero tarbiyaning har bir usuli, tarkibiy qismi va tashkil etuvchi usullari muomala orqali aloqa o'rnatishning samaradorligiga bog'liq. Ushbu jarayon bevosita o'qituvchining fikr almashuvi (refleksiya) bilan bog'liq xususiyatlari, o'quvchi ruhiy holatini fikr tezligi bilan uqib olish san'atiga va pedagogik ta'sir ko'rsatishning turli usullarini bir biri bilan o'zaro aloqadorliqda qo'llay bilishiga bog'liq bo'lib, ular uzlusiz shakllanadi.

O'qituvchining fikr almashuvi bilan bog'liq kommunikativ qobiliyatini shakllantiruvchi asosiy xususiyatlari o'quvchi ongiga qaratilgan faoliyat bo'lib, nihoyatda, murakkab jarayonda takomillashadi. O'zaro fikr almashish omillari bilan bevosita bog'liq bo'lgan kommunikativ qobiliyatning kuyidagi yo'nalishlari mavjud:

- o'quvchini ishontirish;
- o'quvchi ongiga ta'sir etish;
- o'zgalarga taqlid qilish.

O'quvchini ishontirish tarbiyalanuvchining ongiga qaratilgan bo'lib, o'qituvchi fikr - mulohazalarini ta'sirchan nutq orqali o'quvchining bilimlar tizimiga, dunyoqarashiga, xulq-atvoriga, hatti-harakatiga ta'sir etadi va uni qisman o'zgartiradi. Ishontirish o'qituvchining kasb faoliyatiga taalluqli bo'lgan murakkab faoliyatida asosiy ta'sir ko'rsatish vositasi bo'lib, ta'lim-tarbiya jarayonida qo'llaniladigan usullardan biri hisoblanadi.

O'quvchi ongiga ta'sir ko'rsatish bilan bog'liq bo'lgan ishontirish usuli o'qituvchidan bahs, munozara asosida dalillar keltirishni, isbot va mantiqqa tayanishni talab qiladi.

Ayniqsa, o'qituvchi bilan o'quvchilar orasida o'rganilayotgan mavzuga taalluqli muqobililik mavjud bo'lganda, tanqid va fikrlar kurashiga tayanilganda samarali bo'ladi.

Ishontirish tarbiyalanuvchining ongiga qaratilgan ekan, o'qituvchining his-tuyg'usi, nutqi va ishontira olish san'ati bunda muhim ahamiyatga ega. U pedagogik ta'sir ko'rsatish usuli sifatida darslarda yangi mavzuni tushuntirishda, o'quv-tarbiyaviy soatlarda, turli uchrashuvlar va ijodiy suhbatlarda munozaralar shaklida qo'llaniladi.

Tarbiyaviy tadbirlarda ishontirish usuli sinf jamoasi bilan hamda alohida o‘quvchi bilan individual suhbatlar o‘tkazish, siyosiy mavzularagi darslarda keng qo‘llaniladi. Ishontirish usuli yordamida o‘quvchilarning dunyoqarashi shakllantiradi. U o‘quvchi ongini begona mafkuraviy g‘oyalardan himoya qiladi, ishontirish asosida o‘kuvchiga ideal va mustaqil fikr qayta quriladi, ularni ba’zi psixik ta’sirlar tufayli sodir bo‘ladigan tushkunlik holatidan asraydi, ularda erkinlikni hamda mustaqil fikrlash qobiliyatini o‘stiradi, o‘ziga va kelajagiga ishonchni uyg‘otadi, o‘z-o‘zini tarbiyalashga undaydi.

O‘quvchi ongiga ta’sir o‘zaro fikr almashish jarayonida shakllanadigan murakkab psixologik xususiyat bo‘lib, o‘qituvchi kommunikativ qobiliyatining universal omili hisoblanadi.

O‘qituvchilarning o‘zaro suhbati va faoliyati jarayonida tarbiyalanuvchi ongigata’siretishning o‘zigaxosxususiyati shundan iboratki, uo‘quvchilarning psixikasi va xulq-atvoriga sezilarsiz ravishda ta’sir ko‘rsatadi. Ta’sir o‘quvchi ongiga, psixikasiga nazoratsiz kirib borishi bilan alohida ahamiyatga ega, o‘quvchining ijodiy faoliyatida, hatti- harakatlarida, intilishshrida yo‘l-yo‘riqlar ko‘rsatish tarzida amalga oshiriladi.

Ongga ta’sir - shunday bir psixik jarayonki, o‘quvchi o‘qituvchining yoki biror shaxsning ta’siri ostida, o‘z ongining yetarli nazoratisiz voqelikni idrok etadi. Agar o‘qituvchi bunda pedagogik mahoratga, psixologik tajriba va bilimlarga ega bo‘lmasa, o‘quvchi ongiga ta’sir qila olmaydi, natijada ta’limtarbiya jarayoni ijobiy natijalar bermaydi, o‘qituvchi o‘kuvchilarning hurmat e’tiboriga sazovor bo‘lolmaydi. O‘qituvchi o‘z tarbiyalanuvchilari ongini tashqi muhitning salbiy ta’sirlaridan, sinf jamoasi norasmiy yetakchilarining turli yashirin buzg‘unchi g‘oyalardan himoya qilishga mas’ul shaxsdir. O‘kuvchi ongiga ta’sir o‘tkazishda o‘qituvchi yetakchilikni o‘z qo‘liga kiritishi uchun:

- o‘quvchilarning salbiy xatgi-harakatlari tufayli sodir bo‘ladigan emotsiional his tuyg‘ularga berilmasligi;
- har bir o‘quvchining psixologik va ruhiy holatini puxta o‘rganmasdan uning ongiga tarbiyaviy ta’sir o‘tkazishga harakat qilmasligi;
- har bir o‘kuvchiga alohida shaxs sifatida hurmat e’tibor bilan munosabatda bo‘lishi;
- sinf jamoasining norasmiy yetakchisini sezdirmasdan aniqlab olishi va uning xatgi harakatidan doimo ogoh bo‘lishi;
- pedagogik mahoratning muhim jihatlarini uzluksizo‘zidat komillashtirib borishi;
- o‘ylanmay aytilgan har bir so‘z, noo‘rin fikr mulohazanining oqibatini hech qachon tuzatib bo‘lmasligini o‘qituvchi doimo his etishi lozim.

Shuni alohida ta’kidlash lozimki, hozirgi kunda axborot texnologiyalari maydonining nihoyatda kengligi tufayli o‘quvchilar ongi keraksiz g‘oya va mafkuralar bilan band bo‘lishi tabiiy hol. O‘qituvchilar yosh avlodni tarbiyalashda ongga ta’sir qilishning keng imkoniyatlarini o‘z o‘rnida qo‘llay olsalar, o‘kuvchilar ongini turli keraksiz g‘oyalalar va mafkuralardan himoya qila oladilar. Shuni unutmaslik kerakki, o‘kuvchilar o‘zlarining yosh

xususiyatlari va psixologik ta'sirga moyilligi tufayli har qanday ta'sirga nihoyatda beriluvchan bo'ladilar. O'qituvchi kommunikativ qobiliyati bilan pedagogik faoliyat olib borish jarayonida o'zaro fikr almashish yo'li bilan ta'sir ko'rsatishning ko'rib chiqilgan asosiy turlari - o'quvchini ishontirish, o'kuvchi ongiga ta'sir etish, taqpid qilish - bir-biri bilan chambarchas bog'liq bo'lgan psixologik xususiyatlardir va ayni vaqtda o'ziga xos farqlarga ega.

Ishontirish va ongga ta'sirning o'zaro bog'liqligi shundan iboratki, biz ta'sir ko'rsatish usulining unisidan ham, bunisidan ham foydalanganda ko'pincha notiqlik san'atini namoyish etamiz. O'qituvchining so'z boyligi va notiqlik malakasi ishontirish va ongga ta'sirning muhim manbaidir.

Pedagogik ta'sir ko'rsatish o'qituvchining muhim kommunikativ qobiliyatlaridan biri bo'lib, avvalo o'qituvchining tashqi qiyofasini ifodalovchi madaniyati, munosabatga kirishishi va nutq madaniyati asosida o'quvchilar bilan muntazam tarbiyaviy faoliyat olib borish jarayonida namoyon bo'ladi.

Pedagogik ta'sir ko'rsatish - tarbiyanuvchiga ongli intizom va mustaqil fikr yuritish ko'nikmalarini hosil qilish, tarbiyani ma'lum bir maqsadga muvofiq takomillashtirish uchun shaxsga muntazam va tizimli ta'sir ko'rsatish, jamiyatning ijtimoiy-tarixiy tajribalariga yondashib shaxsni har tomonlama kamol toptirish, uning xulq-atvori va dunyoqarashini takomillashtirish, yosh avlodni muayyan maqsad asosida tarbiyalash, ijtimoiy ong va xulq-atvorni xalqimizning boy mafkuralari asosida shakllantirishga yo'naltirilgan faoliyat jarayonidir. Pedagogik ta'sir ko'rsatish asosida tarbiyanuvchining ongi shakllanadi, ma'naviy boyligi va his-tuyg'ulari rivojlanadi, unda ijtimoiy hayot uchun zarur bo'lgan ijtimoiy aloqalarni tashkil etishga xizmat qiladigan xulqiy odatlar hosil bo'ladi.

Pedagogik ta'sir ko'rsatish bilan jamiyatning shaxsga qo'yadigan axloqiy talablariga muvofiq keladigan xulqiy malaka va odatlari hosil qilinadi. Bunga erishish uchun o'quvchining ongi, hissiyoti va irodasiga ta'sir etib boriladi. Agar bularning birortasi e'tibordan chetda qolsa, o'qituvchining ta'lim va tarbiyaviy maqsadlarga erishishi qiyinlashadi.

Tarbiya jarayoniga o'qituvchi rahbarlik qiladi. U o'kuvchilar faoliyatini belgilaydi, ularning pedagogik jarayonda ishtirok etishlari uchun shart-sharoitlar yaratadi.

Pedagogik ta'sir ko'rsatish mazmunida tarbiya mohiyati ifodalangan bo'lib, uning mazmuni mamlakatning ijtimoiy maqsadlaridan kelib chiqib asoslanadi. Tarbiya mohiyati turli davrlarda har xil ifodalangan bo'lsa ham, ammo yo'naltiruvchanlik xususiyatiga ko'ra bir-biriga o'xhash g'oyalarni ifodalarydi. Zero, har bir xalqning taraqqiy etishi, davlatlarning qudratli bo'lishi avlodlar tarbiyasiga ko'p jihatdan bog'liqligi qadimdan o'z isbotini topgan.

#### Foydalilanigan adabiyotlar

1. Musurmonova O. Ma'naviy qadriyatlar va yoshlar tarbiyasi.-T.:O'qituvchi, 1996,192 b.
2. Muhiddinov A.G.O'quvjarayonida nutq faoliyati.-T.:O'qituvchi,1995.
3. Nishonova S. Komil inson tarbiyasi. - T.: Istiqlol, 2003. -
4. Ochilov M. Muallim qalb me'mori: Saylanma. -T.: O'qituvchi,



5. Педагогика. (Под ред. П.И. Пидкасистого).- М.: Педагогическое общество России, 2003, 608 с.
6. Pedagogika nazariyasi va tarixi. 1-qism: Pedagogika nazariyasi. (M.X.Toxtaxodjaeva va boshqalar)-T.:10T18OO-MO1UA,2007,380 b.
7. Pirmuxamedova M. Pedagogik mahorat asoslari.- T.: 2001.







































































































Журнал Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан 2020 йил 6  
октябрда ўтган.

Журнал ҳар ойда бир марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр  
этилади.

Журналнинг хажми 60x84, 1/8, А-4;

«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-методик жур-  
нали 2020 йил октябрдан нашр этилмоқда.

Педагогика, психология, филология ва тилшунослик, математика,  
физика ва механика, техника фанлари, табиатшунослик, тарих ва фал-  
сафа, туризм ва иқтисодиёт, ахборот коммуникацион технологиялари,  
география соҳалардаги илмий ва илмий-услубий материалларни ўз ичи-  
га олади. Нашр қилинган материаллар муаллифлари Ўзбекистон Респуб-  
бликаси ҳамда яқин ва узоқ хорижнинг етакчи олимлари, тадқиқотчи-  
изланувчилари.

Журналнинг калит сўзлари:

Олий педагогик таълим назарияси ва амалиёти; умумий  
ва маҳсус педагогика ва психология, педагогика ва инновация,  
интеграция, Ўзбекистон, Россия ва хорижий мамлакатларнинг таълим  
тизими; таълим жараёни; кўп маданиятли ва минтақавий таълим; III  
Ренессанс, XXI асрдаги таълим; таълим ва тарбия соҳасидаги миллий  
ва қадрият устуворликлари; таълим сифатини мониторинг қилиш; уз-  
луксиз педагогик таълим тизими; таълим дастурлари; умумий ўрта ва  
ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари;  
ўқитувчиларни тайёрлаш тизимидағи таълим технологиялари.

Гувоҳнома рақами № 8882  
Бош муҳаррир: Б.Б.МАЪМУРОВ

Босишга рухсат этилди 30.08.2022. Буюртма №8348.  
«Бухоро вилоят босмахонаси» МЧЖда чоп этилди.

ISSN 2181-1717 (E)



9 772181 171701


ISSN 2181-1709 (P)



9 772181 170902




ISSN 2181-1717 (E)



9 772181 171701

ISSN 2181-1709 (P)



9 772181 170902